


Нурлдин Исмайлов

ОМОНАТ FOR СИРИ



Нурилдин ИСМОИЛОВ

ОМОНАТ FOP СИРИ

Саргузашт-детектив роман

(Иккинчи нашри)

ТОШКЕНТ «O'ZBEKISTON» 2008


**84(5У)6
И 81**

Исмоилов, Нурилдин.

**Омонат фор сири: Саргузашт-детектив роман /
Нурилдин Исмоилов; [Кириш сўзи А.Отабоев-
ники]. — Т.: «O'ZBEKISTON», 2008. — 176 б.**

ББК 84(5У)6

**№ 676-2006 Алишер Навоий
номидаги Ўзбекистон Миллий
кутубхонаси**



ISBN 978-9943-01-010-9

© «O'ZBEKISTON» НМИУ, 2008.

— Ако, садақа қиленг. Манга садақа қылсангез бахтингиз очиладе, ако, — эгнига алламбало кийим кийиб олган ўн етти ёшлардаги қыз “Нексия”га суюниб сигарета чекиб турған Бобурға құланин чұзди.

Йигитнинг энсаси қотди. Лўли қызга бошдан-оёқ разм солиб:

— Сенларни уруғинг бунча кўп! Ҳар қадамда иккитечтанг тиланиб турасан-а. Жонга тегиб кетдинглар-ку! Ҳозиргина бирорингта садақа берувдим. Нима бало, келишиб олганмисилар? — деди.

— Ако, жаҳлингиз чиқса бурнингизни тишланг, ўтиб кетаде, — деди қыз бўш келмай. — Сизга уруғ бизницидан каммас. Каттакон бой бўпсиз. Ман сизга баҳт, деб айтобман...

— Қоч, йўқол, баҳтим чиқиб турибди ўзи! — дея лўли қизни ҳайдади Бобур.

Лўли қыз парво ҳам қилмай баттар тирғалди:

— Ако, баҳтингиз кетса, бебаҳт бўп қоласиз, охийр.

Бобур асабийлашиб чўнтагини қавлади. Аксига олгандай, майда пули йўқ экан, қўлига нуқул мингталиклар илинди.

— Мени қўя тур, ўзингни баҳтинг йўқ экан. Майда пулим қолмабди, — деди энди Бобур илжайиб.

— Баҳтимнинг борлиги шу-да, каттасидан бераверинг, ако.

— «Ако» демай ҳар бало бўлгур. Бунча лўлилик қиласан? Биласанми, минг сўм ишлаб топишимга қанча вақт кетади?

— Ман лўли-да, ако. Сиз бир минутда топасиз, “Нексия” миниб юрибсиз-ку.

— Уф-ф, нега аридай ёпишиб олдинг! Бор, ишингни қил! Оғриган бошимни баттар оғритма.

— Манга давоси бор-да бош оғригини.

— Сен тезроқ йўқолсанг, бошимнинг оғриғи қоларди.

— Сиз сотовганмисиз бу ерни?

Бобур чидаб туролмади. Битта мингталикни чўнтағидан олди-да, лўли қизнинг башарасига отди:

— Энди йўқол, қорангни кўрмай! — деди тутоқиб.

Лўли қиз бир зум ҳайкалдек қотди, ранги оқарди, кейин кўзларида ўт чақнаб Бобурга тик қараганча:

— Пулингиз бошингизда қолсин, ако! — деди-ю, ерда ётган пулни олиб йигитнинг башарасига қайтариб отди ва шарт бурилиб тез-тез юриб кетди.

Бобур нимадир демоқчи бўлди, бироқ тили айланмади. “Жа, ори баландга ўхшайди, — хаёлидан ўтди унинг, — бунақасини ҳали учратмагандим”.

* * *

Лўли қизнинг кўзидан тинимсиз ёш оқар, ўпкасини босолмасди. Аслида дийдаси қотиб, сўкишу камситишларга ўрганиб кетган бўлса-да, ҳозир йигитнинг қаттиқ жеркиганига чидолмади. Қарғаса бўларди, оғзига келганини қайтармай шармандасини чиқариши мумкин эди, йўқ, лўли қиз бундай қилолмади. Ҳўрлиги келиб, тили оғзида фўладай қотди. Энди изза бўлганидан ўксиб-ўксиб йиғлаб келаяпти.

Бир тўп лўлилар бозор дарвозасининг ёнида чуғурлашиб, ўтган-кетганга қўл чўзишиб ялтоқланишарди. Бўзлаб келаётган шерикларини кўриб, уларнинг кўзлари олайиб кетди. Бараварига югуришиб, қизга пешвуз чиқишиди. Уларни кўриб қиз ўпкасини босолмай ўкириб юборди.

— Қайси мочагар сани йиғлатди?! — шанғиллади ўзининг шевасида юзи қозоннинг куясидай қорақўнғир, кенг елкали қориндор хотин. У мана шу катта бозорнинг лўлиларига бош, ҳаммага отнинг қашқасидай таниш эди. Лўлининг на эркаги, на аёли унинг буйруғисиз бир иш қилмасди. Ҳаммаси ундан ўлгудай қўрқишарди. Важоҳатидан ит хуркар, тилидан ҳам, қўлидан ҳам анча-мунча иш келарди. Шунданми, ҳурмати ҳам баланд эди. Бу атрофдаги лўли борки, унинг ҳомийлигига муҳтожлик сезар, майда-чўйда жанжалларга у кўндаланг — барини осонгина, силлиққина ҳал қиласарди. Шу боисдан ҳам у, кимсан, «Хосият биби» эди.

Йиглаётган лўли қиз — Лола индамади, нозик бармоқлари билан лўлилардан тамоман фарқ қиласидан оппоқ юзини беркитиб, ҳиқиллашда давом этди.

— Хўнграма! — бақирди Хосият биби, — ким кўзингдан сувингни оқизди?

Лола қўли билан орқа томонга ишора қилди, лекин кимлигини айтмади. Хосият биби бирорвга ҳақини бериб кўядиган ландовурларни ёқтирумас, аяб ҳам ўтирумас, оғзига қелганини айтиб-солиб, ер билан битта қилар, атрофида одам бор-йўқлигига қарамай, сочини битталаб юлиб, юзини қонга беларди. Лола ҳали бу кўйга тушмаган, майдада хатоликлари учун уни озгина койиганди, холос. Мана энди у ҳам тумшуғидан илиниб турибди. Нотаниш йигитнинг ҳақоратлаб хўрлагани бир бўлди-ю, Хосият бибининг қаҳрғазабига учрагани бир бўлди: лўлибоши хотин уни тегирмон тошидан ўтказмай кўймас, ҳар қалай.

— “Нексия”сига суюниб сигарет чекобди ташқариди, — деди Лола имкон қадар овозини дадилроқ чиқаришга уриниб.

Бироқ Лола ўйлаганчалик бўлмади. “Нексия”нинг эгаси ўғил бола эканини англабоқ Хосият бибининг тепа сочи тикка бўлди, енгини шимарди, қошлари чимирилиб туашганча бармоқдай йўғон чизиқ ҳосил қилди. У шиддат билан бозордан чиқиб, машиналар қатори томон жадал юриб кетди. Ортидан беш чоғли шотири эргашди. Уларнинг важоҳатида дунёни ағдар-тўнтар қилгулик шашт бор эди. Аскарлардай тизилиб бораётган лўлиларга ҳамма ҳайрон бўлиб қарап, ўзларини четга олиб йўл бўшатишарди. Қаққайиб турганларни Хосият биби туртиб ўтиб кетар, қарғишу сўкишларга парво қилмасди.

“Мехрибон”ларидан ортда қолмай, деб илдамлаётган Лоланинг юраги така-пука, у муқаррар жанжални истамас, очиги, нотаниш йигитга ичи ачири, унинг шарманда бўлишини хоҳламасди. Машиналар турадиган жойга етиб Хосият биби тўхтади ва ортига бурилиб Лолага: “Қани?” дегандек бош силкиди. Қиз атрофига аланглади, бироқ бояги оппоқ “Нексия” жойида йўқ эди. “Худога шукр-э”, — хаёлидан ўтказди қиз ва елкасини қисди.

— Нури неччи? Қараганимидинг нумирига?! — дағдаға қилди Хосият биби.

Лола каловланиб унинг юзига термилди, “Хозиргина шу ерда эди, кетиб қолибди”, демоқчи бўлди-ю, айттолмади, “култ” этиб ютинди. Хосият бибининг кўзлари чақчайди. Бир қадам олдинга ташлаб, паншахадай қўллари билан Лоланинг нозик юзига қарсиллатиб тарсаки тортди. Қиз шундай бўлишини билар, бунга ҳатто тайёр ҳам эди. Аммо тарсакининг зарбидан сўёғлари чалкашиб кетиб, ёнига қулади. Рўмоли бошидан тушиб, соchlари ёйилиб кетди. Хосият биби эса, баттар тутақди.

— Ҳали сан сочингни ёйиб юрибмисан?! — дея қичқириб қизнинг биқинига икки тепди. Лекин учинчи бор тепишга улгурмади, узоқдан можарони кузатиб турган милиционер югуриб келиб, «лўлибоши»нинг қўлидан ушлаб қолди.

— Ако, команди-ир, — илжайди Хосият, — мани танимабсиз-да.

— Танийман, — деди милиционер қовоғини уйиб, — лекин тартибни бузманг. Нима гап бўлса уйларингта бориб олиб, кейин орани очиқ қилинглар.

— Ҳўп, ако командир, сиз боринг, биз гаплашиб олаверрамиз, — дея Хосият биби тупроқча беланиб ётган қизни ўзининг эркакча сўкишлари билан яна бироз сийлади-да, бозордаги жойига қараб кетди.

* * *

— Кимни кўриб қолдинг? — қўлида иккита елим халтана кўтариб олган Дониёр Бобурнинг ёнига келиб сўради.

— Ҳеч кимни, — дея нигоҳини лўли қиздан узди Бобур ва секин машинасига ўтириди, — битта лўли тиланиб келди, чўнтағимни кавласам, вообще майда пулим йўқ. Тирфалаверганидан кейин эй, бор-эй, деб битта мингталикни башарасига отиб юборгандим, ранги бўзариб, қайтариб ўзимга отса бўладими? Духи баланд экан.

— Шунга боядан бери қоққан қозиқдай серрайиб термилиб турганмидинг? Ундан кўра шефнинг буйругини нима қиласиз, ўйладингми? — дея Дониёр чўнтағидан сигарета олиб лабига қистирди.

Бобур ён-атрофга қараб олиб, орада башараси тиришиб сигарет тутатаётган Дониёрга кўз ташлади-да, машинани юргизди.

— Нима қилишгаям ҳайронман, — деди у паришен ҳолатда.

— Менда битта зүр фикр бор, балки шуни қилармиз? — Дониёр машина ойнасини тушириб, сигарета ушлаган қўлини букиб, тирсагини ташқарига чиқариб олди.

— Айт-чи, — деди Бобур йўлдан кўзини узмай.

— Шефнинг кичик қизи — Лазокат какраз эртага Чимкентга кетади. Биз ундан олдинроқ борамиз-да, молни у ўтирган мосинага яшириб қўямиз. Унинг ўзи бу ёқقا ўtkазиб берганини билмай қолади. Қарабсанки, иш битди

— эшак сувдан ўтди.

— Миянг жойидами сенинг? Шеф билиб қолса, теримизни шилади-ку! Кейин чегарада шефингми, бошқангми — қараб ўтирамайди.

— Мен...

— Кўй, бунақа гапни бир айтдинг, бошқа оғзингга олма,

— дей унинг гапини чўрт кесди Бобур.

Шундан сўнг орага жимлик тушди. Иккиси ҳам ўз хаёллари билан банд бўлишди. Бобурнинг миясида лўли қизнинг: “Пулингиз бошингиздан қолсин”, деган гапи айланарди. “Қарғаб кетган бўлса-я, йўғ-э, лўлининг қарғиши ўтмайди, дейишади-ку... Ўтса-чи? Лекин қомати келишган экан. Кўкраклари жонингни суғуриб оламан, дейди. Қизик, лўлиларнинг бунақасини ҳеч курмагандим. Оппоққина, кийимлариям тоза, тишлари ялтирайди, атирнинг ҳиди келадими-еъ... Йўқ, аниқ, у лўли эмас, ўзини лўлиликка солиб юрибди, шекилли...”. Хаёл олиб қочиб, йигит рулдагини буткул унутган эди. Аксига олгандай, Дониёр ҳам йўл ёқасидаги қизлардан кўзини узмас, бири-биридан сувлув қизларга ютоқиб қарап, ширин энтикиб қўяр, машинанинг эса йўлдан чиқиб кетаёттанини сезмаётганди.

Бир маҳал Бобур ўтирган ўринидиқ тагидан чийиллаган товуш чиқди. У чўчиб кетди ва бирдан кўзи рўпарасидаги “КамАЗ”га тушди.

— Ўлдик!!! — дей бақирганча рулни ўнг томонга бурди. Бахтга қарши, рўпарадан елдай учиб “Тико” келарди... Кейин нима бўлганини Бобур англаёлмайди. «Қасир-қусур» товушларни, кимларнингдир бақиргани-ю машинанинг бир ёнбошга оғаёттанини элас-элас эслайди. Кўз олдини туман

қоплади, сүнғра бутун борлық зулмат қўйнига сингиб кетди...

У йиги товушидан уйғониб кетди. Кўзини очмоқчи бўлди, очолмади. “Нима бўлаяпти?” деган фикр ўтди хаёлидан. Кўзини босиб турган нарсани олиб ташламоқчи бўлиб кўлини кўтаришга уринди, бироқ кўли қимиrlамади. Сўнг оёғида ҳам жон йўқлигини сезди. “Ўлиб қолган бўлсам-а!” деган ўйдан кўрқиб кетди ва бақирмоқчи бўлди, бироқ овози чиқмади. Хаёлида қулоғидан бошқа биронта ҳам аъзоси ишламаётгандай. “Ҳақиқатан ҳам ўлибман. Ўлганлар фақат эшитса керак... Тўхта, нега ўлар эканман? Ким мени ўлдирди? Қандай қилиб?” Кейин бошида қаттиқ оғриқ турди. Бобур беихтиёр ўкириб юборди. Бўғзидан бу сафар товуш чиқди. Унинг инграганини тепасида турган — пешонасини ажин босган, сочига оқ оралаган, бошига оппоқ дока рўмол ўраб юрадиган эллик ёшлардаги Анбар опа, этаги тиззасидан бироз баланд, оппоқ юпқа спорт кийимини кийиб олган, елкасини қоплаган қоп-қора, майин соchlари тўлғониб турган Наргиза ҳам эшитди. Шу заҳоти улар бараварига дока билан ўраб-чирмаб ташланган Бобурнинг қўлларидан ушлашди.

— Болам! — пицирлади кўзидан дувиллаб ёш оқаётган Анбар опа, — ўзингта келиб қолдингми?

— Бошим! — ингради Бобур.

— Дўхтир! Дўхтир! Укам ўзига келди! Тезроқ қаранг! — жон ҳолатда бақирди Наргиза.

Йўлакда аллақандай кўшиқни хиргойи қилиб, бошини саланглатиб кетаётган Фатхулла дўхтир Наргизанинг овозини эшитиши билан жойида тақقا тўхтади. “Ваҳ-ваҳ, — ютиниб олди у, — одам боласининг овози ҳам шунақа майин, ёқимли бўладими-а, юрагим тўклиб кетди-я. Жонимни суғуриб олдинг-ку, қизгина!”

У зўр иштиёқ билан ортига бурилиб, Бобур ётган палата томон йўрғалаб кетди.

— Ака! — деди кўзидаги ёшини кафти билан артган Наргиза, — укам ўзига келди, ҳозиргина гапирди. Бошим, деди. Боши оғриётган бўлса керак. Битта укол қилинг, қийналмасин укажоним!

“Меники-чи?! — хаёлидан ўтказди дўхтир қизнинг кўзига ҳирс билан тикиларкан, — меники қийналса майлимни?

Сенинг бир қарашиңг адойи тамом қилди-ку мени". Бирок у ўйлаганини айтмади. Бобурнинг устига энгашди, боши-ни ушлаб кўрган бўлди, сўнг бироз ўйланиб турди-да, эндигина кириб келган ҳамширага укол қилишни буюриб, Анбар опага юзланди:

— Оғири ўтди, хола, энди хавотир олмасангиз ҳам бўла-веради, ўғлингиз тезда тузалиб кетади.

— Худоё худованда, айтганингиз келсин, илойим, тузалиб кетсин, булар яшамаса менинг яшашимга ҳожат йўқ, шулар учун ер босиб юрибман-да, — деди Анбар опа кўзи-да ёш билан.

— Хола, куйинманг, ҳали бир невараларингиз бўлсин, кўзингизни қувнатади... Ҳа, айтганча, ҳозирча битта одам қолиши керак.

— Ўзим қоламан, — деди Анбар опа дўхтирнинг гапига жавобан.

Фатхулланинг ранги гезарди. У қиз қолса керак, деб ўйлаган эди. Ўйлагани чиқмагач, Анбар опага бироз термилиб турди-да, чиқмаган жондан умид қилиб:

— Кечаси ухлаб қоладиган одатингиз йўқми? — деб сўради қаншарини қашлаганча.

— Ўлибманми ухлаб, болам бир аҳволда ётади-ю, ме-нинг кўзимга уйқу келарканми?

Фатхулла чукур хўрсиниб хонани тарк этди.

— Ойижон, менам сиз билан бирга қолай, дўхтир айтга-нидай, мабодо ухлаб қолсангиз, укам бечора...

— Қўй, қизим, — Наргизанинг гапини бўлди онаси, — бир кеча минг кечамиди! Яхшиси, сен эртага қоласан, навбат қиласиз.

«Бемор сал безовталанса, мени чақирасизлар», деб айтиш баҳонасида, аслида Бобурнинг гўзал опасининг шаҳло кўзла-рига яна бир карра боқиб, роҳатланиш мақсадида ортига қайтган Фатхулла эшикка яқинлашган кез Анбар опанинг гапларини эшилди ва ширин энтикиб кўйди-да, изига қай-тиб, бош врачдан навбатчилигини эртага қолдиришга рух-сат сўраш учун шошли.

* * *

Йигитларининг сонини йигирмадан ошириб, хизматла-ридан усталик билан фойдаланаётган Ҳалил бойвачча ҳаша-матли ҳовлисининг қоқ ўртасидаги фавворага тақаб кўйил-

ган чорпоя устида күзини юмганча шириң хаёллар оғушыда пар ёстиққа ёнбошлаб ётарди.

— Адажон! — кичкина қизининг бақирған овозидан унинг хаёли тұзғиб кетди.

— Нима гап? — деди бойвачча паст овозда, ўрнашиброқ құзиларкан.

— Ваъдангизни эсингиздан чиқариб қўйдингизми? — деди қизи қўнфироқдай овозда.

Қизининг ажнабийча кийиниб олгани Халил бойваччанинг асабини бузди. Аслида ўзи кўча-кўйда очиқ-сочиқ қийиниб юрадиган қизларни кўрса, кўзи ўйнаб суқланиб қарар эди. Аммо ҳозир қизининг туриш-турмуши унга мутлақо ёқмади. «Менинг қизимга ҳам бошқалар шунаقا қараса керак», деган фикр кечди хаёлидан.

— Одамга ўхшаб кийинсанг бўлмайдими, қизим? — деди у норозиланиб.

— Адажон, — Лазокат биланглаб унинг ёнига югуриб келди. — Сиз замонавий одамсиз, катта бизнесмен, бойсиз. Сизнинг қизингиз “дурандуплетча” кийиниб юрса бошқалар нима дейди? Шундай одамнинг қизи замондан орқада қолиб кетибди, демайдими? Кейин ўзингиз уялиб қоласиз.

— Юз марта, майли, минг марта уялай! Кўчага чиқолмай қолай, агар сенинг одамга ўхшаб кийиниб юришинг уят саналса... Ўн саккизга кирдинг, ҳадемай, эшигимизни совчилар қоқишишади. Улар сени бу аҳволда кўришса...

— Вой адажониси-ей, қаёқдаги гапларни гапирасиз-а, — Халил бойваччанинг хотини Мўътабархон эшикни очиб ташқарига чиқиб келди. — ёш нарса, тенқурларидай ўйнаб-кулай дейди-да. Қўйинг, майли, сизнинг давлатингизнинг соясида яйраб қолсин. Куёвга бериб юборсак, кейин эри нима деса шуни қиласи.

— Ҳа, хоним, сиз шундай деб турганингиздан кейин булар менинг гапимни олармиди, билганидан қолмайди-да. Қиз бола дегани сал ўзини тутиб юриши керак, — тутақиб кетди бойвачча ва ўрнидан туриб, отилиб турган фаввора сувида юзини ювди.

Лазокат норози қиёфада онасига юзланди. “Кўявер, ҳали ўзим ақлини киритиб қўяман”, қабилида қўлини силтади

Мўътабархон. Унинг бу ҳаракатидан руҳланган қиз бағтар тантиқлашди:

— Адажон, ваъдангизни эсингиздан чиқариб қўйдингизми?

— Нима ваъда берувдим, қизим? — деди қизига киноя қилиб нозли оҳангда ота.

— Бутун машина олиб бермоқчийдингиз-ку!

— Оббо, — дея пешонасини ушлади Халил бойвачча, — ҳали бунисиям бормиди? Қачон ваъда берган эканман, қизим, нимагадир ҳеч эслолмаяпман!

— Ойижоним айтдилар, эртага қизингга мошина олиб бераман, деганимисиз-ку. Правам бўлса, бошқалардан нимам кам, нукул автобуснинг сассиқ салонида юравериш жонимга тегиб кетди. Обери-и-инг, хўпми-и-и?! — Лазокат отасининг елкасига осилиб, сочини силай бошлади.

Халил бойвачча эслади. Кеча тунда хотинини бағрига босиб, ўткир хушбўй атир ҳидидан тўйиб-тўйиб ҳидлаб: “Қизимга ҳам битта мошина оберсан, яйраб юради-да”, деганди. Кайф устида айтганди бу гапни. Ўшандаям Лазокатта эмас, университетда ўқиётган, ақлли, ўзи доим: «Очиқ-социқ кийинмайди», деб мақтайдиган камгап катта қизи Нилуфарни назарда тутганди. Бироқ фаросати ўзига яраша хотини Мўътабархон арзандасига бу гапни оқизмай-томизмай етказибди-да. Катта қизи эса хаёлининг бир чеккасига ҳам келмабди. Йўқ, Нилуфарни ҳам у туққан. Фақат катта қизини қайноаси, арзандасини ўзи тарбиялаган. Катта қизи ақлли, гоҳида онасининг гапидан, ишидан камчилик топади. Элликни қоралаб қолганига қарамай, упа-эликни қалин қилиб суриб, бўй етган қизлар билан тенглашишга уринадиган Мўътабархон катта қизини «акли кўплиги» учун ҳам унча хушламасди. Шу боис, кийимларнинг энг олди Лазокатники бўларди. Оғир-босиқ Нилуфар эса, онасининг қиликлариға кулиб кўя қоларди. Айни шунинг учун ҳам Нилуфарни Халил бойвачча яхши кўрарди. Бу эса, бир оиланинг иккита «фронт»га бўлиниб қолганини кўрсатиб турарди.

— Правани қаердан олдинг? — сўради бойвачча ҳайрон бўлиб қизидан.

— Адажон, ҳозир бунинг йўли жуда осон, ўзингиз биз-

несменсиз, яхши биласиз. Икки юз эллик «кўқ»идан ташласангиз, хоҳлаган “учебний центр” тўғрилаб беради.

— Ҳа, шунга қолганда ақлим етмабди-да. Ҳўш, қаердан бошламоқчисиз?

— Нимани?! — ажабланди Лазокат.

— Афдаришни-да, қизим. Уйданми ёки столбаданми, нимадан? — деди бойвачча киноя билан.

— Адажон, ҳайдашни биламан. Анави югурдагингиз бору, Дониёр, ўша ўргатган.

— Тушунарли, — деди ота чукур хўрсиниб, — сен ҳозир уйга киравер, кейин гаплашамиз.

— Алдамайсиз-а, оберасиз-а? — дея Лазокат жойидан жилмай эркаланиб тураверди.

— Ҳали яхшилаб ўйлаб кўрамиз. Ундан кейин, аввал опангга оберамиз, тағин бир-икки йил ўтса, балки сенгаям насиб қилиб қолар.

Лазокатнинг қошлари чимирилиб, узун киприклари пирпиради ва кўзлари жиққа ёшга тўлди. Шу алпозда бироз отасига чақчайиб қараб турди. Кейин кафтлари билан юзини бекитганча ҳўнграб йиғлаб уйга кириб кетди. Ҳаммасини кўриб-кузатиб турган Мўътабархон жигибийрон бўлиб эрига бақириди:

— Нима бало бўлган сизга?!

— Ўчир! — деди бойвачча хотинига ўшқириб, — ҳаммасига сен айбдорсан, эркалатиб юборгансан!

Ҳалил бойваччанинг важоҳати тизгинсиз эди, кимдир унга гап қайтарса, тамом — кутуриб кетар, кейин кўзига њеч нарса кўринмай қоларди. Мўътабархон тилини тийди. Бошини эгиб бироз каловланиб турди-да:

— Чой дамлаб келайми? — деди синиқ овозда.

— Яххиси, қорангни кўрсатма, — деди бойвачча ва ёстиққа бошини кўйиб, кўзини юмди.

Мўътабархон эрига еб кўйгудек бўлиб қараб кўйди-да, қайрилиб уйи томон кетди. У зиналарни оғир босиб кўтарилаётганида:

— Ҳамро қани? — дея сўраб қолди Ҳалил бойвачча.

— Бозорга жўнатгандим. Ҳали-замон келиб қолар, — жавоб қилди Мўътабархон рўйхуш бермай.

Шу пайт дарвозанинг кичик эшиги очилиб, ҳовлиққанча Бердимурод кириб келди. У бойваччанинг ўнг қўли

хисобланар, нимаики нозик юмушлар бўлса барисини бир ўзи эпларди. Бўлар-бўлмасга хўжайнини безовта қилмас, қалтис вазиятлардагина: “Маслаҳатингиз керак”, деб келарди. Зарур пайтда бойваччанинг ўзи уни чақириб оларди.

Бердимуроднинг туйқусдан пайдо бўлиши бойваччани сергак тортириди. Унинг юзидан аллақандай ташвиш аломатлари сезилиб туарди. Бойвачча дарҳол ўрнидан турди.

— Нима гап?! — деди у ёрдамчиси ҳали етиб келиб қўл узатмасидан бурун сабри чидамай.

— Хўжайн, — деди Бердимурод қадамини тезлатиб, Мўътабархонга ўғринча бир қараб олар экан, паст овозда, — озгина иш чиқиб қолди.

Нимадир бўлганини англаган Мўътабархоннинг бирдан ичи қизиб кетди. Нима гаплигини билиш иштиёқи шунақанги гуркирадики, ўзини кўярга жой тополмади, бироқ ўйга кириб кетмай иложи йўқ, чунки бундай кезда бойваччанинг қамчисидан қон томарди.

— Қанақа иш? — деди Халил бойвачча ва озгин қўллари билан олдиаги пиёланинг четини черга бошлади. Бу унинг одати — қачон асабийлашса олдида турган нарсани чертиб тақиуллата бошларди.

— Анави Дониёр билан Бобур ишкал чиқариб қўйишибди.

— Нима, яна қанақа ишкал? — бойвачча ўтирган жойидан илкис қўзғалди.

— Мошинни ағдариб юборишибди.

— “Мол” йўқмикан?

— Ҳали олишга улгуришмаган экан. Менимча, энди боришаётган бўлса керак. Эртага Қозогистонга кетиши керак эди.

— Тирикмикан онангни эмтурлар?

— Иккаласи ҳам тирик, лекин дабдаласи чиқиб кетган. Айниқса, Бобурга қараб бўлмайди... Кейин яна битта “но”-сиям бор.

Бойвачча кўзлари олайиб ёрдамчисига қаради.

— Дониёрнинг чўнтағидан юз грамм чиқибди!..

— Итдан тарқаган! Бу ерда бир грамм ҳам сотма дегандим-ку, падарингга лаънатга! — қичқириб юборди Халил

бойвачча ва жаҳл билан пиёлани фавворанинг гирдидағи тошга қулочкашлаб урди.

— Ҳўжайин, ҳаммасини текисладим. Ими-жимида ҳал қилиб келдим. Бирор хитлангани йўқ, — деди Бердимурод Ҳалил бойваччани тинчлантириш мақсадида. У куттанидай, ҳўжайини қўлларини мушт қилиб, у ёқдан-бу ёқقا асабий бориб-келиб, бироз босилди.

— Бугун Лазокат Чимкентта кетмоқчиди. Бирга ўқиган синфдоши ўша ёқقا кўчиб кетган, шунинг туғилган кунига бормоқчиди. Бормайди, — деди Ҳалил бойвачча ўзига-ўзи гапиргандай гудраниб, сўнг Бердимуродга юзланди: — Ментлар кўрибдими Дониёрнинг чўнтағидан чиқсан нарсанси?

— Кўришган, лекин ҳали чукурлашиб кетмаган экан.

— Ҳм-м. Фақат уларнинг мошинаси ағанаганми?

— Йўқ. Яна битта “Тико”нинг дабдаласи чиқибди. Кўрганларнинг айтишича, бизнинг мошина аввалига қара-ма-қарши йўлга чиқиб кетибди. Қаршисидан “КамАЗ” келаётган экан. Бирдан ўзининг йўлига ўтмоқчи бўлиб “Тико”ни қарсллатиб урибди. Тезлигиям юздан кам бўлмаган. “Тико”нинг шофёри ўлибди, лекин ёнидаги тирик экан.

— Унда, — Ҳалил бойвачча пешонасини қашлади, — битта милиционер эмас, кўпчилик кўрган Дониёрнинг чўнтағидагини. Буни чукурлашмаган деб бўлмайди... Доим аксига олади-я! Бу ифлос Дониёр бир ой олдин биттасини зўрлаб қўлга тушувди. Ўшанда олиб чиқаётib: «Бу — охиргиси!» деб уни огоҳлантиргандим. Энди кечириш йўқ. Ка-салхонага борасан. Бугун тунда. Олиб чиқасан... Гўрни ахлатхонадан қазиган яхширок, тўғрими, нима дейсан?

— Балки...

— Балки-малкисини билмайман. Тушундингми?! — деди Ҳалил бойвачча ўткир нигоҳини ёрдамчисига қадаб. Бердимурод ютиниб олди-да:

— Бобурниямми? Ҳар қалай, иккаласи бирдан кетса, из йўқоларди, — деди.

* * *

Лоланинг қони қайнаб кетди. Фазаби жўшиб, Хосият бибининг орқасидан бориб уни юмдалаб ташлагиси келди. Қўлларини мушт қилиб ўрнидан турди. Аммо иккита лўли

хотиннинг туриб олишига кўмаклашгани бироз шаштини туширди. Лекин алами босилмади. “Шошмай тур, — дея тишини қайради у, — сен мочагарнинг адабингни шундай берайки, умрбод эсингдан чикмасин! Сенга бизни боғлаб бериб кўймаган. Қачонгача бошимизда ёнғоқ чақасан, қари алвасти!”

У қўлидан тутиб турғанларга қараб илжайди.

Лола доим улардан четроқ юришга уринар, тер ҳидига чидолмасди. Уйидаям шу аҳвол — бадбўй ҳаводан бўғилиб кетади. Укаларини, опасини ҳоли-жонига кўймайди, овқат маҳали ким қўлини ювмаган бўлса, жеркиб беради, таъсир қилмаса, турткилайди. Бироқ бу билан аҳвол ўзгармайди, ачимсиқ ҳид анқийверади.

Лўли хотинлар унга “Нозикойим” деб лақаб кўйиб олишган. Бунга Лола бурнини жийириб қўяқолади. Лекин йигитларнинг суйкалиши жонига тегиб кетган. Бўй етганидан бери қўшнисидан тортиб маҳалланинг нариги четидаги бўз болаларгача уйининг атрофида уралашади. Кошки биронтаси унга ёқса. Кўчага чиқди дегунча, бирваракайига ҳаммаси оч бўрилардай кўз осишади. Баъзилари гап отгани етмагандай, қўлидан ушлашга уриниб ҳам кўради. Авваллари Лола ҳайиқиб қочиб қоларди. Энди онасидан “кўл” олди-да, кўча эшигини очиши билан кашталаб қарғайдиган бўлди. Шундан кейин қоп-қора девдай лўли йигитлар бироз чекиниши. Чекинмаганига онаси “хужум” қилиб, қизига кўмаклашди. Бундан илҳомланган Лола шунчаки кўнглини хушлаш учун ҳам йигитлар билан жиқиллашар, уларни “бадбўй” деб боллаб ҳақоратларди. Шу зайл у энг шаддод лўлиларни ҳам ортда қолдириб, “шартаки” деган “сийлов”га эга бўлди.

Бўйнига тилладан ясалган мўъжаз одам калласи шаклини осиб юрадиган Барон пайдо бўлганидан кейин унинг попуги пасайгандай бўлди. Илгари, бундан етти йилча муқаддам унга Лоланинг кўзи тушиб турарди. Ўшанда ҳам Барон ҳозиргидай битта енги йўқ майкада юрар, доим атрофида беш-олти югурдаги бўларди. Ундан лўлиларнинг бари, ҳатто Хосият биби ҳам чўчириди. Чамаси, “Барон ўзининг қардошларини ҳам аямаган, кўйни бўғизлагандай бўғизлаб ташлаган, у балоданам кўркмайди — кўкнорифу-

рушлик билан шуғулланади”, — деган узунқулоқ гапларда жон бор эди.

Икки ҳафта олдин Лола уни тасодифан күриб қолди. Күча бошида шотирлари билан турган экан. Қизнинг бадани жимирлаб кетди. Бароннинг бўйнидаги занжирга осилган одам калласига кўзи тушиб, тиззаси қалтиради. Овози чиқар-чиқмас “Салом” деди-ю, зипиллаб ўтиб кетди.

Ўшанда кўнгли сезди Бароннинг ортидан тикилиб қолганини. Бундан баттар ваҳимага тушди. Адашмаган экан. Орадан бир кун ўтмай Бароннинг одамлари Лолани сўраб келишиди. Ота-онаси нима деб жавоб беришни билмай гарангсиб туришганда, Лолада журъат пайдо бўлди.

— Мен, — деди кўзларидағи нафратини яширмай Бароннинг одамларига тик қараб, — ҳеч қачон унга эрга тегмайман!

“Хушхабар”ни қўлтиқлаб кетган Бароннинг одамлари қайта келишмади. Аммо маҳалладошларнинг Лолага муомаласи ўзгариб қолди. Унга энди бирорта лўли жилмайиб қарамас, Хосият биби эса тўнини тескари кийиб олган, ҳар қадамда турткилайвериб жонидан ўтказиб юборарди. Бир марта ҳатто уни бозордан ҳайдаб чиқарди. Албатта, тазийклар сабабини бошқалар қатори Лола ҳам яхши биларди...

Ҳозирги аҳволда унинг ўрнида бошқа лўли хотин бўлганида, балки енгил койиш билан қутуларди-қўярди. Лекин Лола... Ҳалиям баҳтига милиционер келиб қолди, йўқса...

Қизнинг илжайгани ёнидагиларни анча руҳлантирди. Улар Лола энди ўзига келолмайди, аразлаб юради, деб ўйлашган эди.

— Сассиқ кампир... ҳали мендан қўрадиганини кўради,
— деди Лола тап тортмай.

— Иб-би, — чап тарафдаги лўли хотин лабини тишлиди,
— Лола, бу гапнингни эшитмасин биби. Калланг кетади.

— Фу! — лабини бурди Лола. — Бароннинг лайчаси.

Шу гапнинг ўзи кўзлари шокосадай лўли аёлларга етиб ортарди. Уларнинг ичлари қизиб, ҳозироқ Хосият бибига Лоланинг оғзидан чиққан гапни кўшиб-чатиб етказишга ошиқишарди. Лола улардан тўрт қадам узоқлашса бас, йўргалашади. Уларнинг кўнглидаги бўлди: Лола қўлини силтаб ташлади-да, турнақатор “Икарус” автобуслари томон кет-

ди. Иккала лўли хотин кўз уриштириб олиб, **Хосият бибининг “қароргоҳ”ига қараб чопишиди.**

Хосият биби хабарни эшишиб баттар қорайиб кетди, кўзлари олади, пешона томирлари бўртди. Енгини асабий шимариб, кирнинг қалинлигидан ялтираб кетган қоп-қора тўрвасига косовдай қўлини тиқиб, қўл телефони чиқардида, Бароннинг рақамини терди.

Бу пайтда Барон мишишт билан банд — ароқ ичиб, газагига ҳил-ҳил пишган қўй гўштини иштаҳа билан чайнаб, ёнбошлиб ётарди. Жиринглаган телефонга бир қараб қўйдида, кейин истамай қўлига олиб кўзгусига қаради. Унда Хосият бибининг рақамлари ёзилганди. Эриниб телефон тугмачасини босиб қулоғига олиб борди.

— Барон! — деди **Хосият биби ўпкаси оғзига сиғмай.** — Лолани ўлдираман!

* * *

Бош врач Фатхулланинг башарасига муғомбирлик билан тикилиб турди-да:

— Тўйга бизни айтмайсанми? — деди бармоқларини қўнғиз мўйловига босиб-босиб.

— Хўжайн, сизсиз маъракамиз ўтмайди-ку, ўзингиз биласиз. Сиз бормасангиз тўйда файз бўлармиди, — деди Фатхулла ўзига ярашмаган алпозда қўлпанглаб.

— Жа опқочасан-да, Фатхулла. Бугун бўладиган тўйга ҳозир айтасанми? Бир ҳафта олдин айт, кеча айт. Биздаям орият деган нарсалар бор. Тўртта одамга бошлиқмиз, ука.

— Хурматингизга гап йўқ, хўжайн! Ўзимизгаем кечроқ айтишди-да, шунга олдингизда ноқулай бўлиб ўтирибмиз.

— Хў-ў-ш, сенинг навбатчилигингни эртага кўчириш керакми?.. Бўпти, тўйдан тўбиқча, деган гап бор-а, билансанми? Атаганингни ҳозир ташлаб кетавер, ҳар қалай, Фанишерни навбатчиликка кўндиришим керак, бундоқ чиқиб озгина-озгина... Ичимиз микробга тўлиб кетди ўзиям. Дезинфекция қилиб олайлик, нима дединг?

“Падарингга лаънат, шу сафар харажатсиз чиқиб кетаманми, деб ўллагандим. Ҳеч тўймадинг-тўймадинг-да, мешқорин... Бугунги доляниям тагига сув куйдинг”, — хаёлидан ўtkазди Фатхулла ва бирор зўрганинг ярмини чиқарди.

— Иш бошлаган пайтинг дангал эдинг, кундан-кун қуруқлашиб кетаяпсан-а, — бош врач стол устидаги пулга қараб пешонаси тиришди, — чиқар, бунинг нима бўлади? Менинг ўзимгаям етмайди-ку.

Фатхулла бошлиқнинг хонасидан пешонаси терлаб чиқди.

* * *

Укаси гапирганидан кейин Наргизанинг бироз чиройи очилди-ю, Анбар опа эса ҳали-ҳануз паришон эди. Орасира йигидан тўхтаб, ўйга толар, кейин: “Агар аданг тирик бўлганида сен бундай аҳволга тушмасдинг”, дея яна йифлай бошларди.

— Ойижон, — деди юраги сиқилиб Наргиза, — ҳар нарсани эсингизга олаверманг, фалокат-да. Бунга адажо-нимнинг нима алоқаси бор? Тинчгина ётсинлар, руҳларини безовта қилманг. Худо хоҳласа, укажоним кўрмагандай бўп кетади.

Аёл кўзларини артди. Қизининг олдида Йиглайверганидан ўзи ҳам ийманди. Дока рўмолининг бир учи билан бурнини сиқиб олиб деди:

— Наргиз, қизим, майли, сен уйга боравер. Овқат-повқат қилиб ерсан.

— Бу ёққаям овқат олиб келайми? — сўради Наргиза.

— Мени қўяверинглар. Томоғимдан ҳеч нарса ўтмайди, — деди Анбар опа ҳазин товушда.

Онасининг гапидан Наргизанинг кўнгли бузилди-ю, бироқ сездирмади, пуштиранг сумкачасини елкасига илиб ташқарига чиқди.

Фатхулла яна бир марта Наргизанинг ҳусну жамолига тўймоқчи бўлиб ҳовлиқchanча палатага кирганида ўғлининг ёнида Анбар опанинг бир ўзи ўтиради.

— Яхши ўтирибсизми, хола? — деди у кўзлари олазарак боқиб.

— Ўтирибман... Пешонамда шу шўриш ҳам бор экан, иложим қанча...

— Ҳавотир олманг, ҳаммаси яхши бўп кетади. Бир ўзингиз ўтирибсиз...

— Қизимни уйга жўнатдим. Эртага келади, — деди соддадил аёл кўзларини Фатхуллага најот тилагандай ти-

киб, — ўтиromoқчийди, мен қўймадим. Ҳозиргина чиқиб кетди.

Фатхулла яна озгина бу ерда туриб қолса, Наргизани бутун кўришдан мосуво бўлишини англади.

— Майли, майли, — деди у илжайиб ва шошиб эшикка йўналди. Йўлакка чиқиб, ростмана югуришга тушди. Наргизанинг дарвозадан чиқаётганини кўрди. Тезроқ югурса ҳансираф қолади. Кейин атай унинг орқасидан чопгани ошкор бўлиши мумкин. У тўхтаб, бошини қашлаб бироз ўйланиб турди-да, машинаси томон кетди.

— Наргизахон, — деди у машинасини қизнинг ёнгинасида тўхтатиб, — ўтиринг, обориб қўяман.

— Э, сизмисиз? — қиз ҳайрон бўлганини яширмади, — йўқ, ўзим етволаман. Сизни овора қилиб...

— Оворагарчилиги борми, ўтиринг, — Фатхулла илжайиб Наргизанинг гапини бўлди.

Қизнинг ўтиргиси йўқ, ўз хаёллари билан бўлиб пиёда кетмоқчи эди. Лекин укасининг тақдири шу одамнинг қўлида. Уни ранжитиб қўймаслиги керак. Шу ўй билан Наргиза орқа эшикни очиб, машинага чиқди.

— Наргизахон, — деди Фатхулла ойнадан қизга қараб олиб, — сизни кўриб мен ҳам хафа бўлиб кетаяпман. Очилиброқ ўтиринг.

— Менга эътибор қилманг, ўзим шундай, ўтиб кетади, — деди қиз бошқа гап тополмай.

— Мен сизга ваъда бераман. Укангиз отрай бўп кетади, мана кўрасиз.

— Айтганингиз келсин... Ўзингиз қаёққа кетаётгандингиз? — сўради тўсатдан Наргиза.

Шу жойда Фатхулла бефаросатлик қилиб, “Чилонзорга”, деб қўйди.

— Мен Юнусободга кетаман-ку, — деди қиз безовталашиб.

— Ия, шунақами... Ҳечқиси йўқ. Аввал сизни ташлаб келаман. Кейин...

— Халатингиз эгнингизда, бирор зарур ишингиз бўлса керак. Балки беморингиз сизни кутиб турғандир. Яххиси, мени шу ерда қолдиринг. Вақтингизни ўғирламай.

Фатхулланинг юзи қизарди. Шошганидан халатини ҳам ечишни унутиби.

— Сизни шу аҳволда ёлғиз жўнатгим келмади. Йўлда машина кўл. Касбий бурчимиз. Чилонзорда шунчаки битта аптекага кириб ўтишим керак, холос. Бошқа ташвишим йўқ... Сал паришонхотирман, айбга йўймайсиз, баъзида беморларни ўйлаб, иш кийимида уйгаям кетиб қоламан, — деди Фатхулла зўрма-зўраки илжайиб.

Наргиза унинг гапларига ишонди. Тўғрироғи, ишонишга ўзини мажбур этди. Шу боисдан:

— Майли, унда, — деб қўя қолди.

Фатхулла терисига сифмай кувонди. Ўзини кўрсатиб қўйгиси келиб, “Жигули”сини рулидан бир қўллаб ушлаб, кескин орқага буриб юборди. Наргизанинг юраги “шиф” этиб кетди. Орқадан келаётган машина чийиллаб тормоз берганча, “бид-бид”латиб сигналини босди. Фатхулланинг ранги оқарди. Бироқ чўчиб кетганини билдириласликка уриниб, ойнадан қизга қараб илжайиб қўйди.

— Шошилмасак ҳам бўлади, — деди Наргиза юраги “дук-дук” уриб, — сал бўлмаса укамнинг ёнига бориб қолай дедик.

— Эй, сиз хавотир олманг. Мен тўғри қилдим. Орқадаги машина тезликни оширмаслиги керак эди, — дея Фатхулла гапни айлантириб ўзининг касбига боғлади. Шу билан унинг жаги очилди-кетди. Наргиза ҳеч нарсага тушумаса-да, тасдиқлагандай бош иргар, у ўзининг ўйлари билан банд эди. Шу боис, уйидан ўтиб кетганини пайқамай қолди ва шошиб Фатхуллани тўхтатди.

— Касалхонага ҳали қайтиб келишим мумкин, телефон номерингизни берсангиз, қўнғироқ қилиб укангизнинг аҳволидан хабардор қилиб қўярдим, — деди Фатхулла қизга суқланиб қараб.

Унинг сўzlари Наргизанинг бўғзига келганди. Яна жаги очилиб кетмасин, деган ўйда телефон рақамини айтди-ю машина эшигини ёпди.

Кечқурун Наргиза онасига овқат олиб борди, укасининг ҳолидан хабар олди. Кетар чоги ҳамширадан Фатхуллани сўради. “У киши бугунги навбатчилигини эртага қолдирди”, деди ҳамшира. Бу жавобдан Наргиза мийигида кулиб қўйди.

Соат тўққизга бонг ураётган маҳал у касалхонадан чиқди. Ҳаво анча салқин, бундай қавода юрган сайин юргиси

келади одамнинг. Бироқ онасининг эгилган қадди ўғлига куйиб баттар буқчайиб қолгани кўз олдига келиб, Наргиза хўрсинди. У машиналар серқатнов йўл бўйлаб юриб бекатдан ҳам ўтиб кетганини пайқамади. Бир пайт ёнгинасида “ғийқ-қ” этиб машина тўхтади. Қиз чўчиб ёнига қаради. Оппоқ “Нексия”дан иккита барваста йигит сакраб тушдила, ҳе йўқ-бе йўқ қизга ташланди. Нима бўлаётганига ақли етмаган Наргиза кўрқанидан бақириб юборди. Атрофда ҳеч ким йўқ эди, қизнинг овози бўм-бўш ҳавога сингиб кетди...

Икки йигит орасида бургут чангалидаги полапондай титраб ўтирган Наргиза типирчилайвериб ҳолдан тойгач, ялинишга ўтди:

— Ақажонлар, илтимос, қўйиб юборинглар, укам оғир касал.

— Жонидан, бир кеча минг кеча бўлмайди, ўзинг ҳам, биз ҳам майшат қиласиз, тамом. Уканг эрталабгача ўлмай кутиб туради, — деди ўнг тарафдаги йигит ҳиринглаб.

* * *

— Бобур бизга керак. Унга яхшигина мерос қолган. Бунинг устига оғзига маҳкам бола. Бирорга гулламайди. Хабар олиб турларинг. У тезроқ тузалиши керак, — деди Халил бойвачча ва Бердимуродга қўли билан “кетавер”, леган ишорани қилди. Кейин бўшашиб ўрнига чўқди. Кенжя қизи билан хотинининг қилиқларига Бердимурод тошиб келган “янгилик” қўшилиб, боши шишиб кетгандай бўлди. “Ҳалиям жоним тошдан экан, — ўйлади у. — Мендан бошқа бўлса бунча фавро ичиди титилиб, увадаси чиқиб кетарди...” У ўзини-ўзи хаёлан мақтовлар уммонида ҳали анча суздиришни чоғлаганди, бўлмади. Илжайиб хотини кириб келди.

— Ҳўш, хотинбой, — ўзига ўзи берган рағбатнинг қуввати ҳали сусаймагани боис, у юмшоқ оҳангда гапирди, — хизмат борми бизга?

Эрини сув қилиб ичган Мўътабархон қилланглашга тушди: у ёғига ўтиб эшилди, бу ёғига ўтиб эшилди, мушукдай суйкалди. Агар ярим соатча бурун шу қилиқларини кўрганида, Халил бойвачча уни онасидан туғилганига пушаймон қилдиарди. Лекин ҳозир кўнгли бироз ўсган, қийпаланг-

лаб сүйкалишлар унинг ғашига тегмас, аксинча, бироз ёқаётганди.

— Айтавер дардингни, нима демоқчисан?

— Адажониси, — дея Мұтабархон эрининг орқасига ўтиб бүйнидан күчөклади, — қизингизнинг бир ўзини Чимкентга жүнатмайлик. Бүй етган қызы, бунинг устига, қурмағур күзга яқын. У ердагиларни ўзингиз биласиз-ку, чиройли қызни дарров олиб қочиш пайига тушади. Шунга... менам бирга борай. Бирдан бозор-мозорини айланып келардим.

Бойвачча “пиқ” этиб кулиб юборди. Дам ўтмай кулгиси қаққаҳага айланди. Кулавериб ичаклари эшилиб қолаёзды. Мұтабархон унинг юзига безрайиб қараб турарди.

— Бозорини, майли, тушунаман, мозорингга бало борми? Ёки гүрингни ўша ердан қазиймизми? У ёқларнинг тупроғи қаттиқ... Қизингам, ўзингам ҳеч қаерга бормайсан. Бошқа ишлар чиқиб қолди. Дугонаси хафа бўлса, осмон узилиб ерга тушмайди.

Мұтабархоннинг қовоқ-тумшуғи осилиб кетди. Ранги гезариди, бошини осилтирганча эридан узоқлаша бошлади. “Гўдакка ўхшамай ўл, падарингга лаънат, қон билан кирған жон билан чиқади, деб бежиз айтишмаган-да”, дея хаёлидан ўтказди бойвачча. Ўйлаб кўрса, хотинини бир ёстиққа бош кўйганидан бери рангини чиқармаган экан. Авваллари Мұтабархонга, чиройи сабаб, бошқалардан қизғаниб кун бермасди. “Хотиннинг бирозгина хунуги тузук экан, — деб ўйларди, — итдан ҳам, битдан ҳам рашк қилмайсан”. Энди яхшилаб мулоҳаза қилиб кўрса, хотини ёшлигига ҳам гўр эмаскан: чиройи бор экан-у, тутуруқсиз гапларини ичига ютиб юраркан.

У ўтириб чарчади. Ўрнидан туриб керишиб олди-да, машинаси томон юрди. Кўчада “ёниб” турган иши йўқ, шунчаки айланыб кўнглини ёзгиси келди. Бойвачча ялтираб турган қоп-қора “Мерс”ининг копотини силаб, эшигини очмоқчи бўлиб қўл узаттанида:

— Ассалому алайкум, — дея дарвозадан суюкли қизи Нилуфар табассум қилиб кириб келди.

Халил бойвачча қизига пешвуз юриб, унинг пешонасидан меҳр билан ўпди. Ҳа, боядан бери нимадир етмаётгандек туйиларди. Топди ўшани. Қизи! Унинг салом бериши,

ийманиб табассум қылгани отасининг кўнглидаги губор-
ларни тарқатиб юборди. Нозикниҳол, камтарин-камсукум
бу қизни Яраттанинг ўзи ақл-одобдан аямаган. Синглиси
Лазокат ҳозир унинг ўрнида отасининг бўйнига
чирмашиб оларди. Бўй етиб қолганини, отанинг олдида
босикроқ бўлиш кераклигини хаёлига ҳам келтирмасди,
Ўткир атир ҳиди отанинг кўнглини алғов-далғов қилиб
юбориши, кейин падарининг асаби тараплашиб, таъби хира
тортишига ақли етмасди. Бир-икки марта шундай бўлган-
ди ҳам. Нилюфарнинг соchlарини силаб туриб бойвачча
шуларни ўлади.

— Адажон, тобингиз йўқقا ўхшайди, — деди Нилюфар
отасининг бағридан чиқиб унинг кўзига тикиларкан.

— Ҳаммаси яхши, қизим. Озгина толиқдим шекилли,
майли, сен уйга киравер, мен бир кўчани сайр қилиб
келаман. Шу баҳона озгина ишларим бор, битириб қайта-
ман.

— Хўп бўлади, — Нилюфар уй томонга юрди.

Халил бойвачча машинаси томон бир одим ташлаган ҳам
эдики:

— Войдод, қизимдан айрилиб қолдим!!! — дея қичқир-
ган Мўътабархоннинг аччиқ овози чиқди. Бойваччанинг
юраги “шиғ” этиб кетди. Жонҳолатда уйга югурди.

Мўътабархон бўсағада узала тушганча икки кўллаб ерни
муштлар, соchlарини юларди.

— Нима бўлди?! — ўкирди Халил бойвачча.

— Лазокат... Лазокат, осибди... осибди ўзини!

Бойвачча бир муддат тошдек қотди. Сўнgra қизининг
хонаси томон югурди.

* * *

Бердимурод шу куни хўжайинининг топширигини ба-
жаролмади. Қишлоқдан саксонни қоралаб қолган, оппоқ
соқоли кўксига тушган, пешонаси серажин отаси келиб
қолди. Вазифани уддалашга отланган ўғил эшикни очди-
ю, афти бужмайиб кетди. “Сиз етмай турувдингиз”, дея
хаёлидан ўтказди.

— Болам, бутуннинг ўзида беш марта кеп кетдим, —
деди ота ўғлини кўрганидан кўзи ёшланиб, саломини ҳам
кутмай. — Пастроқда турсангам майлийди, тўртингчи этаж-
га чиқовриб-тушовриб ёғим узилиб кетай деди.

— Э, ота, — дея чолга құлини узатди Бердимурод, — нима қилардингиз сарсон бўп, ўзим эрта-индин бормоқчийдим.

— Икки йилдан ошиб кетди, болам, — деди ота худди ўғли қочиб кетадигандек құлини маҳкам ушлаб.

— Майли, ота, киринг уйга, ичкарида гаплашамиз, — деди Бердимурод зўраки мулозамат қилиб.

Илгарилари отаси шаҳарга бир ташвиш билан келса, ўғли билан ҳаш-паш дегунча битириб ортига қайтарди. Бу сафарги ташриф мазмуни ўзгача экан.

Ота эринмай каталакдай уйни кўздан кечирди, ҳар тарафга бир нима қидирингандай синчиклаб қаради. Сўнг манглайида без бўлиб ўтирган ўғлига қараб гап бошлади:

— Уйинг бурунгидай, фақат манов гилам илибсан деворингга, деразангниям пардаси ўзгариби. Колгани шундайлигича... Ўзингам ўзгармабсан, болам, чочингга оқ оралабди, агар ўзингам ҳисоблаб юрган бўлсанг, бу йил ўттиз бирга кирдинг.

— Йўғ-э, — деб юборди беихтиёр Бердимурод кўзлари каттариб, — агар сиз ҳозир айтмаганингизда, вообще эсимда йўғакан.

— Улим, бошқа нарсаларам сенинг эсингда йўқ. Энанг бир йилдан бери кўрпага михланиб ётиби. Ҳар кун йўлингга термилади. Ўлмай туриб шуни бир кўрсам, бошини иккита қисам армоним қолмасди, дейди. Сен бўлсанг кўнглингнинг кўчасидан бўшамайсан.

— Ота, ҳозир бошимни қашишга вақт йўқ. Иш устига иш. Бирорини қисангиз иккинчиси чиқади. Кейин учинчиси... Куннинг қандай ўтганини сезмай қоламан... Уйланиш... тўғрисини айтсан, ўттиз бир ёш ҳозир ҳеч гапмас, уч-тўрт йилда чиройли шаҳарлик қизни олиб бораман ўзим.

— Уканг-чи, сенга қараб униям ёши ўтиб кетаяпти. Ҳамсоянинг қизига уч йилдан бери гапиравмиш. Бундай юриши уят-да, болам, сен уйлансанг, кейин униям уйлаб қўярдик-да. Бу ёқда энанг кетаман, деб пишиб турибди, менам қариб қолдим. Бутун борман, эртага худо пошшо...

— Кўйсангиз-чи, сиз ҳали бақувватсиз, бобой. Шунча ўйл юриб менинг уйимга кепсизми, бу ёғигаям ҳали ўн беш-йигирма йил яшайсиз. Мамашканиям касаллигига ишонгим келмаяпти, Охирги кўрганимда чақмоқтошдай

эди. Икки этак гўзапояни икки қўлида тандирхонагача кўтариб борганини ўзим курдим-ку. Шундай кампир ка-салман деб кўрпа-тўшак қилиб олиши, биринчидан, уят, иккингчидан, бировга айтсангиз ишонмайди... Келинг, бўла-диган гапдан гапириング, бобой.

Қария ўғлини таниёлмай қолди: “Ёпирай, шу менинг улимми? Ё бошқа уйга адашиб кириб қолдимми?.. Энанг-ни эмгурнинг боласи, нима дейди? Бобой деб мени айтияптими? Мамашка дейдими?” У оғир қўзғалиб ўрнидан турди. “Бобой кетаман деб қолса-я?” — Бердимурод миясига яшин тезлигида келган фикрдан хурсанд бўлиб кетди. Қария эса қоматини кериб, яхшилаб оёққа туриб олгач, қулочкашлаб ўғлининг башарасига шундай урдики, Берди-муроднинг кўзида ўт чақнаб кетди.

— Ҳе, энангни!.. Мен сенга шундай тарбия берувдимми?
— деди чол титраб-қақшаб.

Ўғил сакраб ўрнидан турди. Отасига ёвқараш қилди, ҳатто хезланди. Кейин рўпарасидаги падари экани ёдига тушиб қолгандай тишини-тишига босганча бошини эгди.

— Ашқол-дашқолингни йиғиштир! — деди ота аъзойи бадани титраб. — Ҳозироқ олдимга тушасан.

Бердимурод миқ этмади, қайрилиб ювиниш хонасига кириб кетди. Юзини совуқ сувда чайиб, ойнага қаради. Ўнг кўзи қонталаш бўлиб қизарибди. Отасининг қилиғидан таъби тирриқлашди. Аммо унинг гапларини рад этадиган бирор сўз тополмади. Ҳўш, нима қилса бўлади? Туйқусдан миясига илгариги қўллаган шайтонликлари келди. Отаси бурунлари ҳам уни олиб кетмоқчи бўлганди. Бердимурод аллаб-аврар, отасининг қўйинини пуч ёнғоққа тўлдириб, совға-салом билан кузатиб юборар, ўз билганидан қолмасди. Ўша пайтлар қўлида тузук-қуруқ иши йўқ, кунини кўчада санқиб ўтказарди. Энди Ҳалил бойваччадай одамни топди. Аста-секин унинг ишончига кираяпти. Қўли пул кўрди. Бундай пайтда ҳаммасини ташлаб қишлоққа бориш аҳмоқликдай туюларди унга. Ўйланаман деса шаҳардаям қиз тўлиб ётибди. Қолаверса, Ҳалил бойваччанинг Нилуфарини кўзининг остига олиб қўйган...

У отаси ўтирган хонага кирди-ю, ҳайрон қолди. Чол бошини эгганча “пиқ-пиқ” йиғлар, яктагининг этагига кўзёшини артиб оларди.

— Ота, — деди меҳри жўшиб Бердимурод, — мени хафа бўлди деб куйинаяпсизми? Сиз тўғри қылдингиз мени уриб, ўзимам тоза шаҳарлик бўл кетибман. Галингиз ҳақ, қишлоққа қайтмасам бўмаскан.

— Бу гапларингни илгариям кўп эшитганман, — деди қария бурнини тортиб, — ҳозир олдимга тушмасанг кетмайман, мени судрабам кўчага чиқаролмайсан. Ана, энангни ўлигини қишлоқ қўмсин, уканг қўмсин.

— Уф-ф, нималар деяпсиз, ота, насиб этса, энамнинг умри узоқ бўлади, невараларининг тўйини кўради. Иккавингизни ўзим видеога тушираман.

— Кўй бу гапларингни, олдимга туш.

— Ота, сиз кўп нарсани тушунмайсиз. Менинг бўйнимда жавоб беришим керак бўлган ишлар бор, уларни ташлаб кетолмайман. Ташиб кетсан, эртага мени қамаб қўишиади. Боласи қамалиби, деган гап керакми сизга?

Бердимурод нишонни аниқ олганди. Отаси “қамоқ”ни эшитиб ўйланиб қолди. Бундан дадилланган ўғил отига кетма-кет қамчи босди. Ноилож қолган ота кўнди.

— Майли, бир ҳафтада ишларингни саранжомлаб, уйингни сотгин-да, қишлоққа бор, — деди чол “гап тамом” дегандай.

Ўғил терисига сифмайдиган даражада қувониб, отасининг кўнглини олишга тушди. Ҳўжайини буюрган иш эса, бир кун орқага сурилди. Эртасига отасини қишлоққа жўнатиб, у ишга киришди.

У қамалиб чиқсан, анча-мунча қарздор қилиб қўйган учта ҳамтовоғини учрашув жойига — ҳалқа йўлидаги чойхонага чақирди (уларни Бердимурод наша билан таъминлаб турар, бунинг эвазига улар “зарур топшириқ”ларни бажонидил бажаришарди). Тағин “жаннатроҳати”дан тотиниш илинжида йигитлар узун-қисқа бўлиб чойхонага кириб келишди. Бердимурод уларнинг кайфиятини билиб олиш учун бўрма-бир юзларига разм солди. Кейин олиб келган оппоқ қуқунни дастурхон четига қўйиб:

— Бугунам сизларни бир сийламоқчиман, ҳадеб беш кўлни оғизга тиқаверсам, жагим йиртилади, — деди илжайиб.

Йигитларга бу гап майдай ёқди. Узун бўйли, ориқ,

доим қалта иштон кийиб юрадиган йигит кафтларини бир-бирига уриб ишқаркан, “оҳ” деб юборди...

Икки соат ичиди йигитларнинг кўзлари сузилиб қолди. Улар бир-бирига гап бермас, кайфлари тароқ эди. Фақат Бердимурод ишини ўйлаб кўп имаган, тетик эди. Шу иш билан шуғулланса-да, у ҳали томирига игна санчмаганди.

— Ярим оқшом яна бир майшат қилсак, нима дейсизлар? — деди Бердимурод кўзлари қисилиб бораётган ҳамтовоқларига.

Нашавандлар бири кўйиб бошқаси уни олқишилай кетишиди.

— Лекин унгача битта иш бор. Уддасидан чиқсак, сизларни бир ҳафта сийлайман.

— Менга қара, — деди чап юзида чандиги бор Мансур исмли нашаванд дўриллаган овозда, — сен эркаклиқ қилдингми, бизам шундай жавоб қиласми!

— Раҳмат, сизларга ўзимга ишонгандай ишониб хато қилмаганман. Энди гап бундай, яхшилаб эшитиб олинглар, — деди Бердимурод ва Халил бойваччадан олган топшириқни бирма-бир уларга уқтириди. У фақат битта жойда чалкашиб кетди. Айғоқчилари Бердимуродга Бобур ўн еттинчи, Дониёр эса ўн иккинчи палатада ётибди, деган хабар етказишганди. У эса ўшанда фалокатга учраган йигитлар ётган палаталарни чалкаштириб кўйганди. Оқибатда у нашавандларга ўн еттинчи палатада ётган беморни тинчишишни буюорди.

* * *

— Санга ўлдир, дедемми?! — қичқирди Барон ўзбекчалаб. — Уйингни ёқаман, мочағар, бетта сочи тўкилса!

Бу дўқдан Хосият бибининг шашти қайтди. Шалвираб атрофидагиларга қаради. Лўлибошининг чақчайган кўзлари бақрайиб бир нуқтага михланиб қолганидан қавмдошлари ҳайрон эди.

...Лола, одатдагидай, автобусларга чиқиб-тушиб ризқини термоқчи эди, бироқ туйкус ниятидан қайтди. Биринчи “Икарус”га яқинлашган кезда ортига қайтмоқчи бўлди.

— Лўлилар гўзалининг бугун кайфияти йўқقا ўхшайди, — деган овоз келди ортидан.

Лола ўгирилиб, иржайиб турган таниш ҳайдовчига кўзи тушди. Бу жойдаги ҳайдовчиларнинг бари уни танир, унга

«лўлиларнинг гўзали», «сулув лўли», «эрка лўли», «оппоқ лўли» деб ўзига хуш ёқадиган лақаблар қўйиб олишганди. Ҳатто бир ёшроқ ҳайдовчи: “Агар лўли бўлмаганингда ўзим сени олиб қочиб кетардим”, дея ҳазиллашди ҳам. Бошқа лўлиларни киритавермайдиган ҳайдовчилар ҳам Лола учун автобус эшигини очиб қўяр, гоҳида эриб кетиб Лолага ўзлари ҳам “ризқ” улашиб юборарди.

— Атаганимиз бор. Олиб, бошимизни балодан халос қилмайсанми? — деди ҳайдовчи Лоланинг назаридан эриб.

— Сийзнинг балоингийз кўп, амак, сийз кўп садақа қилишенинг керак. Манга аён, — деди Лола ҳам ҳазиллашиб. — Пулингийз энди етмайдий.

— Тағин долларнинг нархи ошдими, осмондан келасан?

— Доллар турибдий, амак, маний нархийм ошгон.

— Сенам лўли бўп қопсан-да.

— Ман аввал лўлийдим, амак, энди...

— Циган бўлдингми? — Лоланинг гапини бўлди ҳайдовчи кулиб.

— Циган ким бўлтий, ман бизнесмен лўлийман... Маний куф-суфийм қиммат.

— Во, барака топгур, ҳали мартабам ошиб кетди, дегин. Унда таниш-билишчилик қиласан.

— Майлий, амак. Сийз ўзимизникий, «почин» қиласиз. Текинга бошингийздаги балоний қувиб ҳайдаймиз, — деди Лола.

Унинг охирги гапи шунақангни юмшоқ, ширин чиқдикни, ҳайдовчи яйраб кетди. Ёнига келиб ичиди Куръон тиловат қилаётган (Лолага ёшлигидан одамларни ўзига кўпроқ ийдирсинг, деб беъш-олтита сурга ёдлатишган эди) қизни елкасидан қучиб пешонасидан ўпиб қўймоқчи бўлди. Бироқ Лола унинг қўлларини силтаб ташлади.

— Амак, — деди сергак тортиб қиз, — сиз ёмон бўлибсиз, ман номаҳрам. Одамлар уят қиласадий.

— Эй-й, — деди ҳайдовчи елка қисиб, — қизимданам кичкина бўлсанг. Яхши қўриб пешонангдан ўпиб қўймоқчидим-да.

— Маний бўйим еттон...

— Балосан, бало, — деди ҳайдовчи бошини сарак-сарак қилиб куларкан, чўнтағидан иккита минг сўмлик чиқариб Лолага узатди.

— Омайман! — қиз титраб орқага тисарилди. — Текин айтдим-ку, амак.

— Сенга бир бало бўлдими? Ўзгариб...

— Ҳа, ўзгардем, — деди-да Лола орқасига кескин бурилиб кетиб қолди.

Унинг хўрлиги келди. Хилват жойга бориб сочларини юлиб, юзини тимдалаб бор овозда йиғласа, ҳеч ким халал бермаса. У холироқ жой излаб анча юрди. Аммо ҳаммаёқ одам билан тирбанд. Бўзлаб йиғласа, албатта, кимдир сийласа: “Нега йиғлаяпсан?” деб кўнгил сўрайди, сийламаган тақдирда: “Бунча улийсан?” дея ўшқиради. У шаҳар ичидаги қатнайдиган автобусга ўтириди. Автобус қаергача боради, нега бунга ўтириди — энди унга барибир эди. Муҳими, бозордан узокроққа — кўз кўриб, кулоқ эшитмайдиган жойга кетса бўлгани.

Автобуснинг орқа ўринидигига ўтириб олган Лола деразага бошини қўйиб ухлаб қолди. Одамларнинг гала-ғовури, бекатларда бирор тушиб, бирорнинг чиққани, чиптачининг “Йўл ҳақини узатинглар!” дея қичқиргани ҳам унинг қулоғига кирмади. Фақат охирги бекатга етиб келиб, ҳамма тушиб кетгач, ҳайдовчининг семиз, бироқ овози аёлларни кидай чийиллаб чиқадиган ёрдамчиси туртганида Лола ўйгониб кетди. У қаерга келиб қолганини билолмай атрофига аланглади. Уйқу босиб, яна кўзларини юмди.

— Бўл тез, туш! Охирги бекат бу, — чийиллади чиптачи лўли қизнинг қилиғидан жигибийрон бўлиб.

Лоланинг энсаси қотиб, эринибгина автобусдан тушди. Уйқу зўрлик қилиб, кўзлари юмилиб кетаверди. Ўтирадиган жой бормикан, деб чор-атрофга қаради. Шу пайт:

— Яна бир киши, кетамиз! — деб қичқираётган бошқа бир ҳайдовчига кўзи тушиб, микроавтобусига чиқиб олди. Омадини қарангки, унга деразанинг ёнидаги охирги бўш жой тегди. Лола кўзларини беҳол юмиб ухлаб қолди. Уйқусида алғов-далғов тушлар кўрди. Бир гал Хосият бибининг катта қорни шардай шишиб, лўлибошини осмонга учириб кетибди. Орада Баронни кўрди. У Лолани қувлаб кетаётиди, қиз кўрқанидан чинқириб қочаётган экан, олдида оқ “Нексия”ли ўша йигит пайдо бўлди. Бир чиройли нотаниш қиз ялиниб-ёлвориб ёрдам сўрайдими-ей... Бир маҳал узунлиги ўн кулоч, оғзи ўрадай, кўзлари бўртиб

чиққан мўйловли илон осмонда пайдо бўлди, кейин вишиллаб унинг тепасига келди. Айри тилларини чиқариб бир муддат ҳавода муаллақ қотиб турди-да, кейин Лолага ташланди... “Вой дод!” — босинқираб қичқириб юборди қиз ва ўрнидан сапчиб турганида бошини микроавтобус-нинг шифтига урди. Йўловчилар аччиқ овоздан чўчиб аланглашди. Аввал ёнидагиларга, кейин бўйинларини буриб, бошини чанглаб ушлаб ўтирган қизга қараши.

— Нима бўлди? — деди олдинги ўриндиқдаги соchlари оппоқ киши ортига ўгирилиб.

Лоланинг ранг-кути ўчган, ҳали тушида кўрганлари кўз ўнгидан кетмаган эди. У қўлинни тушириб нотаниш кишига қаради, кўзларига ёш куйилиб келди.

— Нима бўлди сенга? — сўради оқ соchlни киши тагин.

— Ман ийлон кўрдийм, амак, ийлон емоқчий бўлдий, кўрқдийм, амак, — деди Лола дир-дир титраб.

— Ийлон ийлонни емайдий, — деди нотаниш киши ва қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди. Унга бошқалар ҳам қўшилди. Лола аввал нотаниш кишига, сўнгра бошқа йўловчиларга жавдираф қаради. Бироқ ҳеч нимага тушунмади ва бирдан жаҳли чиқиб кетди:

— Ҳа, нийма, очиб кўрсатијими?! — дея қичқириди.

Унинг пўписаси бирорга зигирча ҳам таъсир қилмади, аксинча қаҳқаҳа кучайди. Лола шу дам ёнида қавмидан ҳеч ким йўқлигига афсусланди. Акс ҳолда, ўн беш чоғли одамни икковлашиб бир ёкли қилишарди. У изза бўлганидан муштини тутди ва дераза тарафга ўгирилиб олди. Беш дақиқалар ўтиб йўловчилар тинчишли. Лола ҳам бироз хотиржам тортиб, деразадан ташқарига қаради. Кўзи тофларга, унда-бунда лишилаб ўтаётган буталарга тушди.

— Шафёр, ҳай, шафёр! — деди юрагига фулгула тушган Лола. — Қаён кетомийз?

— Онангникига, — деди йўловчилардан бири.

Бу луқмадан кейин гўё бомба портлагандай бўлди — кулгидан автобуснинг деразалари зирилаб кетди. Орқага ўгирилиб қарайман деб ҳайдовчи рулни буриб юборди, машина илкис силкинди, лекин бунга ҳеч ким эътибор қилмади. Йўловчилар қотиб-қотиб куларди.

— Ҳаммангни кўзингни тупроқ боссийн! — аламидан қичқириди Лола.

Унинг қарғишини бирор эшитмади.

— Ҳай, шафёр, тўхтат аравангний! — деди овози бўғилиб Лола ва ўрнидан туриб эгилиб ҳайдовчи томон юрди.

Шу пайт кимдир унинг оёғига тегингандай бўлди. Лола ўзини босолмай, ҳозиргина ёнидан ўтган оқсоч эркакнинг юзига чант солди. “Форд”нинг ичи талотўп бўлиб кетди. Бирор Лолани бир томонга, бошқа бирор оқсоч эркакни иккинчи томонга тортарди. Қиз бисотида бор сўкишу қарғишларни ишга солди. Эркак эса муштига зўр берди. Лоланинг бурнидан тирқираб қон оқди. Машина тўхтаб, қизни судраб пастга туширишди. У бўзлаб йиглар, кўзидан ёш, бурнидан қон оқар, гоҳ ўзининг лаҳжасида, гоҳ ўзбекчалаб шанғилларди. Унинг дийдиёсига чидаёлмаган бир йўловчи эркак қулочкашлаб юзига шапалоқ тортиб юборди. Қиз шўрлик оёғи ердан узилиб чалқанча қулади. Бир зум кўз олди қоронги тортди. Нима бўлаёттанини англомай қолди. Кейин қулоғига машинанинг юргани элас-элас эшитилди. “Ўлаяпманми, нима бало?” — хаёлидан ўтди унинг. Сеска-ниб кўзини очди. Ҳартугул ўлмаган экан, кўз олди астасекин тиниклаши. У инқиллаб ўрнидан туриб ўтириди. Сўнг ўпкаси тўлиб ҳўнграб юборди. Энди унга ҳеч ким халақит бермади. Ўкириб-ўкириб, ерни муштлаб-муштлаб, ҳаммани қарғаб-қарғаб йиглади...

Бир маҳал юраги бўшаб, сал енгил тортгач, оғзидағи қонни тупурди. Бир қўлига таяниб, рамақижон кампирдай зўрға ўрнидан турди. Ақлини йигиб, келган томонини чамалади-да, оёқларини судраб босиб юриб кетди.

Уфқа ёнбошлаган қўёш қонталаш тусга кириб ботиб бораётган палла. Атрофга шом қоронғиси ёйила бошлаган. Лола тўхташни хаёлига ҳам келтирмай юриб бораёттир. Ёнидан гизиллаб ўтиб турган машиналар тобора сийраклашиб қолди. Оёқлари толиқиб, томоги қақраган қиз йўл ёқасидаги харсангга ўтириб нафасини ростламоқчи бўлди. Аммо тош аллақачон совиб қолганди, қизнинг қизиган баданига заҳ ўтди ва у иложсиз ўрнидан туриб ўн беш дақиқача юрди. Фира-шира ёруғда “дала ҳовли” деган ёзув битилган устунга қўзи тушди. Лола бошқа лўли болалардан фарқли равишда тўққизинчи синфгача ўқиганди. Мактабни битиришига эса уйидагилари қўймаганди. “Пул санашни билсанг бас, етади, — дейишганди ота-онаси, — ўқиганинг

билин шаҳар оберармидинг! Қайси лўли ўқиб олим бўпти? Ундан кўра, ҳозирдан эрингни боқишини ўйла. Эрга текканингда қийналиб юрмайсан...”

Ёзувни ўқиб, қиз ўзича жилмайди. “Бугун пайшанба, — ўйлади у, — ҳовлининг эгалари келмайди. Биронтасига кираман-да, қотган-қутган нон топиб қорнимни тўйғазиб оламан, кейин эрталабгача маза қилиб ухлайман”.

Муюлишдаги биринчи ҳовлига у бош сукіб қаради. Ҳовли этагида бир одам куймаланиб юрарди. Лола товуш чиқармай оҳиста қадам босиб кейинги ҳовлига яқинлашиди. Атрофга қараб олди-да, одам бўйи деворга осилиб, секин мўралади. Ҳовлида чироқ ўчган, ҳаммаёқ сув қўйгандай жимжит. “Шу уйга кираман” деган қарорга келди у. Тирмашиб деворга чиқишига уринди. Девор баландлик қилди. Лола қайтиб тушиб, атрофга тимирскиланиб иккита фишт топди. Фиштларни устма-уст тахлаб, оёғини қўйди-да, тағин деворга тирмашди. Бу сафар бир амаллаб деворга чиқиб олди ва секин сирғалиб ҳовлига тушди. Бир зум муз қотиб теваракка қулоқ тутди. Дуқдуқлаётган юрагининг уришидан бошқа товуш эшитилмади. Ҳовли ўртасида икки қаватли иморат қўққайиб турарди. У мушукдай майнин одимлаб уйга яқинлашиди. Сўнг тўхтаб орқасига ўтирилди-да, атрофга яна бир қараб олди. “Тиқ” этган товуш эшитилмасди. Кўнгли хотиржам тортиб, уй эшигини итариб кўрди. Очилмади. Хотиржамлиги ортиб, энди бемалол биринчи қаватдаги деразаларни итариб кўра бошлади. Бахтига деразалардан бири бекитилмаган экан.

Уй ичига киргач, Лола қоронғида пайпаслаб ошхонани топди. Жўмракни очиб юз-қўлини ювди. Кейин ишлаб турган музлатгични очди. Бир бўлак колбаса билан шапалоқдай пишлокдан бўлак ҳеч вақо йўқ эди. Қиз ютоқиб катта-катта тишлиб, аввал пишлокни, кейин колбасани еди. Бир хаёли чироқни ёқиб, нон қидирмоқчи ҳам бўлди-ю, аммо чўчиди. Нафси қонгандай бўлиб, иккинчи қаватга кўтарилди, хоналарни бирма-бир очиб мўралади. Ҳаммаси ётоқ экан. Улардан бирига кириб, юмшоқ ўриндиққа чўзилди. Тани хузур туйди ва чарчоқ кучини кўрсатиб, кўзлари юмилиб-юмилиб кетаверди. Лола нималар бўлганини ўйлаб кўришга уринди, аммо чарчоқни енголмай уйқуга кетди.

Бу пайт дала ҳовли дарвозаси ёнига оппоқ “Нексия”

келиб тұхтади. Үндан тушган йигирма икки ёшлардаги йигит дарвозані очди. Машина қовлиға кириб, үндан бир қыз тұрт йигит ҳамроғлігіда тушди. Улар бириңчы қаватдаги чироқларни ёқишиди, йигитлар машинадан судраб туширишган қызы айюханос солиб бақырапар, йигитлар хохлашар, аммо юмшоқ ўринидіңде пишиллаб ухлаёттан Лола булардан бекебар зди. Дарвозані очған йигит “асира”ни судраб иккінчи қаватта олиб чиқди-да, Лола ухлаёттан хонани очиб, чироқни ёқди. Лола ток ургандай сесканиб үйғониб кетди. Етогида бемалол ястаниб ёттан қызни күриб йигитнинг күзи косасидан чиқиб кетаёзди.

— Кимсан?! — деди у үшқириб.

— Үзинг кимсан? — сүради Лола ўрнидан сектин тураркан.

— Бу ерда нима қилиб ётибсан?

— Санга нийма? Сотовғанмисан?

— Бу нима деганинг, бу дача меники!

— Ҳужжатинг бормиң?

— Ҳозир мен сенинг күзингің ҳужжатни күрсатаман! — йигит ўзи судраб олиб чиққан қызнинг қүлини күйиб юбориб, ортига қайтди.

* * *

Лазокат бүйніга чирмалған арқон билан ерда чўзилиб ётарди.

— Қизим, қызгинам!.. — Халил бойвачча унинг бошини күтариб қулоқлади. — Нима қилиб күйдинг?!

Қызининг нафаси бойваччанинг димогига урилди. У қызининг бошини бироз четта сурди-да, юзига тикилиб турди. Лазокат пишиллаб нафас олар зди. “Тушунарли, — деди ичіда Халил бойвачча, — ҳозир ҳаммаси яхши бўлади”. У ювиниш хонасига кириб, челякни сувга тўлдириб чиқди-да Лазокатнинг устидан сепиб юборди. Совуқ сувдан сесканиб сапчиб ўрнидан турган қыз кўзларини лўйқ қилиб отасига қаради. Шундагина Халил бойвачча қызининг ички кўйлакдалигини пайқади. “Шу менинг қизими? — деган ўй кечди отанинг хаёлидан. — Ёки Лазокат бўлиб кўринаётган бошқа қизми?..” Фавқулодда келган бу фикр киприк қоққулик фурсатда хаёлидан кўтарилди. Бойваччанинг нафрати қўзиди, бироқ бу сафар у жаҳлинини боса олди ва вазминлик билан:

— Қизим, ўзини осиш ҳамманиям қўлидан келавермайди. Бунинг учун ҳам ирома керак, — деди.

Лазокат эса ҳозир отаси камарини ечиб қўлига олиб савалашини ёки тиззалаб ўтириб уввос солишини кутганди. Бироқ ўйлаганлари ўйлигича қолди.

— Нилуфар, — деди Халил бойвачча хонадан чиқаркан, — синглингта озгина таълим берсанг бўлмасмиди, қизим?

Катта қизи бошини эгиб отасига йўл бўшаттандай ўзини четга олди.

Бундай ҳолатида, одатда, бойвачча хотинини аяб ўтирас, хумордан чиққунча тепкиларди. Лекин ҳозир индамади. Фақат ёнидан ўтаётib:

— Сен ҳам хотинмисан! — деди мулойим оҳангда.

Зарба қизга ҳам, хотинга ҳам бир хил — юмшоққина, бироқ жон жойига берилди. Нишон жуда аниқ олинганди. Лазокат Нилуфарнинг дашномларини деярли эшитмади. Мўътабархоннинг кўнглидан “Ўлдирсангиз рози эдим”, деган ўй кечди. Аммо қизу онанинг иззаси икки дақиқадан кўпга чўзилмади — улар яна ўз асл ҳолларига қайтишли.

Қора “Мерс”ига ўтирган Халил бойвачча машинани ўт олдириб, кўл телефонда рақам терди. Негадир кулгиси қистаб, пиқиллади.

— Алло, — деди у гўшак кўтарилганини эшитиб, — намунча кўтаришинг қийин!

— Ошхонадайдим, — деган нозик овоз эшитилди, — сиз учун пирøг пишираётгандим.

— Ундан кўра заҳар тайёрлассанг бўларди, — кесатди бойвачча.

— Вой, нага унақа дейсиз? Сиз менинг новвотимсиз-ку-у-у...

— Эринг-чи? У шикалатми?

— Қўйинг ўшани, — деди аёл нозли товушда, — эслатманг. Ҳозиргина эсимдан чиқаргандим.

— Үнгача тинмай эслаётгандидинг?

— Намунча унақа қиловрасиз! — бу сафар жувоннинг товуши пўписа қилаёттандай чиқди. — Кўзим тўрт бўлиб кутиб ўтирсан-у, гапираёттан гапингизга қаранг!

— Бўпти, — деди Халил бойвачча, — майда-чуйдангни тайёрлаб қўй, бир дам олайлик.

— Хўп бўлади.

Халил бойвачча бу жувонни олти йил бурун йўлда учратиб қолиб танишганди. Ўша пайтлари, гарчи ўзига тўқ бўлса-да, ҳали Халил бойваччага айланмаганди. Ҳартугул тагида минса бирор кулмайдиган машинаси, отасидан мерос қолган ҳовлиси бор эди. Бир куни машинада кетаётаб, йўл четида турган бежиримгина кийинган, кичкина сумка кўтариб олган жувонга кўзи тушди. Ёмғир севалаб турар, жувоннинг эса соябони йўқ эди. Унга Халилнинг ичи ачиди, машинасини тўхтатиб, борар манзилини сўради. Ёмғирда ивиб, совуқдан қўли, юzlари қизариб кетган жувон лип этиб машинага ўтириб олди-да, кейин қаерда яшашини айтди. Унинг қилиғи Халилга ёқмади, аммо жувоннинг мулойим овози уни ўзига ром этди. Йўл-йўлакай жувоннинг исми Нигора эканини, турмушга чиққанига бир йил бўлганини, лекин ҳали боласи йўқлигини билиб олди.

Эртасига улар худди ўша — Нигора ёмғирда ивиб турган жойда яна “тасодифан” дуч қелишиди. Кейин яна ва яна... Шу тариқа Нигора Халилнинг жазманига айланди. Олти йилда жувон иккита фарзанд кўрди, улар Халилданми ёки эриданми, буни унинг ўзи ҳам билмасди. Аксига олиб на ўғли, на қизи эрига ҳам, жазманига ҳам ўшшамасди. Шунга қарамай, Нигора болаларини Халил келганида унга, эри билан гурунглашганда эса эрига ўшаш томонларини истаганча топарди.

Халил иккинчи қаватга кўтарилди. Ўзи кирадиган хона-доннинг эшиги қия очиқлигини кўриб тиржайди. Бу фақат Халил билан Нигорага маълум белги бўлиб, унинг тагида: “Тезроқ киринг, қўшнилар кўриб қолмасин”, деган маъно бор эди. Нигора: “Агар эшигим очиқ бўлса, “лип” этиб киринг, тағин гийбатчиларнинг тилига тушиб қолмайлик”, деб тайинлаб кўйганди.

Бойвачча бўсағадан ичкарига ҳатлаб, эшикни ёпди. Шу пайт рўпарасида ёши ўттизни қоралаб қолган эса-да, худди ўн саккиз ёшли қиздай пардоз-андоз қилган гўзал Нигора пайдо бўлди. Жувон эркакнинг бўйнидан оҳиста қучиб, лабидан бўса олди ва уни меҳмонхонага бошлади. Негадир Халил бойвачча ёзилиб ўтира олмади, нозланиб кириб-чиқаётган Нигоранинг қитпанглашлари бутун унга бачкана туйилди. “Эрта бир кун, қизим ҳам ким биландир шундай

қилиб юрса-я”, деган ўй кечди бойваччанинг миясидан ва суйкалаётган жувонни кўкрагидан итарди.

— Во-ой, — деди Нигора тантиқланиб, — қилифингиз ғалати, нима бало, жийда-пийданинг тагидан ўтиб келяпсизми? Ёки мени севмай қўйдингизми?

— Сен аввалгидай жоннингро ҳадатисан. Бироқ ҳозир кўнглимга қил ҳам сиғмаяпти...

— Унда чўзилиб озгина дам олинг. Ўзим силаб-сийпаб ухлатай. Кўнглингиздаги чигал дарров ёзилиб кетади.

— Эринг кеп қоса-чи?

— Кемайди. Унга хотин керакмас, иш бўса бўлди.

— Балосан, Нигор. Қара, неча йилдан бери мушукдай миёвлашамиз-у, бирор сезмади-я. Ишинг пухта сенинг.

— Билишини хоҳдайсизми?

— Нималар деяпсан!

— Шунақасизлар-да сиз эркаклар. Биз аёлларнинг жонига тўзим берсин, ҳаммаёқни эплаймиз.

— Бир нарсани ҳеч тушунмайман. Эрингдан ёшим анча катта бўлса, “ҳаракат”ларимам кўпга чўзилмайди. Лекин нимага менга илакишиб юрибсан? — деди Халил бойвачча жувонга зидан тикилиб.

— Биринчидан, мен сизни севиб қолганман. Иккинчидан, гап ётиб туришда ҳам эмас. Аёл мушукмижоз, кўпроқ эркалашни ёқтиради. Нормат акам ёш бўлгани билан сиз ўйлагандаймас. Тўғри, топиш-тушидан нолимасаям бўлади. Лекин “иш”га нўнокроқ...

Бойваччанинг миясига яна бояги ўй урилди: “Лазокат ҳам бир куни...” У ўрнидан сапчиб туриб кетди.

— Ҳа-а, нима бўлди тагин? — деди Нигора ажабланиб.

— Мен кетдим. Бир жойга боришим керак эди, эсимдан чиқибди, — деди Халил бойвачча хаёлига келган баҳонани айтасолиб.

— Бунақа қилмасдингиз-ку, ишларингизни битириб кейин келардингиз.

— Шунақа бўп қолди бугун, — дея бойвачча эшик томонга юрди.

У зинадан тушиб машинасига ўтирган чоғда Нигоранинг эрига кўзи тушди: у шошганча ҳозиргина Халил бойвачча чиққан йўлакдан уйига кириб кетди. “Хайрият, — ўйлади Халил, — худо бир асрари”. Шошиб машинасига газ бер-

ди. Серқатнов йўлга тушиб машинани бир четга олди-да, тўхтатди. Унинг уйига боргиси келмас, дўконларини айланышга ҳам ҳафсаласи йўқ эди. Бойвачча ўзини жуда ёлғиз хис этди. Тагида қимматбаҳо машинаси, данғиллама уйи бор, кўнгли тусаган нарсага қўли етади, бироқ ҳозир кўнглини оладиган бирор яқини йўқлигини сезди. Бу Нигоранинг ҳам қўлидан келмасди. “Жонга тегди бариси, — сиқилди бойвачча, — шунча мол-дунём бор-у, кўнгил ёзиб майшат қилишниям билмайман. Ўйнашимникига ўғри мушукдай кириб-чиқаман. Бу юришимни бирори билса, устимдан роса масхаралаб кулса керак. Ўл-а, қурумсоқ, шаҳарнинг четроғидан уй қилиб қўйсанг, асаканг кетармиди, дейиши тайин... Қаерга борсам экан? Тўхта, анави лўли қайси гўрдайкан?” У чўнтағидан телефонини олиб, рақам терди.

— Алло? — деган қўпол овоз эшигилди.

— Излаганда ернинг тагиданам топиб бўлмайди-я, — гапни ўпка-гинадан бошлади Халил бойвачча.

— Сан қидирдингми-еъ маний? — пичинг қилди Барон.

— Беш марта қўлингта телефон қилдим. Кўтармайсан, ёлғонлади бойвачча.

— Ман билмади. Телефон жим.

— Қаердасан?

— Ўтирийбман, қўйний ейиб, оппоққинасийний кўкрагийя бошиймни қўйиб, «Жука» туйнигийда!

Халил бойваччанинг Баронга ҳаваси келди. “Шуники мазза, ғам-ташвиши йўқ, тарааллабедод қилиб юрибди. Бирор мушугини пишт демайди. Бир ҳисобдан шуники ҳам тўғри экан”, — кўнглидан ўтказди Халил.

— Ҳозир бораман. Гаплашадиган гаплар чиқиб қолди.

Бароннинг “Жука” кафеси анча олис — машинада икки соатча йўл. Барон кафеда кам бўлар, онда-сонда, яйрагиси келиб қолса борарди.

Дарвоза олдида уни Бароннинг ўзи кутиб олди. У Халил бойваччанинг келишига дастурхонни янгилатган, сархил мева-чеваларни қўйдирганди. Бойваччанинг кўзи қувнади, Баронга ҳаваси икки карра ортди.

Улар икки қадаҳдан ароқ ичишли, кайфиятлари кўтарилиган маҳал бир йўла тўртта сариқ сочи қиз кириб

келиб, иккиси Бароннинг ва яна иккиси **Халил** бойваччанинг орқасида турди.

- Булар едириб-ичириб қўядими? — кулди бойвачча.
- Конечно, — деди Барон чап қўзини қисиб, — ийш кейин. Олдин буларний кўнглиний олайлик, ако Халил.
- Бизнинг ёшимиз қайтган, биттасиям бўлаверади, — деди Халил бойвачча.
- Ако Халил, ундоқ айтсангийз уят бўладий. Сийз ёшсийз.

Лўлининг гапидан кейин енгил кулги кўтарилиди. Бойвачча орқасида турган нозанинлар билан яйраётганида туй-қусдан қизимни эслаб қолмай, деб Бароннинг илтифотини кутмай қадаҳини икки марта тўлдириб сипқорди. Кайфи таранглашди, безовта ўйлар хаёлидан кўтарилиди. Сариқ сочли жононларни белидан кучиб, Барон кўрсатган “тўшанга”га равона бўлди... Кўнгли ёзилган бойвачча бироз толиққанини сезди ва чўзилиб анча вақт қимирамай ётди. Ташвишларни тамом унутиб, танида ҳузур-ҳаловатни ҳис этди. Кейин мириқиб чўмилиб чиқди-да, Барон билан ичкиликбозлиқ қилган хонага қайтди.

- Қанийди, ҳар кунинг шундай ўтса... — деди у қарта-ни чийлаётган лўлилар “қирол”ига.
- Бўладий, озгина иш, кейин маишат, — деди Барон бошини кўтармай.

Лўлининг бошини кўтармай гапиргани бойваччага оғир ботди. “Ким бўлибсанки мен билан бунақа гаплашасан? Падарингга лаънат, тиланчи, ялоқхўр!” — дея уни ичидяниди.

- Тўғри айтасан, иш эсдан чиқмаслиги керак. Аммо охирги пайтлар ишнинг мазаси қочди-да. Банкка пул бор-май қолганига ҳам анча бўлди-ёв, — деди Халил бойвачча.

У Швейцария банкidan ўзига ҳисоб рақами очган, топган пулини Россияяга, ундан тўғри ўша ҳисоб рақамига ўтказарди. Жамғармаси миллионнинг тагига бориб қолганди.

- Бу сафаргисий қийинроқ, ако Халил, — деди Барон, — партияний клент кутгон, бийз жўнатолмагон. Танийш керак, ако Халил.

- Мол қаерда? — деди бойвачча жиддийлашиб.
- Тожикестонга.

- Кўпми?
- Иккий қоп.
- Кўп. Ўзбекистон орқали ўтказиб бўлмайди. Аввал Туркманистонга ўтказиш керак. У ерда йўл бор.
- Сизга одам бормий Туркманистонга?
- Топамиз.
- Бийр ҳафта.
- Муҳлат кам.
- Сийзга ёрдам берадиганлар бор, — деди Барон ва бўсағада икки қўлини қўкрагига занжир қилиб турган йигитга ишора қилди.

Орадан бир ҳўплам чой ичгунча вақт ўтмай, узун-қисқа, семиз-ориқ етти нафар йигит кириб келди. Уларнинг жуссаси ҳам, афт-ангари ҳам турлича эди. Бойвачча эринмай уларга бирма-бир назар солиб чиқди. Турқларининг совуклиги унга маъқул тушиб, “Булар билан иш қилса бўлади”, деган қарорга келди. Барон атай қараб кўриб қўйисин, деган маънода орага гап суқмади, зимдан бойваччани кузатиб, юз-қўзидағи ўзгаришни илғамоқчи бўлди. Бироқ Халил бойвачча шумлик қилди. У бу пайтда рўпарасидаги одамни синчиклаб ўрганаар, қўз қарашларини эса яшира биларди.

- Булар камлик қилмайдими? — деди бойвачча “иш”ини якунлагач.
- Ако Халил, ўзингийзний одам бор-ку, қўшасийз, — мийигида кулди Барон.

Шу пайт костюм-шим кийиб, бўйинбоғ таққан, сочини тап-тақир қилиб олдирган йигит хонага югуриб кириб, Бароннинг қулогига шивирлади. Лўлининг ранги бироз ўзгарди, кўзларини юмиб бошини қимирилатди. Халил бойваччанинг кўнглига шубҳа оралади. “Нима қилишмоқчи булар? Мабодо мен ҳақимда бирор ножӯя гап топиб келмадимикан бу кал?” — хаёлидан ўтди унинг. Хабарчи қаддини ростлади, Барон қўли билан “Олиб кел”, дея ишора қилди.

Тақир бошли йигит юргилаб ташқарига чиқиб, қўлида катта елим халта кўтариб кирди.

- Оч! — деди Барон қўлини асабий сермаб.
- Йигит халтани тагидан ушлаб бир силтаган эди... қонга бўялган одам боши “тап” этиб ерга тушиб думалаб кетди.

Халил бойваччанинг кўзлари косасидан чиққудай олайиб, вужудига титроқ кирди...

* * *

Ялинишдан фойда йўқлигини билгач, қиз бақиришга тушди. “Шундай қылсам, мени кўйиб юборишар”, дея умидланарди у. Лекин акси бўлди.

— Ўчир овозингни! — бақирди ҳайдовчининг ёнида келётган йигит ортига ўгирилиб.

Наргиза “дод-вой”ни авжига чиқарди. Ёнида ўтирган йигитлардан бири унинг юзига тарсаки тортиб юборди. Қизнинг кўзидан олов чиқиб кетди, уни ўчи-ю, энди ичидан машинанинг ҳалокатга учрашини илтижо қила бошлади, бироқ тилаги ижобат бўлмади. Машина катта тезликда шаҳардан ташқарига чиқиб кетди.

Улар дала ҳовлига етиб келгач, тўртала йигитнинг учтаси галма-гал билакларини резина тасма билан тортиб ўраб, томирларига укол қилишди. Шундагина Наргиза гиёхванлар қўлига тушиб қолганини, энди соғ чиқиб кетолмаслигини билди. У чиқмаган жондан умид қабилида шерикларининг “иш”ига қўшилмай, қўлидан ушлаб уни тепага тортқилаётган йигитга ҳозир “бетоб” пайти эканини, бундай пайтда “юқ” кўтариб қўйса, бир умр ногирон бўлиб қолишини айтиб ёлворди. Бироқ йигитнинг кўзида шафқат ўрнига, шаҳват ўти гуркиради.

— Бунақасини ҳали кўрмаганман. Бир синарканмиз-да, даҳшат! — деди у қийқириб ва қизни иккинчи қаватга судраб кетди.

Йигит ётоқ эшигини очганида, Наргиза ўзини тақдир измига топшириб қўйганди. Укаси касалхонада ўлим билан олишиб ётмаганида бошқача йўл тутар, ўзини ўлдиради. Мабодо қизлик шаъни булғангудек бўлса, барибир Бобур соғайгач шундай қилади. У шундоғам турмуш ташвишлари эговлаб ташлаган онасини ўйлади: Бобур оёққа туриб кетган тақдирда ҳам қизининг ўз жонига қасд қилишига чидаёлмайди, омонатини ажалнинг қўлига топширади-қўяди. Наргиза иккilanар, тақдирига, ўзининг шундай истарали, гўзал бўлиб яралганига ўқинарди.

Ётоқда лўлисифат қизни кўриб, унинг юзи ёришиб кетди. Каракт аҳволдалигиданми, йигит билан лўли қизнинг гаплари қулогига кирмади. Фақат рўпарасидаги қизнинг:

— Сан бунга ким? Қизими? — деган сўровини эшилди, холос.

Наргиза уйқудан энди тургандай бир муддат каловланиб колди.

— Ўйнаш бўлсайнг, саний нега судраб келдий?

— Опажон, — деди у нажоткорини топгандай жовдираб, — булар наркоманлар экан, йўлда мени машиналарига бошиб бу ёқса олиб келишди. Пастда яна учтаси бор, мени кутқармасангиз ҳолимиз хароб, улар сизниям зўрлашади!

Лоланинг эгнидаги, Лазокат айтмоқчи, “дурандулет” кийим унинг ёшини Наргиздан каттароқ қилиб кўрсатар, Наргизанинг лўли қизни “опа” дегани боиси шунда эди.

— Ибий, шундайчамий, ман саний...

У гапларини тугатолмади. Пастки қаватга тушиб кетган йигит кўзлари қисилиб кетаётган шеригини эргаштириб чиқди.

— Башара, мунга қара, яна биттаси ўз оёғи билан келибди, битта каравотда иккаламиз иккови билан майшат қиласмиз, “дода” чиқади! — деди у гандираклаб турган ўртоғига.

— Қани биттаси? — сўради кўзлари юмилиб кетаётган йигит.

Унинг афт-ангари “башара” деса дегулик, юзига тушган хуснбузарни сиқаверганиданми, башараси шудгорланган ердай ўнқир-чўнқир бўлиб қолганди.

— Келгандан игна санчмаларинг девдим-ку! — тўнғиллади йигитларнинг тетикроғи шеригига. — Лўлисиям бўловрадими?

Башара “фарқи йўқ” дегандек қўлинин силтади.

— Ҳай, хумкалла, — бақириб берди шу пайтгача тоқат қилиб турган Лола портлагудай бўлиб, — оғзимний чаккасийни кўрдингмий?! — у лабини бармоқлари билан буриб кўрсатди. — Биттасий бийлан муштлашдийм. Қонийга бўядийм, ҳозир санингам каллангний қатигиний чиқараман.

Йигит бошини орқага ташлаб хохолади ва аста Лолага яқинлаша бошлади.

— Манга тегийнма, манийм одамийм бор! — бақирди қиз ортта тисарилиб.

Йигитнинг қулогига гап кирмасди.

— Мансур, — деди ортда турган Башара, — сеники энди менгами?

— Билганингни қил! — деди Лоланинг устига бостириб келаётган Мансур ўртоғининг гапига эътибор бермай.

— Манга тегийнсанг, етти пуштийнг куядий! Отанг бийлан онанг ўладий! — деди титраб Лола.

Шу маҳал қарсиллаган товуш чиқди ва Башара “Ваҳ!” деб юборди. Мансур шарт ортига ўтирилди, Башара ерга қапишиб, икки қўли билан бошини чанглаб қолган, бармоқлари орасидан қон сизарди. Наргиза Мансурга тикилиб қотиб турар, аъзойи бадани “қалт-қалт” титраганидан қўлидаги ваза тушиб кеттудай эди. У ўзига ташланган Башаранинг бошига Мансурнинг отаси Туркиядан олиб келган осори-атиқа — қадимги қимматбаҳо ваза билан туширғанди.

— Нима қилдинг, ифлос! — Мансурнинг кўзи олайиб кетди. — Қўлингдаги матоҳ сендан қанча қиммат туришини биласанми?!

— Агар қўйиб юбормасантлар, ҳозир чил-чил бўлади! — лаблари титраб бақирди Наргиза. Унинг пўписаси ялинишга ўхшаб кетарди.

— Онанг...

Мансурнинг сўкиши бўғзида қолди, Лола унинг ўтирилганидан фойдаланиб, бўйнига чанг солди. Кутиммаган ҳужумдан Мансур довдираб қолди.

— Ҳай, қийз, — қичқирди Лола, — бошийга ур!

Мансур энди олдидан ташланган қизнинг ҳамласига чап бермоқчи бўлиб типирчиларди. Лола унинг бўйнидан чайир қўлларини ўtkазиб олиб, бор кучи билан бўғишга тушкиди. Мансур уни устидан ошириб ташламоқчи бўлиб қўлидан тутган эди, Наргиза унинг пешонасига қўлидаги ваза билан туширди. Мансур “Ваҳ!” деганча қулаб тушди.

— Вой! Ўлдириб қўйдим! — қўрқиб кетиб, даф-даф қалтирай бошлади Наргиза. — Шўрим курсин, энди нима қиласман?!

Шу пайт унинг қўлидаги ваза полга “қарс” этиб тушдида, чил-чил бўлиб кетди.

— Баттар бўсийн, қочамийз! — деди Лола ва Наргизанинг қўлидан ушлаб эшик томонга тортди.

Пешонаси ёрилиб, юз-кўзи қонига беланган Мансур

қызларнинг эшикдан қочиб чиқиб кетишаётганини тиради. Сўкум оғизини жуфтлади, овози чиқмади. У ҳушидан кетаётганди.

Кўркув голиб келиб, қызлар пастки қаватга югуриб тушиб қолишганини сезишмади. Бу пайтда Мансурнинг ҳамтовоқлари нашанинг кайфидан, ўzlари айтмоқчи, “жантада кезиб юришарди”.

Қызлар уларнинг ёнидан ўтаётиб бир зум тўхташди. Наргиза хавотирланиб Лолага қаради.

— Ўлийб қолијшган, — деди Лола қўлини силтаб ва эшик томон илдам юриб кетди. Кетидан Наргиза эргашди. Наргизанинг юраги ҳаприқар, гўё лўли қиздан бир қадам ортда қолса, нашавандлар етиб келиб, уни ушлаб қоладигандай туйиларди.

Лола дарвоза табақаларини оча бошлади.

— Нима қиласяпсиз? — ҳайрон бўлди Наргиза. — Анави-лар келиб қолишади-ку!

— Сан мошийн ҳайдайсанмий? — деди Лола унинг гапини жавобсиз қолдириб.

— Адам ёшлигимда озроқ ўргаттанди, — деди Наргиза энди унинг нима қилмоқчилигини фаҳмлаб, — лекин тез ҳайдолмайман.

— Секи-н ҳайдасаям бўладий.

Наргиза қўрқа-писа машинани ўт олдирди, қалитни қаттиқ бураб юборди, шекилли, оппоқ “Нексия”нинг мотори бир зўриқди. Қиз шошиб қўлини қалитдан олганди, моторнинг товуши текис нафас олаётган одамдай, меъёрига тушди. Бироз хотиржам тортган қиз машинани секин жойидан қўзғатди.

Катта йўлга чиқиб олганидан кейин ҳам у тезликни оширмади, “Нексия” тошбақадай имиллаб кетаверди. Лола аввалига йўлга қараганча жим кетди, бироқ анча йўл босишгач зерикди чоғи, рулга ёпишиб олган Наргизага қараб-қараб кўйди-да, сабри чидамай:

— Ҳай, шафёр опа, ийлдам-ийлдам ҳайданг, тошвоқаям бийздан тез кетадий, — деди кулимсираб.

Унинг гапидан Наргиза завқланди, мийигида жилмайиб, лўли қизга бир қараб олди.

— Эссииз, — деди Лола ҳам унинг қилиғидан кулиб, —

ман шафёрға ўқимаган-да, бўйлмаса самалётний қолдирайдим.

— Уйга етиб олайлик, ўргатиб қўяман.

— Шундайча ҳайдашгамий? Керакмас. Укамни аравасий бор. Ҳангий эшшагийга тақадий. Шуний мийнаман. Бийр чангимда қолдийрай саний, бийр қолдийрай, ҳамма тамошо қилсийн.

Наргиза ҳангига эшакни чоптириб аравада кетаётган Лолани кўз олдига келтириб кулиб юборди. Бир зум кўрган азоблари унут бўлди, чуқур нафас олиб тағин лўли қизга қараб қўйди-да, газни қаттиқроқ босди. Машина ўкириб, тезлиги ошди.

— Шундайча хиллани босиб тур бунга. Тез чопадий, — деди Лола.

— Каттароқ тезликка олишга қўрқяпман. Бошқаролмай қоламан... Айтганча, ҳали танишмадигам, исмийз нимайди?

— Лола.

— Меники Наргиза... Лекин-чи, сизни учратганим зўр бўлди-да. Энди шарманда бўлдим, деб ўйлагандим.

— Нийма, санга йигийт киший мошинага чиқ деса, мийниб кетаверасанмий?

— Эй, опа, — деди Наргиза хўрсиниб ва бўлиб ўтган воқеаларни бирма-бир гапириб берди.

Лўли қиз унинг гапларини бўлмай диққат билан эшиди. Кейин афсусланиб, худди қари лўлилардай бошини сарак-сарак қилди:

— Мандан оз қийналибсан, барибийр. Маний ташвишийм кўп. Саний ёшинг неччига? — деб сўради.

— Ўн тўққизга кирайпман.

— Ибий, манга опайкансан-ку. Ман ўн еттийгаман!

Наргиза бироз хижолат чекди-ю, бироқ буни сездирмаслик учун йўлга қаттиқ тикилди.

Орадан ўн дақиқалар ўтиб, лўли қиз яна тилга кирди:

— Маний уйга борсам ўлдиришадий. Бизга “закон” ямон. Сийзга яхший, уришадий, тамом, — деди у ўйчан.

— Нима айб қилиб қўйгансиз? — ҳайрон бўлди Наргиза.

— Эй-й, опачам, сийз сўраманг, ман айтмай! Айтсан ерга қўшилиб осмон ёниб кетадий, кейинроқ би-ирп айта-

ман. Бутунча манга ётоқ берсангийз, шуни сийзга илтимос қылмоқчыйдим.

Наргиза Лоланинг илтимосига дарҳол рози бўлди-ю, кейин ўлланиб қолди: “Ўзи лўли қиз бўлса. Ким билади, миясида нима ўйи бор? Уйимизда қўлга илингулик бирон нима йўғ-у, барибир... Айтмоқчи, у ёқларда бу қиз нима қилиб юрган экан? Ўзи, унинг олдida қарздорман-у, яна нималарни хаёл сураяпман, мен аҳмоқ?! Агар бу қиз ўйимизни кўтариб кетсаям ҳақи бор. У мени қутқарди-ку!” Наргизанинг лўли қизга меҳри жўш урди. Беихтиёр Лолага ўгирилиб:

— Раҳмат, — деб қўйди майин оҳангда.

Унинг “раҳмат”ини ўзича тушунган Лола бошини силкиб жилмайди.

Улар тахминан яна бир соатдан мўлроқ юрганларидан кейин Наргиза машинани йўл четига олиб тўхтатди. Лоланинг ажабланиб қараганига:

— Яна юз метрча юрсак, ГАИ пости келади, — дея жавоб қилди.

— Нийма бўлтий?

— Мошина бизникимас-ку. Ўғирлаб қочгансизлар деб қамаб қўйишади. Менинг ҳайдашга ҳақим йўқ. Яхшиси тушамиз-да, постни айланиб ўтамиз. Кейин биронта такси тўхтатиб, уйгача етиб оламиз.

Уларни тақдир яна бир марта сийлади. Қизлар машинадан тушиб ҳали ДАН постини айланиб ўтмасларидан, йўл четида қолдиришган оппоқ “Нексия” ёнига жигарранг “Опел” келиб тўхтади. Ундан бақбақаси осилган, тақирбон, қориндор бир одам тушиб, «Нексия»ни айланиб қаради. Бу кимса собиқ амалдор, нафсини тиёлмай лавозимидан урилиб, тадбиркорлик қилиб юрган, онда-сонда Барон билан енг учиди иш қиласиган Мансурнинг отаси Эгамқул Тўхтаевич эди. Унга қизлардан калтак еган ўғли қўл телефони орқали кўнфироқ қилиб, иккита безори қиз ҳужум қилиб, машинани тортиб олишганини айтганди. Эгамқул милицияга хабар бермоқчи ҳам бўлди, бироқ ўйлаб туриб ниятидан қайтди. Чунки можаро авж олса, ўзининг чигал ишлари ҳам очилиб кетишидан чўчиди.

Эгамқул Тўхтаевич ўғлининг «тойчоги»ни синчилаб кўрикдан ўтказиб сўнг рулга ўтирди ва туйкус кўзи ка-

литга тушди. Калитни оҳиста буради-ю, капалаги учиб кетди...

* * *

Қизлар тонг бўзариб келаётган бир паллада Наргизаларнинг уйига етиб олишди. Улар ҳолдан тойганди, оёқлари ни судраб тўртингчи қаватта чиққунча тиллари осилиб қолаёзди.

Лолани ошхонадаги столга ўтқизиб Наргиза газга чой қўйди-да, ўзи ювениш хонасига ўтди. Кийимларини бир-бир ечиб ташлай бошлиди. У ўзининг қоматини томоша қилишни яхши кўрарди. Оппоқ бадани, хитча белита қараб, ўзига-ўзи мафтун бўлар, ойнага тикилиб тўймасди. Қиз танасининг кўкариб кетган жойларига кўзи тушиб, йиглаб юбораёзди. Ошхонада ўтирган лўли қиздан тортинди эҳтимол, пастки лабини қаттиқ тишлади. Лат еган жойларни нозик бармоқлари билан авайлаб силаб бирпас тургач, илиққина сувга кирди. Унинг танаси яйраб кетди. Қиз баданида югуриб пастга юмалаётган сувдан лаззатланиб кўзларини юмганча “оҳ” тортиб юборди...

— Вой, Наргийз! — деди Лола эгнига ялтироқ кўк халат кийиб ювениш хонасидан чиқиб келган қизга кўзлари ёниб қаарarkan, — бунча чийройлийсан!

Гоҳ “сиз”лаб, гоҳ «сен»лаб гапираётган лўли қизнинг гапидан Наргиза мийигида кулди.

— Сенинг ўзинг менданам чиройлисан, — деди у ҳам сенсираб, — битта ювениб чиқ, унгача сенга ўзимнинг кийимларимни тайёрлаб қўяман.

Илиққина сувда маза қилиб ювениб чиққан Лола сочларини қуритгичга тутиб олгач, Наргизанинг бежиримгина кийимларини кийди: энди унинг лўлилигини билиб бўлмасди! Майин сочларини эҳтиётлаб тараётганида, Наргиза ортидан келиб кучоқлаб олди:

— Агар ўғил бола бўлганимда, лўлилигингга қараб ўтирамасдан уйланиб олардим, — деди.

Бу гапдан қизлар баравар хандон отиб қулишди ва Лола чаққон ўгирилиб, Наргизани маҳкам қучди.

Шундан сўнг улар овқатланишиб, қўёш деразадан мўралай бошлаганда ухлагани ётишли.

Лола уйқусида туш кўрди. Катта гулзорда юрганмиш. Ўнгу сўлида чаман бўлиб очилиб ётган атиргуллар, осмон-

да бир гала оппоқ кабутар гоҳида пирпираб паствлаб учар, унинг бошига тегай-тегай деганда бирдан қўтарилиб кетармиш. Лола ҳайрон, ҳеч тушунмас, паствлаётган қушларнинг биронтасини тутиб қолиши учун қўлини осмонга чўзар, аммо сира ушлаб қололмаскан. Бир маҳал қаерданам катта қора калхат пайдо бўлиб, шунақанги шиддат билан учиб келиб кабутарларга ташланган экан. бир йўла бешта кабутар қанотлари қайрилиб, гуллар устига қулаб тушибди. Лола уларни олиш учун қанча ютурмасин, ҳечам етолмас, оёқлари жойидан жилмасмиш. Шунда у аламига чидолмай йиғлаб юбориби...

— Лола, сенга нима бўлди, нега йиғлаяпсан? — деди аллақачон уйғониб овқат қилишга ҳам улурган Наргиза лўли қиз ухлаётган каравотнинг бир четига ўтириб, унинг сочини силаркан.

Лола чўчиб уйғонди ва бироз карахтланиб ўтирди-да:

— Қушларний ўлдирдий... — деди талмовсираб.

— Туш кўрдингми? Қўявер, тушга нималар кирмайди. Қўй, йиғлама, яхиси, энди, хоним, ўрнингиздан турингла, ювиниб келинг, овқатланамиз. Вақт аллақачон пешиндан ўтиб кетди, ойим бечора кўзи тўрт бўлиб ўтиргандир, — деди Наргиза жилмайиб.

Тақдир тақозоси билан опа-сингилдай бир-бирига меҳрибон бўлиб қолган икки қиз тушлик қилиб олишди, сўнг Наргиза укаси ётган касалхонага овқат олиб кетди. Лола бирга бормоқчи бўлганди, “опа”си унамади. “Сен шу ерда ўтира тур, бугун уқамнинг ёнида қолиш менинг навбатим, ҳозир бориб келаман-да, кечга томон сениям олиб кетаман. Энди бирга бормасанг, бир ўзим қўрқаман”, деди Наргиза.

Наргизани жўнатиб, Лола телевизорни қўйди, ҳинд фильмни кўрсатилаётган экан. У кинони кўрмоқчи бўлиб, телевизор қархисига жойлашиб ўтириб олди. Бироқ фильмнинг охири экан, дарров тугаб қолди. Ҳаммасини кўролмаганидан асабийлашган қиз телевизорни ўчирди ва ўрнидан туриб шкафга таҳлаб қўйылган чойнак-пиёлаларнинг гулларини томоша қилди. Беҳосдан пиёлалардаги атиргуллар тасвири тушида кўрган гулларни ёдига солди. Ҳаёлан уларни таққослаб турганда шкафнинг бир четидаги турган альбомга кўзи тушди. Иккапланмай альбомни қўлига олиб,

ерга ўтирганча варақлай бошлади. Наргизанинг болаликда тушган суратлари. Бир суратда Наргизанинг ёнида ўзи тенги болакай жилмайиб турибди. Ҳарчанд уринмасин, қаерда кўрганини эслай олмади. Бироз паришон хаёл билан Лола альбомнинг кейинги бетларини варақлади. Ва ногаҳон... ўзи бозорда дуч келган йигитнинг суратига кўзи тушки. Бу боланинг расми қаердан келиб қолган экан? Ким бўлали у Наргизага? Аварияга учраган укаси шумикан? Ёки бу бола унинг севганими?.. Наргиза билан ачомлашиб ҳам тушибди... Бу ўйлардан Лоланинг юрагида рашк алангаси пайдо бўлди. Альбомни дуч келган томонга отиб юбориб, гилам устига чўзилиб ётиб олди. Кўзини юмиб, бироз хаёл сурди. “Жинни бўп қопсан, Лола, — деди ўзига-ўзи. — У бола ёмон, мени ер билан битта қилди. Сарсон-саргардон юрганимга ўша сабабчи. Наргиза бўлса менга уйидан жой берди, эгнимга уст-бош берди... Бўлди, тамом, энди лўлилик қилмайман. Бировнинг ёнига тиланиб бормайман. Наргизага илтимос қилиб иш сўрайман. Ўзбекча гапиришни яхшилаб ўрганиб олсан, бирор мени лўли деб ўйламайди. Кейин ўзбеклардан йигит топиб, ўшанга турмушга чиқаман...”

— Хоним ўзига-ўзи нималар ҳақида гапиряптилар? — деган овоз Лолани чўчитиб юборди, у ўрнидан сапчиб туриб кетди. — Жиннивой, — гапини давом эттириди хонага сездирмай кириб келган Наргиза Лолани эркалаб, — нималар деяпсан?

— Манга иш топиб бейр. Ишлайман, — деди лўли қиз кутилмаганда. — Бошқа бундайча юрмайман.

— Нимага бирданига бундай қарорга кеп қолдинг? — Наргиза сумкасини ерга қўйиб, унинг ёнига чўкли.

— Ишлагийм келоптий.

— Яхшигина иш бўлса мен ҳам ишлардим. Лекин қаерга бормай, муаммолар бошимга қордай ёғилади...

— Немага?

— Йигитлардан, умуман, эркак зотидан безор бўлиб кетдим. Қаерга бормайин, ошиқ чиқади. Бир қарасанг, кап-каптта, кўринишидан тупла-тузук одамлар. Иймонсизлар, мақсади мен билан бир марта бўлса ҳам ишрат қилиш. Кейин менинг ҳаётим нима бўлади, бу билан уларнинг иши йўқ!

- Буний сабабий, ман санга айтсам, чиройлийсан!
 - Ҳамма бало шунда-да!
 - Кийм боқадий сийзний?
 - Шу пайтгача укам бечоранинг бир ўзи ишларди.
- Онам иккимизни едиради, ичиради, кийинтиради. Шунгаям кўз тегди. Ишқилиб, соғайиб кетсин.

- Яхши эканмий?
- Ҳа, кечагидан бир оз тузук. Лекин ойим бечоранинг бир кунда кўзлари киртайиб қолибди. Яхшиям, кечаги ҳайвонлардан эсон-омон қутулиб кетдик, бўлмаса ойим ажалидан беш кун бурун ўларди.
- Ҳай, ҳай, опосий, бундайча гапларний айтманг. Фарийшталар ҳамма гапга овмин айтишади.

Наргиза жилмайди, лўли қиз бўлсаям Лола билан гаплашиб унинг кўнгли пича ёзилганди.

Кеч кира бошлаганда улар ўзларига оро беришиб йўлга чиқиши. Касалхонага етиб боришганда шом қоронғиси ёйилганди. Наргизанинг юраги негадир безовта ура бошлади: “Ишқилиб, укам омон бўлсин-да, жонини худо асрассин”, дея кўнглида тинимсиз илтижо қиласарди. Касалхонага кириб, йўлак бўйлаб бораётиб жон қулоги билан укаси ётган палатадан чиқаётган товушни илғашга уринди. Ҳаёлида эшиги очиқ палаталардан чиқаётган товушлар онасининг фифонли ноласига ўхшаб кетади. Наргиза эшик тутқичини илкис тортганини ўзи сезмай қолди. Ичкарида, ўелининг каравоти ёнида бошини қуий солиб ҳаёл суриб ўтирган она эшикнинг тарақлаб очилганидан чўчиб тушди. Кизини кўргач, ёқасига туфлаб:

- Нима бало, — деди ҳадиксираб, — ортингдан ёв қуввлаб келаяптими?
- Укажоним яхшими? — Наргиза онасининг гапига жавоб бермай сўради.

— Худога шукур, ҳозиргина мен билан гаплашди. Ҳаёлиям жойига келди. Сизларни қийнаб қўйдим, деб узр сўради. Болагинам ақдли-да, ўзи.

“Хайрият-ей!” енгил тин олди Наргиза ва аввал онасининг юзидан, кейин укасининг очиқ пешонасидан ўпиди. Лола ичкарига кириб, эшик ёнида қаққайиб турарди.

— Бу менинг дугонам, — уни онасига таништириди Наргиза.

— Кел, қизим, кир, — деди аёл бесаранжомланиб.

Қиз ийманиб бир-икки қадам босиб түхтади. У кирганидаёт Наргизанинг онасига салом берган, лекин аёл эшиладиган аҳволда эмасди. Шу боис, орага бироз ноқулайлик чўкди.

— Исми Лола, ниҳоятда ақали қиз, — таърифлай бошлиди уни Наргиза.

Аёл илгари қизининг бу дугонасини кўрмаганди, устига-устак, унинг салом бермагани ҳам ғалати туйилди. Эгнига Наргизанинг кийимларини кийиб олгани эса аёлни янада ажаблантириди.

— Яхши, яхши... — бosh силкиб қўиди аёл.

Шу лаҳза хаёлидан: «Тағин ўғлимнинг суюклиси бўлмасин», деган ўй үтди-да, қизга тағин, бу сафар синчиклаброқ, бошдан-оёқ разм солди. Аёлга унинг саҳт-сумбати маъкул тушди-ю, безрайиб тургани ботмади. Лоланинг:

— Ўғлингийз яхши бўп қолдими? — деган сўроғидан кейин эса аёл буткул тахта бўлиб қолди. “Курмагур қизим кимни бошлаб келди?” дея хаёлидан ўтказиб, қизига ёвқараш қилиб қўиди.

Онасининг юзидаги ўзгаришни илғаган Наргиза:

— Ойижон, сиз қоронғи тушиб қолмай тезроқ уйга етиб олинг. Ўзиям роса чарчаб кетдингиз. Эрталабдан ўрин алмашсак бўларди, унамадингиз, энди дугонам билан укамга қараб турамиз, — деди.

— Майли, болам, — аёл оғриниб жойидан қўзғалди, — бир ҳисобдан дугонангни олиб келиб яхши қилибсан, кўнглим хотиржам бўлади.

Аёл қизи билан чиқиб, ташқарида Лоланинг кимлигини суриштироқчи эди, Наргизага дугонаси ҳам эргашди.

Қизлар қайтиб кирганида Бобур уйқудан уйғонганди. Уни кўриб Наргиза қувониб кетди. Аммо у қувончи узоққа чўзилмаслигини ҳали билмас, чунки Бобурни Дониёр билан адаштирган Бердимурод унинг учун зимдан ажал пиҷофини чархлаётганди.

* * *

Хосият биби Лоланинг йўқолиб қолганидан бехабар эди. У Бароннинг пўписасидан кейин “тили чиқиб қолган”

қизни бир ёқли қилиш ниятидан иложсиз қайтди. Шу боис, уни қидиртирмади. Оғзига тикилиб, буйругини күтиб турган қавмининг хотинларига “кеттакон”нинг пўписасини билдирмаслик учун илжайиб қўйди. Хотинлар ҳам унинг юзи тундлашиб, кейин ёришганини кўриб хушомадомуз тиржайиши.

— Шу дафъа Бароннинг гапини икки қилмай, ўша ойимчага тегинмадим. Кейинги гал Барон тугул бошқаси бўлсаям қонини ичаман, — деди Хосият биби сир бой бермай.

Унинг гапларидан, айниқса, хабаркашлари шодланишида ва Лоланинг тағин тилидан илинишини пойлаб кутадиган бўлишиди.

Кечки пайт Хосият биби уйига қайтаётганида ўзини қандай кўргиликлар кутаётганини билмасди. У ҳаммадан оддин уйига бориб, фўддайиб ўтирган Лолани “чақиб” олиш пайида эди.

Уйига кириб, ландовур, қўлидан битни ҳам ўлдириш келмайдиган эрининг овқат қилиб қўймаганини билгач, хаёлидан Лола ҳақидаги ўйлар кўтарилиб кетди.

— Молга ўхшамай ўл, ҳайвондан тарқаган, ҳозир чавақ-лаб ташлайман! — бўкирди эрининг оғзидан бирор егулик тайёрламагани ҳақидаги гап чиқар-чиқмас.

— Ман... — эр энди оғзини жуфтлаган эди, бошига бало ёғилди.

— Сандан мани ахлатим авлиё, онангни!.. Ҳароми, ис-қирт! — дея Хосият биби ҳовлининг ўртасида ётган темир таёқни қўлига олиб, эри томон югурди.

Шу маҳал уйга Бароннинг тўрт йигити олдинма-кетин бостириб кирди. Хосият биби уларни кўрди-ю, жойида тақقا тўхтади. Эрининг эса юзига қон югурди.

— Лола қани? — деди биринчи кириб келган, қоп-қора барзанги йигит қалин қошларини чимириб.

— Орқасини томга қаратиб ётгандир уйида, — деди Хосият биби ичидан зил кетганини билдирмасликка тиришиб.

— Уйида йўқ, — деди ҳалиги йигит ўқрайиб, — ҳеч ким кўрмаган, ҳеч ким билан маҳаллага келмаган!

— Бўлмаса юргандир-да биронта ўйнаши билан ялло қилиб.

— Қайси ўйнаши билан юрганини сен билишинг керак.
Топ!

— Ибий, ман топаманми ҳали?! Барон ўйнаш құлмоқчи бүлса, ўзи топсин! — у шундай деди-ю, тилини тишлиб қолди.

Ха, Хосият биби лўли маҳалладаги истаган одамни оғзи-га сиққанча ҳақоратлаши, гўрдан олиб гўрга тиқиши, ҳатто оғзи-бурнини қонга тўлдириб уриши мумкин эди. Бунинг учун бирор унга «Финг» демасди. Фақат Барондан ажалдан қўрқандай қўрқарди. Аммо нима жин уриб ҳозир тилига эрк бериб юборганини ўзи ҳам сезмай қолди. Ичиди аф-сусланди-ю, бироқ энди кеч, фишт қолипдан кўчганди. Барзанги йигит қўл телефонидан хўжасига қўнғироқ қилиб, воқеани батафсил айтди. Унинг гапларини Хосият биби эшитди-ю, лекин Бароннинг нима деб жавоб қилгани унга қоронги бўлиб қолди. Қўнғироқ қилган йигит телефонини чўнтағига солди-да, қўрқан олдин мушт кўтарар қабилида чиранаётган лўлиларнинг эрка хотинига ташланди. Барондан шундай бўйруқ бўлганини англаб, қолган уч барзанги ҳам Хосият бибига ёпишишди.

— Пийчоқ билан сўйинглар, манам қутулай бу ялмоғиз кампирдан, манам қутулай! — дея қичқирди Хосият бибининг эри барзангиларни гижгижлаб.

— Ҳаммангни милисага сотаман! Нима иш қилганларин-гни барини биламан, бангилар! — қичқирди аёл, гўё шу гапдан қўрқиб, кўйиб юборишади, деган ўйда.

Аммо бу сафар ҳам у адашганди. Бароннинг одамлари баттар пишқириб кетишли. Бири лўлибошининг оғзига кир латтани тиқди, иккинчиси бурнининг тешикларига иккита бармогини жойлаб юзини осмонга қаратди. Шу пайт орқада турган учинчи йигит ҳеч иккиланиб ўтирасдан Хосият бибининг томоғига ўтқир тифни тортиб юборди. Аёл хириллаб типирчилай бошлади. Лўлибошининг эри воқеанинг бундай тус олишини кутмаганди, кўзлари олайиб ортига тисарила бошлади. Унинг қочишга шайланганини семиз барзанги пайқаб, лапанглаганча югуриб бориб эрнинг ёқасидан ушлади.

— Во-ой, манда гуноҳ йўқ. Ман уйдан чиқмаганман, Лолани кўрмаганман! Нима қилса, шу кампир қилган! Ўлдирманглар! Ўзи бу кампирдан қутулсан, сайил қилиб

бермоқчийди-и-м! — деда кўзидан ёшини оқизиб ялинишга тушди Хосият бибининг эри.

— Кампирнинг аҳволини кўрдингми? — деди барзанги хунук иржайиб.

— Йўқ, йўқ, кўрмадим, бугун у бозордан қайтиб келмаган. Қочиб кетган, ўзига ўйнаш топган, — деди эр мабодо кўрдим, деса, «Ҳали сен гувоҳ бўлмоқчимисан», дейишларидан кўрқиб.

— Маладес, — деди барзанги, — кампирнинг тарбияси зўр бўганакан. Агар бировга оғзингдан гуллайдиган бўлсанг, сениям каллангни оламиз. Энди бу ёққа юр!

Барзанги ҳали ақли-хүшини йиғиб ололмаган хонадоннинг эркаги бўлган қарияни судраб, жони узилиб бўлган кампири тепасига олиб келди.

— Кампирингдан қутулишни орзу қилиб юрган экансан, энди қолган ишни ўзинг бажар. Калласини уз бунинг!

Лўлибошининг эри оёқ-қўли “қалт-қалт” титраб, қўлини пичноқقا чўзди. Пичноқни олишга олди-ю, лекин тиззалари букилиб ўтириб қолди. “Шу ишни менга қилдирманглар”, илтижоли кўзларини бошида турган тўрт барзангига тикиб мўлтиради.

— Бўл, тез! — деб ўшқирди телефонда гаплашган барзанги.

Улар айтганини қилмаса, кампирининг аҳволига тушиби тайинлигини англаган эр ўттиз йил бир ёстиқча бош қўйиб келган хотинининг ярмигача сўйилган томоғига пичноқ солиб, кўзларини “чирт” юмганча тортиб юборди...

Хосият бибининг уйидаги “қий-чув”ни қўни-қўшнилари эшлишишганди. Бироқ ора-сира Бароннинг номи ҳам тилга олингани боис, бирор мўралаб қараашга-да ботинолмади. Эрталабгача тўполон содир бўлган уйда ҳаммаси жойжойига тушди: Хосият бибининг жасади ҳовлиниң ўртасига кўмилди, қон юқлари қириб олинди, каллани эса қопга солиниб олиб кетишиди.

* * *

— Бу кампир, — кўзлари бақрайиб қотиб қолган, кўрган кишининг юраги увшадиган қонталаш каллага ишора қилди Барон, — маний гапимний икки қилгон. Ман кечиришни билмагон. Мана кўрдингийз, aka Халийл.

— Тушунарли.

— Яхший, — деди Барон. Сүнг шотирларига қараб бамайлихотир буюрди: — Маний иккита булдогийм кечадан берий оч ётибдий, калла гүштиний софийнтон. Берийнглар, мазза қилишийн.

Халил бойвачча Барон кўрсатган бу томошанинг маънисини илғади: “Агар энди мен билан алоқани узадиган бўлсанг, сенинг ҳам бошингта қампирнинг куни тушади”, демоқчи жоҳил лўли.

Аслидаям шундай эди. Барон: “Кўриб қўй, керак бўлса ўзимнинг одамларимният аяб ўтирамайман. Сен ким бўпсан?” демоқчи бўлганди. Бошқа томондан, лўлилар орасида бир оз обруси тушгандай туйилган — Хосият биби унинг кўз остига олиб юрган қизи — Лолани ўлдираман, деб пўписа қилганди. Барон лўлибошининг калласи танидан жудо қилинганидан бирор хабар топмаслигини яхши биларди, чунки лўли зоти қавмининг ичидаги гапни четга гулламайди. “Сайрайман”, дегани ҳам энди ўзидан кўрқади.

— Бундай “театр”ни менга кўрсатиш шартмасди. Сенинг кимлигингни шундоғам яхши биламан. Билмаганимда олдингга келмаган, сен билан ошначилик қилмаган бўлардим, — деди Халил бойвачча ўзига келиб олганидан кейин, норозилигини англатиб қўйиш мақсадида.

— Ако Халийл, бунисий ерунда, бошқалариний сиз кўрмагон.

— Умуман, мен бундай ишларнинг анча-мунчасини қилиб ташлаган бўлсам ҳам, йигитларимга менга кўрсатманглар, дейман. Кўнглим айнийди.

— Сиз нозик, ако Халийл, оз-оз кўрийш кера-ак. Кўз ўрганадий... Майлий, буний қўйинг, ийшдан гаплашайлик. Утказийш сийзнинг бўйнингийзга, келишдикмий?

— Фойда-чи?

— Етмиш бейшкада йигирма бейш.

— О-о, лўли зотини ҳисоб-китобга қаттиқ, деб бекорга айтишмаган экан. Бўмайди, оғайни. Қўшасиз.

Бароннинг қоши чимирилди, бир оз бойваччага тикилиб турди-да:

— Ўттийз қиласман, — деди.

— Бўмайди, — деди бойвачча яна бошини чайқаб, — элликка эллик.

— Нафсний кам қилийнг, бой, ийшний күпий бийз томон. Ўттийз бейш, бошқа бўмайдий.

Халил бойвачча яна тортишса, Бароннинг кўпроқقا ҳам рози бўлишини биларди, аммо бундай қилмади. Икки қоп “мол”нинг фойдаси қанча бўлишини у яхши биларди. Тагин ҳар қоли саксон килограммдан.

— Кўндинг, оғани, — бойвачча қўлини Барон томон узатди.

— Энди ўзингийзга келдингийз, ако Халил. Эртадан одамларингийз иишга киришсийн.

Бароннинг охирги гапи Халил бойваччага ёқмади. “Падарингга лаънат тиланчи, ҳали сен менга буйруқ берадиган бўлдингми? Шошма, шунақанги куй чалайки, рақсга тушганингни билмай қол”, дея хаёлидан ўтказди бойвачча ўрнидан секин кўзғаларкан.

— Энди бизга жавоб, — деди у босиқлик билан.

Ишни кўнглидагидай битирган Барон ҳам, аҳмоқ бой эртароқ кетсайди, деб турганди. Чунки Хосият бибининг боши кесиб келтирилгани билан Лола топилгани йўқ, шуни ўйлаб у ич-этини ерди.

Халил бойваччани кузатиб қайтгач Барон йигитларини йигди.

— Лола қани? — деди Хосият бибининг бошини кесган йигитдан.

— Маҳалладагиларнинг гапига қараганда, автобуслар турган томонга кетган, шундан кейин уни ҳеч ким кўрмаган. Кампир (Хосият бибини улар шундай аташарди) унинг орқасидан бормаган. Телефонини текшириб кўрдик, охирги марта сизга телефон қилган экан, — булбулигўёдай сайдари йигит.

— “Кулоқ” қайси гўрда юрган экан? — ўшқирди Барон.

— Уни кампир сув олиб келишга жўнатган.

— Онангни!.. Маҳаллага бориб “кулоқ”ни толиб кел.

— У шу ерда, — деди йигит, бу сафар Бароннинг кўнглидагини топганига хурсанд бўлиб.

— Ҳамманг йўқол, “кулоқ”ни олиб келинглар! — Барон столни муштлади. Кейин ўзини юмшоқ диванга ташлади. Муштини пешонасига тираб ўйга толди. Шу фурсатда этаги ер супурган Лоланинг мафтункор жилмайиши, оҳудай хуррак нигоҳлари кўз олдидан ўтди... Барон чидолмай ўрни-

дан сапчиб турди. Шу пайт, кўзлари ўйноқлаган “қулок” — лўли хотин эшикдан илондай биланглаб кириб келди. Бароннинг қўллари мушт бўлиб тутилди.

— Гапир! — деди таҳдидли овозда, бўйи пастгина, қопқора, ориқлигидан кўйлаклари эгнида шалвираб турган лўли хотинга.

— Хўжайнин, — деди айғоқчи овози титраб, — гафлатда қолибман. Ҳосият биби мени чалғитди. Қаёққа кетганини билолмай қолдим. Лекин у тирик, шаҳарда, муҳлат беринг, топиб келаман...

— Бор чиқ, кет! — газаби тошган Барон Қулоққа ўшқирди ва столдаги ароқ шишадан қадаҳни қулқуллатиб тўлдириб, бир зум пешонасини тириштириб турди-да, бир кўта-ришда бўшатди. “Йў-ў-ўқ, топаман, ернинг тагидан бўлсаям топаман. Ҳамма ишни йигиштириб қўяман. Лола... У менга керак”, дея ўзига-ўзи овоз чиқариб гапирди ва қўлидаги стаканни ерга бир зарб билан уриб чил-чил қилди. У шаҳд билан ташқарига чиққанида шотирлари тўпланишиб, сигарета чекиб туришарди. Бароннинг эшикни тарақлатиб чиққанидан сергак тортишди.

— Ҳамманг бу ёққа кел! — буюрди Барон ва ортига қайтиб, юмшоқ ўриндиққа чордона қуриб ўтириб олди.

Шотирлар битта-битта кириб, унинг рўпарасида доира ҳосил қилиб туришди. Барон йигитларига синчиклаб қараб чиқди. Ҳали ҳам ўзига ёрдамчи олмай, ҳамма ишни уддалаётгани хаёлига келди. “Нега жонимга жабр қиласман? — ўйлади у. — Биттасини ёнимга олсам, зарур ишлар билан шунинг ўзи шуғулланса бўлмайдими? Буларнинг орасидан қайси бири шунга ярайди? Турқидан буларнинг бари бузоқдан фарқи йўқ. Майли, бирортасини синааб кўраман”.

— Менинг неччи ёшга кирганимни ким билади? — савол қотди у йигитларига.

Йигитлар дабдурустдан берилган бу саволдан қаловланниб, бир-бирига қарашди. Аксига олиб, Бароннинг ёшини ҳеч ким билмас экан.

— Яхши, — деди Барон кулимсираб, — биронтанг хўжайнинг билан қизиқмас экансан. Ўзим айтай: қирқ иккига. Лекин бўйдоқман. Демак, уланишим керак. Меросхўр, сенларга сардор туғиб берадиган қиз керак менга. Худди шундайи бор. Лекин унинг ҳозир қаердалигини ҳеч ким

билмайди. Ҳуллас, лўлиларнинг маликасини топиш керак.

Барон бу билан ўзининг лўли қавмига қироллигини биринчи марта уқтириб қўйди. Шундогам унинг гапини инкор этадиган жўмард бу тўдада йўқ эди. Лекин айнан “қирол” сўзи биронта лўлининг миясига келмаганди.

— Ҳозироқ шаҳарга чиқиб қидиринглар, Лолани ернинг тагидан бўлсаям топинглар, — гапида давом этди Барон. — Эртага маҳалладаги бирорта лўли ишга чиқмайди, етти ёшдан етмиш ёшгача Лолани излайди. Қаерда бўлмасин маликани топасанлар. Агар ким менинг гапимни икки қилиб, айтганимни бажармаса, тириклайн терисини шиламан. Энди йўқол ҳамманг... Ҳа, Ҳасан, — дея эшик томонга йўналган паканароқ, кўз қарашлари жуда ўткир, йигирма олти ёшлардаги йигитни тўхтатди Барон, — сен шу ерда қол.

Ҳасанни у “хизмат”га олганига кўп бўлгани йўқ. Унинг маҳалласи, қариндош-уруғи бошқа вилоятдан. Ҳасан лўлиларнинг Барондай зўравони борлигини ёшлигидаёқ эшитган, у билан учрашиб гаплашишга, иложи бўлса қўлида хизмат қилишга тайёр эди. Бир йил бурун уни қидириб келиб топди. Дилица борини тўкиб-солди. Шунда бўлажак ҳожаси Ҳасанни меҳр билан бағрига олди. Мана, энди у Бароннинг ишончли шотирларидан.

— Нима деб ўйлайсан, эрталабгача тополамизми Лолани?

— Тополмаймиз, малика ўзига жой топиб, ҳозир ухлаётган бўлса керак. Йигитлар овора бўлишади, — ҳозиржавоблик қилди Ҳасан.

— Буни ўзим ҳам биламан. Лекин билиб қўйинглар, Лола топилмаса кунингни кўрсатаман ҳаммангнинг.

— Йигитлар эртагаям ишлаши керак. Ҳозир чарчатиб қўйсак, эртанги иш оқсаб қолади.

Барон шотиридан айни шу гапни куттанди. “Менга қарши гапирсин, дилимдагини топсин”, дея атай уни тўхтатиб, гапга согланди. “Эҳтимол, шундан ёрдамчи чиқар, яна биринки синаб кўрай, айтганим бўлса, қандини урсин”, хаёлидан ўтказди Барон ва йигитларни изига қайтаришни буюрди. Ҳасан юргурганча ташқарига чиқиб кетди. Бу Бароннинг ilk маротаба қароридан қайтиши эди.

Эртасига маҳалланинг бирорта лўлиси тирикчиликка чик-

мади. Ҳамма Лолани қидиришга тушди. Ҳосият бибини ҳеч ким эсгаям олмади. Гүё бу шаддод аёл аслида бўлмагандай, ундан ҳеч ким жабр кўрмагандай эди. Айниқса, лўлибошининг эри терисига сифмас, қўчама-қўча Лолани излаб изғир, бир ўйнаб-кулгиси, қаҳвахонага кириб тўйгунича ичгиси келарди. Аммо Бароннинг қаҳридан кўрқиб, бундай қилолмаслигини ўзи ҳам яхши фаҳмларди. Барон лўлилардан бирортасининг ичиб ўтирганини кўриб қолса, Ҳосият бибининг қисмати бошига тушиши аниқ эди.

* * *

Бобур Наргизанинг ёнида турган қизга тикилиб қолди. Кўзига бу қиз жуда-жуда иссиқ кўринди. “Ким экан? Бунча чиройли, Наргизага ўҳшаб кетаркан. Кўзлари шаҳло, киприклари узун, соchlари тим қора, қадди-қомати келишган. Уни аввал кўрганман, лекин... қаерда кўрганман?..” Ҳаёлан ўзи танийдиган қизларни эслади, бироқ уларнинг ҳеч бирига ўҳшатолмади.

— Сиз... кимсиз? — ниҳоят журъят қилиб сўради нотаниш қиздан. Унинг овози синиқ, заиф чиқди. Қизлар сергакланишди, аммо беморнинг нима деганини илғашмади. Наргиза ўрнидан туриб, ширин табассум билан укасининг ёнига келди.

— Бобуржон, бирон нима дедингми? — сўради меҳрибонлик билан.

— Анави қиз ким? — деди Бобур қуруқшаб қолган лабларини тили билан ялаб қўяр экан.

Наргиза Лолага “ялт” этиб бир қараб қўйди-да:

— Менинг дугонам, — деди жилмайиб, — исми Лола, у билан кеча танишиб қолдим. Жудаям ширин, ажойиб қиз.

— Кўзимга таниш кўринаяпти.

Бобурнинг галидан Лола беихтиёр ўрнидан туриб кетди ва унинг ёнига келиб:

— Сийз маний кўргонмий? — деди кўзи порлаб.

Бобурнинг хаёлига лоп этиб бозор, лўли қизнинг садақа сўрагани-ю, қизнинг ранги оқариб пулни қайтариб Бобурга отгани, сўнгра йиғлагани келди...

— Лўли қиз!.. — деб юборди бемор аранг ютиниб.

Наргиза донг қотди, бир Лолага, бир укасига қаради-да:

- Сизлар танишмисизлар? — деди ҳайратини яширолмай.
- Сийз... — деди Лола ҳам күzlарига ишонмай.
- Мени... Мени... — Бобур зўриқиб гапиради. — Қарғаганмидингиз?
- Йў-ў-ў-қ, — деди титраб кетган Лола, — қаргамадийм. Қарғомадийм...
- Кизнинг кўзи жиққа ёшга тўлди, лаблари билинар-билинмас титради.
- Лола! — деди нима гаплигини англаёлмаган Наргиза, — қанақа қарғиш, укам нима деялти?
- Ҳозийр, ҳозийр, — деб Лола қаддини ростлади ва узун киприклари пирпираб чуқур нафас оларкан, — ҳалий, сийзга айтганийм шу бола бўладий, лекин ман қарғамагандийм, — деди хижолатомуз.
- Бу қизда айб йўқ, — деди Бобур. Унинг ҳаяжонлангани кўкрагининг тез-тез кўтарилиб-тушишидан билиниб турарди.
- Илойим, соғайиб кетсийн, — эшик томондан келган бу овозни эшитиб, икки дугона ортларига ўгирилишиди. Бўсағада уст-боши кир-чир, башараси қоп-қора, қўлида бола кўтарган лўли аёл турарди. Лола уни дарров таниди: Мағфират эди бу аёлнинг исми. Хосият бибининг юргакларидан. Доим бозорда, лўли бошининг ёнида юради.
- Болаларинийнг баҳтийга омон бўсийн, садақа қийлсангийз, куний узун бўладий касалний.
- Бор, йўқол! — бақирди Наргиза жаҳл билан. — Сен етмай турувдинг.
- Маний худоний ўзий юбордий, ундей деманг, синглийм, бемор одам, садақа берсангийз тузаладий. Омонатгина жоний ўзийга қоладий.
- Бир касалхона қолувди сенлар кирмаган. Шу ерниям булғадинглар! — Наргиза сумкаласини олиб, ичини кавлаштириди. Бу пайтда Лола билан лўли аёлнинг кўзлари тўқнашди, қиз кўзини олиб қочгунча бўлмай, лўли хотин уни таниди, ичида қувониб кетганди. Ахир, бундай омад ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Барон яхшигина суюнчи беради бунинг учун!
- Сийз ҳам берийнг, чиройлий қийз, баҳтийнгийз очиладий, — деди лўли аёл Наргиза узаттан пулни олгач, юзи

пуштирангга айланган Лолага безрайиб қараб. Қиз нима деярини билмай қолди. Тўрт-беш сўм бериб, тезроқ қутулав деса, на сумкаси бор ва на пули. Бир-икки “чақиб” ҳайдаб солай деса, ўзини бутунлай ошкор қилиб қўяди. У икки ўт орасида қолиб, саросималаниб турганида, Наргиза жонига оро кирди:

— Берганим икковимизники, энди тезроқ бу ердан қорангни ўчир, бўлмаса ҳозир дўхтири чакираман, сенга яхшилаб садақа бериб қўяди, — дея Наргиза тарсиллатиб эшикни ёпиб қўйди.

Наргизанинг лўли аёлни ҳақоратлагани Лолага оғир ботди. Ахир, у ҳам ўзини лўли ҳисоблар, тиланчилар авлодидан эканини биларди. Аммо кўнгли чўкканини сездирмади.

— Наргийз, боғладийнг, ман ўрнингга бўлганимда, яхшилайб урайдим.

Унга ўқрайиб қараб қўйган Наргиза:

— Қарғиш масаласига қайтайлик, — деди ўзини хотиржам тутишга уриниб.

Лоланинг боши қотди: “Нима қилсан, нима десам гапларимга ишонади?” деди хаёлидан ўтказди.

— Наргийз, ман қарғамаган. Чин сўзийм, биттаям алдаганийм йўқ...

Унинг гапи оғзида қолди. Эшикни кимдир оҳиста чертди, кейин куйдирилган калладай Фатҳулланинг башараси кўринди.

— Хонимларга энг илиқ, энг гўзал, энг буюк саломларим бўлсин! — деди у тантанавор оҳангда.

Қизлар бир-бирига қараб олиши. Лола билинар-билинмас лабини бурди. Наргиза эса, зўрма-зўраки жилмайиб эшитилар-эшитилмас салом берди.

— Нега бунча шаштингиз паст? Инсон, айниқса, гўзал инсон ҳамиша хушчақчақ юриши лозим, ўшандаги нафосатни узоқ вақт сақлаши мумкин, — деди овозини баралла қўйиб дўхтир. Сўнгра Наргизанинг ёнига бориб:

— Рухсат этинг, — деди қизнинг илтифотини ҳам кутмай нозик, узун, оппоқ бармоқларини ушлади-да, энкайиб лабига босди, кўзини юмиб бир зум лаззат олди. Унинг қилиғидан иккала қиз ҳам ҳайрон эди. Наргизанинг юзи қизарди. Қўлинини силтаб тортиб олмоқчи бўлди-ю, лабини

бармоқларига теккизиб турган кимсанинг укасини давола-ётган дүхтирилиги ёдига тушиб, Фатхуллана имконият берди.

Дүхтирил үзининг қилиғидан хурсанд эди. Ҳаяжонланиб, бу одатини Наргизанинг ёнида турган санамга ҳам қўлла-моқчи бўлди-ю, лекин унинг кўзидағи қаҳрни кўриб шаштидан тушди. Эркак кишига ярашмаган қийпанглаш билан Бобурнинг каравоти ёнига бориб, беморнинг пешонасига кафтини кўйди.

— Тўғриси, Бобуржон, сизга ҳавасим келади, опаларингиздай сулувларни бу дунёда топиш маҳол.

Дўхтирининг галидан беморнинг энсаси қотди. Агар соғ бўлганида, Фатхуллани ер билан битта қилиб ташларди-ю, ҳозир иложисиз тишини-тишига босди, сўкиб юборишдан ўзини зўрға тийди. Унинг жим ётганини кўриб Фатхулла руҳланди.

— Сиз, менинг қадрдоним, яқин кунларда оёққа туриб кетасиз, ҳатто кутилганиданам тез соғасиз. Буни мен, профессионал врач айтаяпман. Сиздай иродаси мустаҳкам йигитларни жуда яхши биламан...

— Уларнинг ҳам менга ўхшаган чиройли опалари борми?! — орқада турган Наргиза киноя билан унинг нутқини бўлди.

Фатхулла илжайиб қаддини ростлади ва ортига ўгирилиб:

— Сиз, Наргизахон, танҳосиз, бетакрорсиз, — деди, кўзи эса лўли қиз томон юргуди. “Ваҳ, — деди у ичиди, — сенинг ҳам гўзаллигингга гап йўқ. Қани эди имкониятим бўлса-ю, икковингниям ўзимники қилиб олсан!..”

Шу маҳал дераза тиқиллагандай бўлди, буни ҳамма эшитди. Хонадагилар деразага қарашли. Ҳатто Бобур ҳам ўгирилиб қарамоқчи бўлди-ю, оғриқдан юзи буришиб кетди.

— Шамол, — деди Фатхулла, бошқаларнинг кўнглини хотиржам қилиш учун. Ҳаёлида бир пайтлар “бетакрор жозиба соҳиби” деб ўзи кўкка кўтариб мақтаб, мақсадига еттак жозибанинг “кемтик” жойларини кўриб қолиб, кўнгли қолган ҳамшира Одинахон пойлаётгандай туйилди. Бир оз саросималанди. Одинанинг навбатчилиги айнан бугунга тўғри келганидан тақдиридан нолинди. Шу зумда: “Коронгиди унга ташқарида бало борми?” деган ўйга ҳам борди.

Түйкүсдан дераза ортидан тиржайган қоп-қора башара күринди-ю, қызлар құрққанидан бараварига додлаб юборошиди.

* * *

Бердимурод шотирларини касалхона дарвозаси олдига тушириб, ўзи икки юз метрча нарига ўтиб машинани тұхтатди. Машинадан түшмай сигарета тутатди, сүңг ойнадан орқа тарафға бир мудлат қараб турди. Зерикди шекилли, машинадан тушиб, у ёқ-бу ёққа юрди, құлидаги сигарет қолдигини четға улоқтириб, машинага сұянғанча теваракка күз югуртируди. Юраги негадир безовта ура бошлади. У аввал ҳам бундай ишларнинг олти-еттитасини удалаган эди. Биринчисида, рости, бир оз довдирағи, ҳатто құрққанидан юраги ёрилаёзді. Ахир, ўз құли билан илк марта одам қонини тұқкан, қон фавворадай отилаётганини күриб күzlари косасидан чиқиб кетай деганди. Кейингиларида туки “қылт” этмади. Бир марта совуқ назар ташлаб индамай кетаверди.

Қотилликларнинг барига у қүшни давлат ҳудудида құл урганди: “мижоз”ни алдаб пастқам жойларға олиб борар, сүңг “иш”ни битириб, изига қайтарди. Жиноятдан хабар топишгунча у инига етиб келиб, хожасининг мақтовларыңу мукофотларидан баҳраманд бўлишга улгуради. Ҳозир қотилликни бошқаларнинг зиммасига юклаган эса-да, негадир юраги ғаш, кетма-кет сигарет тутатарди.

Бердимурод яна бир марта атрофига синчиклаб назар солаётгандан узоқдан катта тезликда келаётгандан учта машинага күзи тушди-ю, титраб кетди. “Милиса қайси гүрдан хабар топибди?” деган фикр миясига урилгани ҳамон шошиб “Жигули”сига ўтириб қочишга шайланди. Машиналар касалхона дарвозаси ёнида қаторлашиб тұхтади. Улардан бир йўла юзига ниқоб кийган олтита норғул-норғул йигит сакраб тушиб, касалхонага югуриб кириб кетишиди. Бердимурод шошиб құл телефонида рақам тера бошлади. Аксига олиб адашганми, гүшакни ёш бола күтарди. У алам билан телефонни ўриндиққа урди. Сүңг қайта эътиборини жамлаб “овчи”лардан бириనинг құл телефони рақамини терди.

— Алло, — шотирларидан бири жавоб қилди.

— Отбой! Тез қочинглар! Ментлар хитланибди. Чойхонада күришамиз! — дея бақирди Бердимурод ва машинасига газ берди.

Барон шишанинг тагида қолган ароқни қадаҳга қуяётганида Лолани касалхонада кўрган лўли хотинни хожанинг икки йигити етаклаб кириб келди.

— Ҳа, нима бўлди?! — тинчи бузилганидан жаҳли чиқди Бароннинг.

— Хушхабар, хўжайин, — деди йигитлардан бири, — малика топилибди.

Пиёлани даст кўтариб ароқни сипқорган Барон лўли хотинга қараб:

— Гапир, тез бўл, — деди.

— Лолани касалхонада кўрдим. Алламбало кийиниб олган, соchlарини орқасига ташлаган, дарров таниёлмадим, шармандининг ўзгинаси. Ёнида яна битта қиз бор.

Бароннинг қўллари мушт бўлиб туғилди, кўзида ўт чақнади. Ҳабаркаш лўли хотинга еб кўйгудай тикилиб, Лоланинг қайси касалхона, қайси палатадалигини ижикилаб сўради. Ҳабарига мўмай мукофот кутган лўли хотин Бароннинг турқидан довдираб қолди.

— Ҳозироқ оёғини ерга теккизмай олиб келинглар! — бўкирди Барон. Сўнг “эшикбон”ни чақириб, ҳалиям бир дунё умид билан турган “қулоқ”қа юз минг сўм бериб юборишини тайинлади.

Касалхонага етиб келган Бароннинг йигитлари шошибарди. Улар хожанинг кўнглини хотиржам қилишиб, ўзлари ҳам шу билан ором топиш ниятида эдилар. Зеро, икки кундан бери итда тиним бор-у, уларда ором йўқ, товонлари қабариб кетди. Шунданми, шотирлар касалхонага кўз ташлаб кузатмай туриб, тўғри бостириб киришди. Ниқобли, барзанги одамларнинг югуриб киришганини кўриб қорувул ҳанг-манг бўлиб қолди. Ниқоблиларнинг учтаси ўтиб кетгунича у ўрнидан кўзгалолмади. Кейин шошиб телефонга ёпишли, аммо энди кеч эди.

— Тўхта! — деган кескин таҳдидли товушдан юраги ёрилаёзган қорувул гўшакни секин жойига қўйиб, ортига ўгирилди. Қархисида яна бир ниқобли йигит тўппонча ўқталиб турарди. Қорувул буни кутмаган, у босқинчиларни уч киши, деб ўйлаганди.

— Бу ёққа кел, — тўппонча билан ишора қилди ниқобли.

Қоровул титраб-қалтираб у ишора қылган тарафга ўтди. Шуни кутиб турған босқинчи түппончанинг қўндоғи билан қоровулнинг пешонасига қарсиллатиб урди. Қоровул бир муддат гандираклаб турди-да, кейин гурсиллаб қулади.

* * *

Деразадан қараган нусха қандай пайдо бўлган бўлса, худди шундай киприк қоққунча бўлмай кўздан йўқолганидан саросималаниб қолишган Фатхулла билан икки қиз эшик томонга қадам ташлашлари ҳамон эшик тарақлаб очилиб, бирин-кетин юзига ниқоб тортган учта барзангি кириб келди. Фатхулла қўл-оёғи шалвираб, ҳайкалдек қотиб қолди. Наргиза ундан баттар аҳволда эди. Биргина Лоланинг ҳуши жойида, бироқ унинг оёқлари ҳам қалтиради. Барзангилардан бири Фатхулланинг пешонасига түппонча тиради, иккитаси эса Наргиза билан Лоланинг юзига ҳушдан кетказувчи газ пуркашди. Қизлар бир оз тебраниб туриб, кейин ҳолсизланиб қолишли, барзангилар бирин-кетин қулаб тушаётган қизларни қучоқлаб, қопдай елкала-рига ортмоқлаганча олиб чиқиб кетишли. Фатхулланинг бошига қоровулнинг куни тушди: пешонасидан қон сизиб чиқкан дўхтири ерга чўзилиб қолди. Талотўмни жойида кузатиб ётган Бобур инграб юборди.

— Тегмаларинг, итдан тарқаганлар! — дея бакирди. Бироқ унинг товуши шу қадар заиф эдики, ўзидан бошқа ҳеч ким эшитмади...

* * *

Барон бетоқатланиб у ёқдан-бу ёқقا юрар, ўзича гудраниб сўкиниб қўярди. Лекин кимни сўқаяпти, нега сўқаяпти — бунисини ўзи ҳам билмасди. Бундай пайтда унинг ёнига биронта лўли йўлай олмас, ҳар қанча зарур иш бўлсада хожасининг ўзига келиб олишини кутарди. Бу сафар ҳам шундай бўлди. Йўқкала қизни хушсиз ҳолда олиб келган йигитлар “эшикбон”дан вазиятни билишгач, ташқарида кутиб қолишли. Барон эса жиғибийрон бўлар, деворга осиғлиқ соатга кўз ташлаб қўярди. Сабр косаси тўлди, шекилли, у стол устидаги шиша-ю пиёланни улоқтириб, эшикка йўналди ва уни тепиб очди. Ташқаридагилар хўжайнинг важоҳатини кўриб саросимага тушишли.

— Ҳайвондан тарқаганлар, ... еб турибсанларми бу ерда?

Ё мени бўғилиб ўлсин, дедингларми! — дея маҳлукқа ўхшаб ўкирди Барон.

— Сизни безовта қилишга ҳаддимиз сифмади, — деди майин оҳангда Ҳасан. Агар шу гапни қатордаги бошқа бир йигит айтганида, шубҳасиз, ҳозироқ нариги дунёга рихлат қилган бўларди. Аммо Ҳасан, яқин-орада хожаси билан унга яқин кишидай бемалол гаплашгани учун, бунга журъат қилди.

— Олиб киринглар, — деди Барон Ҳасанга қараб. Бу унинг юмшаганидан далолат эди ва айни чоғда Ҳасаннинг мавқеи ҳам бир погона кўтарилиганди.

Наргиза билан Лолани Бароннинг меҳмонларни қабул қиласидиган хонасига кўтариб киришди. Бирорнинг хотини ёки қизини бегона эркакнинг қучоқлаб кўтариши айб санаалар, ҳозир эса бу зарурат эса-да, барибир Бароннинг рашки келди-ю, бироқ индамади. Қизларни диванга чўзилтириб ётқизишгач, Барон бир ишора билан шотирларини чиқариб юборди. Кейин гоҳ Наргизага, гоҳ Лолага термилди. Боши қотди. Қизларнинг гўзалликда бири-биридан соҳибжамоллиги унинг ичини қиздирди. “Лолани хотинликка оламан, — деди кафтларини ишқаб. — Дугонаси ўйнашим бўлади, мендан бошқанинг қули тегмайди”. Барон ширин хаёллар оғушига шўнғиди. Тасаввурнида, Лола унга кетма-кет ўғиллар туғиб берар, дугонаси эса назокатли ишвалари билан кўнглини чоғ қиласарди. Ширин хаёллар оғуши ва ароқнинг таъсири уни уйқу сари етаклади. Барон юмшоқ оромкурсига ястанганча уйқуга кетди.

Наргиза кўзларини аранг очди, боши лўқиллаб оғрирди. Қаерда ётганини билолмай атрофига аланглади. Хона ниҳоятда шинам қилиб безатилган. Лекин қандайдир бегона, совуқ. Наргизанинг кўзига аллақандай гарип кўринди. У аста ўрнидан қўзғалди, кўзи оромкурсида хуррак отаётган бадбашара одамга тушди. “Бу ким бўлди?” ўйлади у. Шундагина хаёлида касалхонадаги тўс-тўполонлар жонланиб, титраб кетди, оҳиста ортига тисарилиб, эшикка жилаётганида Лолани кўриб қолди. У ўзи ётган юмшоқ каравотнинг бош томонидаги диванда ухлаб ётарди. Наргиза изига қайтиб, Лоланинг ёнига борди-да, уни секин-секин турта бошлади.

— Лола, Лола, кўзингни очсанг-чи, тур, тез тур...

Бироқ Лола кўзини очмас, нуқул: “Им, им” деб қўярди-ю, уйғонай демасди. Наргизани ваҳима босди, барзанги уйғониб қолмадимикан, деб у ётган томонга қараб олди ва яна дугонасини уйғотишга уринди. Ниҳоят Лола кўзини очди.

— Бизни ўғирлаб келишибди, қочайлик, тур ўрнингдан, — даҳшат билан пичирлади Наргиза.

— Қаердамиз? — деди Лола қўзларини ишқалаб. Унинг овози баланд чиққанидан Наргизанинг юраги “шиғ” этиб кетди. Ўгирилиб оромкурсидаги бадбашара барзангига юзланди-ю, вужудига титроқ кириб, беихтиёр ўтириб қолди.

Барон уларга илжайиб қараб турарди.

* * *

Халил бойвачча уйга қайтиб келиб, ётоғига кирди-да ўрнига чўзилди. У ҳолдан тойған, ўйлашга ҳам мадори етмас, ҳатто ўзи йўғида Лазокатнинг нима билан машғул бўлганини суриштиришни ҳам истамасди. Нибуфардан унинг кўнгли тўқ. Катта қизининг эрта бир кун бир оиланинг меҳрибон, саранжом-сариштали бекаси бўлишига ишонарди. Бироқ кенжаси чатоқ, уни жиддий назоратига олмаса бўлмайди. Бироқ энди кеч бўлгани, Лазокат аллақачон одоб-ахлоқ доирасидан чиқиб кетганидан бойвачча бехабар эди.

Бойвачча Бердимуродга берган топширигини ҳам эсламади ва кўп ўтмай донг қотиб ухлаб қолди.

Эрталаб чуғурчуклар чирқирашини бошламай уйғонган Халил бойвачча бошини кўтариб қаради, кўзи пишилаб беозор ухлаётган хотинига тушди. Шу ётишида Мўътабарни фариштага қиёс қилса бўларди. Лекин бу аёлнинг фаришта эмаслигини, жуда кўп оқила, мўъмина аёлларга пойу патак бўлишга ҳам ярамаслигини Халил бойвачча яхши биларди. Аммо хотини худди ҳозир — уйқудагидай беозор бўлса қанийди, деган ўй кечди кўнглидан.

У тўшакка қайта чўзилди, бироқ ётолмади, негадир юраги ҳаприқиб ўрнидан туриб кетди, керишиб, оҳиста қадам ташлаб эшик томон юрди. Товуш чиқариб, фариштани ялмоғизга айлантириб қўйишни истамади.

Зиналарни бир-бир босиб тушаётиб, уйга кираверишдаги катта залнинг чироги ёниқ қолганини кўрди. “Булар ҳеч

иқтисод қилишни билмайды. Фақат сарфлаш бўлса буларга, анави хизматкор қайси гўрда экан? Жа, талтайиб кетганга ўхшайди. Танобини тортиб қўйиш керак”. Охирги зинага қадам қўйиб, эшик томонга қаради... бир муддат жойида ҳайкалдай қотди. «Тушимми, ўнгимми?» деган ўйдан сергак тортид. Ҳаммаси ўнгидаги содир бўлаётганини англаб, ранги қув оқариб кетди. Сўнг бўсағада ерпарчин бўлиб ётган Лазокат томон югурди.

— Ла... Ла... Лазокат, — овози титраб қизининг тепасига келди, — қизим, сенга нима бўлди?!

Лазокат юзтубан ётар, “қилт” этмасди. Ҳалил бойвачча тиззалари қалтираб чўккалади ва қизининг бошини оҳиста кўтарди, шу маҳал ароқнинг кўнгилни айнитувчи бадбўй ҳиди димогига урилиб, афти бужмайиб кетди.

— Падарингга лаънат! — ўкириб юборди бойвачча қони қайнаб. — Мўътабар, ифлос!

Унинг ўкиригидан деразалар зириллаб кетди. Она-бона ўринларидан сакраб туришганда бойвачча овозини янада баландлатиб, Мўътабархонни онасига кўшиб сўқди. Нима бўлганига ақли етмаган Нилюфар онаси билан пастга ўқдай отилиб тушди.

— Қара бунга! — ўшқирди бойвачча. — Яхшилаб қара, итдан тарқаган, қизингни кўраяпсанми?! Сенинг қизингми шу?!

— Вой ўлмасам,вой ўлмасам! — Мўътабархон Лазокатни кучоқлаб, турғазишга уринди. Қизининг оғзидан чиқаётган ҳиддан унинг ҳам кўнгли айниди, бироқ юзини четга буришга эридан кўрқди.

— Ой-и-и... — минғирлади ҳали кайфи тарқамаган Лазокат. — Мен қаердаман, боллар қани?

— Нилю, Нилю, — деди кўркувдан дағ-дағ қалтираётган Мўътабархон эрини Лазокатнинг оғзидан чиққан гаплардан чалғитмоқчи бўлиб, — қарашвор, ваннага олиб кирайлик, юзини ювсак ўзига келади, — деди Нилюфарга қараб.

Ҳалил бойваччанинг кўз олди қоронғилашди. Қизининг не қилғиликларни қилиб юрганини энди фаҳмлади. Юраги санчиб, танидан мадор кетди, ортга тисарилиб бориб деворни ушлаб қолди.

Нилюфар онага кўмаклашмай, югуриб отасининг ёнига бориб, унинг қўлтиғига кирди ва туришига ёрдамлашди.

— Қўй, қўй... — деди синиқ овозда бойвачча. — Ҳозир ўтиб кетади.

Лекин қизи уни қўйиб юбормади, қўзидан дув-дув ёши оқиб:

— Адажон, юринг, жойингизга ётқизиб қўяй, — дея ялинди. Ҳалил бойвачча гавдасини идора қилолмай ерга ўтириб қолди. Нилуфар қўрқиб кетди:

— Адажон, адажоним! Сизга нима бўлди?! Кўзингизни очинг, адажон! — зорланиб қичқирди қиз.

— Қизим, менга ҳеч нарса бўлгани йўқ, бор, ойингга ёрдамлаш, — деди бойвачча нафасини зўрға ростлаб паст овозда.

Катта қизидан нажот бўлмагач, Мўътабархон ўзи Лазокатни амаллаб оёққа тургизиб, ювениш хонасига суюб олиб кетди. Кўзидаги ёшини кафти билан артганча, Нилуфар онасига эргашди.

Улар Лазокатни ювинтиргани ечинтирганда Нилуфарнинг кўзи синглисининг баданидаги кўкиш доғларга тушди. Нафрати қўзиди. Фазабдан ўзини бошқаролмай қолди — Лазокатнинг юзига шапалоқ тортиб юборди.

— Вой, ўлмасам! — бақирди Мўътабархон. — Бу нима қилганинг? Нега урасан? Адангники каммиди, икковлашиб бечора қизни ўлдирларинг! Ман буни кўчадан орттириб келганман, ур!

Мўътабархон кўзига ёш олди.

— Ойижон, бунинг баданига қаранг!

— Нима бўгти? — Лазокатнинг ялангоч елкаларига кўз ташлади Мўътабархон. — Қизим бечора бирон нарсага урилиб кетгандир-да, дугоналари билан билмай озгина ичиб қўйган бўлса.

— Ойи, яхшилаб қаранг, урилмаган, баданида тишнинг изи бор-ку! Кўзингиз кўрмаяптими?!

— Вой, шўрим! — бирдан кўзи олайди Мўътабархоннинг, сўнг Лазокатнинг баданидаги кўкарган жойларни силаб кўрди. Қизининг кўкраги атрофида соғ жой қолмаган эди. Она «пиқ-пиқ» йиғлади, кейин Нилуфарга юзланиб:

— Жон қизим, — деди ёлвориб, — аданг билмасин. Ҳали ўзимизам билмаймиз-ку нима бўлганини. Бу хушкига келсин, ўзим яхшилаб гаплашиб оламан.

Нилуфар синглиси ўзидан кўра улғайиб қолганини аллақачон пайқаган, онасининг ҳозирги гаплари шунчаки йўлига, кўнглини кўтариш учун айтилганини сезиб турарди. Ваҳоланки, Лазокатнинг оёқ олишини Мўътабархон билиб ултурганди. Бунга Нилуфар шубҳаланмагани учун ҳам синглисини шунчалик ёмон кўриб кетдики, кўйиб берса ҳозироқ бўғиб ташлашга тайёр эди. Нилуфар ортиқ чидолмади, ғазаб билан: “Эшшак!” деди-ю ювениш хонасидан чиқиб кетди.

Халил бойвачча ҳануз ўтириб қолган жойида сигарета тутатар, Лазокатга нима бўлгани-ю, қизи не қилғиликларни қилиб юрганини англаб етган, шу боис, алам билан сигаретасини чукур-чукур тортар, мияси: “Бу шармандаликдан қандай чиқиб кетиш мумкин?” —деган фикр билан банд, ўзича режа тузарди.

— Адажон, — ердан кўзини узмай пичирлади ёнига келган Нилуфар, — деворга суюнманг, зах ўтиб кетади. Юринг хонангизга, ўзим суюб чиқариб қўяман.

— Керакмас, қизим. Яххиси, сен бирор нарса тайёрла, бир нима тотинмасам бўлмайди, шекилли.

— Хўп бўлади, — дадасининг иш буюрганидан қувонган қиз илдам юрганча ошхона томон кетди.

Бойваччанинг нияти бошқа эди. У тонг отмасиданоқ тўйиб ичгиси, Лазокатнинг қилмишларини бутунлай унугтиси келаётганди. Шундай ҳам бўлди. Ошхонага кириб музлаттичдан очилмаган ароқ шишиасини олиб, столга ўтирди.

— Адажон, — Нилуфар уни қайтармоқчи бўлди. — Керакмас, илтимос, ичманг.

— Қизим, мен билан ишинг бўлмасин. Нима буюрган бўлсан, сен шуни қил, хўпми?..

— Йўқ, адажон, бу дунёда ёлғиз суюнчигим ўзингизсиз. Агар сизга бирор нима бўлса, мен чидолмайман.

Халил бойваччанинг меҳри жўшли, қизини оҳиста қучиб, слкасига бошини кўйди. “Қанийди, ойинг ҳам сендай бўлганида”, хаёлидан ўтказди. “Адам ичиш ниятидан қайтди”, деган ўйда Нилуфар унинг қўлидаги шишани олмоқчи бўлди, бойвачча эса қизини қўйиб юборди.

— Бор, овқатингни қил, — деди қоши чимирилиб зарда билан.

Отасининг кўнглидан кечаетган аламли туйгуларни анг-

лаб етган қиз энди уни ичишдан қайтаришнинг иложи йўқлигини тушунди. Агар бойвачча ҳозир ароқ ичмаса, қон босими ошиб, томирлари ёрилиб кетиши тайин эди. Фақат ҳали тонг отмасдан отасининг ичкиликка қўл ураётгани Нилуфарни қийнар, шу боис падарининг қўлидан шишани олиб кўймоқчи бўлганди.

Халил бойвачча ароқдан кетма-кет тўрт пиёла симириди. Нилуфар буғи чиқиб турган овқат олиб кирганида отасининг кайфи ошиб қолганини кўриб кўзидан ёши оқиб мўлтиради. Бойвачча эса қизидан уялиб, бошини кўтаролмасди. Пиёлага яна қултуллатиб ароқ қуиди-да, бир кўтаришда бўшатди ва шундан кейин қошиқ билан косани кавлай бошлади. Нилуфар отасининг ахволига ортиқ қараб туролмади, кўллари билан юзини бекитганча, югуриб ошхонадан чиқиб кетди.

Ётогидан унинг йифи овози чиқди. Бироқ буни на Лазокатни ўзига келтириб олиб, сўроққа тайёрлаётган Мўътабархон ва на таомдан бир қошиқ оғзига солиб, чайнашни ҳам унугтганча бир нуқтага кўзидан ёши оқиб тикилиб ўтирган Халил бойвачча эшитди.

Орадан ярим соатлар ўтиб, Нилуфар йиглай-йиглай ухлаб қолди. Халил бойвачча ҳам косадаги овқатни яримлатмай, маст бўлиб, ўтирган жойида мудраб-мудраб уйкуга кетди. Лазокат эса бир хўмрайиб, бир кулиб, тўрт дугона бир бўлишиб кафеда роса ўйнаганларини, кейин Маъмураникига бориб, озгинадан коњъак ичишганини, бошлари айланиб эр-хотин ўйнаганларини айтиб берди. Унинг баҳонасига онаси тугул, ўзи ҳам ишонмасди. Аммо Мўътабархон унинг қиз эмаслигини тан олмаганидан хурсанд бўлди, ҳатто энди эри билан Нилуфарнинг бўлмағур ўйларга боргани учун адабини бериб қўйишини ҳам кўнглига тутди.

Нилуфар соат тўққизлардан ошганда уйғонди. Шоша-пиша ювиниб, чой ҳам ичмай уйдан чиқди. Қизига “захарли нина”сини яхшилаб санчиб олишга шайланган Мўътабархон лабини тишлиб қолди. Чунки қизининг важоҳати бошқача эди.

Шом маҳали кўзини очган Халил бойвачча кимдир ўзини ечинтириб тўшакка ётқизганини билди-ю, бир муддат қаерда, нега ичганини эслолмай ётди. Бироздан кейин ҳарир

ичкүйлакда кенжә қизининг чўзилиб ётгани, ундан анқиган ароқ ҳиди ёдига тушиб асаби ўйнади. Ўрнидан сакраб туриб югуриб борди-да, эшикни қарсиллатиб тегиб очди. Пастки қаватда бир ўзи чой ичиб ўтирган Мўътабархон чўчиб тушди. Эрининг уйғонганини сезиб, юраги ҳаприқди. Кўзини бир юмиб очиб, жанжалга ҳозирланди.

— Қалай, хоним?! — деди Халил бойвачча ошхонага кириб келаркан, киноя билан. — Ўтирибсизми кайфингизни суреб!

— Дадаси, — деди Мўътабархон киприкларини пирпиратиб. — Ҳалиги, ош дамловдим, сизни ўйғотишга ҳаддим сиғмади.

— Шунақа дегин! Ҳали ош қилиб қўйибсанми? Оббо сен-эй, тўйнинг тайёргарлигини бошлаб юборибсан-да.

Хотин “финг” демади, тилини ичига тортиб, бошини хам қилди.

— Қани анави оқпладар?!

— Адаси, ҳалиги...

— Қани дедим!

— Тепада, хонасида!

— Чақир!

— Аввал...

— Чақир!!!

Мўътабарнинг мижжалари ёшга тўлди, у оғир-оғир қадам босиб ошхонадан чиқа бошлади. Халил бойваччанинг жигибийрони чиқди:

— Имиллама!!! — бўкириб юборди у.

Хотини сапчиб тушиб, қадамини тезлатди.

Халил бойвачча ўйга толди, мияси зўриқиб, бу шарман-далиқдан қутулиш чорасини қидиради. Бир маҳал “лоп” этиб хаёлига Бердимурод тушди: Лазокатни шунга узатсанчи? Шу билан ёпиғлиқ қозон ёпиғлигича қолади. Бу ўйдан бойваччанинг кўнгли ёриши, ичиди бир энтиқди. Қизига нафрати ҳам бироз сусайди. Шу тобда Бердимуродга буюрган юмуши эсига келиб қолди. Икки кундан бери на-тижадан бехабарлигига аввал ажабланди, кейин жаҳли чиқди. Шу пайт эшикдан Мўътабархон, унинг кетидан Лазокат кўринди. Халил бойвачча қовогини уйиб оромкурсига чўкди. Эрининг кайфиятида ўзгариш сезган Мўътабархон ичиди: “Худога шукур-эй”, дея енгил тортди.

- Қани, әрқа қыз, — масхаромуз жилмайди бойвачча, — яхши юрибсизми?
- Раҳмат... — бошини эгди Лазокат.
- Күринмайсиз?
- ...
- Сендан сўраяпман, ит! — тўсатдан ўкириб юборди бойвачча. — Қайси гўрларда санқиб юргандинг?!
- Ада... Адажон... — ўзини аранг тутиб турган Лазокат йиглаб юборди. — Мани кечиринг...
- “Кечиринг”?! Ҳали мен кечиришим керак бўлган иш ҳам қилғанмисан? Мен эшитмаган эканман. Гапир! Куломим сенда. Қани, қандай айб иш қилибсан?
- Дадаси, — бидиллаб гапга аралашди Мўтабархон, — дугоналари билан кафеда ўтиришган экан. Тўғриликча ўтиришибди, мен ҳаммасини суриштириб билдим дугоналаридан. Чимкентга юбормаганингизга қизингиз хафа бўлиб...
- ...маишат қилган, шунақами?! — хотинининг гапини илиб кетди бойвачча. — Ўғил “дугоналар” билан-а!
- Адажониси, унақа хаёлга борманг, ҳаммаси қыз болалар экан.
- Сенинг ўзинг ким-у, суриштирганинг нима бўларди!
- хотинига жавобан Ҳалил бойвачча аччиқ киноя қилди.
- Адажон...
- Қизим, — деди бойвачча сўлиш олиб, — мени тириклийин гўрга тиқмоқчи бўлсанг, шу ишингни яна такрорлайверасан. Энди хонантга чиқ.
- Лазокат бошини этганча ортга тисарилиб, ичидан севинганча ошхонани тарқ этди. У бир ойча бурун ўзини илк марта эркак ихтиёрига топшириб қўйган эди. Ўша пайт даҳшатга тушган, бировга билдирамай роса йиглаб-сиқтағанди. Қилмишидан ҳеч ким хабар топмаганини билгач, аламлари ёдидан кўтарилиб кетди. Сўнг Ашур банкирнинг ўғлига яна бир неча марта хуфиёна назокат ҳадя қилди...
- Хоним! — хотинига тик қараб гап бошлади Ҳалил бойвачча. — Қани, менинг ёнимга ўтиринг-чи!
- Мўтабархон бўри ҳуркитган қўйдай олазарак бўлиб, қулогини динг қилғанча, эрининг ёнидаги оромкурсига омонатгина чўкди.
- Энди, хотин, мен ёш бола ёки гўлмасман, ернинг тагида илон қимирласа биламан. Сен минг марта уринга-

нинг билан фойдаси йўқ. Хуллас, бир нима демасанг ҳам ҳаммасидан хабарим бор... Лекин бунинг эртароқ олдини олишимиз керак.

— Мўътабархон эрига савол назари билан термилиди.

— Йўлики, — давом этди бойвачча, — қизингни эрга беришимиз керак. Шу ҳафтадан қолдирмасдан.

— Кимга? — ютиниб олди Мўътабархон.

— Менинг бир яхши ёрдамчим бор. Ўзи қишлоқдан-у, лекин уддабурон бола. Биринчидан, қизингни хор қилиб кўймайди. Иккинчидан, Лазокатни кўча-кўйда санқитиб кўймайди.

— Бердимуродми?

— Умрингда бир марта калланг ишлади-я, қойилман.

— Сиз отасиз, — деди Мўътабархон бироз ўйланиб туриб, — нима десангиз — шу.

— Ҳа-а, мен нима десам, мана шу уйда ҳамма нарса бўлади, шундайми?

Хотини бошини силкиб бойваччани маъқуллади. Бундан эрнинг ҳам кулгиси келди, ҳам ғазаби қўзиди. У ўзини босолмай қолди. Беихтиёр Мўътабархоннинг юзига бор кучи билан шапалоқ тортиб юборди. “Қарс” этган овоз ошхонада акс-садо берди. Бақиришгаям улгурмаган хотини қўллари билан юзини бекитди.

— Итдан тарқаган! — ғазабдан бойваччанинг кўзлари чақнаб кетди. — Ҳаммасига сен — молнинг қариндоши айбдорсан. Энди мен шу бир лайча, Бердимуроднинг олдидаям бошимни кўтаролмайман.

Мўътабархон “пиқ-пиқ” йиғлашга тушди, бу эса ёнган оловга ёғ сепгандай гап эди.

— Ҳали сен кўзингдан сийдигингни оқизаяпсанми?! — ўрнидан сапчиб турган бойвачча хотинининг сочидан тортиб ерга ағанатди-да, тепкилашга тушди. Мўътабархон ҳар зарба текканида “Вой ўлди-и-им!” деб бақирар эди. Унинг жонига шу пайт кириб келган Нилуфар оро кирди. У югуриб келиб отасини қучоқлаб четта тортиди.

— Ада! — қичқирди Нилуфар жон ҳолатда. — Нима қилаяпсиз?

— Қоч! — кўзи қонга тўлган бойвачча ўкирди. — Ҳозир ўлдираман!

— Ундан кўра мени уринг, адажон!

Нилуфарнинг қичқириғи отасини инсофга келтирди. У қизини силтаб ташлаб, ташқарига йўл олди. Ҳудди шу пайт хизматкори ичкарига киришни ҳам, кирмасликни ҳам билмай ташқарида туарди. Үнинг бу қилиғи бошига бало бўлди: “Сен қайси гўрда юрибсан?” дея бойвачча уни тепкилашга тушиб кетди. Аммо нафаси бўғзига тиқилиб, зинага ўтириб қолди. Хотини, қизи, хизматкори — ҳаммасини бўралаб сўкди. Хизматкори бойваччанинг бу қилиқларига ўрганиб қолгани боис, тепки ҳам, сўкишлар ҳам унга зигирча таъсир қилмади.

* * *

Бердимурод шотирларини, келишилгандай, ҳалқа йўл бўйидаги чойхонада кутиб олди. Касалхонадан қочишганда тумтарақай бўлиб кетган нашавандлар узун-қисқа бўлиб, олдинма-кетин кириб келишди.

— Сенинг олдингда уятли бўп қолдик, — деди Мансур келган заҳоти. — Ишни эплолмадик.

— Мен сенларни боқиб семиртираман, деб ваъда берманман, шекилли, — Бердимурод қовоғини уйди.

— Ўзинг кўрдинг-ку. Кейин, буйруқниям ўзинг бердинг.

— Шефга нима деб жавоб қиласман энди?

— Тинчитдик, деб қўя қол, шеф хабар топгунича, барibir, ишни ҳал қиласми. Қай гўрдан келиб қолди анави-лар?

— Агар билганимда ҳозир бунақа қилиб ўтирасдим, — деди Бердимурод ва чўнтағидан сигарета чиқариб лабига қистириди. — «Мент»ларга ўхшамади, улар бундай келмайди.

— Буниси аниқ, мен деразадан ичкарига қараганимда Дониёрнинг палатасида иккита қиз билан дўхтир кўринди. Анави, бизга ўхшаб ниқоб кийиб олганлар иккита қизни елкаларида кўтариб кетишли. Ўз кўзим билан кўрдим, — деди Мансур.

— Демак, ўша қизлардаям ишкал бор. Аввал уларнинг нега Дониёрнинг олдига келганини, кейин ким уларни олиб кетганини аниқлаш керак. Энди, оғайнилар, шу ишларни қилмагунимизча ҳеч ким тинчимайди. Мен қолгандарга айтаман, уларам ҳаракатта тушади. Ҳозирча ҳамманг

инингда босиб ўтири. Биронингдан ментлар хитланниб қолса, каллангни оламан. Кейин менинг олдимда қарздорликларинг эсларингдан чиқмасин.

Бердимуроднинг гапидан нашавандларнинг бошлари эгилди. Кайф хуруж қылган пайтда улар ўзларидан кичкина гўдакнинг қошидаям бош эгишга тайёр туришарди.

— Бўпти, сурларинг, эртага вазиятга қараб ўзим телефон қиласман. Қараларинг, агар биронтангни вақтида тополмасам, “овқатсиз” қоласан.

— Ҳозир қиттак-қиттак уриб олмаймизми? — хавотирланиб сўради Эгамкул. Унинг афт-ангоридан от ҳуркади: Башараси ҳуснбузарга тўлган, ориқлигидан елка суяклари бўртиб чиқсан. Қошларининг қалинлиги бошбармоқдай, гапирганда бурнининг катаклари кўтарилиб тушади. У Бердимуроднинг айнан шу гапидан безиллаб турганди. Чунки дори оладиган вақти бироз ўтаёттанидан уни қалтироқ тута бошлаганди.

— Яна текинга-я, иштаҳанг очилиб кетаяптими?!

— Қарз бўлсан жоним гаровда!

— Бўпти, ҳозир озгиндан оласанлар, — мурувват кўрсатди Бердимурод нашавандларга бир-бир қараб чиқиб. Шотирларнинг юзида табассум пайдо бўлди.

Бердимурод хожасиникига кириб борганида, Халил бойвачча ҳали-ҳануз зинада ўтиради. Уни бундай аҳволда кўрган Бердимуроднинг ичидан зил кетди.

— Келдингми? — деди хаста овозда Халил бойвачча.

— Ҳўжайнин, тинчликми? — деди Бердимурод ҳайратини яширолмай.

— Нима, бу ерда ўтириш мумкинмасми?

— Йўқ, энди...

— Ишни нима қилдинг?

— Тинчтидик.

— Ҳеч ким хитланмадими?

— Ими-жимида.

— Бўпти, уйга кир, — бойвачча унинг қўлига таяниб ўрнидан турди.

Улар хожанинг иш хонасига киришди. Ҳизматкор аввал чой, кейин майда-чуйдалар билан бирга ароқ келтириб қўйди.

— Мен тўй қилишни ўйлаб қолдим, — деди бойвачча

қадаҳларни ароққа тўлдиаркан. — Нима дейсан, бошлайверсам бўладими, йўқми?

— Зўр-ку, — деди ўзини мажбурлаб, бироз ҳуши бошидан учган Бердимурод. Ҳалил бойваччанинг ўғли йўқ. Демак, қизларидан бирини турмушга узатади. Албатта, Нилюфарни. Чунки уни эрга бермай туриб, Лазокатни узатиши урф-одатта зид. — Нилюфар сингилтчага совчи келдими?

— Манавини ол, — бойвачча жавоб қилишга шошилмай ароқ қуйилган қадаҳга ишора қилди, кейин тўқишишимай ўзининг қадаҳини бўшатди-да, ликопчадаги тўғралган по-мидордан бир бўлакни оғзиға ташлади. Бердимуроднинг вужуди қулоққа айланиб хожасининг оғзини пойларди. Бойвачча эса баҳузур оғзидағи насибасини чайнаш билан овора.

— Совчи бизникига келгани йўқ. У сеникига боради, — деди луқмани ютиб, томдан тараша тушгандай.

Бердимурод тош қотди, у бойваччанинг гапларига мутлақо тушунмаётганди. Ёрдамчисининг довдирашига бойвачча кулди. Кейин салмоқ билан гап бошлади:

— Бердимурод ука, сен билан анчадан бери биродармиз. Нимаики топсам, сенинг ҳақингниям дарров ажратиб бераман, худди ота-ўғилдай бўп кетдик. Бугун тунда ўйлаб қарасам, ўзимга меросхўр керак экан. Биласан, сингилтaring барибир қиз болалигига боради. Уларни бегонага узатсам, мисқоллаб йиққан обрўим ҳам, мол-давлатим ҳам шамолга совурилади. Шунга... сени ўзимга ўғил-куёв қилиб олсам, дегандим... Сен нима дейсан?

Бердимуроднинг боши эгилди. Қувонганидан юраги тошиди. Айни дамда кўп йиллардан бери унутилиб кетган уят туйфуси ҳам унинг қалбига бир зумгина меҳмон бўлди, юзи қизарди.

— Нилюфар, — гапини давом эттирди бойвачча, — ўқийди. Ҳали-бери уни турмушга узатолмасам керак. Лазокатни...

— Лазокат?

— Нега ҳайрон бўляяпсан?

— Энди... Ҳалиги, катта қиз қолиб, кичкинаси...

— Ҳамма гап шунда-да. Аслида Нилюфарни узатиб, яна бир икки-йилдан кейин синглисини эрга бериш ниятим бор эди. Қарасам, аҳвол чатоқ. Ҳар куни уйни совчи

босади. Тузукроқ одамлардан келса қанийди. Ҳаммаси ту-туруқсизлар. Уларга бергандан кўра, қариқиз қилиб уйда сақлаганим афзал... Тағин ўйланиб қолдим. Лазокат ҳали ёш, мисоли новда, қайси томонга эгсанг, эгилиб кетавера-ди. Яна битта-яримтаси йўлдан уриб, бетайин одамлар билан қуда бўлиб қолмай, ҳар қалай, сен ўзимизникисан. Нима дейсан шунга?

Бердимурод буткул довдираб қолди. Бўлгуси қайнотасига нима деб жавоб қилишни билмас, кўнгли қандайдир нохушликни ҳис этиб турарди.

* * *

— Оппоқ қийз, — Бароннинг кўзлари ўт бўлиб ёнарди.
— Энди манга меҳмонсийз.

Наргизанинг тили мумланиб қолгандай, у рўпарасидаги бадбашара кимсанинг ютоқиб суқланаётган кўзларига бардош беролмай, каравотта суюниб қолди.

— Барон?! — деди Лола ҳайратини яширолмай.

— Сизний топдийм охийр, — Барон ўрнидан секин кўзғалиб, қизларга яқинлашди. Юраклари қинидан чиқкудек тез ураётган қизлар жон ҳолатда бир-бирининг пинжига тиқилди. Буни кўриб Бароннинг завқи тошди. Шу зумда иккаласини ҳам бағрига босиб, лаззат олгиси келди.

— Яқинлашманг! — зорланди дағ-дағ титраётган Наргиза. — Ҳозир милиса чақирамиз!

— Ҳе-ҳе-ҳе, милиса девопсанмий? Ман милиса. Лола манга хотийн, сан “любовница” бўласан! Бугун тўй қила-мийз, — Барон қоп-қора косовдай кўлини узатиб, қизларнинг иякларини тутди ва секин ўзига торта бошлади. Қизлар ҳушни йўқотгудек аҳволга тушишли. Шунда Лоланинг миясига бир шумлик келди: у бор кучини ўнг оёғига йигиб, товони билан Бароннинг қорнига тепди.

— Вой, мочағар! — оғриқнинг зўридан бўкириб юборган Барон ортига тисарилганча буқчайиб қолди. Қизлар жойларидан сапчиб туришиб, Баронга ташланишли. Лола унинг сочига чанг солди, Наргиза эса юзини тимдалашга тушиди.

— Оғийр нарсаний топ! — чинқирди Лола. — Бошйига...

Аммо у гапини охиригача айттолмади, шовқин-сурондан хабар топган Бароннинг шотирлари отилиб киришли. Бири Лоланинг сочидан бураб тортди, иккинчиси Наргизанинг

биқинига тепди. Умрида калтак емаган қиз: “А-а!” дея чинқирганча ерга қулади. Сочига қүшилиб бошининг териси ҳам шилиниб кетгудай бўлган Лола оғриқни ҳам унугиб, дугонасининг ерга қалишиб қолганини кўрди-ю юраги «шиф» этиб кетди.

Ўзига келгач, Барон қутуриб кетди. У Лолага ишқини ҳам, қизнинг гўзалигини ҳам буткул унуги, гўё қарши-сида ашаддий ёв тургандай эди. Барон девордаги гиламга осиғлик турган қамчини қўлига олди. Қамчи илиб қўйилган жойда ўткир қилич олмосдай совуқ ялтираб турарди.

Елкалари, бели аралаш шувилаб урилаётган қамчи зарбидан лўли қиз чинқириб юборди ва ерга ўтириб қолди. Бўйнига, кейин очиқ баданига келиб тушган зарбалар Лоланинг жонини суғуриб олаёзди — кўз олди қоронғилашди. Баданининг оппоқ териси шилиниб, қон сизиб чиқди, қамчининг кейинги «сийлов»ларини Лола эслай олмади...

Бу пайт Наргиза биқинидаги оғриқдан ўзига келолмай, ерда ғужанак бўлиб ётарди. Барон унинг тепасига келиб, бир зум қараб турди-да, кейин қўлини даст кўтариб, қамчини ишга солди.

Қизларни савалаб ҳолдан тойған Барон кўзи қонга тўлиб, аслида уйини безаш учун отнинг калласидай пулга сотиб олган қиличига ёпишли. Буни кўрган шотирларининг кўзла-ри қинидан чиқиб кетаёзди.

* * *

Бобур жойида ётолмади: у тинимсиз типирчилар, бақи-рар, йигларди. Аммо ҳадеганда унинг ҳолидан хабар олади-ган бўлмади. Врачни ҳушидан кетказиб, опаси билан лўли қизни олиб кетишид-ю, ҳаммаёқ сув қуйгандай жимиб қолди, худди бўрондан кейинги сокинликдай.

Ниҳоят палатага ҳарсиллаганча дўхтирлар, улар ортидан ҳамширалар югуриб киришли. Дўхтирларнинг иккитаси Фатхулланинг томирини ушлаб кўриб, уни ўзига келти-ришга урина бошлашди. Биттаси эса Бобурнинг атрофида гирдикапалак бўлди. Орадан ҳеч қанча ўтмай шифохонани милиционерлар босиб кетди. Улар Бобур ётган палатага кирмоқчи бўлишли. Аввалига шифокорлар беморни сўроқقا тутишларига йўл қўйишмади. Аммо вазият қалтис эди. Қизлар ўғирланган, врачга шикаст етказилган... Тезкорлик билан ҳаракат қилинмаса, қизларнинг ҳаёти барбод бўли-

ши мумкин. Шу боис, врачлар бош терговчи билан унинг ёрдамчисига Бобурни сўроқ қилиш учун рухсат беришди. Жабрланувчи Фатхулладан тузук-куруқ жавоб чиқмади. “Мен палатадан чиқмоқчи бўлиб эшикни очганимни биламан, кимдир пешонамга бир нарса билан урди. Шундан кейин ҳеч нарсани эслолмайман”, деди у. Ҳамирилар ниқобли одамларни куришганини айтишди. Лекин уларнинг қай йўл билан бу ерга киришгани, нега қизларни олиб чиқиб кетишгани қоронғи эди. Қоровулдан ҳам тузукроқ маълумот ундиришнинг иложи бўлмади. Умид ёлғизгина гувоҳ Бобурдан эди.

— Соғайиб қолдингми? — деди унинг каравоти ёнига стол кўйиб ўтирган ўрта яшар, соchlари оппоқ, пешонасинй ажин босган, нигоҳи ўткир, мундир кийган орган ходими.

Бобур жавоб қилмади, шифтга термилганча ётаверди. Йигитнинг қайсаrlигини сезган майор унинг кўнглига қараб муомала қилишга киришди:

— Менга айтишди, сени олиб келишганида аҳволинг анча оғир экан, лекин тез тузала бошлабсан. Иродангга балии, йигит.

Бобурнинг энсаси қотди. У бирор кишидан нимадир сўрамоқчи бўлса, чўзиб ўтирмас, шартта айтар-қўяр, бошқалардан ҳам шундай муомалани кутарди.

— Ҳм-м, — деди майор ўйланиб.

Майор кўпни кўрган одам эди. Қанча ўғри-каззобнинг “эртаги”ни эшитган, бўйнида тоғдай гуноҳи бўла туриб, тергов пайти ўзини фаришта қилиб кўрсатишга урингандарни, бутун бошли қотилликни бошдан-оёқ кўзи билан кўрган эса-да, гувоҳлик беришдан бўйин товлаганларни ҳам гапиртириб, қилни қирқ ёриб, ковушини тўғрилаб қўйиш қўлидан келган. Бобурга у аввал кўнгил бериб, кейин ичидаги бор гапни суғуриб олмоқчи эди. Қараса, бу йигит тошёнғоқ хилидан экан, демак, унга бошқача йўл тутиш керак.

— Бобуржон, — деди бироз сукутдан сўнг майор, — ниқоблилар опангни ўғирлаб кетганидан мен ҳам афсусдаман, уни тезда топишимиз керак. Сен ёрдам бермасанг бўлмайди.

— Тузалсам ўзим топаман, — деди Бобур шифтдан кўзини узмай.

— Унда кеч бўлади.

“Кеч” сўзини эшитиб, Бобур кўзини юмди. Иложсизлиги алам қилиб, чукур хўрсинди.

— Шунинг учун, — гапида давом этди майор, — кўрган билганингни галириб беришинг керак.

— Мен бостириб кирган тўртта ниқобли одамни кўрдим. Яна кимдир деразаданам қаради, ўзим кўрганим йўқ, Наргиза билан унинг ёнидаги қиз деразага қараб бақириб юборишиди. Анави дўхтирам шу ердайди.

— Анави қизнинг исмини биласанми?

— Билмайман. Аввал кўрмаганман. Опам у билан яқинда танишган бўлса керак.

— Ўша қиз сенда шубҳа уйғотмадими?

— Йўқ.

— Деразадан ким қараган бўлиши мумкин?

— Билмадим.

— Тушунарли, — деди майор эшиттанларидан қониқмай бош чайқаб. — Лекин булар опангни топишимизга ёрдам беролмайди.

“Ўзимам биламан, — хаёлидан ўтказди Бобур, — лекин мен қидирсан, албатта, топаман. Ўғирлаганларнинг терисига сомон тиқаман!”

Майор ташқарига чиқди. Қоп-қоронги осмон қаърида милтираёттан сон-саноқсиз юлдузларга термилди. Улар, худди одамлардай, бир-бирига мутлақо ўхшамасди.

— Раҳматуллаев, — деди лабига сигарета қистирган майор, гугурт олиш учун қўлини чўнтағига тиқаркан.

— Лаббай, — деда майорнинг ёнига ўқишини яқинда битириб милицияга ишга кирган, ўрта бўйли, спортчиларникидай чайир гавдали йигит — Миркомил келди.

— Сенга биринчи топшириқ, — деди майор унга синовчан тикилиб. — Бобур деган бемор билан яхшилаб танишиб оласан, керак бўлса ўртоқ бўласан. Уям сенга ўхшаб жиддий йигит кўринади. Ичидаги бор гапни билиб олгин. Ўзи ким, оиласвий аҳволи қандай? Нега опасини ўғирлаб кетишиди?.. Яна улар ҳалокатга учраганида ўртоғидан топпилган қорадори кимники? Умуман, бу йигит, ўртоғи До-ниёр нима иш қилади — ҳаммасига жавоб топ. Фақат эҳтиёт бўл. Тағин сир бериб, балога қолиб юрма. Бу иш-

нинг ўта жиддийлиги эсингдан чиқмасин. Маълумотларни зудлик билан менга етказиб тур.

— Хўп бўлади, — деди Миркомил бошлигининг гапини дикқат билан эшигитиб.

— Бўпти, ишга кириш.

Майор тезкор гуруҳ вакиллари билан жабрланган Фатҳуллани ҳам олиб кетди.

Миркомил касалхонада рўй берган воқеадан хабар топган заҳоти етиб келган бош врачнинг хонасига фуқаро кийимида кирди-да, ўзига оқ ҳалат беришларини сўради.

У палатага кирганида Бобур ухлаб қолганди. Бир-бир қадам босиб, беморнинг тепасига борди.Faқат юзигина кўриниб турган Бобурга синчиклаб қараб, ўзича нимадир излади. Кейин ортига қайтиб эшик ёнига стол қўйди-да, ўтириб хона ичини синчиклаб кўздан кечириб чиқди. Орадан ярим соатча вақт ўтди. Ютиб юборгудай жимжитлик Миркомилни зериктириди: кўзи юмилиб кетаверди. Ҳаял ўтмай у ўтирган жойида ухлаб қолди.

Тонг бўзариб келаётган маҳал палатага ҳамшира кирди. Эшикнинг фийқиллашидан Миркомил чўчиб уйғониб, ўрнидан сапчиб турди. Унинг бу қилиғидан ҳамшира кулиб юборди. Сўнг савол назари билан қараган Миркомилга:

— Касални укол қилиш вақти бўлди, — деди яна жилмайиб.

Бобур аллақачон уйғонган, эшик ёнига стол қўйволиб уйқуни ураётган йигитта унинг кўзи тушган эди.

— Қалайсиз, яхши йигит? — деди ҳамшира Бобурнинг ёнига бориб.

— Бундан баттар бўмайди, — деди мийифида кулиб Бобур.

— Ҳали шошманг, шунаقا югуриб кетингки, ўзингиз ҳам қойил қолинг, — деди ҳамшира қувноқ овозда.

— Агар сиздай қизлар укол қилиб туришса, бугуннинг ўзидаёқ югуриб кетаман.

— Ҳо-о, — деди ҳамшира нозланиб. — Мендан бошқа сининг укол қилишини истаб қолдингизми?

Бу гапдан сўнг Миркомил ҳам кулиб юборди.

— Ошна, — гапга аралашди Миркомил Бобурга яқинлашаркан, — ҳозирги қизларга битта гапни айтгин-да, кейин орқа-олдингта қарамай қоч, йўқса балога қоласан.

— Ҳаммасига ўзларингиз айбдор, — деди ҳамшира ҳам бўш келмай. — Битта қизга қаноат қилмай бошқасига кўз сузасизлар, шунинг учун сизларга доим кўз-кулоқ бўлиб туриш керак.

— Айтдим-ку, — деди Миркомил кулиб, — битта гап гапирсанг тамом. Уйланмасдан тоқ ўтиб кетаман, шекилини, бу дунёдан.

— Кўрамиз, яна неча йил чидаркансиз бўйдоқликка!

— Пардон! Биз «пас». Ўқишини битириб шу ерга дўхтир бўп келай, ўшанда...

— Битиришингизга, адашмасам, ҳали икки йилча бор, унгача чидайсиз, — деди ҳамшира ва Бобурни укол қилишга киришди.

Ҳамшира билан Миркомилнинг ҳазил-хузули улар пухта ўйлаб, олдиндан келишиб олишгандай табий чиқди: Миркомил талаба ролини бажаради, бу ерга амалиёт учун келган; ҳамшира ҳам шунга яраша муюмала қилди. Бу сценарийни Миркомил ўйлаб топиб, ҳамшира билан пухталаб келишганди, бироқ унинг қандай натижа бериши ҳозирча номаълум эди.

— Шу, ўқишиям жонга тегиб кетди, — деди Миркомил ҳамшира ишини битириб чиқиб кетганидан кейин. — Сиз зам бирон жойда ўқийсизми?

Бобур бошини чайқаб “йўқ” деган ишорани қилди.

— Нима иш қиласиз? — савол берди Миркомил.

— Бизнес.

— Сизларники яхши, мол оласизлар-сотасизлар, тамом, фойдани чўнтакка уриб кетаверасизлар.

Унинг гапига Бобур кулди:

— Буниям ўзига яраша қийинчилклари бор, баъзан кечаси билан ухламай чиқамиш.

— Барибир-да, ошна. Масалан, институтда тўрт йил ўқитишади. Бизда бўлса, эҳ-хе...

— Ташланг унда.

— Шунча йил ўқиб қўйдим. Увол бўлади. Битирсан, клиника очмоқчиман. Шунга кеча-ю кундуз касалхонадаман. Кўпроқ ўрганиш керак. Бошқалар бир кун келса, икки кун ялло қилиб юради. Менинг уйланишга ҳам вақтим йўқ. Тўнгич фарзандга қийин экан. Ойим уч йилдан бери миямни қотиради, бошингни иккита қилиб қўяйлик,

деб. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, шу пайтгача биронта қиз билан тузук-куруқ гаплашмабман ҳам. Қизинг бўлмаса кимга уйланишният билмай эзилиб кетаркансан...

Туйқусдан Бобурнинг хаёлида лўли қиз жонланди: сирли нигоҳи, мийигида кулиши... Кейин газ балоннинг ҳидидан йиқилиши... Беморнинг қошлари чимирилди.

— Нима гап? — деди унинг юзидағи ўзгаришни кўриб Миркомил. — Мазангиз бўлмаяптими?

— Яхшиман, — деди зўрга Бобур, — бир илтимос айтсам, қилоласизми?

— Биронта қизга хат-пат бериб қўйиш керакми? Гап бўлиши мумкинмас!

— Қизгамас. Ҳадемай ойим келади. Наргизани олиб қочишганини айтмай туришсин, дўхтирлардан илтимос қилинг.

— Ҳа-а, — деди Миркомил пешонаси тиришиб, — хунук иш бўлди-да. Мен шу пайт шаҳарга чиқиб кетувдим. Бўлганимда муштлашардим. Нима қилиб бўлсаям опангизни олиб қолардим. Дзюдога беш йилдан бери қатнайман. Анчагина тажрибам бор.

— Майли, буларнинг бари ўз йўлига. Сиз менинг илтимосимни қиласизми?

— Бугун бўлмаса эртага барибир эшитади. Майли, дўхтирларни кўндиришга уриниб кўраман... Энди сиз ухланг, кўп гаплашдик, чарчаб қолманг тағин.

Бобур Миркомилнинг гапига эътиroz билдирамади. Шифтга термилганча хаёл дунёсига фарқ бўлди.

* * *

Анбар опа ғалати туш кўрди: кимдир Наргизани тинмай бўғармиш, қизи бақириб, уни ёрдамга чақиравмиш. Анбар опа югурай деса, оёғи жойидан қимирламасмиш. Бир маҳал Наргизани бўғаётган одам илонга, ундан аждарга, сўнгра кўз кўриб, қулоқ эшитмаган даҳшатли маҳлуқقا айланармиш. Қизининг овози борган сари учиб, қўллари шалвирраб қолаётган эмиш... Анбар опа чинқириб юбориб, ўзининг овозидан чўчиб уйғониб кетди. “Ёрдам... ёрдам беринглар! Қизимни ўлдиришяяпти... Ким бор?” Ўнгидаги қирдими, тушидами — билолмади. Уй ичи қоп-қоронғи, жимжит. Биргина девор соатнинг “чиқ-чиқ”и эшитилади. Юраги гурсиллаб ураётган аёл чаққон бориб чироқни ёқди.

Ҳаммаёқ осойишта, ҳеч ким йўқ. “Хайрият, — бироз ўзига келди у, — тушим экан. Тонг отсин, садақа чиқараман”. Аммо тонг отишини хотиржам ётиб кутолмади. Ҳаёлига бот-бот кўрган туши келар, юраги қинидан чиққудай ти-тирчиларди. Анбар опа сабри чидамай ошхонага кирди-да, кеча кечқурун пиширган овқатини иситиб, сирли идишга солди ва апил-тапил кийиниб, йўлга отланди.

Шаҳар ҳали уйкуда, фақат бомдодга турганлар-у зарур иш билан кўчага чиққанлар ва тирикчилик илинжида машиналарида кўча айланиб юрганларгина уйғоқ эди. Анбар опа бекатда анча туриб қолди. Ёнгинасига келиб тўхтаган таксиларга бош чайқаб жавоб берди. Кўйиб берса, Анбар опанинг учеб боргиси келарди, аммо нима қиссин, автобус кутишдан ўзга чораси йўқ. У ичида шайтонни қарғар, кўрган тушини унутишга, эсламасликка уринарди.

Ниҳоят атроф ёришиб қолганда автобус келди. Бироз юриб бекатда тушиб, яна бошқа автобусни кутди. Анбар опа касалхонага етиб борганида кун ёйилиб кетганди. Дарвоза ёнида у ёқдан-бу ёққа асабий юриб турган қоровул Анбар опага ёвқарашиб қилиб, дўқ оҳангига сўради:

- Қаёққа бораяпсиз?
- Ўғлимни кўргани келаяпман.
- Ким ўғлингиз?
- Бобуржон.

Қоровул сергак тортиб, аёлга синчиклаб қаради. Анбар опа нокурай аҳволга тушди: “Қариб қуйилмаган чол”, хаёлидан ўтди унинг. Қоровул негадир хўрсинди, кейин киришга рухсат берди. Анбар опа унинг хўрсинишини ўзича тушуниб, уялганидан қизариб кетди. Ана шу лаҳзада кўрган туши хаёлидан чекинди. Аммо касалхонага кираверишда узун супургисига суюниб гап сотаётган фаррош хотинларнинг гаглари қулогига чалинди-ю, хуши бошидан учди.

— Анави авария бўған боланинг иккита опасини оқшом бетига чулки кийган одамлар опқочиб кетганмиш, — деди улардан бири шеригига ваҳима билан.

Авария бўлган унинг ўғли, иккита опасининг бири — Наргиза, иккинчиси унинг дугонаси. Анбар опа фаррошларнинг ёнидан ўтатуриб бир неча қадам ташлай олди, холос, туйкус боши айланиб, кўзи тинди. Ўзини тутиб туролмай гурсиллаб ерга қулади.

Барон шотирлари дамлари ичига тушиб кутишган ишни құлмади. Құлидаги пичоқни столга қарсилатиб урди, шотирлар ҳадик билан ортта тисарилиши. Әнғоқ дараҳтидан ясалған стол пичоқ түгүл, болтага ҳам дош берарди, шу боис тифнинг учи қайрилиб кетиб, Бароннинг кафтини тилиб юборди. Пичоқни ташлаб юборған тұдабоши чакиллаб томиб, столни қип-қызил рангта бүяётгап қонга термилди. Шотирлар энди хожаларини қутуриб кетса керак, деб үйлашди, аммо кутилмаганда Барон жилмайди, йигитларининг ташвишли құзларига бирма-бир назар ташлаб чиқиб, ким ичидә кулаётгани-ю, ким чиндан ташвишланаётганини илғамоқчи бўлди. Бироқ кўзлари ўйнаб турган йигитларининг нима хаёлдалигини билиш қийин эди. Боз устига, ҳозир у бирорвнинг ичидагини кўзидан билиб оладиган аҳволдамас, бошқа пайт бўлганида ўткір укки кўзлари билан истаган одамни довдиратар, унинг нигоҳига дош беролмаган одам ўзини ўнглаб олгунича анча-мунча сирини бой бериб қўяди.

— Кўрдингларми? — деди Барон, — менинг қоним оқаяпти. Шу лайтгача ҳеч ким менинг қонимни оқизолмаган.

У шу гапни айтди-ю, дарҳол тилини тишилади: нотуғри гапирганини англади. Аммо буни шотирларига билдирамди. Чунки ерда думалаб ётган икки қиз унинг юзини юлишга ултурган, тирноқ изидан қон сизиб турарди.

Барон қўлининг жароҳатига эътибор құлмай, аранг ҳушига келаётган қизларнинг тепасига келиб хунук иржайди. Сўнг ўгирилиб шотирларига:

— Бир яшик ароқ келтиринглар, — деди. Зум ўтмай бир яшик ароқ олиб киришди. Бу орада Ҳасан чақирирган хизматкор қизлар Бароннинг жароҳатини боғлаб қўйиши. Барон эринмай шишаларнинг оғзини битта-битта очиб, ароқни қизларнинг устидан қоя бошлади. Унинг нима қилаётганини ҳеч ким тушунмас, ҳамма қылт этмай энди нима бўларкан, деб кутиб туришарди. Барон сўнгти шиши ҳам бўшатиб, стол устидаги гугуртни қўлига олди.

— Хўжайнин, — деди Бароннинг ниятини дарров фаҳмлаган Ҳасан, — балки бошқа жазо қўллармиз. Эсларини киритиб қўйсак, кейин икковиям итдай хизматимизни қиласарди.

Аммо хожаси унинг гапини олмади. Лоланинг тепасига бориб гугурт чақди. Сўнг қизнинг бўйнидан қўлини ўтказиб бошини кўтарди-да, бироз тикилиб қолди. Агар ҳозир ёнаётган гугуртни ташлаб юборса, тамом, қиз киприк қоқунча бўлмай аланга олар ва бир зумда ёниб кулга айланарди. Гугурт донаси секин-аста ёниб, Бароннинг бармоқларини куйдира бошлади. Юраги рўй беражак даҳшатли манзарадан ҳаприқсан шотирлардан баъзилари кўзларини юмиб олишди. Аслида ана шу лўли йигитларнинг ҳам Лолага кўнгли бор эди. Барон ўртада тоғдай тўсиқ бўлмаганида, бу гўзал лўли қизга етишиш учун улар ҳаракат қилишарди. Аммо кўнгил деганлари хожанинг қаҳр-ғазабга йўғрилган куч-қудрати олдида ожиз, кераксиз туйғуга айланниб кетганди.

Барон бармоқлари орасидаги гугурт чўпини ташлаб юборди. Шу дам шотирларидан кимdir “им-м”, дея ингради. Товуш шу қадар ўқинчли чиқдикни, ҳатто Барон ҳам қалқиб кетди ва ёниб тушётган гугурт донасини ярадор кафти билан туртиб юборди ва илжайиб ортига ўгирилди.

— Хаёлимга бошқа нарса келди, — деди ўша ёвуз иржайишини яна бир марта намойиш қилиб, — ҳозир ўра қазийсанлар, чукурлиги уч метр бўлсин, кейин манави итларни, — дея у эндигина хушига келиб, қимиirlай бошлаган қизларни кўрсатди, — унинг ичига ташлаб, кўп овқат берасанлар, токи икковиям ҳар ярим соатда ҳожат қилсин, ўтирган жойлари сасиб кетсин. Икки ҳафтадан кейин чиқариб оламиз, кейин ўзим ўлдираман уларни. Қани, шундаям биронтангнинг ичинг ачишсин-чи. Терисини қўлларим билан шилиб олишимни маза қилиб томоша қиласан ҳамманг.

Танидаги оғриқ бироз босилгани боис, Лола Бароннинг гапларини эшилди, бироқ кўзини очмади. Ичиди у хурсанд эди. Наргиза эса, Бароннинг мақсадини эшишиб афти бужмайди. “Шарманда бўлганимдан кўра ҳозироқ ўлдирсин”, хаёлидан ўтди унинг.

Барон йигитларига топшириқ бергач, бурилиб тўгри ўзининг ётоғига кирди ва бир шиша муздай пиво ичиб, юмшоқ ўриндиқقا чўзилди. Шу маҳал ётоқقا кириб келган икки нафар сариқ сочли оқбадан қизлар унга икки тарафдан сўйкала бошлади...

Үра зах эди. Наргиза билан Лолани ўрага тепадан итариб юборишиди. Наргиза ўрага ёмон кулаб тушди, ортидан Лолани ташлаб юборишиди.

— Наргизахон, — деди Лола орадан икки соатча вакът ўтиб, тонг энди-энди бўзариб келаётган палла. — Нийма қийламийз?

— Нима қиласдик, — Наргиза хўрсинди, — худо деб ётаверамиз. Бирор баҳтли тасодиф рўй бериб, зора, омон қолсак. Мен ўзимдан кўра кўпроқ ойижонимни ўйлаяпман. Бечора ойим, менинг йўқолганимни билиб қолса, қон босими ошиб кетади...

У пиқиллаб йиғлашга тушди. Лола дугонасини оҳиста кучоқлади.

— Буларга нима ёмонлик қилувдим, нима исташади падарингга лаънатлар! — алам билан деди Наргиза.

Унинг гапира туриб йиғлашидан Лоланинг кўнгли бузилди. У: “Сен ҳам менинг касримга қолдинг. Барон мени деб сени ҳам шу кўйга солди”, демоқчи бўлди-ю, аммо кўргиликлар боис қадрдан бўлиб қолган қизнинг баттар эзилишини истамади.

Тонг отиб, қуёш одам бўйи кўтарилганда уларга овқат туширишиди.

— Камроқ еганимиз маъқул, — деди Наргиза, — тағин анави итлар айтган аҳволга тушиб қолмайлик.

— Тўғрий, — унинг галини маъқуллади Лола.

Улар қўл учидан овқатдан тотинган бўлишиди, бироқ нонни ушатишмади ҳам.

Ярим соатча ўтиб янги сўйилган қўй гўштидан ҳил-ҳил пишган, ошкўклар, арча барги аралаштириб тайёрланган таом туширишиди. Овқатнинг ҳиди иштаҳани шу қадар қўзғардики, қизларнинг оғзидан суви келди. “Нима қиласмиз?” деган маънода Наргизага қаради Лола.

— Тўғриси, — мийигида кулди Наргиза, — боя жудаям кам еган эканман, қорним роса очқаб кетди. Бир бўлакдан гўшт еяқолайлик. Қолганини қайтариб юборамиз. Барibir ярим соатдан кейин яна олиб келишади.

— Ма-а-йли...

Улар ўрада шу тахлит кунни кеч қилишиди. Дугоналарнинг баҳтига Барон эрта тонгда қўшни давлатга “иш”ларини саранжомлаш учун жўнаб кетган, аксинча, иккита йи-

гитни ўрага тушириб, қызларга мажбуrlаб овқат едиrmоқчи эди.

Аста-секин қоронғилик тушиб, күкда юлдузлар жимирлай бошлади. Ҳаво этни жунжиктирадиган даражада салқин эди. Лекин ўранинг захи ортга уриб, ер қаърининг иситмаси асиralарни беҳол қила бошлади. Бу пайтта қадар Наргиза онасини эслаб бир неча бор йиглаб олди.

Қызларни уйқу энди ўз домига тортаётган маҳал ўранинг оғзида икки шарпа пайдо бўлди. Қызлар ҳеч нарсани пайқашмади.

Тепадагилар қызларни кўриқлаётган Бароннинг йигитлари эди. Улардан бири хожаси гугурт ёқиб Лоланинг устига ташламоқчи бўлганида “оҳ” тортиб юборган Бекмирза исмли шотир эди. Лўлилар «Қирол»ининг қызларга чиқарган ҳукмидан сўнг бу икки йигитнинг хаёли бузилди. Улар Бароннинг йўқлигидан фойдаланмоқчи бўлиб, кун бўйи ўзларича режа тузишли.

— Барибир хўжайн қызларни нобуд қиласи. У ҳеч вақт гапидан қайтмаган. Кел, улардан фойдаланиб қолайлик, қызлигича кетса увол бўлар, — деди Бекмирза қоровул йигитнинг кулогига шипшиби.

Манглайида ўрик донасидай ғурраси бор, афт-ангоридан бадавийларга ўхшаб кетадиган лўли йигит ўйланиб қолди. Унинг Наргизага кўнгли кеттан: «Қани энди шундай қизни бир марта эркаласам», деган табиий майл кўнглига ғулгула соларди. Аммо Бекмирза айтган ишни қилишса-ю, кейин қызлар Баронга сотиб қўйишса, хўжайн терисини тириклий шилиб олади.

— Битта қизни деб ўлиб кетишни истамайман, — тўнғиллади у.

— Кечаси ҳамма ухлаганидан кейин қиласи. Қызлар бизни танимайди. Лола билан битта маҳалладанмиз-у, лекин қоронғида таниб ўтирибдими? Бетимизга ниқобам кийиб оламиз. Овоз чиқармаймиз.

— Хўжайн Ҳасанга тайинлаб кетди.

— Ҳасанни менга қўйиб бер. Пиво деса ўзини томдан ташлайди. Кечқурун уйқу дори солиб бераман пивосига.

— Унда кутишга тўғри келади. Аввал Ҳасанни ухлат, кейин... Ишқилиб, Ҳасан ўзингни пивога бўқтириб қўймаса бўлгани, унинг тулкилигини биласан-ку. Биз шу ерда юр-

танды унинг арвохиям йўқ эди, дарров хўжайиннинг ўнг кўлига айланди.

— Бўпти, кўрасан ҳали, ўша Ҳасаннинг девдай хуррак отишини.

Бекмирза кеч бўлишини интиқиб кутди. Қуёш уфқа ёнбошлаган маҳал Бароннинг ўнг кўли, ҳақиқатан ҳам, пивохўрликка ўтириди.

Баронга хизмат қиласиган қизлар билан Бекмирза ош-қатиқ эди. Шаҳарга тушганида уларга атаб ширинлик кўтариб келар, эвазига хўжаси йўқ тунларни уларнинг иссиқ-қина бағрида ўтказарди. Оқ-сариқдан келган Наташа билан эса сирдош бўп кетишган. Ора-сира Баронни ҳам фийбат қилишдан тойишмасди. Бекмирза Наташани ишга солмоқчи бўлиб, унинг ёнига борди ва гапни бироз айлантириб, Ҳасаннинг нуқул иш буюраверишидан нолиди. «Пивосига уйқу доридан кўпроқ солиб бер, биз ҳам одамга ўхшаб бир дам олайлик», дея қўшиб кўйди гапининг охира. Наташага бу юмуш чикора эди: “Хафа бўлма, тошдай қотириб ухлатиб кўяман”, дея Бекмирзанинг лабидан ўлиб кўйди.

Ҳасан соат саккиз бўлмай қаттиқ уйқуга кетди. Қолган беш йигит билан уч қиз ўзлари хон, кўланкаси майдон бўлиб, роса ичкиликбозлиқ қилишди. Кейин айш-ишратни давом этказиш учун жуфт-жуфт бўлиб меҳмонхонага равона бўлишди. Ҳовлида тўртта меҳмонхона бўлиб, Барон меҳмонларини мавқеига қараб бу хоналарга тақлиф этарди. Бекмирза уларнинг орасидан ситилиб чиқиб, тўғри қорувулнинг ёнига борди. Коровул ҳам анча-мунча отиб олган, Наргиза билан Лола ётган ўранинг тепасига стол кўйиб ўтирганча сигарет тутатарди.

- Бошлаймизми? — деди Бекмирза паст овозда.
- Бошлаймиз, — деди ҳеч иккиланмай қоровул.
- Мен арқон олиб келдим, аввал ўзим тушаман.
- Лекин анави ўзбек қизга тегмайсан. У меники, Лолани нима қўлсанг қилавер.

Бекмирза Наргизанинг оёқ учига тушганида, у Лоланинг билагига бошини қўйганча, беозор нафас олиб ухларди.

Бердимурод Халил бойваччага тайин бир жавоб қилмай боши хам чиқиб кетди. У нима қилишини билмасди, Лазокатга уйланиб, хожасининг сояи давлатида даврон сурай деса, бу хонадонга келиб туриши — Нилуфарни куриши бор. Қандай чидайди, унинг ҳусну жамолини күрганидан кейин! Нега энди бойвачча катта қизи туриб кичигини унга бермоқчи — бу ҳам жумбоқ. Яна бетининг терисини сидириб, ўзи чақириб айтиб турса! Буюрган иши билан қизиқмадиям?! Бекорга бўлмаса керак бу ишлар. Бойвачча дарёнинг лабига элтиб, сугормай қайтариб келадиганлар хилидан. Манфаати бўлмаса қўлини совуқ сувга урмайди. Қизиқ, Лазокатни унга бериб, нима фойда топаркан? Ёки бу эрка қиз ишқал чиқариб қўйдимикан? Орттирган молу давлати бегонанинг қўлига ўтиб кетармишми? Бўлмаган гап.

Бердимурод боши қотиб машинасига ўтирди. Ҳаёли паришон ҳолда серқатнов катта кўчага чиқди. Қизил чироқда чорраҳаларни кесиб ўтди. Бахтига назоратчилар йўқ экан — ҳуштак товуши эшитилмади. Ўйга ботиб, уйига стиб келганини сезмай қолди. Машинани тўхтатиб, моторни ўчирмасдан рулга бошини қўйганча ўйлашда давом этди. Орадан бир ош пишгулик вақт ўтгач ўзига келди. Атрофига олазарак боқиб, уйининг ёнида эканини билгач, мийиғида кулиб бошини сарак-сарак қилганча машинадан тушди.

У хонасига кириб чироқни ёқди-да, девордаги соатга қаради: вақт тунги ўн икки яримдан ўтаётганди. “Роса чарчабман”, ҳаёлидан ўтказди Бердимурод. Ётоғига кираётганида қўл телефони жиринглаб қолди. У истар-истамас телефонни қулогига тутди:

— Алло?
— Яхшимисиз? — қулогига қиз боланинг овози эши-тилди.

Бердимурод дарров таниди.
— Лазокат?! — ажабланиб соатга қайта қараб қўйди.
— Кутмаганимидингиз? — деди Лазокат кувноқ овозда.
— Тўғриси, ярим оқшом...
— Сизни бир шошириб қўйгим келди. Эркалигим тут-ди-да. Ишларингиз яхшими?

— Ҳозиргина уйнингиздан келдим. Ўша ёқда ишларимни сўраганингиздан чиройли бўларди, — деди Бердимурод энсаси қотиб.

— Уядим.

— Нега уяласиз?

— Сиз келмасингиздан олдин адам ёнларига чақириб, мени сизга эрга бермоқчилигини айтиб қолди. Тўғриси шокка тушиб қолдим. Вообше, кутмагандим. Адам ғалатилар-да.

— Мен сизданам баттар аҳволга тушдим. Ўзингиз менга тегишига розимисиз?

— Бу ёғига жа тезлашиб кетдингиз-у. Телефонда сизга тегаман, деб айтайми? Яхиси, кўришайлик, гаплашиб оламиз.

— Ҳозирми?

— Бўлмасам-чи?

— Кеч бўп кетмадими? Кейин дабдурустдан кўришишим...

— Киз бола таклиф қилганида йўқ дейдиган одамни биринчи марта кўришим!

— Энди, ҳар қалай, қиз бола ёлғиз ярим оқшом уйидан чиқиб кетиши... Адангиз сезиб, иккаламиз ҳам балога қолиб кетмайлик тағин.

— У ёғини менга қўйиб беринг. Адам ойим билан спальнийга кириб кетди... Менинг сизга айтадиган гапларим бор. Адам раз шу йигитга тегасан дедиларми, тамом менинг бошқа иложим йўқ. Лекин сиз билан олдиндан гаплашиб олсан... Саволдарим тиқилиб ётиби. Ичимга сифиролмаяпман. Адам билан гапларингиз битгунча ёрилиб кетай дедим.

— Бўпти. Қаерда кўришамиз?

— “Звёзда”ни биласизми? Тунги клуб.

Бердимурод у ерга кўп борган, кўнгилхушликлар қилган. Лазокатнинг айни шу ерни айтгани уни ўйлантириб қўйди. Чунки хожасининг арзандасини у тарафларга боради, деб хаёлига келтирмаганди. Халил бойвачча ўта қаттиқўл одам, қизларини ҳар жойларга бордирмайди, деб ўйларди. Лазокатнинг эса, айнан шундай жойлардан хабари бор экан. Бу Бердимурод учун кутилмаган янгилик

эди. Энди у Лазокатнинг ишкали борлигига шубҳа қилмай кўйди.

— Хабарим бор, — деди у бошқа гап тополмай. — Биринки марта мосинада ўтгандим.

— Шу ерга бориб, жой заказ қилиб туринг. Мен тез етиб бораман.

— Жа шовқинлик қилмайдими?

— Шовқин менинг жону дилим. Ишонмасангиз боргандан кейин кўрасиз.

Бердимурод ярим соатда айтилган жойга кириб борди. Ўйлаганидек, қий-чув, ўйин-кулги авжид... Ким рақста тушган, ким давра қуриб ичаяпти. Яна кимдир қучоғидаги қиз билан овора... Бердимурод бироз қараб туриб, ортига қайтди, чунки эшикнинг олдида турмаса, Лазокатни бу фала-ғовурда тополмаслигига кўзи етди.

Лазокат кўп куттирмади — беш дақиқалардан кейин оппоқ машинадан тушди. Ўзи ҳам Қорқиздай оппоқ кийимда. Қўкраги эса, деярли очиқ, тиззадан тепаси бир қаричгина латта билан тўсилган, холос. Баданинг қолган жойлари онадан қандай туғилган бўлса, худди шундай алпозда. У келибоқ Бердимуроднинг бўйнига осилиб лабидан бўса олди ва юзига юмшоққина уриб қўйиб:

— Роса пишиқ йигит экансиз-а, — деди жилмайиб ва йигитни қўлтиқлаб, шовқин-суронли залга етаклади.

Бердимуроднинг Лазокатта муносабати кескин ўзгарди: қизнинг нозланиб гапириши, ўпид қўйиб, қўлтиқлаб олиши ғоят назокатли чиқдики, йигитнинг кўнглидаги губор тонгги тумандай тарқади-кетди. Қий-чув ҳам энди қулогига ёқа бошлади.

— Қани, бизнинг фрайер қаерни банд қилган экан? — деди табассум билан Лазокат.

— Жойни сизнинг таъбингизга қараб танлаймиз-да, — сўзамоллик қилиб вазиятдан осонгина чиқди Бердимурод.

— О-о, гап йўқ! Эътиборингиз учун мана сизга, — деб Лазокат яна унинг юзидан ўпид қўйди.

Улар шовқин авжига чиққан жойга ўтиришди. Бу ерда гаплашиш тугул бақириб гапирган овозни ҳам эшитиш мушкул эди. Лазокат учун айнан шу керак: Бердимуроднинг қулогига лабини босиб, эҳтиросини жунбушга келтириб гаплашади.

Аввал бир қадаҳдан шампан виноси, сўнг ароқ, ортидан конъяк ичилди. Кейин рақсга тушишди. Мусиқа тугагач, тагин ичкиликбозлиқ бўлди... Бўлғуси келин-куёв тунги клубдан чиқишганда тонг бўзарид қолган эди. Улар йўловчи машинада Бердимуроднинг уйига кетишли...

Лазокат уйғонганида боши лўқиллаб оғрир, кўнгли айниётганди. Шунга қарамай у ақлини йигиб олди. Бердимуроднинг бағридан сирғалиб чиқиб, гилам устида ётган бежиримгина сумкачасидан дори солинган шишачани олди...

* * *

Наргиза болдирида нимадир ўрмалайтганини сезиб, кўлини узатганча сёғини силади. Бироз ўтиб асабга тегадиган мавжудот яна гимирлаб безовта қила бошлади. “Бурга бўлса керак, — ўлади Наргизанинг эти жунжикиб. — Ўрада бурга нима қиласди? Кеча қазилган бўлса... Илондир балки!” Қизнинг бадани титраб кетди. Кўзини чирт юмиб, тақдирга тан берган кўйи жим ётаверди. Жонивор ўрмалаб тиззадан юқорига чиқа бошлаганда Наргизанинг қўзидан уйқуси ўчди, қўли билан Лолани туртди. Бироқ ҳолдан тойган лўли қиз қимиirlаб ҳам қўймади. Бу пайтда мавжудот қизнинг йўғон сонигача чиқиб, ҳаракати кучайди.

— Вой-й!!! — Наргиза қичқириб, ўрнидан сапчиб турди.

— Тсс, жонидан, тсс, — унинг рўпарасида бир жуфт шарпа туарди.

— Сиз... Кимсизлар?.. Нима керак? — қўркувдан титраб пицирлади Наргиза.

Шовқиндан Лола ҳам уйғониб, кўзини ишқалаб бир Наргизага, бир ғойибдан пайдо бўлган икки нусхага тикилди.

— Тсс! — Бекмирза Наргизани тинчтишга уринди. — Дўнгда ҳеч кийм қомади. Маишат қиласмийз. Маишат!

— Нима дединг? — овозини кўтарди ўзига келган Лола лўлича лаҳждада. — Маишат қиласми?.. Ўлгинг келаяптими? Агар ўрага тушганингни Барон билиб қолса, терингни шилиб олади.

— Барон ҳозир йўқ. Барибир икковингам ўлиб кетасан. Ке, ундан кўра... Вой, вой, манинг юрагимни тилка-пора қилиб юбординглар...

Лоланинг шумлиги тутди: “Шошмай тур, бир боплай.

Ундан кейин күрасан майшат қанақа бўлишини". У нимадандир ишора қўлиб, Наргизанинг билагини чимдид қўйди.

— Биз ҳам энди эркак кўрмай ўлиб кетар эканмиз-да, деб кўп йиғладик. Раҳмат сизларга. Қавмимда унутмайдиган одам ҳам бор экан... Фақат... Фақат бу ер жудаем тор!..

Лола сўнгги гапни айтиб, эҳтиросли овозда "оҳ" тортиб қўйди. Унинг "оҳ"и Бекмирзани жунбушга келтирди. Ҳатто кайфи тароқ қоровулнинг ҳам кўзлари чақнаб кетди.

— Амаллаймиз, — деди Бекмирза жони ҳалқумига тиқилгудек ҳолатда.

— Қизиқмисиз! Шу топ жойда-я!..

— Кенгроқ бўлса... бемалол, — Наргиза ҳам энди ўзини ўнглаб олган, дугонасининг шумлигини фаҳмлаётганди.

Қизларда "хоҳиш" зўрлигини билган Бекмирза қоровулга қараб:

— Эшонқул, буларни тепага олиб чиқайлик, кейин яна тушириб қўямиз. Ҳеч ким пайқамайди. Ҳамма маст, — деди.

Эшонқул эса, шерга айланиб кетган, ҳозир қаршисида Барон бўлса ҳам нафсини жиловлай олмай хожасини бир ёқли қилгудай шашти бор эди.

— Ман тепага чиқийб ҳаммангний тортийб оламан, — деди у ва арқонга осилиб юқорилай бошлади. Бекмирзанинг тоқати тоқ, Эшонқулнинг тепага чиқиб олиши унга жуда узоқ чўзилгандай туйилди. Аста қўлини Лола томон узатди, қиз индамади. Бироқ йигит ҳаддидан оша бошлаганидан кейин унинг қўлини силтаб ташлади:

— Акажон, сабр қилийнг, — деди юмшоқ гапиришга уриниб.

Улар бирин-кетин ўрадан чиқиб олишгач, Бекмирза қизларни қоровулхонага бошлади.

— Тўхтанглар, — деди ярим йўлда Лола. — Бизнинг ҳидимиз ўзгарган. Ювиниб олмасак бўлмайди. Кейин...

Бекмирза тоқатсизланди, гўё ҳозир Барон сафардан қайтиб келиб, у ниятига етолмай қизларни яна ўрага тушириб юборишига тўғри келадигандай ҳовлиқди.

— Йўқ. Бийзга фарқ қилмайди. Ўзимииз киммиз-у... Ийчган одам ҳид билмайди.

— Сизларга бўлмаса, бизга фарқи бор, — деди Наргиза.

— Мен танам тоза бўлмаса, бирор билан гаплашолмайман.
— Майли, — ноилож кўнди Бекмирза, — фақат тез бўлинглар.

Унинг-да хушбўй атир ҳидидан сархуш бўлгиси келди.

— Роза қўрқитиб юбординг, — деди Наргиза илиқина сувга кириб, кўзларини юмганча роҳатланаётган Лолага. — Бу жинни ҳақиқатан ҳам дарров рози бўлдими, деб ўйлабман.

Лола кўзини очиб жилмайди.

— Аёлний макрий бало бўладий. Лўлинийки иккий марта, — деди-да, секин Наргизани кучди. Сўнг: — Қочамийз, — деб пичирлади.

— Қандай қилиб, улар эшик тагида туришибди-ку.

— Йўлий бор, — Лола атрофга аланглади, лекин қўлга илинадиган ҳеч вақо тополмади.

— Мен топдим, — деди Наргиза кўзи кувнаб. — Чиқамиз-да, ит нусхаларни “талашамиз”. Улар ҳам қўшилишади. Жанжал чиқади. Агар иккаласи ёқалашиб кетса, фурсатдан фойдаланиб қочиб қоламиз.

— Ақлийнгийз бало-о, оповсий.

Қизлар қиқирлаб кулишди. Улар ювениш хонасидан чиқишганда Эшонқул жағига кафтини тираб мудраб, Бекмирза эса тоқатсизланиб эшик тагида турарди.

— Манавиниси менга, — деди Наргиза қоровулни кўрсатиб Лолага кўзини қисиб қараб оларкан.

— Оповсий-й, — деди Лола чўзиб, — манийкийга осий-лманг. Чатоқ бўладий.

Уларнинг гапидан Бекмирза ҳанг-манг бўлди. Эшонқул эса ҳеч нарсага ақли етмай, безрайиб турарди.

— Чўмилаётганда келишиб олгандик-ку...

— Ҳов, — деди Бекмирза Наргизанинг гапидан жаҳли чиқиб, — сан маний.

— Ман-чи? — Лоланинг қовоғи осилди. — Манга сийз ёқсан. Агар мени бунга берсанг, — Эшонқулни кўрсатди, — ўзимни ўлдираман. Барон келса, ҳаммасини айтиб бера-ман.

— Сани ўзимники қиласман, — деди Эшонқул хунук иржайиб.

— Бу сассиқ, синглисига ўхшаган. Ман бунга бўмайман, — деди Лола нозланиб.

— Манмий? — Эшонқул беихтиёр ўзбекча гапира бошлади. — Сассийқмий?

У муштини дўлайтириб Лолага яқин бораётганида, Бекмирза йўлини тўсди ва муроса оҳангидা:

— Алмашиб қўяверамиз. Фарқи нима? — деди.

Қизларнинг ҳийласи ўтмади — йигитлар келишиб олишди. Шу пайт эшик очилиб, кўзларини базур йириб Ҳасан чиқиб келди. Бекмирза билан Эшонқул жойида ҳайкалдек қотди. Уйқусираб турган Ҳасан уларнинг ёнидан ўтиб ҳожатхонага кирди. Лола ўзларига тегажоқлик қила бошлаган йигитларнинг юзидағи ўзгаришни кўриб ҳаммасини тушунди ва:

— Вой! — дея бақириб юборди у. — Манга Барон керак!

Унинг овозидан Ҳасан чўчиб тушди. Бекмирза чап қўли билан Лолани белидан кучиб, ўнги билан оғзини тўсди. Наргизага эса Эшонқул тармашди. Барibir уларнинг ҳамма уриниши бекор кетди. Ҳасан “иш”ини чала-чулпа битириб, ташқарига отилди. Қизларни кўриб қўзи косасидан чиққудай ҳаяжонга тушди. Ахир, шу пайтгача Бароннинг бир гапи икки бўлганини у кўрмаганди. Ҳозир эса хожасининг юзига сёёқ қўйилган эди.

— Нима бўлди?! — деди у ғазабини ичига ютиб.

— Ҳалиги, — деди Бекмирза чайналиб, — қочмоқчи бўлган экан.

— Алдаяпти! — деди бақириб Лола. — Бизни ўрадан ўзлари тортиб олишди... Кейин зўрламоқчи бўлишди. Мана, сочимиз ҳўл, — дея у бошини ушлади. — Аввал чўмилтирибам олишди.

Бу гапларни эшитиб Ҳасаннинг ғазаби кўзиди, Бекмирзанинг эса юраги ўйнади. Боягина ишратига тўсқинлик қиласа ҳатто Баронни ҳам янчиб ташлашга тайёр турган Эшонқул эса буткул довдираб қолди.

— Ўрага обор! — буюрди Ҳасан Бекмирзага тешиб юборгудек тикилиб.

Бекмирза буйруқقا бўйсунмаса, оқибати қандай тугашини яхши биларди, шу боис: “Хўп”, дея Лолани ўра томон етаклади.

Қизларни ўрага туширганларидан кейин Ҳасан қоровулини алмаштириди. Ичкиликбозлик қилаётгандарни хоналаридан ҳайдаб чиқариб, воқеадан уларни хабардор қилди ва

Бекмирза билан Эшонкулни бир хонага қамади. Ҳамма ишларни саранжом-саришта қилиб, Ҳасан Баронга құнғироқ қилди. Бироқ хожаси ширин уйқусини бузгиси келмадими, жавоб бўлмади.

Наргиза ўрага тушаётib, оёғини қайириб олди. Мертилган тўбиғини силаб қиз бечора ўксиб-ўксиб йиглади. Аммо заҳ ўрада Лоладан бошқа додини эшигадиган одам йўқ. Лўли қиз нима ҳам қила оларди: дугонасининг оёғини бироз уқалаб боғлаб кўйди.

Эртаси куни қоқ тушда Бекмирза билан Эшонкулга ҳукм эълон қилинди. Бароннинг шаҳардаги йигитлари ҳам етиб келишди, Ҳасан ҳаммага эшигтириб Барон билан қайта қўнғироқлашиб, хожасининг амрини эшигтириди. Шундан сўнг қўллари қайрилиб боғланган икки “шоввозв”нинг қорнига ҳеч иккиласмай, бир туки ҳам ўзгармай, ханжар тикиб бураб-бураб олди.

— Буюк Бароннинг гапини икки қилган, унинг буйруғига бўйсунмаган каснинг ҳоли шундай бўлади. Агар биронтанг шундай қилиқни қиладиган бўлсанг, бундан баттар ўлим топасан! — дея тантанавор оҳангда бақирди Ҳасан қон томчилаб турган пичоқ дастасидан маҳкам сиқиб.

Бу паллада ўрадаги қизларнинг аҳволи оғирлаша бошлаган, тепадан ураётган қуёш тафти уларнинг бошини қиздиради. Наргиза онасини эслаб тинмай йиглагани-йиглаган, Лола ҳам уйидагиларни эслаб хуноб бўларди, бироқ йигламасди. Чунки улар қизини аллақачон унутишганини у биларди, айниқса, Бароннинг қўлидалигини эшитишган бўлишса, баҳридан ўтиб қўя қолишган.

Орадан бир ҳафта ўтиб, Барон сафардан қайтди. Унинг этили қора юзидағи барқ уриб турган кувонч аломати иши ўнгидан келганидан дарак бериб турарди. Барон келган заҳоти садоқатли шотири — Ҳасанни тақдирлади.

Қизлар ёдига тушганида кун пешин бўлган, олдинрок эслаганида эса, сафардан қайтибоқ уларни кўришни истамаганди.

Бир шиша пивони ютоқиб симириб, оғир қадам босиб, Ҳасан билан ўранинг оғзига борди. Юраклари куз баргидай титраб турган қизлар тепага қарашиди.

— Маний күшчаларийм, — Барон уларнинг аҳволини кўриб кулди. — Ҳозир тепага опчиқишидай.

“Худонинг сенгаям атагани бордир, ярамас”, хаёлидан ўтказди Наргиза, сўнг видолашаёттандай Лоланинг елкасига бошини қўйди.

— Энди, — деди Барон Ҳасанга юзланиб, — олиб чиқинглар. Мен буларга ажойиб сюрприз тайёрлаб қўйганман.

* * *

Бобурнинг икки кўзи эшикда: ойим ана келади, мана келади, деб йўл пойлаб ўтирибди. Опасини олиб қочишганини қандай айтишни билмай сиқилади. “Ойим келмаса яхши бўларди”, хаёлидан ўтказди у. Гўё унинг кўнглидагини уқиб олгандай онасидан дарак бўлавермади. Эшикка термилган кўйи Бобурнинг кўзи илиниб кетаверди. Шу зайлда кун ўтди. Уч марта ҳамшира, бир марта бош врач кириб чиққанини айтмаганда, палатага ҳеч ким қадам босмади. Бобур Миркомил билан озгина суҳбатлашган эса-да, унга ўрганиб қолган экан, “практикант”нинг ҳам қораси кўринмаётганидан юраги баттар сиқилди.

Эртасига ҳам аҳвол ўзгармади, фақат бир янги гап айтилди, холос. Бош врач бошини сарак-сарак қилиб, беморнинг кўз қорачигига тикилиб туриб айтди бу гапни:

— Мен сенга ўҳшаган касални биринчи кўришим. Жароҳатларинг жуда тез битаяпти, ақли бовар қўлмайди кишининг. Шу кетищда ўн беш кунга қолмай тузалиб кетсан.

Бобурнинг юраги ҳаприқиб кетди, қанийди ҳозироқ ўрнидан сакраб турса. Бироқ иложи йўқ.

— Раҳмат, — миннатдорлик билан чекланди у.

Кечга томон Миркомил пайдо бўлди.

— Қалайсан, ошна? — деди эшиқдан кирибоқ, — отдай бўп кетдингми?

Бобурнинг юзига табассум югурди.

— Сиздан ошна чиқмайдиганга ўҳшайди, — деди у ҳазиллашиб.

— Нега?

— Ошна дегани шу ерда ишласа, бир кунда бўлмаганда бир марта хабар олади-да.

— Оғайни, — Миркомил bemорнинг каравотига ўтириди, — ўқиганингда билардинг-да. Бу ҳисоботлар, назорат ишлари, домлаларнинг эзмалигидан ташқари, шу ернинг қарил

ялари ҳам иш буюраверса, талаба эзилиб, суви чиқиб кетади-да. Тирик юрганимгаям баъзан шукур қиласман... Бўпти, бошинг қотмасин. Соғлиқ қалай, шундан гапир?

— Бош врач тез тузалаяпсан, деди. Шу кетишда ўн беш кунда бу ердан чиқиб кетарканман... Менга қолса, ҳозироқ кетсам. Ётиш жонга тегди... Икки кундан бери ойимдан дарак йўқ. Бунақа одатлари йўқ эди.

Миркомил ўйга толди, ўзини Бобурнинг ўрнига кўйиб кўрди-да, унинг иродасига қойил қолди. Бу кўргиликларга одам боласининг чидаши мушкул. Бироқ Миркомил унга онасини бошқа касалхонага олиб кетишганини айтишга мажбур бўлди.

— Ошна, битта гапни сенга айтай. Фақат бардам бўл...

— Ним-ма?! Ойимга нима бўлди?! — бақирди кўзидан ўт чақнаб Бобур.

— Унча ваҳимали эмас.

— Чайналмасдан гапир! — бу сафар Бобур сенсираб юборди.

— Хуллас...

— Эркакмисан! Тирикми ойим?!

— Нега бунча ҳовлиқасан?! — Миркомилнинг жаҳли чиқди. — Тирик... Фақат опангни опқочишганини эшишиб бироз тоби қочибди. Қўрқма, мен оғзимдан гуллаганим йўқ. Дўхтирларам айтмаган. Фаррошлар бир-биридан сүюнчи тилашаётганида эшишиб қолибди.

— Қаерда?! — Бобурнинг кўллари мушт бўлиб туғилди.

— Ҳозир бошқа касалхонада. Аҳволи яхши экан. Сенинг сўрашингни билганим учун бориб кўриб келдим.

Бобурнинг кўзлари шифтга қадалди, кўзларидан оққан ёш ёноқларини ювиб тушди. Миркомилнинг ичи эзилиб кетди. Оғзида гап турмагани учун ичидаги ўзини койиди. “Икки дунёдаям мендан прокурор чиқмайди”, кўнглидан ўтди унинг.

— Ошна, кўп куюнаверма, ойинг согайиб кетади, — деди Миркомил бошқа гап тополмаганидан.

— Бор, чиқ, кет! Ёлғиз қолгим келаяпти... — деди Бобур унга қарамай.

Миркомил Бобурнинг аҳволига ачинди, ўрнидан туриб, жимгина ташқарига чиқиб кетди.

Бобур анча вақт ўз ёғига ўзи қоврилиб ётди, юрагидаги

ўч олови энди гуркураб ёнди, бу олов тафти шу қадар баланд эдики, ҳозир тўрт мучаси соғ бўлганида, кўп жойнинг кулини кўкка совуради. Ҳаяжондан у кучга тўлиб кетаётганини ҳис этди, ҳужайралари ҳам жадаллик билан ишлаб, бош шифокор айтганидай, жароҳатли аъзоларида оғриқ сезмади. Аслида Бобурнинг танасида табобатда камдан-кам учрайдиган ҳодиса рўй бераётганди. Ўрнидан турса, Наргизани олиб қочганларни тилка-пора қилиб ташлашга қодир куч вужудига қуйилаётганини у сезди.

* * *

Бобур соғайиб, кучга тўлган сари онасининг аҳволи орқага кета бошлади. Фаррошларнинг шумхабаридан кейин, аввал, ўғли ётган касалхонада биринчи ёрдамни олди. Аммо бу касалхона дўхтиrlари аёлни хушига келтира олишмади, дарднинг дамини бирозгина қирқишиди, холос. “Тез ёрдам” Анбар опани бошқа касалхонага етказганда унинг аҳволи оғирлашган, нафас олиши сусая бошлаганди. Дўхтиrlар зудлик билан зарур муолажаларни қилишиди. Беморнинг юраги секин ураётган бўлса-да, бир маромга тущди-ю, бироқ дўхтиrlарнинг умидланишига ҳеч қандай асос йўқ, Анбар опа еру осмонни билмай, бехуш ётарди. Бемор танини жон тарк этганди гўё.

...Аёл бедаво дардга чалиниб, тим қора соchlарининг бевақт оқаришига сабабчи бўлган эрини кўрди. Эри ёшгина, одатича, костюмини елкасига ташлаб аллақаёқдан келаёттири. Анбар опа уни қўриши билан пешвоз югурди. Ҳаёлида: “Алажониси, сизсиз қийналиб кетдим. Нега мени ёлғиз ташлаб кетдингиз? Одам севгилисини ҳам шу кўйга соладими? Қийналиб кетдим. Ҳали ўғлингизнинг ташвиши, ҳали қизингизники...”, демоқчи эди. Бироқ гаплари бошқача чиқди:

— Чарчамадингизми? Ишингизам бор бўлсин-да. Тиним билмайсиз. Болаларингиз ҳали ёш бўлса... Уларга кўп нарса керакмас. Фақат меҳрингизни кўпроқ берсангиз етади.

Эри ҳар доимгидай унинг саволларига жавоб қилмасмиш.

— Аччиққина чойингдан опкел, — дея сўрига чиқиб ёнбошлабди.

Анбар опа ҳайрон: “Сўри қайдан келди? Домимизда

сўри кўядиган жойнинг ўзи йўқ-ку! Э-ҳа, эрим ўлган-ку. Ёки тушимда шундай бўлғанмикан... Хайрият-э, тирик экан. Ўзим ёмонман-да, мудом қаердаги хаёлларга бориб юраман. Ҳозир тез бориб, чой дамлай. Бечора бола-чақасини ўйлайвериб, роса чарчабди...". Шу ўй билан ошхонага кирди-ю, кўрқиб кетди. Чойгумда биқирлаб... қон қайнар, ўғли билан қизи эса тиржайишиб қараб туришарди.

— Вой, ўлмасам! — деди Анбар опа ортига тисарилиб. — Нима қип турибсилар?

— Бизми? — деди Наргиза кўзи чақнаб. — Бекинмачоқ ўйнаяпмиз. Роса қизиқ бўляялти, ойижон, сиз ҳам ўйнанг.

— Бекинмачоқча бало борми? Аданг чарчаб келган, чой олиб бориш керак. Кап-катта қиз, ўйин билан оворасан... Нега қон қайнаяпти? Кимнинг қони?

— Ойижон, биз — Наргиза иккаламизнинг қонимиз икки хил экан! Қайнатсан қўшилиб, бир хил бўп кетар-а?

— Ним-ма?! — қичқириб юборди Анбар опа. — Сенларнинг қонларинг?!

Шу дам унинг кўзи тиниб, оёғи сирпанди-ю, пастликка шувиллаб эниб кетди. Тубсиз жарликка қулади гўё. Тепада ўғли билан қизи қараб турибди. Бирори ёрдам берай, деб қўл чўзмайди. "Эй-й, — афсусланди Анбар опа, — меҳрсиз қилиб тарбиялабман-да... Хўжайнин... Адасига чой обормадим-ку. Наргизанинг эсига келармикан..." Шу тобда тепадан ўзи томон оппоқ кийимда эри яшин тезлигига учиб кела бошлади.

* * *

Зах ўранинг касридан иккала қиз ҳам иситмалаб, аъзойи баданлари ўт бўлиб ёнарди. Ўрадан тортиб чиқарилганда улар ҳолдан тойган, энди бир-бирини қўлтиқлаганча, Баронга нафрат билан қараб туришарди.

Уларнинг афт-ангорини кўриб Бароннинг афти бужмайди. Ўрада қизлар сасиб-бижғиб кетади, деб ўйлаганди. Дармонсизланиб қолган қизларни жазолаб лаззат топмаслигини пайқади у. Ахир, рамақижон танани бурдалашдан не наф?

— Бўлмайди, — деди у Ҳасанга қараб, — бир-иккита укол қилинглар-да, ўрага қайтариб ташланглар, кейин, бироз жон кирса, олиб чиқсанлар.

Шундан сўнг йигирма кунча Барон қизларни унутди.

Тожикистондаги юмушлари билан андармон бўлиб, вақт ўтганини сезмай қолди.

Бу пайтга келиб ҳаво анча совий бошлаганди, қизларга — ўранинг тагига эски гилам, устиларига ёпинчиқ беришиди, бироқ тунлари уларнинг жағи жағига тегмасди.

— Бўлди, — деди Наргиза, — ортиқ чидаёлмайман. Ўзимни ўлдираман. Бу ҳайвон қачон теримни шиларкан, деб ётавериш жонимга тегиб кетди.

— Ҳай... Ҳай, оповси, ҳазийл қийлманг. Худо бор, — деди Лола опасидай бўлиб қолган қизни кучиб, — бийз кетамийз. Манга аён.

— Эҳ, — деди Наргиза, — кетишимизга ҳечам кўзим етмаяпти. Бу ердан чиқиб кетиб бўлмаса, анави итлардан садо чиқмаса! Лекин зўр имкониятни қўлдан чиқардик-да.

— Асти айтманг буни.

— Ойим бечора мени ўйлайвериб адойи тамом бўлган бўлсалар керак. Ойижонимни шундай ахволга солиб кўяман деб ҳечам ўйламагандим. Ишқилиб, жонлари соғ бўлсинда.

* * *

...Анбар опани эри тутиб олди, ҳар қалай, жарлик қаърига кулаб, бурда-бурда бўлиб кетмади. “Энди соғ қолмасам керак”, деб у жуда қўрқсанди... “Эрим менинг йиқилганимни қаердан била қолди, чой олиб киришим керак эди унга, ўзи йўлимда тўғри юролмай қолибман”, хаёлидан ўтди унинг.

— Қаерга бораяпмиз? — сўради Анбар опа, учуб кетишаётганига ҳайрон бўлиб.

— Сени шундай жойга олиб борайки, умрингда кўрмагансан. У ерда ташвиш йўқ, факат роҳат қилиб юрасан, — деди эри унга қараб жилмайиб...

— Тавба, ёшариб кетибсизми? Энди учрашиб танишганимизда қандай бўлсангиз, ҳозир ҳам шундайсиз, — деди Анбар опа ҳайрон бўлиб.

— Сен ҳам худди шундайсан. Лекин буни ўзинг билмайсан.

— Эй-й! — Анбар опа хавотирланди. — Болалар менсиз қийналиб қолишади-ку, биттасини эрга беришим керак, Бобуржон ҳам уйланадиган бўлиб қолди.

— Уларга қайғурмай кўяқол. Энди ўзингни ўйла.

Эри Анбар опанинг кўнглидагини айтганди. Авваллари бир дақиқа бўлсин, болалари хаёлидан кўтаришмас, қизи ёки ўғли озгина ҳаялласа хавотир олар, улар келгунича бир жойда ўтиролмас, дам-бадам деразадан ташқарига мўралаб қарайверарди. Энди, қизик, на ўғлининг касалхонада ётгани ва на қизининг йўқолгани уни ташвишга солади. Учгани сайин завқи ортади. Эри айтган жойга тезроқ етсам, дейди. Шу боис, эрига маҳкам ёпишиб олган.

— Авваллари мен фақат тушларимда учардим, — деди у эрига, — ўнгимда ҳеч учмаганман. Маза бўларкан.

Эри унга қараб жилмайиб кўйди, лекин жавоб қилмади.

Улар икки ёргу ве уч қоронги ҳудуддан ўтишли. Кейин сўлим бир водийга кўнишиди. Ҳаммаёқ кўм-кўк, ниҳоятда чиройли бир дарахт атрофга мушк-анбар таратиб гуллаб ётибди, бошқасида гарқ пишган мевалар. Қаердадир бул-буллар сайрар, бир-биридан сувув, оппоқ ҳарир кўйлак кийган парирухсор қизлар рақс тушиш билан андармон.

Анбар опа мўъжизани кўриб кўзлари қамашиб, эрининг бўйнига осилди-да:

— Сизга раҳмат, шундай жойларга олиб келганингизга,
— деди.

* * *

Лазокат ўзи қийган қизил суюқликнинг устига ётди, эти сесканиб, ижирганди, афти бужмайди, бироқ у ётишга мажбур эди. Кўзини юмиб ўзини ухлаётганга солмоқчи бўлди-ю, эплай олмади. Боши, бирор болға билан ураётгандай, лўқиллаб оғрири, кўнгли айниб бехузур бўларди.

— И-им! — деди у тўзғиб кетган соchlарини ғижимлаб.
— Ҳозир жоним чиқиб кетади-и! Вой боши-им!

Бердимурод уйғонсин деб у овозини кўтариброқ инграпди. Бироқ ёнида ётган йигит уйғонмади, фақат бир ёнбoshига ўгирилиб, уйқусини давом эттирди.

— Бошим ёрилиб кетаяпти, сув беринглар, ким бор ўзи уйда? — овозини баландлатди Лазокат, кўзи юмуқ ҳолда.

Бердимурод кўзини очди, унинг ҳам боши тегирмон тошидай оғир, лўқиллаб оғрирди. У қиз томонга ўгирилди.

— Вой, бошим! — Бердимуроднинг қимирлаганини сезгандан Лазокат яна зорланди.

— Нима бўлди? — Бердимурод унинг соchlарини силашга ўзида зўрга куч топди.

— Билмадим, бошим ёрилиб кетай деяпти, бирон нима беринг ичишга, томоқларим қақраб кетди, — деди Лазокат ва секин күзини очди-ю, туйкусдан бақыриб юборди.

— Сиз кимсиз?.. Бердимурод ака! Қандай қилиб бу ерга келиб қолдингиз, мен қаердаман?!

— Ҳалиги, кечаси... күп ичиб қўйганга ўхшаймиз! — деди ҳовлиқиб Бердимурод.

— Сиз мен билан қандай... битта тўшакда... — қиз ўрнидан туриб кетмоқчи бўлиб кўрпани кўтарди-ю, чинқириб юборди. — Нималар қип қўйдингиз?! Мен... Мен!.. Нега бу ерга олиб келдингиз мени?!

— Лазокатхон!.. Лазокатхон, илттимос, ўзингизни босинг! Ҳозир ҳаммасини тушунтириб бераман.

— Нимани тушунтирасиз? Ҳаммаси маълум-ку. Мен қандай бошимни кўтариб юраман энди?

— Кўп ичиб қўйибмиз... икковимизам маст бўлиб қолиб... Сиз барibir меникисиз-ку. Барibir мен сизга уйланаманку... Шунинг учун...

— Оҳ, Бердимурод ака-а! — қиз йигитнинг бўйнидан кучоқлади.

— Ҳаммаси яхши бўлади, мана кўрасиз, тўйни тезлаштириб юборамиз. Аканинг олдига бориб, тўйни тезлатишни ўзим сўрайман.

— Вой, нега энди сизга ока бўларкан? Ада бўлади.

— Эй, ҳа, тўғри...

— Мени ҳеч қаҷон ташлаб кетмайсиз-а?!

Ноз-карашма билан айтилган бу гапдан кейин Бердимурод кўзини юмиб, қизнинг сочларидан ўпди-да, ўрнидан турди.

Унинг ювиниш хонасига кириб кетганини кўрган Лазокат ортидан илжайиб қараб турди-да:

— Настоящий лох! — дея пичирлади.

Улар Бердимуроднинг музлаткичидаги қолган колбаса, пишлок билан нонушта қилишди. Гўё бўш-баёв, дунёбехабар ёш йигит-қизлардай кўнгилларига сиққанча келажак ҳақида орзу-умидлар қилишди. Туш қайтганда Лазокат лаш-лушларини йигиштириб уйига кетди. У ўзининг макру ҳийларидан мамнун, чехрасида қувонч барқ уриб турарди.

Бироқ у ташвиш қилмаса ҳам бўларди. Бердимурод унинг жувонлигини билса-да, уйланишга мажбур, чунки Ҳалил

ёнида эса сўнгти модада кийинган, сочини калта қирқтириб, юзига бўёқ чаплаб олган дўмбоққина бир аёл ўтиради.

— Ассалому алайкум! — деди Бердимурод иржайиб. “Яхшиям ўзим келганим, — хаёлидан ўтди унинг. — Дониёр қолиб, Бобурни ўлдириб қўйишимизга сал қолибди-ку”.

— Э-й, ока, — деди Дониёр уни кўриши билан.

Аёл ўрнидан туриб жилмайди. Баданига ёпишиб турган кийими, елкалари очиқ юпқа кофтаси унинг бўлиқ кўкрагини кўз-кўз қиласди. Бердимуроднинг кўзлари ўйнаб кетди, ўзини тутолмай, аёлга қўлини узатди ва тилла узуклари ялтираб турган оппоқ бармоқлардан ўпиди, қаддини ростлади:

— Сиз, адашмасам, Дониёржоннинг ойилари бўлсангиз керак, — деди илжайиб.

— Шундай, — деди аёл табассум ҳадя этиб.

— Аввалроқ олдингизга боришим керак экан. Бу болаларнинг қулоқсиз бўп кетаётганини айтиб, биргалашиб “маош” берардик. Бу ерларга келиб овора бўп юрмасдингиз.

— Укажон, нимасини айтасиз, роса юрагимизни ёрди. Икки кун ухламадим, — аёлнинг кўзлари жиққа ёшга тўлди.

— Хафа бўлманг, — деди астойдил кўнгил бериб Бердимурод, — ҳали отдаи бўп кетади. Шундайми, полвон?

У аёлнинг ёнидан ўтаётиб, хушбўй атир ҳидидан ҳузурланди. Дониёрнинг тепасига келиб, унинг қўлини ушлаб:

— Қалай, согайиб кетдингми? — деб сўради.

— Бироз яхши бўп қолдим, — деди Дониёр.

— Тезроқ ишга чиқмасанг, қўймаймизам, оғайнни.

Ҳазил қилиб айтилган бу гапнинг тагидаги маънони Дониёр англаб етмаган, боши устида турган одамни самимий гапирайпти, деб ўйлаётганди. Ваҳоланки, гап bemорнинг эртароқ бокий дунёга рихлат қилиши ҳақида кетаётганди.

Бердимурод яна бир-икки илиқ гап айтиб, Дониёрнинг кўнглини кўттарган бўлди-да, аёлнинг ёнига бориб, у билан яхшироқ танишиб олди. Ҳатто: “Уйингта бирон марта ҳам чақирмадинг, оиланг, ойинг Салимахон билан таништирмадинг”, деб bemордан ўпка-гина ҳам қилди. Сўнг бозор-

лигини қолдириб, азбаройи Салимахон сабаб, ўзи йўлакка чиқди. Чиқаётibi:

— Нариги каскадёрният кўриб қўяйлик, кейин, мабодо кетмоқчи бўлсангиз, ўзим обориб қўяман, — деди аёлга сирли жилмайиб.

Шифтга термилиб хаёл оғушида ётган Бобур эшикнинг фийқиллаб очилганига эътибор қилмади. Бердимурод тутқичдан ушлаб, унга бироз термилиб турди. “Дониёрнинг ўрнига сен ўлиб кетсанг яхшироқ бўларди... Нега хўжайнинг керак бўлиб қолдинг, ҳайронман”, хаёлидан ўтди унинг. Кейин йўталиб қўйди. Бобур бўйини буриб қарди. Бироқ у Дониёрдек тиржаймади, “Келдингми, хумпар?” дегандек бошини қимиirlатиб қўйди.

— Ошна, нима ётиш бу? — деди Бердимурод сохта кулимсираб. — Тогни толқон қиласидаган йигит бурга тепганига ҳам кўрпа-ёстиқ қилиб ётаркан-да.

— Шундай бўп қолди, ока.

— Ничево, эркак кишининг бошида бўп туради. Хафа бўлма... Яхши бўп қолдингми, ўзи?

— Чидаса бўлади.

— Олдинроқ кемоқчийдим, хўжайнин командировкага жўнатиб қолди. Шунинг учун хафа бўлмайсан, ука, озроқ кечикдим... Ўзи нима бўлди? — деди Бердимурод ўзини гўлликка солиб.

— Авария-да, — гапни қисқа қилди Бобур.

Шу билан гап узилиб қолди. Бердимурод ғалати аҳволга тушди. Илгари Бобурни бир-икки марта сўкканди, назар-писанд қилмай, қора ишларни ҳам унинг елкасига юклаб юбораверарди. Энди унинг олдида тили айланмай турибди. Бироз шу алпозда турганидан кейин ўзининг каловланаётганидан жаҳли чиқиб кетди: “Қаердаги мишиқининг олдида бошимни эгиб тураманми?..”

— Ошна, ўтиб кетаётib бир кўриб қўяй дегандим. Шундоқ келавердим, бунисидан хафа бўлмайсан. Бўпти, мен борай, сенлар бу ерга келиб, ҳамма иш ўзимга қолди.

У эшикдан чиқаётганида, Бобур ортидан кўзларида газаб билан қараб қолди. Бердимуроднинг мияси эса бошқа ўй — Бобурни тезроқ “тинчтиш” хаёли билан банд эди.

Бобур онасининг ўлганини орадан бир ҳафта ўтиб эшитди: бош врач Миркомил билан бирга кириб айтишди. Ўрнидан туриб ўтиришга энди қурби етиб қолган йигит мук тушганича тошдек қотди, кўзларига тўлган ёш ёноқларидан жилдираб оқиб тушди.

— Биродар, — унинг елкасига қўлини қўйди Миркомил, — пешонага ёзилгани шу экан, начора. Бардам бўл.

Бобур ўзини илкис орқага ташлади, юмшоқ пар ёстиққа тушган боши енгилгина силтанди.

Хонага оғир жимлик чўқди. Кўзидан ёши унсиз оқаётган Бобурга дўхтир тасалли беришга ожиз эди. Орадан бироз вақт ўтиб, бош врач уни, бош томонидан эгилиб, копатган бўлди:

— Кўп қайтураверма, ука, эртами-кеч ҳаммамиз ҳам бу дунёдан ўтамиз, ҳеч кимни боғлаб қўйгани йўқ.

— Ойим ҳали яшashi керак эди-ку. Нега энди, бирданнiga?.. Адамни топширганимиз каммиди? Балки опам ҳам аллақачон... Ҳаммасига мен... мен айборман. Кетинглар! — бақириб юбориб Бобур сакраб ўрнидан турди. Унинг синган оёқлари ҳали тўла битмаганди. Бироқ у тик туради. Бош врач билан Миркомил донг қотишли. Бобур уларнинг кўкрагидан итариб юбориб, эшиккача илдам юриб борди-ю, оёқлари майишиб, ёнбошига қулади. Алам ва изтироб билан ерни муштлаб бақира бошлади. Шундан кейингина хонадагилар шошилиб Бобурни қўлтиғидан олиб кўтармоқчи бўлиши. Бироқ бемор ётган жойида бўйин бермай типирчилар, уларни ўзига яқинлаштиrmай қўлларини мушт қилиб силтанаарди.

— Кўйворинглар, ҳаммасига сенлар айборсан! Мен илтимос қилувдим-ку, Наргизани ўғирлаб кетганини айтманглар деб! Ҳаммангни ўлдираман! Уруғинг билан куритаман!

— Бобур бўйин томирлари бўртиб бақиради.

Йўлакдаги ҳамширалару дўхтирлар чопқиляшиб палатага кириб келиши. Кўпчилик бўлишиб Бобурни каравотига ётқизишиб, қўл-оёғини боғлаб қўйишли. Камига ухлатидиган укол ҳам қилиши. Бунга ҳожат қолмаган, Бобур хушини йўқотганди.

У кўзини очганида ҳамма ёқни зулмат қоплаган, чигирткаларнинг чириллашигина эшитилиб туради. Бобур та-

лай вақт шифтга тикилиб ётди. Ойисини эслаб, бирга ўтган күнларини хотирлаб юраги эзилди. Туйкусдан юраги шитоб билан ура бошлади, ҳаво етишмаётгандай ютоқиб нафас олди. Шу пайт эшик очилиб, Миркомил кириб келди. Ёшлигидан: “Энг зўр прокурор бўламан, жиноятчиларни Шерлок Холмсдай ушлаб, қўлига кишан соламан, дастимдан бирор ўғри ёки қаллоб кутулиб кетолмайди”, деган орзулас билан ўзича мағрутланиб юрган йигит зиммасига юқлатилган дастлабки ишдан довдираб қолганди. Аслида, бу иш унга тўлалигича берилмаган, у ҳам бир иштирокчи эди, холос. Бироқ шунинг ўзи анча машақкат чекишига мажбур этди.

Бошлиғи Миркомилнинг дастлабки тадбирини — унинг врач кийимида Бобурнинг ёнига кирганини мақтаганди. Бироқ ўтган икки ҳафта мобайнида бирор янгилик ололмагач, дакки эшилди. Шу боис, ўйчан, кўриниши ўта жиддий. У ҳар галгидай Бобурдан ҳол сўрамади, келиб тўғри пешонасига кафтини қўйди, кейин беморнинг қўл томирига бармоғини босиб юрак уришини аниқлаган бўлди. Гарчи бу амаллардан бир нимани аниқлашга курби етмасада, Бобурнинг тез-тез нафас олаётганидан безовталанди. Бироқ ўзини ошкор қилиб қўймаслик учун дўхтир чақирмади.

— Бунақа эмас-да энди, — деди у Бобурнинг ёнидаги столга ўтириб, — шунақаям тўполон кўтарадими одам?

Миркомилнинг ўйламай айтиб юборган гапига Бобур йиғлашиниям, кулишиниям билмай қолди.

— Онанг ўлганда билардинг сен ҳам, — Бобур ўзини зўрга босиб қолди.

— Бобур, оғайни, сиқилаверма, ўртоқларинг кўп экан, ҳозир яна биттаси сўраб келди...

— Қайси ўртоқ ота-онанинг ўрнини босган?

Бобурнинг қайгуриб айтган бу гапидан сўнг Миркомилнинг нафаси яна ичига тушди. У бошини қашлади. Дониёрдан амаллаб олган баъзи маълумотлардан уларнинг Бердимурод билан биргаликда нималардир сотишганларини билганди. Бироқ ҳарчанд уринмасин, қармогига қорадори бўйича, Наргизанинг ўғирланиши билан боғлиқ ҳеч вақо илинмади. «Бобур — бетон, соғ бўлганида-ку ичидагини суғуриб олардим-у, лекин... Майли, озгина сабр қиласай. Бирор

гап иси чиқиб қолар», дея ўйлади у. Кейин ўрнидан туриб кетмоқчи бўлганида Бобур тўхтатди:

— Ойим қазо қилган бўлса... уни нима қилдинглар?.. — деб сўради.

Миркомил бир муддат каловланди, қандай жавоб қилишни билмади. Кўз олдига беихтиёр ҳар куни ишга кузатиб: “Эҳтиёт бўлиб юр”, деб тайинлайдиган онаси келиб, юраги орзиқиб кетди.

— Ҳозирча... Моргда.

Бобур “култ” этиб ютиниб қўйди. Кўзидан икки томчи ёш ёноғига оқиб тушди.

— Дафн қилмадингларми?.. — деди хўрсиниб.

— Сени кутиб...

Бобур кўзини юмиб чуқур нафас олди ва секин ўрнидан турди.

— Сенга ҳали мумкинмас. Тўла соғайганинг йўқ, — деди шоша-пиша Миркомил.

— Мен билан ишларинг бўлмасин. Ҳозир уйга кетаман. Маҳалла билан гаплашишим керак. Ойимни “морг”да ётқизиб қўймоқчи эмасман!

— Унда шошма. Ҳозир мен бош врачдан сўраб келай. Рухсат берса чиқасан.

Миркомил югуриб палатадан чиқиб кетди.

— Барibir кетаман, — деди Бобур унинг ортидан. — Биронтанг йўлимга ғов бўлиб кўр-чи...

У касалхона кийимида эшиккача оқсоқланиб борди. Ўрнидан туриб қадам босганида оёғида озгина оғриқ сезганди. Икки-уч қадам ташлагандан сўнг оғриқ йўқолди, бироқ оқсоқланиб кета бошлади. Юраги қайғу-аламга шу қадар тўлиб-тошгандики, энди уни тўхтатиб қолиш амри маҳол эди.

Олдинда бош врач, орқада Миркомил ва яна уч-тўрт ҳамшира жадал юриб келишиб, беморнинг йўлини тўсишди.

— Бобуржон, — деди бош врач ялинган оҳангда (Бобур билан тегишли ташкилотлар жиддий қизиқаётгани боис, бош врач унинг ҳурматини жойига қўйишга мажбур эди), — ҳали тўла соғайганингиз йўқ. Агар сизга бир нима бўлса биз жавобгар бўламиз.

— Менга бирон нарса бўлса, ўзим жавоб бераман. Керак

бўлса тилхат ёзib берай. Сизларнинг онангиз бўлса керак. Худо кўрсатмасин, ўлиб қолса нима қиласизлар?! Моргда ётқизиб қўясизларми?

Ҳамма жимиб қолди. Бош врач кўзойнагини олиб, халатининг енгига артган бўлди.

— Нима бўлган тақдирдаям, биз сиз учун жавоб берамиз. Ўтган одам ўтиб кетди. Минг уринганимиз билан қайта тирилтиrolмаймиз, — деди у бироздан сўнг.

— Кўмиш-чи? Ётаверадиларми моргда?!

Бобур бу гапни айтишга айтди-ю, лекин ўзи титраб кетди. Кўз олди қоронфилашди.

— Агар рухсат берсангиз, — деди Миркомил бош врача юzlаниб, — Бобур билан бирга борсам. Бирор ёрдамим тегиб қолар, ўзигаям қараб юраман.

Бош врач иккиланиб қолди. Бир ҳисобдан, бош оғриғидан кутулгани ҳам маъқул, чунки ҳар куни ички ишлар ходимларига маълумот беравериш жонига теккан. Бошқа томондан Бобургаям ичи ачиётir. Ҳали тўла тузалмай туриб... Маросимни ўтказишнинг ўзи бўладими, ўзига яраша югур-югури бўлса.

— Майли, — деди ниҳоят бош врач, анча ўйланиб тургач, — лекин битта шарт билан: ҳар куни муолажага келиб турасиз.

Бобур билан Миркомил касалхонадан чиқишганида, кун охирлаб қолган, ёзнинг жазирамаси чекиниб, енгил эпкин эсар, айни сайдроп ҳаво эди. Бироқ Бобур буни ҳис этмасди. Ҳозир қаноти бўлса-ю, учиб бориб онасининг жонсиз танасини қучса, ўкириб йигласа, кечирим сўраса. Айни дамда болалигида бебошлиқ қилиб, онасининг қаршисида бошини эгиб тургандай. Бироқ ўша кезларда онаси кечирап, сочини силаб: “Иккинчи бундай қилма, болажоним, ҳамма умидим сендан”, дерди. Мана, онасининг умидини оқлади! Жонига Азроил чанг солишига сабабчи бўлган ўзи! Ўғил бўлиб қай кунига яради онасининг?! Бунақа болани гўдаклигигидаёқ бўғиб ўлдирган маъқулмасми?

Бобур машинада кетаётib бир неча бор манглайига муштлади. Ўкириб юбормаслик учун тишини-тишига босди. Кўзига ёш қалқди. Бобурнинг ҳолатини зимдан кузатиб кетаётган Миркомил секин унинг кўлинини сиқди-да:

— Бардам бўл, ошна, — деди таскин бериб.

Касалхонада пайти ўзига айтилган ҳар қандай юпанч сўз бошига урилаётган тўқмоқдай таъсир қилганди, энди юпанди, бироз ўзини босиб олди. Ҳатто Миркомил унинг кўзиға яқин одамидай туйилди.

Улар ўлихонага етиб келишгач Бобур машинадан тушолмади, аллақандай куч жойидан қимирашига йўл кўймасди. Фақат Миркомил эшикни очганидан кейингина зўрга ўрнидан кўзгалди.

Кулранг тусли бинонинг кўриниши одамнинг этини жунжиктиради, Бобурнинг юраги ҳаприқди.

Миркомил беш-олти марта эшик кўнғироғини босди, шундан кейингина қирқ-қирқ бешлардаги соchlари оппоқ ўрис киши эшикни очиб:

— Нима истайсанлар? — деди ёқимсиз товушда қўзини лўқ қилиб.

— Шу ерда қариндошимиз бор, — деди Миркомил бошқа гап тополмай.

— Опкетасанларми?

— Ҳа.

— Қофоз олиб келдингларми?

— Қофозини кейин...

— Қофозсиз бермайман.

— Кўриб кетсан мумкинми? — деди Бобур ва шу дам кўнглида: “Балки англашилмовчилик бўлгандир, ўлған бошқа аёлдир”, деган илинж пайдо бўлди.

— Бунгаям қофоз керак, — маънилатиб жавоб қилди сўхтаси совуқ қоровул.

Миркомилнинг жаҳли чиқди. У ён чўнтағидан қизил жилди ҳужжатини олиб, қараши муомаласидан баттар совуқ одамга кўрсатиб, уни ҳовуридан тушириб қўймоқчи бўлди-ю, ортида турган Бобурни эслаб шаҳдидан тушди. Чўнтағига қўлини тикиб, иккита бели букилмаган беш юзталик чиқарди-да, қоровулга узатди. Хизматчининг чиройи очилиб, атрофга бир сидра қараб олганидан кейин:

— Орқамдан юринглар, — деб буюрди.

Ўлихонага кириши билан Бобурнинг бадани музлаб, оёқ-кўли дағ-дағ қалтирай бошлади. Юраги орқасига тортиб кетди. Бир мурдалар ётган каравотларни бемалол четлаб ўтаётган оқ халатли одамга, бир ўзидан сал олдинроқдаги Миркомилга қараб қўйди. Коровулнинг бепарволиги-

ни қадам олишидан билиш қийин эмасди. Миркомил эса, Бобурнинг назарида, бироз безовтала наётганди.

Онасининг кўзлари юмуқ, юзи оппоқ, ҳатто пешонаси-даги ажинлари ҳам йўқолган. Шу ҳолатида у ёшарганга ҳам ўхшаб кўринарди. Бобур “култ” этиб ютинди, кейин ўзини онасининг устига ташлади...

Миркомил Бобурни ташқарига олиб чиққунча қора тер-га ботди.

— Бўлди! — деди охири бақириб. — Шу ерда ётиб қолмоқчимисан? Аввалроқ ўйла эди онангни. Энди нима қиласан жонсиз танага ёпишиб?

Бу гаплари Бобурга қаттиқ таъсир қилди, у индамай машинага ўтирди.

* * *

Бердимурод Салимахонни кўп кутмади. Машинасига ўти-риб, бир дона сигаретни яримлигича чекиб улгурмай ёш қизлардай нозли қадам босиб, шох ташлаб келаётган аёлга кўзи тушди.

— Даҳшат-ку! — деди ўтирган жойида Бердимурод ўзига-үзи. Сўнг сигаретини улоқтириб, машинасидан тушди-да, Салимахоннинг истиқболига юрди. Аёл гёё уни кўрмаган-дай ёнгинасидан ўтиб кета бошлади. Унинг нечоғли мак-корлигини шу ҳаракатиданоқ илғаган Бердимуроднинг хаё-лидан: “Шу хислатингни ўғлинггаям юқтиранг бўларкан”, деган ўй кечди. Сўнг секин томоқ қирди.

— Вой! — энди кўраётгандай у томон қараб қош чимирди аёл. — Сиз шу ердамидингиз, кўрмай қолибман, узр. Одам хаёлга берилиб кетса...

— Мошина сизга мунтазир бўп турибди, — унинг гапи-ни бўлди Бердимурод.

— Ўзим кетаверардим-у, майли, йигитнинг сазаси ўлма-син, — деб аёл машина томон юрди.

Салимахон жойлашиброқ ўтираётib тор юбкасини бол-диригача тортиб қўйди. У ўғидан аллақачон Бердимурод ҳақида ҳамма нарсани сўраб билиб олган ва ўзича бир нималарни режалаштирган, Дубайга серқатнов бу аёлга айни шундай «ҳамкор» керак эди. У ёқдан тўлиб-тошиб келга-нида кутиб олиб, “томожня”дан силлиққина олиб ўтса бас. Ҳужжатсиз мол олиб келаман, деб кўп қўлга тушди, ҳатто қамалишига ҳам бир баҳя қолди. Ўғли бизнес қилаяпман,

деса, “Ха, энди, майда-чуйда нарсаларни у ёқдан сотиб олиб, бу ёқса сотиб юрган-да”, деган хаёлда юраверган экан. Дониёр ўта жиддий одамларга қўшилиб улгуребди. Агар ўзиям тўдасига кириб олса, тамом, пулга кўмилади. Ахир, бу мафиоз деганларининг қўлидан оз-мунча иш келадими?!

У Бердимуродни осонгина қармоғимга илинтираман, деб ўйлаганди. Йигитнинг суқланиб қарашидан ичидағи «дард»ини пайқаганди. Бу хил эркаклар жиловини тезда аёлга топшириб қўяди, деб ўйлар эди у. Қолаверса, Йигит кўзга яқин, Салимахоннинг ўзи иккинчи эри билан ҳам ажрашганига анча бўп қолганди.

— Мошинани яхши ҳайдаркансиз, — деди Салимахон бир муддатлик сукутдан сўнг.

Бердимурод унга илжайиб қараб қўйди-да:

— Мактабга бормасимдан адамнинг мошинасини ҳайдаб кетишимга озгина қолган экан, — деди фўлдайиб.

— Бўлар бола бошдан, деб бекорга айтишмаган-да. Ўғлим сиздай йигитга қўшилганидан роса хурсанд бўлдим. Ҳатто унга озгира ҳасадим ҳам келди. Ҳозир менам унинг ёшида бўлганимда борми?..

— Сиз шундоғам ўн саккиз билан йигирма орасидаги қизларга ўхшайсиз, — деди Бердимурод йўлдан кўз узмай.

— Раҳмат. Лекин мен қариб қолдим. Ёшим ҳам қирқдан ошли.

— Эндиғина қирқдан ошган аёл ҳечам қариган ҳисобланмайди. Даврингиз энди келиби-ку.

— Сиз ниҳоятда олижаноб йигит экансиз. Шунинг учун хўжайнингиз яхши кўрса керак.

“Хўжайн” сўзини эшишиб Бердимурод бир қалқиб тушди-да, ёнидаги аёлга шубҳа билан қараб қўйди.

— Нима иш қиласман дегандингиз? — сўради гапни бошқа ёқса буриш ниятида Бердимурод.

— Пешонамга вақти келиб савдогар бўласан, деб ёзилган экан. Мана, буюрилганини қилиб юрибмиз.

— Қайси бозорда?

— Ўзимизнинг бозорга чиқсан бошим оғрийди. Тўғриси, шунинг учун, икки ҳафтада бир Дубайга бориб келаман.

— Ў-ў, катта савдогар экансиз. Бозорни айтиб сизни

камситиб күйганим учун узр сўрайман... Биласизми, бир идея бор. Айтсан рози бўласизми- йўқми?

— Бемалол.

— Битта яхши ресторон бор. Шаҳар чеккасида. Одам кам бўлади. Гоҳида шаҳардан бэзсан ўша ёқса бориб дам олиб келаман. Хуллас, сизни таклиф қылсам, нима дейсиз?

Аёл, ўзича ниманидир ўйлаган кўйи сукут сақлади. Аслида эса, у Йигитнинг ялинишини кутарди.

— Таклифим маъкул келмади-ёв, чамамда, — деди Бердимурод жимликни бузиб.

— Йўқ... Ўзим ҳам жуда чарчаб юрибман. Молга жўнаб кетадиган вақтим бўлди, бу ёқда ўғлим касалхонада ётибди... Асабийлик... Майли, ҳайданг, чақчақлашиб келамиз.

Бердимурод мийигида айёrona кулиб тезликни ошириди.

Шу куни улар хуморидан чиққунча кўнгилхушлик қилишиди. Охирида Бердимурод: “Энди, хоним, bemalol молингизни олиб келаверинг, “томожня”га ўзим кўндалангман”, деб ваъда бериб юборди. Бу гапни жуда ишонтириб айтганидан, Салимахон яйраб кетиб, унга чирмашиб олди.

Бердимурод хўжайниникига келганида қош қорайиб қолганди. Баҳтга қарши дарвозани хизматчи эмас, Лазокат очди. Очди-ю, бўлажак эрининг бўйнига осилди ва бирдан ортига тисарилиб, қовогини солди.

— Сиздан духи ҳиди келаяпти, Бердимурод ака.

— Тўппа-тўғри, — илжайди Бердимурод, — бугун нақ ярим вагон духи сотдим. Хурсанд бўлганимдан ишчиларга қарашиб ҳам юбордим.

Бердимурод шундай деди-ю, ақлига ўзи тан берди. “Ҳамманинг ҳам калласига бунақа гап келавермайди”, хаёлидан ўтди унинг. Лазокат унинг алдаётганини билиб турса-да, айни чоғда Бердимуроднинг вазиятдан чиқиб кетишини истарди.

— Яхши, — деди у хурсандлигини билдиrmай. — Юринг уйга.

Лазокат Бердимуроднинг ишончини тўла қозондим, энди хиёнат кўчасига кирмайман, битта эрга қаноат қилиб яшайман, деган ўйда эди. Онаси ҳам хиёнатнинг оқибати ёмон бўлишини роса қулогига қўйганди. Эрим ҳам бошқа аёлларга кўзини сузмаса, фақат мени деб яшаса, дерди. Аммо

бу хомхаёл экани ҳозироқ аён бўлди. “Ҳар ким қўлидан келганча яшайди-да”, деган холосага келди Лазокат.

Бердимурод бўлғуси қайнотаси — Халил бойваччанинг ёнига кираётиб Нилюфарга дуч келди. Беихтиёр иккаласининг кўзи тўқнашди. Шу лаҳзада у Лазокатга уйланишга розилик бериб, катта хато қилганини фаҳмлади, ичидага афсулланишга ҳам улгурди. Лекин энди бўлар иш бўлиб, бўёғи сингиган эди.

Гарчи Нилюфар ҳам тикилиб қараган эса-да, «Йилт» этган учкун йўқ, аксинча, “Уйланаётган қизинг сен ўйлаганчалик соддамас, эҳтиёт бўл”, қабилидаги маъно зоҳир эди.

Бир қўлида пиво шишаси, иккинчисида тутаётган сигаретани қистирган Халил бойвачча оромкурсида кўзларини юмиб хаёл суроёттир. Бердимурод кирганида, бойвачча кимлигини билмаса-да, шарпани сезиб кўзини очди. Бердимуродни кўриб юзига табассум ёйилди.

— Келинг, ўғлим, — деди юмшоқ овозда. — Ўзи сизни кутиб ўтиргандим.

Бердимурод рўпарадаги юмшоқ стулга ўтирди.

— Пиво ичасанми? — сенсираб аввалги ҳолига қайтди Халил бойвачча.

— Сиз билан ичиш шараф-ку, — илжайди Бердимурод.

— Унда анави шкафни оч, “Бавария” бор, Германияда чиқарилган. Биз сенларга ўхшаб соҳтасини ичмаймиз. Битта ичсан ҳам, тозасини ичамиз.

— Сизга тозаси ярашади-да, устоз, — ялтоқланниб ўрнидан турди Бердимурод.

“Баччағар, — ўйлади бойвачча, — хушомадга суюнинг йўқ-да. Энди менга куёв бўлдинг ҳисоб, асаканг кетсаем озигина ўзингни эркин тут. Ялтоқланма, одамга ўхшаб ўтири”.

— Хўжайин, — деди Бердимурод пивони олиб, жойига ўтираркан, — Дониёрнинг ўрнига анави Бобурни сафимиздан чиқарсан бўларкан.

— Биринчидан, энди оғзингдан «хўжайин» деган сўзни эшитмай. Иккинчидан, менга латта болалар керакмас, — Халил бойвачча аччиқланди.

— Унда, — деди Бердимурод пиво симириб, — икковициям тинчитган маъқулми, дейман. Бобурдан ҳам яхшилик чиқмайдиганга ўхшайди. Авзойи бошқача.

— Ундаи бўлса, ўзинг ҳал қилиб келавермадингми? — бойваччанинг пешонаси тириши.

— Сизнинг рухсатингизсиз қилолмайман да.

— Бу ишинг дуруст. Лекин Бобур менга керак. Аввал айтмагандим, энди сен менга бегонамассан... Хуллас, унинг отасидан ўн килодан зиёдроқ тила қолган.

Бердимуроднинг кўзи олайиб кетди:

— Ўн кило?

— Нима, ўн кило шунчалик кўпмиди, бўғиласан, одамнинг кўзи бунчалик оч бўмайди... Лекин Бобур буни билмайди. Ойиси билиши мумкин. Хотам ака, дейишарди Бобурнинг отасини. Тўртта шериги билан ўлишидан бир йил аввал Қозогистонга борган. Ўша ёқда нима сотган, нима қўйган, билмайман... Балки бирорта банкни ўмаргандир. Хуллас, ўн кило олтин билан қайтишган. Тиллани тоқقا яширишган, деб эшитганман, лекин қайси тоқقا — буниси номаълум. Кейин шериклар билан кетаётган автобус жарликка қулаб, ҳаммаси ўлган. Тилла кўмилганидан кейин олти ой ўтиб шундай бўлган.

— Сиз... Сизга айтишганмиди?

— Биттаси билан олди-бердим бориди. Бир куни чойхонада ўтириб роса ичдик. У масти бўп қолди — билмай айтиб қўйди. Лекин паразит, қанча сўрамай, қаерга яширгани ҳақида лом-мим демади. Барибир ўзларигаям буюрмади-ку, ўлиб кетишиди. Танишимнинг ота-онаси йўқ, хотини билан ҳам ажрашганди.

— Унда, ҳозир Бобур касалхонада, уйига бориб онасини мажбуrlасам, айтар. Билиб олганимдан кейин, уни гумдон қилиб сизга адресни опкесам...

— Бердимурод, менга куёв бўляйпсан-у, лекин ҳалиям довдирлигинг бор. Биз Бобурнинг касалхонадан чиқишини кутишимиз керак. Кейин унинг ўзи ёрдам беради. Албатта, менинг таълимимни олганидан кейин. Иш битгандан сўнг сен уни адасининг ортидан жўнатасан.

* * *

Барон барибир ниятига етди: иккала қиз ҳам унинг кўнглидаги аҳволга тушди. Сафаридан хурсанд бўлиб қайтган Барон дам олаётib қизларни эслаб қолди ва Ҳасанни чақириб, уларни ўрадан чиқаришни буюрди.

Лола Наргизага қараганда анча чайир экан, Бароннинг қаршисида ҳам қоматини тик тутиб турарди.

— Ой, менинг охуларим, — деди Барон ўзининг тилида қизларнинг атрофида айланаркан, — қийналиб қолибсизлар-ку.

— Сенга шу керак эди. Мана, ниятингга етдинг. Энди ўлдир, сенинг кучинг фақат аёлларга, қизларга етади! — деди ғазаб билан Лола. У ўлимни бўйнига олган, лекин шунгача Баронга обдон нинасини санчиб олмоқчи эди. Бароннинг кўзлари қаҳрдан ёниб, ғазаби қўзиди. Шартта пичоқни олиб, Лолани сўйиб ташламоқчи бўлди, бирок шаштидан тушди. Бундай қилса, “улоқ” қизда кетар — у осон қутуларди. Барон Лоланинг юзига тарсаки тушириш билан қаноатланди. Қиз дармонсизлигидан кучсиз зарбага ҳам дош беролмай йиқилиб тушди.

— Сенинг бошингта тилинг етади, мараз! — сўкинди Барон. — Яхши кўрувдим. Хотиним бўлганингда маза қилиб яшардинг. Энди терингни шилиб, туз қуйиб жазоламайман. Бу, ўзинг айтганингдай, шательнинг тўғри келмайди. Сен манжалақини ҳозир чўлга, ҳеч ким йўқ жойга олиб бориб, қўйиб юбораман. Ярим соатдан сўнг орқангдан қувиб етиб оламан — шунда ахволингга маймуналар йиғлади. Ўлигинг далада қолади, итларга ем бўласан.

У Лоланинг кўрқиб йиғлаб юборишини кутганди, бирок қиз тик қараб тураверди. Бундан баттар жаҳли чиққан Барон энди тепкилашга тушди. Бу сафарги зарба анча кучли эди, аммо қиз додламади, жим ётди. Фақат Наргиза Лоланинг бошини силаб йиғлаб юборди.

— Олиб чиқ! — бақирди Барон йигитларига. Шернинг қорни тўйиб, ўлаксани чала ташлаб кетишини кутиб турган шоқоллардай шотирлари қизларга ташланиб, бир зумда оёқ-кўлларини боғлашди. Оғизларига латта тиқишига Барон кўймади:

— Мияси чириғанлар! Ўзи ўлай деялти-ю, тағин латта тиқсанми!

“Айтилган гап — отилган ўқ”. Йигитлар қизларни арқондан бўшатишиб, ташқарига олиб чиқишида, машинага ўтқазиши.

Ҳовлидан чиқиб жўнаган бир жуфт машина қирга буриши. Уларнинг бирида Наргиза билан Лола ва Бароннинг

иккита одами ўтиради. Бароннинг ўзи эса, Ҳасан билан олдинги машинага чиққанди.

Йўл-йўлакай Лола шумлик қилиб, шу билан Бароннинг чангалидан чиқиб кетмоқчи бўлди: ҳайдовчининг ёнидаги йигитнинг елкасига секин кўлини кўйди.

— Илтимос, — деди у йигит ортига ўгирилганида ўзининг лаҳжасида, — орқамда нимадир ўрмалаяпти, қаший десам кўлим етмайди. Дугонамнинг дармони йўқ айтай десам.

Йигит ўшшайиб, патак бўлиб кетган соқолини қашлади. Сўнг ҳайдовчини туртиб:

— Эшитдингми, орқасини қашиб қўярканман. Мошинни тўхтат, — деди.

— Ўлгинг келаяптими? — эътиroz билдириди ҳайдовчи.

— Мошин тўхтаса шеф терингни шилади.

— Бўлмаса мошиннинг ичидаги қашиб кетаверарканманда. Бизга нима фарқи бор. Шундайми, Лоличка?

— Одаммассан бирортанг. Мен тўғри маънода айтгандим. Дарров бошқа ёқقا бурасан... Лекин алам қилаяптида. Мен тенги лўли қизлар маза қилиб юришибди. Биринкитасини биламан, иккитадан эр қилиб олган. Мен бечора...

— Хўжайнинг нега тегмадинг? Сенам маза қилиб юрадинг.

— Фу, унга теккандан кўра хўкизга текканим минг марта яхши. Масалан, сенга тегардим, менга сендай йигитлар ёқади. Манави ҳам, — дея ўзини тақдирнинг измига ташлаб қўйиб, бефарқ бўлиб қолган Наргизани кўрсатди у, — сенга теккан бўларди.

— Ҳе, — ҳайдовчи илжайди, — бизам эркакликни боплаймиз. Лекин энди кеч, икковингам зўрсилар-ку-я... Хўжайн нима деса шу.

— Нима, ундан қўрқасиларми?

Бу савол йигитларга оғир ботди. Ҳайдовчининг ёнидагиси ортига бурилиб хўмрайиб қўйди-ю, бироқ бир нима дейишга ботинолмади.

Шу билан гап узилиб қолди. Ниятига етолмаган Лола алган билан ташқарига қаради. Йўл четида битта-яримта дарахт учрар, машина тобора қирга тирмашиб баландлаб борарди. Лола чўлга эмас, тоққа кетишаётганини пайқади.

Түйқусдан эшикни очиб сакраб тушиб қолсам-чи, деган хаёлга борди-ю, дархол ниятидан қайтди. Бароннинг тепкисидан биқини ҳануз оғир, устига-устак, тинка-мадори куриган, қолаверса, Наргизани ташлаб кетолмасди.

Ярим соатча ўтиб, олдиндаги машина тўхтади. Ундан эринибгина тушган Барон битта-битта юриб қизларнинг олдига кела бошлади.

Наргиза хавотирланиб Лолага қаради.

— Маний деб шундоқ бўлдий, — деди лўли қиз кўзидан ёшини оқизиб. — Манда хапа бўма...

— Сендан ҳечам хафамасман. Тақдиримиз шу экан-да. Буларга ҳам атагани бордир-да... Мен... Мен ўлимдан курқмайман, шармандаликдан кўрқаман. Ўлсан ойижоним куяди, шундан кўрқаман. — Наргиза Лолани маҳкам қучоқлаб олди.

Барон қизларга бир-бир қараб:

— Қаний, қайсинг биринчий? — деди хўмрайиб. Одатда, бундай дамларда Барон яйраб кетарди. Ҳозир кайфияти яхшимас, чунки шундай қизларнинг ўлиб кетишини ўзи ҳам истамаётганди. Бироқ энди кеч, гапидан қайтиш Барон учун беномуслик билан баробар эди.

— Аввал мен, — деди Лола жилмайиб, — мен қочаман аввал. Етиб олсанг билганингни қил. Етолмасанг, Наргизани қўйиб юборасан.

— Ў-ў, — деди хожасининг орқасида турган Ҳасан, — чатоқ-ку.

— Гап нест! — Барон илжайди. — Ман етолмасам иккoving ҳам озодсан.

— Унда бошладик, — деди Лола, — қайси томонга қочай?

— Тўхта, — деди Барон унга, — ҳали қочасанам, манам етаман, шошилма. Аввал биттадан пиво ичамиз. Сенга куч киради.

Шотирларидан бири машинанинг юхонасидан бир яшик пиво олди.

Лола илгари ҳазил устида қизлар билан бирга бунақа ичимлик ичганди. Таъми ёқмаса-да, боши енгиллашгандай бўлгани эсида. Шу боис, Барон узаттан шишани иккиланмай кўтарди. Унинг ичишини кўрган Барон йигитларига илжайиб қараб қўйди.

Шишани бўшатиб, Лола қирдан эниб югуриб кетди.

* * *

Бобур ишлари тез битаёттанидан ажабланмасди. Назаридан аслида шундай бўлиши керакдай. Маҳалладагилар оғзидан чиқиши билан мълумотнома беришди, дўхтирлар уни кўришлари билан ҳамдардлик билдиришиб, бир парча қоғозни қўлига тутқазиши. Ҳужжатларни тахтлаб Бобур Миркомил билан бирга яна ўлихонага борди. Бу гал у ердагилар ўzlари машина топишиб, жасадни Бобурнинг уйига олиб бориши.

— Бугун кеч бўлди, — деди маҳалла оқсоқоли, — эрта пешинга чиқарамиз. Ҳар қалай, жон таслим қилганига анча кун бўлибди. Энди ушлаб турмай эртароқ жойига қўйганимиз маъкул.

— Ҳўп, — деди боши куйи эгилган Бобур, — маҳалла нима деса шу.

Миркомил шом палласи чиқиб кетди. “Шунча у билан бирга юрдим, лекин, зигирча бўлсин, ўзимга керакли маълумот ололмадим, — дея ўйлади у йўлда кетаётиб. — Балки унинг ҳеч нарсага алоқаси йўқдир. Шундай лаллайиб юрадиган бўлсам, икки дунёда ҳам прокурор бўлолмайман. Битта ишни ҳам эплолмадинг, деб оғзига кучи етмайдиганлар таъна қилиши мумкин. Лекин хўжайнин қаттиқ койиidi. Шундоғам ҳамма ишнинг бошида ўзи турибди: Бобурнинг онасини олиб чиқишимизга ҳам шахсан ўзи кўмаклашди, ҳаммаёққа телефон қилиб чиқди. Мен сўппайиб юрибман... Одамлар билан ишлаш қийин экан”. Унинг уйга ҳам, ишхонага ҳам оёғи тортмади, автобусда икки бекат юриб, тушиб қолди. “Озроқ пиёда юрайин”, деган ўйда автобусдан тушганида, “Балтика” деган улкан ёзувга кўзи тушди-ю, бехосдан шу томонга юра бошлади.

Шинам ресторонда одам камчил, кўпи билан ўн чоғли. Лекин ораларида ёлғиз ўтирган йўқ ҳисоби — кимдир ўртоғи билан, йигитлардан ўtkазиб кийинган қизлар дугонаси билан ўтирас, пиво ичишар, сигарета чекишар, орасира хохолашиб кулишарди. Улар Миркомилнинг кўзига жуда баҳтили одамлардай кўриниб, у ўзини фариб ҳис этди. “Сенга бало бормиди мелисада ишлаб, тинчгина бизнес билан шугулланиб юрганингда, бирор бир нарса дермиди? Яна прокурор бўлармиш! Узоги билан беш йилда! Эй, хомкалла!..” У ўзини-ўзи шу таҳлит яниганидан кейин стол-

лардан бирига ўтиради. Очик-сочик кийинган, бўлиққина чиройли қиз келиб ундан нима буюришини сўради.

— Пиво, — деди бошини кафтлари орасига олган Миркомил, — бошқа нарса керакмас.

— Куртми, шўрданакми, қўшиб келайми? — сўради қиз киприкларини пирпиратиб.

— Майли, шўрданак олиб келинг, — деди Миркомил қизга қайрилиб қарамай.

Қиз кеттач, Миркомил хаёлга чўмиб, унинг пиво келтирганини сезмай ҳам қолди. Сочини бармоқлари билан орқага тарамоқчи бўлганида қўли идишга тегиб кетди.

Пивонинг таъми Миркомилга ёқди, чиндан ичимлик мазали эди. Шўрданакнинг таъми қўшилганида иштаҳаси янада очилиб, бир шиша билан қаноатланмай, тағин бир шиша буюрди.

Ташқарига чиққанида руҳида енгилликни ҳис этди. Ҳаёли тиниққан, ақли тийраклашганди. У ортига — Бобурнинг уйига қайтди. Шундай қылса, ҳар хил бошогриқларга чек қўядигандай туюлди унга. Аслида ҳам шундай бўлиб чиқди.

Миркомил кириши керак бўлган йўлакка бурилмай туриб икки йигит ундан олдин шитоб билан ўша ёқча кириб кетганини, орқада кетаётгани атрофга бир қур разм солганини кўрди. Кўнглида шубҳа уйғонди ва қадамини тезлатди.

Кўнглидаги хавотири беҳуда эмас экан. Иккала йигит ҳам Бобурнинг эшиги ортида ғоз турар, бири қўнғироқ тугмачасини босарди. Миркомил тажрибасизлигига бориб, уларнинг ёнига югуриб чиқмоқчи ва “Нега келдинглар?” деба сўроқча тутмоқчи бўлди. Бироқ сўнгти дақиқаларда ўзини тутди. Турган жойида уларни кузатди. Эшик очилиб, Бобур чиқди.

— Эй, ошна, — деди йигитларнинг новчароги, — қидирмаган жойимиз қолмади-ку! Касалхонага борсак, у ёқдан ҳам қуён бўлиб қолибсан.

У қучогини очиб кўришмоқчи бўлганида, Бобур қўлини узатиб қўя қолди.

— Хўжайн сени кўп сўраяпти, — гапида давом этди ҳалиги йигит.

— Боролмайман, — деди Бобур титраган овозда, — ойимни бериб қўйдим.

— Қачон?!

— Эртага чиқарамиз, — деди паст овозда Бобур ва энди ортига бурилаётганида йигитлар бирин-кетин уни бағрига тортишди. Энди улар Бобурнида қолишлари ёки уни бирор жойга олиб кетишиларидан кўра жўнаб қолишлари аникроқ эди. Шу боис, Миркомил зинадан тез-тез юриб пастга тушди-да, гўё шу уйда истиқомат қиласиган одамдай қўлини белига қўйиб, у ёқдан бу ёқقا юра бошлади. Унинг тахмини бу сафар тўғри чиқди, ҳозиргина Бобурга келган йигитлар олдинма-кейин гурунглашиб пастга тушишиб, ёнидан ўтишаётганди, Миркомил:

— Мабодо сигарет топилмайдими? — деб уларни тўхтатди.

— Бемалол, — новча йигит чўнтағидан бир қути сигарет чиқариб, бир донасини олиб Миркомилга узатди-да, гулгурт ёқиб турди.

Миркомил сигаретани туттиши баҳонасида уларнинг юзини кўриб олишга улгурди. Йигитлар узоқлашгач, Миркомил беихтиёр сигарета тутунини ичига тортиб, шу ондаёқ ўйталиб қолди. Нафаси қисиб, кўзидан ўт чақнаб кетди.

— Бу падарингга лаънатни қандай чекишаркан? — дея сигаретни улоқтириб, йўлак томон юрди.

Бобур Миркомилнинг тез қайтганини кўриб ҳайрон бўлди:

— Ҳа, тинчликми?

— Тинчлик, тинчлик. Сени ёлғиз қолдирмай, деб келдим.

— Мен ёлғизмасман. Маҳалладагилар бор.

— Майли, нима бўлгандаям... Ҳар қалай, чой-пой дамлаб туриш керак.

Бобур Миркомилни уйга таклиф қилмади, “кирсанг кирравер” дегандек, секин ортига бурилди.

Бобур жанозага одам кўп йигилмаса керак, деб ўйлаганди. Эрталабдан йўлак одамга тўлди. Деразадан пастга қараганди, уй олдида ҳам кўпчилик кўл қовуштириб турарди.

Тобут ердан узилган заҳоти қўлма-кўл бўлиб кетди. Унинг ортидан ёлғиз Бобур йигилаб борар, юрак-бағри ўртаниб бўзлар, айни пайтда маросим тезроқ тугаб, бу кўргилик-

ларни бошига согланларни топиб, қасд олишни истарди. Ўзича режа тушиб қўйган: аввал лўли қизни топиб, “шох”-ини яхшилаб қайиради, кейин бошқаларига ўтади.

Қабристонда Миркомил кечака йўлакда кўрган икки йигитни учратди. Улар негадир бетоқатланар, кетма-кет сигарета тутатарди. Бир маҳал улар кўздан ғойиб бўлишди. Миркомил шубҳаси ҳақида командирига эртароқ хабар бермаганидан афсусланди. “Энди кеч, хабар берганим билан гап эшигтаним қолади”, деб ўйлади.

Шомга яқин Бобурнинг уйи йўлагида таъзия қабул қилиб ўтириб Миркомил ундан сўради:

— Кечаги йигитлар ким эди?

— Қайси? — Бобур пешонаси тиришиб унга қаради.

— Кеча кечқурун мендан олдин келиб кетишиди-ку.

Подъездда мен уларга дуч келиб қолдим.

— Э, уларнинг боридан йўғи афзал. Майда-чуйда сотамиз, деб шуларга қўшилгандим. Тузук-куруқ бирон нима сотмадигам. Қайтанга боримдан айрилдим. Камига ойим... Яна уларнинг шефлариям бор... Турқи совуқ бир нусха. Сизга нимага керак бўлиб қолди улар?

— Шунчаки сўрадим-да.

Дарвоҷе, Бобур Ҳалил бойваччанинг одамлари қаторига қўшилганига кўп бўлмаганди. Бойваччанинг ўзини ҳам кўпи билан беш-олти марта кўрган, ҳали уни бошқа юргурдакларида илкиб-силкимаган эса-да, Бобур бир кўришдаёқ бу сўхтаси совуқ одамни ёқтирамай қолганди. “Аввалиги тирикчилигимни қилиб юраверсан бўларкан. Буларга қўшилиб барака топмасам керак”, деб ўйлаганди ўшанда у. Бироқ ишлар бошқача кетди — у Ҳалил бойваччанинг назарига тез тушди, агар оёғининг остидан чиқиб қолган бу фалокат бўлмаганида, балки ҳозир унинг ишончини ҳам қозонармиди?

— Энди мен кетаверсан ҳам бўлар. Эртага хабар оламан. Айтгандай, дўхтирга бугун бормадинг, эртага боришинг шарт.

“Намунча менга ёпишиб қолди, бошқа қиласиган иши йўқми?” — хаёлидан ўтди Бобурнинг.

Миркомил кетди. Бобур ўзи ёлғиз қолди. У жавонни очиб, альбом олди-да, варақлаб онаси ва опасининг суратларини бир-бир кўра бошлади. Шу пайт вараклар орасидан

бир парча қофоз чиқиб қолди. Бобур унда чизилган тоғ ва рақамларни кўриб ҳайрон бўлди. Қоғознинг ортига қаради — бўм-бўш, кейин бир хаёли отиб юбормоқчи ҳам бўлди. Сўнг: “Турса тураверсин”, деган ўйда, буқлаб альбомнинг ичига солиб қўйди.

* * *

Лола қирдан эниб югуриб кетаркан, бирор унгурми, жарми чиқиб қолсин-да, деб илтижо қиласади. Балки шунда омон қолар, Барон тополмай ўтиб кетар, деган умид кўнглидан кечди. Бироқ у янгишаётганди, чунки Барон бу жойларнинг ҳар бир қаричини кафтидаги чизиқлардай яхши биларди. Ҳатто Лоланинг қаергача чопиб бора олишини чамалаб қўйганди. Қиз ўзича жуда тез югураяпман, деб ўйлар, аслида эса унинг югуриши илдам юраётгандан фарқ қиласди.

— Саний навбатийнг. Энди сан югурасан, ман мазза қийламан. Ийковийнгний бийр қийлийб ушлайман, — деди Барон ва Наргизанинг елкасидан итариб юборди. Буни кутмаган қиз олдга қалқиб кетди, бироқ йиқилмади. Лўлиларнинг хожасига қўзини олайтириб бир қараб олди-да, Лоланинг ортидан чопишга тушди. У дугонасидан қўра жадалроқ чопар, чунки ҳали Барондан калтак еб, азоб тортмаганди. Гоҳ йиқилиб, гоҳ суриниб илдамлаётган Лолага етиб олган Наргиза унинг кўйлагидан ушлаб тўхтатди.

— Лола, шошма! Бўлди, етар, — деди у ҳансираф нафас оларкан, — мен кутулиш йўлини биламан. Бизга бойликдан номусимиз азиэроқ. Ҳозироқ Баронни тўхтатаман. Керакмас ўша тиллолар менга. Тупурдим бойликка!

Лола Наргизага ҳайратланиб тикилганча қотиб қолди, ҳатто пешонасидан оқаётгандан терни артишни ҳам унугди.

— Адажоним раҳматли мени яна бир бор қутқариб қоладиганга ўхшайди. Улар менга ўн кило олтин мерос қолдирганди.

— Саний майнанг айнаган! — унга бақирди Лола, — қочамийз. Кутуламийз! Тийлонг ўзийнгга қоладий.

Лола Наргизанинг қўлидан ушлаб тортқиласди. Улар билан Бароннинг орасидаги масофа юз метрларга етганида лўлилар хожаси шотирига имлаб “олиб кел” деган ишорани қиласди. Ранги қозоннинг куясидан сал берироқ, жингалак соч лўли йигит машина юкхонасини очиб, камонни

олди. Бароннинг камон билан “ов” қилишини ҳатто шу пайтгача Ҳасан ҳам билмасди. У: “Агар Барон қизларни кувиб етолмаса, милтиқни ишга солса керак, мабодо бизга буюрса икки ҳатлаб ушлаб оламиз”, деган хаёлда эди.

— Ҳасан, ман осмондаги чумчукни қўзидан урадиган овчиладарданман, шуни санга курсатиб бир мақтанай, дегандим, — деди Барон лўли лаҳжасида ёрдамчисига тиржайиб қарар экан.

Ҳасан гап қотмади, хожасини маъкуллаб иржайиб қўйди.

Биринчи ўқ анча тепадан ўтиб кетди. Буни goҳ югуриб, goҳ тез юриб кетаётган қизлар кўришмади ҳам. Шунда Барон иккинчи ўқни камонга жойлаб, Лоланинг белини мўлжалга олди. У негадир биринчи галда ўз қавмининг қизини ўлдирмоқчи бўлди, бироқ шу пайт Лолани Наргиза тўсди.

Бароннинг жаҳли чиқиб сўкинди, иккинчи ўқ нишонга аниқ тегишини истаётган эди у. Биринчиси хато кетиб, йигитларининг олдида нокулай аҳволга тушганди. Агар тағин нишонни ололмаса ўзиниям, ёнида тиржайиб турган йигитларни ҳам, қочиб кетаётган қизларни ҳам кечирмаслигини, ҳамманинг кунини кўрсатишини шотирлари сезиб туришарди.

Узоқ мўлжалга олиб туришнинг ҳам иложи йўқ, чунки нишон борган сари йироқлашиб кетарди.

Камондан отилган ўқ тўғри Наргизанинг устига қараб учди. Ҳозир жойида тўхтаса, ўқ тўғри бошига санчилади. Киз камоннинг ўқи етгунча уч-тўрт қадам ташлашга улгурди.

— Наргиза! — қичқириб юборди ортига бурилиб дугонасининг қўлидан тортмоқчи бўлган қиз камон ўқини кўриб юраги қинидан чиққудай, — тез бўл, анавий мараз отяптий!

Наргиза Лоланинг гапини шу ондаёқ фаҳмлади: “Агар тўхтасам, мени отиб ўлдиришади”. У тезроқ югуришга, бирор панароқ жойга яширинишга уринди.

Навбатдаги ўқни отишга Барон ултурмади, қизлар қияликка етиб келишган, олдинда чопаётган Лоланинг дармони буткул куриган, югуриш тугул, юришга ҳам мадори қолмаганди. Шу боис, ўзини ерга ташлаб думалай бошлади. Қовжираган ўт қоплаган қияликнинг ҳар-ҳар жойида май-

да тошлар, қуриб-қовжираб ётган шох-шаббалар ётарди. Агар фалокат босиб Лола уларга урилса, шунча азобланган танаси яна шикастланиши тайин эди.

Лола думалар, гүё Ер атрофика чархпалаклай чириллаб айланарди. Наргиза эса аллақачон ундан ўтиб кеттән, оёқлари ўзига бўйсунмас, парракдай қуйига энарди. Унинг нозик оёқлари қушдай енгил жуссасини ҳам кўтаролмай қолди, у бир ўйдим-чуқурчага қоқилиб, қичқирганча қулади ва энишга қараб думалаб кетди.

Тақдир бу сафар уларни сийлади: сойда, булутдай маҳобатли ёнғоқ тагида бир тўда талаба йигит-қизлар тўкин дастурхон атрофика давра қуриб ўтиришарди.

Наргизанинг чинқирганини эшишиб ўзларининг устига юмалаб келаётган одам жасадини кўришиб, шошганларидан қир томонга югуриши.

Бу пайтда қирнинг бошида Барон камонини асабий ушлаб қараб туар, ови ўнгидан келмаганига кўзи етганди. Унинг юзида аянчли кулги пайдо бўлди.

— Тирик қолмайди икковиям, — Ҳасанга қараб қўйди у, — суюклари мажақланиб кетди. Лекин менинг ўқимдан ўлмагани алам қиласяпти. Ҳасан, энди йигитларинг билан сен ов қил. Тирик бўлишса, ўлдириб ташланглар. Унақанги манжалақиларнинг менга кераги йўқ.

Ҳасан беш-олти қадам юриб, кескин тўхтади-да, тепага — хожасига қаради. У юмалаб кетаётган қизларга қараб югуриб келаётган бир тўда одамни кўрганди.

— Қайтамиз, — бўйруқ берди Барон ва шитоб билан машиналар турган томонга юрди.

Барон қизларнинг жон таслим қилганига шубҳаланмас, мабодо тирик қолишганда ҳам, шотирларига буюриб, касалхонада ўлдиришиш қўлидан келарди. Машинага бор-йўғи икки қадам қолганида у бирдан тўхтади: Лоланинг тирик қолиши Бароннинг куни битди дегани, чунки бу ўжар лўли қиз соғ қолса, касалхонага етмасиданоқ уни сотиши тайин. “Йўқ, ўлганига тўлиқ ишонч ҳосил қилиш имкон керак”, ўйлади у ва шаҳд билан ортига қайтиб қирга чиқиб келаётган йигитларини тўхтатди.

— Ҳасан, уларнинг ўлганини аниқ билишимиз керак, — деди ва ўзи ҳаммадан олдин қуйига эна бошлади.

Аммо энди кеч эди, Баронда ортиқ имкон қолмаганди.

Сойдаги талабалар қызларга етиб қелишиб, уларни күрга-
лаб туришарди. Аммо лўлилар сардори кўрқмади, чўнтағи-
даги тўппончасига ишонди. Шу биргина тўппонча билан
юзлаб одамларни бемалол кўрқитиш мумкинлигини у жуда
яхши билади.

Наргизани бир талаба йигит ушлаб тўхтатиб қолди. Қиз-
нинг ўнг қўли синган, пастки умуртқаси лат еган, юз-
кўзлари тимдаланиб, бурнидан қон оқарди.

— Кутқаринг, қутқаринг, бизни ўлдиришаяпти, — дея
олди у, холос.

Йигит қизни даст кўтариб, сой томон тушиб кетди.

Лола эса, аллақачон хушидан кетганди. Қизларни сойга
олиб тушишгач, Наргиза ҳам хушидан кетди.

Талабаларнинг шовқинидан, микроавтобусини буталарга
қадаб қўйиб, ўзи сояда пинак қилаётган ҳайдовчи уйго-
ниб, улар томон югурди.

— Машинага олиб чиқинглар, тез бўлинглар! — қичқири-
ди у йигитларга.

Шу маҳал қўлида тўппонча ушлаган, важоҳатидан ит
хуркадиган Барон шотирлари билан сойга тушиб келишди.
Бу пайтда ҳали микроавтобус жойидан жилмаганди.

* * *

Лазокатнинг тағин хаёли бузилди, бир кундан ортиқа
чидолмади. Устига-устак, Бердимуроднинг уст-бошидан бу-
руқсиган атир ҳиди унинг ўй-хаёлини тўзғитиб юборган-
ди.

У сумкаласини елкасига илиб, уйдан чиқиб кетаётганида
Нилуфар рўпара келди.

— Қаерга кетаяпсан? — сўради у қошларини чимириб.

— Ойижоним сизга айтмадиларми?.. Унда ўзим айтай:
қаерга кетишим билан сизнинг умуман ишингиз бўлмасин.
Сиздан олдин эрга тегиб кетаяпман. Бундан бу ёғига катта
уйнинг у бошидан бу бошига думалаб яшайверинг, бирор
сизга халақит бермайди.

Унинг гапларини Нилуфар тишини тишига босиб эшит-
ди. Тағин вайсашни озгина давом эттирганида, у Лазокат-
нинг юзига шапалоқ тортиб юборищдан ўзини тиёлмасди.

— Ҳмм, — деди гапини тугатган Лазокат афтини бу-
риштириб ва опаси қўлидан тутиб қолишидан кўрқиб,

юрганча дарвозадан чиқиб кетди. Күчага чиққач, юргу маса-да, тез-тез юриб, катта йўлга чиқиб олди-да такси тўхтатди ва шу бўйи доим кайф-сафо қиласидан тунги клуб томон равона бўлди. Ўша ерда дугонамни учратаман, деб ўйлаганди, бироқ клуб ҳали иш бошламаган, бошлишига беш-олти соат бор эди. У шошиб келиб қолганига хуноб бўлиб соchlарини фижимлади, сўнг қора кўзойнагини пешонасига қантариб, сумкаласидан қўл телефонини олиб рақам терди. Аксига олиб, дугонаси гўшакни кўтаравермади. Қизнинг жигибийрони чиқиб: “Эртароқ кўтарсанг ўласанми, Гули?” — дей дугонасини қарғади. Ниҳоят гўшак кўтарилиб, ундан уйқусираган:

— Алло, — деган овоз келди.

— Гули, ҳалиям ухлаяпсанми айиққа ўхшаб? — кўзи порлаб кетди Лазокатнинг.

— Лази, ўзингмисан?.. Кеча боллар билан кўп ўтироврибмиз, эрталаб уйга келдим. Роса чарчабман.

— Мазза қигандирсилар?

— Нега ўзинг келмадинг, пара бузилди. Бечора Темурчик, бир ўзи қоп кетди... Ҳозир қаттасан?

— Мен аҳмоқ шу пайтдан кеволибман дискотекага.

— Бўпти, бизникига кел. Айтмоқчи, битта пиво олвол. Бошим ёрилиб кетай деяпти.

Лазокат такси тутиб, йўл-йўлакай беш шиша пиво олди. Кечгача маза қилиб ичиб ўтиришни мўлжаллаганди у.

Гулининг уйига бориб, эшигига анча вақт туриб қолди, дугонаси уйқусини келган жойидан давом эттираётганди. Кўнгироқни босаверганидан бармоқларининг учлари оғриб қолаёзди. Ниҳоят “Ки-им?” деган овози келди.

— Очсанг-чи эшигингни, нима бало, ўлиб қолганмисан?! — қичқирди Лазокат.

Кулф шарақлаб эшик очилди. Лазокат дугонасининг ҳатто ички кийимлари ҳам йўқлигини кўриб, оғзи очилиб қолди.

— Вой-й! — деди ҳайратини яшиrolмай, — сенга нима бўлди?

— Ҳеч нима, — бепарво қўлини силтади Гули, — ёниб кетаялман.

— Уйингда ҳеч ким йўқми?

— Йўқ ҳеч ким, киравер. Мен битта чўмилиб олайин, кейин ёнингга чиқаман... Пиво олиб келдингми?

Лазокат селофан халтадаги шишалардан бирини олиб, дугонасига узатди.

— Биласанми, Лази, “Клинский” жону дилим, — дея у шишанинг оғзини очди-да, култуллатиб ичганча ювениш хонасига кириб кетди.

Лазокат унинг ётоғига кирди. Ҳаммаёқ тўзғиб ётарди. Гулининг кийимлари гилам устида сочилган, юмшоқ икки кишилик каравотдаги қўрпалари фижимланган, устига-устак, хонага сигаретанинг бадбўй ҳиди ўтириб қолганди. Қизнинг афти бужмайди ва у деразани очди. Сўнг ўзини оромкурсига ташлади-да, кўзини юмди.

— Домда яшаш бир томондан маза-да, — деди лаблари пичирлаб, — ванна ёнгинангда. Эшикни кулфласанг, ҳеч ким киролмайди... Энди менинг уйим ҳам домда бўлади. Ўзимга хон бўлиб яшайман. Оҳ, қандай маза-я!

— Ўзингта ўзинг нималар деб валдираяпсан? — соchlари ҳўл, устига яшил ялтироқ халат кийиб олган Гули кириб келди.

— Ҳозир сенга айтсан, қотиб қоласан, — деди Лазокат.

— Нимани? — пешонасини тириштириди Гули ва қўлидаги пиводан бир ҳўплаб қўйди.

— Ишонасанми, эрга тегаяпман!

— Қандай қилиб, сенга кимнинг кўзи учуб турган экан? — ажабланди Гули.

— Битта “лапух” топилиб қолди. Адамнинг қўлларида ишлайди.

— Қани, — Гули Лазокат кўтариб кирган селофан халтани очиб, иккита пиво олди ва шишаларнинг оғзини очиб, биттасини дугонасига узатди, — манавини ичгин-да, менга бир бошидан оқизмай-томизмай айтиб бер.

Лазокат нозланди, пиводан озроқ ичиб, лабларини бармоқларининг учлари билан артди. Кейин бирма-бир сўзлашга киришди. Бошидан ўтган “ҳангома”ни батафсил гапира-ётганига Гулининг сабри чидамай: “Тез-тез гапирсанг-чи!” деб уни қистовга олди. Шунда ҳам Лазокат шошилмас, дугонасининг ичини куйдиргиси келарди.

Ниҳоят саргузаштини яқунлаганидан кейин:

— Оҳ, — дея каравотга чўзилиб қўлларини ёнига чўзганча

керишиб олди, — лекин-чи, анави Нилуфар опам мени күролмаяпти. Уйга қайтиб борганимдан кейин шунақанги томоша күрсатдикى, жонимга ойижоним оро кирди, бўлмаса, уриб ўлдириб қўярмили.

— Менимча, — билағонлик қилди Гули, — кўролмаётган бўлса керак. Тўғри-да, ундан олдин баҳтинг очилиб турганидан кейин... Мени бошқа нарса ўйлантириб қўиди: сен эрга тегиб кетсанг, қасрдай уйинг, адажонингнинг молдавлати — ҳаммаси унга қоладими?

— Шу хаёлимга келмаганини қара, — ўрнидан туриб, киприкларини пирпиратди Лазокат, — ҳозирдан бунинг олдини олишим керак экан. Кейин-чи, адамларнинг чет эл банкида бир дунё пули бор. Ҳаммасини ўзимники қилиб олсан борми, мендан бой одам бўлмайди. Анави Бердимурод “лапух”ниям кетига битта тепиб ҳайдаб юборардим ёки лайчадай акиллаб хизматимни қиласарди. Лекин қандай қилиб бунга эришсам бўларкан? Адам мендан кўра Нилуфарни кўпроқ яхши кўради. Мен буни сезганман...

— Менда битта таклиф бор, — деди Гули Лазокатнинг кўзига тикилиб, — фақат қадрдон дугонам бўлганинг учун сенга айтаяпман. Яна ҳар хил ўйларга бориб юрма, мендан хафа бўлиб. Бу гапларни фақат сенга ичим ачигани учун айтмоқчиман.

— Эзилмасдан гапирсанг-чи, сабрим чидамай кетаяпти,
— бетоқатланди Лазокат.

— Опангдан ҳозироқ қутулиб кўя қолишинг керак.

— Қандай қилиб?

— Оддий. Ортиқча одамнинг кимга кераги бор, тўғрими? Даф қиласан. Борса келмас жойга “командировка”га жўнатасан.

— Ўлдир, демоқчимисан?! — кўзи олайиб кетди Лазокатнинг.

* * *

Иккита қизни тўппонча кўтарган одамларнинг қувишгани бирпаста шов-шув бўлиб кетди. Шундай бўлишини Барон олдиндан билган эди. Сойга тушишлари билан ҳушидан кетган қизларни ортиб жўнаб қолган автобуснинг ортидан сўқинганча бироз қараб тургач, ўзига чўчиброқ, ажабланиб термилиб турган талабаларга бир ўқрайиб қараб қўйди-да, шиддат билан қирга кўтарила бошлади. Орқаси-

дан шотирлари эргашди. Автобусни кувиб етолмаслигига кўзи етган Барон машина рулига ўзи ўтириди. У энди, ҳеч курса, Лола билан Наргизани шифокорлар ўзига келтиргунга қадар ҳовлисидан керакли ашқол-дашқоллари-ю пулларини олиб, Тожикистонга ўтиб кетиши зарур эди. Йўқса, қўлга тушади, шўрига шўрва тўкилади. Айни дамда у қизларни, мушук сичқонни ўйнаб эрмаклаб еганидай, лаззатланиб ўлдирмоқчи бўлган нияти ушалмай қолганини ҳам бутунлай унуганди. Эс-хуши қўлга тушмай, хавфдан эсономон кутулиб қолища эди.

* * *

Қизларни туман касалхонасига етказиши. Уларнинг аҳволи оғирлигини кўрган врачлар дарҳол муолажага киришиб кетишиди. Гарчи ҳушига келмаган эса-да, қизларнинг бир текисда нафас олаётганини кўриб, касалхона маъмурияти ички ишларга хабар берди. Бунгача на шифокорлар, на қизларни олиб келишган талабалар милицияни тезроқ ҳабардор қилиш кераклигини хаёлларига келтиришиди. Бу эса, Бароннинг қочиб қолиши учун катта имконият туғдирарди.

Тезкор гуруҳ зудлик билан воқеа содир бўлган жойга жўнаб кетди. Бироқ у ерда талабалар айтишган “қорачадан келган тўрт-беш одам” йўқ эди. Фақат қирнинг тепасида иккита машина изи аниқланди. Шундан кейин қидирув тўхтатилиб, марказга хабар берилди.

* * *

Аввал Наргиза қўзини очди. У қаердалигини англай олмай, бегонасираб атрофга аланглади. Тепасидаги оқ ҳалатли одамларга ажабланиб қаради. Сўнг сўник овозда:

- Мен қаердаман? — дея сўради.
- Хайрият, — деди оппоқ сочли дўхтирир қаншаридаги қўзойнагини олиб, — ўзингга келдинг. Кўрқитдинг-ку, қизим.
- Мен қаердаман? — қайта сўради Наргиза.
- Яхши жойласан, касалхонадасан, — деди дўхтирир жилмайиб.
- Сув беринг, — қиз куруқшаб қолган лабларини ялади.

Илиқ сувга Наргиза тўймай, яна сўради. Лекин бу сафар унга сув беришмади.

Шу орада палатага милиция кийимидағи икки киши кирди. Уларнинг юзи ташвишли, бир қарашда улар оғир меҳнатдан толиққанга ўхшарди. Бошидан ўтган воқеаларни ҳали хотирасида тиклай олмаган қиз ҳайрон бўлди.

Милиционерлар Наргизадан ҳол сўраб, кейин мақсадга кўчиб қўя қолиши.

— Қизим, сени ким бундай аҳволга солди? — сўради улардан ёши улуғроғи.

— Менга? — Наргиза оёқлари, қўлларига, кейин танасига бир қур назар ташлади. Ҳаммаёғи оппоқ дока билан ўраб ташланганини кўриб, йиғламсиради. — Мен нега бундай ётибман?

— Қизим, — деди юмшоқ товушда милиционер, — сен тоғдан йиқилиб думалаб кетгансан. Ортингдан беш-олтита одам қувган...

Наргизанинг кўз ўнгидаги бошидан ўтган воқеалар гавдаланди, киприклари намланиб, ҳиқиллаб йиғлашга тушди.

— Энди қўрқма, қизим, ҳаммаси ортда қолди. Биз, албатта, уларни ушлаймиз. Улар ким эди?

— Билмайман, — деди Наргиза бурнини тортиб, йиғлашдан тўхтамай.

Иккаласи зах ўрада ётишганида у Лола билан шундай қарорга келишганди: “Агар бу ердан омон-эсон қутулиб чиқсан, ҳеч кимга айтмаймиз, қасдимизни ўзимиз оламиз. Милицияга айтсан, бу итлар қамалиб чиққанидан кейин яна бошимизга бало бўлади”.

— Мен сенга эслатаман, — деди милиционер Наргизага жиддий қараб. — Тоғдан пастта юмалаб кетаяпсан. Орқандан кимлардир қувлаб келаяпти... Эсладингми?

Қиз эслагандек бош силкиди ва ўша одамларнинг кимлиги такрор сўралганда Наргиза нафасини ростлаб олиб, укасини кўргани касалхонага борганидан кейинги воқеаларни бирма-бир гапириб берди. Фақат Лола иккаласини ўғирлаган Бароннинг одамлари эканини, уларнинг маконини айтмади, яшири.

— Тахминан, — деди у, — шаҳар ташқариси бўлса кепрак. Янаям аникроғи, дала-ҳовли. Улар бизни қайси йўл

билан олиб кетишганини билмайман. Ҳушимдан кетгандим.

Воқеа содир бўлгани аниқ, лекин айнан кимлар ва қаерда бу ишни қилишгани номаълумлигича қолмоқда эди.

Милиционер улар сақланган жой қаерга ўхашини, атрофида нималар борлигини қайта-қайта сўради. Лекин тайинли бир гап ололмади, қиз бир сўзда тураверди. Шундан кейин Наргизани ўз ҳолига қўйишиб, чиқиб кетишиди. Уларнинг савол-жавоби пайтида Лола ҳам ҳушига келди ва уни сўроққа тутишиди. Аммо лўли қиздан деярли маълумот олишолмади. Ниҳоят махсус гурӯҳ шаҳар теграсидаги далаҳовлиларни кўрикдан ўтказиш учун жўнаб кетди.

Эртасига иккала қизни ҳам шаҳарга олиб боришиб, яхшилаб кўрикдан ўтказишгач, битта палатага ётқизишиди. Шундан сўнггина Бобурга опаси топилгани ҳақида хабар етди.

Қайғудан қоврилиб, кўзлари киртайиб қолган йигит хушхабарни эшишиб, шифохонага қушдай учди. Ёнида Миркомил ҳамроҳ бўлди. Аслида бу хабарни унинг ўзи олиб келган, кўнглида бу машмашаларнинг тагига энди етаман, деган ният бор эди.

Бобур палатага кирган заҳоти Наргизани қучиб унсиз йиглаб юборди. Уларнинг ўкинч, алам ва изтироб тўла юраклари бирор-бир сўз айтишга изн бермас, тиллари гўё муз қотгандек эди. Қайси бири бўлмасин бир сўз айтгудай бўлса, юраклари дош беролмай ёрилиб кетадигандек, ҳар иккиси ўзини айбдор ҳис этарди... Бобур бошини кўтариб, опасининг ёноқларидағи ёшни бармоги билан оҳиста артди. Наргиза ҳам укасининг киприкларига қалқан томчиларни кафти билан сидирди. Уларни тош қотиб кузатиб турган Миркомилнинг кўнгли бузилди.

— Опа, мени кечиринг, — деди Бобур ниҳоят гапиришга ўзида куч топиб. Ҳар қалай, йигитлигига борди у. — Мени деб шу аҳволга тушиб қолдингиз.

— Сенинг айбинг йўқ, — деди Наргиза ҳамон ўзини йигидан тўхтатолмай. — Пешонамизга ёзилган экан-да. Тузалиб чиққанингга хурсандман, худога шукур.

Шу пайт палатанинг тўридаги каравотдан кулган товуш эшитилди. Кулги оҳангти шодликдан кўра ғамга, чорасиз-

ликка мойилроқ эди. Ҳамма ўғирилиб қаради, хонага жимлик чўқди.

— Бийза қарайнг, Бобур, биз энди бундоқ. Сийз бийзний кўргоний келгон. Қизийқмий? — деди Лола кулгидан ўзини зўрға тўхтатиб, кўзидағи ёшни артар экан. — Сийзний ўғийрламасун.

— Худо арасин, — деди Наргиза ёқасига туфлаб. — Етар шунча кўрган кўргиликларимиз.

— Ҳаммасини онасини кўзига кўрсатаман! Тилка-пора қиласман! — Бобур қўлларини мушт қилди.

Укасининг гапидан Наргизанинг ўпкаси тўлиб кетди. Энди суянадиган одами борлигидан суюнди, укасининг кўлинини ушлаб, секингина сиқиб кўйди.

Шундан сўнг орага узоқ сукунат чўқди. Ҳеч ким гапиришга журъат этмас, гапни нимадан бошлишни билмасди. Ора-сира Лоланинг хўрсингани эшитиларди, холос.

— Ҳаммаси яхши бўл кетади, — деди ниҳоят Миркомил ўртадаги жимликни бузиб.

Ҳамма унга қараб қўйди, бироқ ҳеч ким орага гап кўшмади. Миркомил ўзининг бу ерда ортиқчалигини сезиб, секин ўрнидан туриб, эшик томонга юрди.

— Ойимлар яхшими? — сўради Миркомил чиқиб кетгач Наргиза. Бобур бу саволни кутган, қандай жавоб бераман, деб кўп ўйлаган, бироқ тайинли жавоби йўқ эди. У бошини қўйи солиб, бир неча дақиқа жим қолди. Наргиза кўзлари жовдираф, Бобурга ташвишланиб қаради.

— Нега жимсан, ойим яхшими? — қайта сўради у сабри чидамай.

— Ҳм-м, яхши... — ютиниб қўйди Бобур.

— Каерда? — Наргиза унинг гапига ишонқирамай тағин сўради.

— Уйда...

Жавобдан қизнинг кўнгли тўлмади. У ойисига нимадир бўлганини ич-ичидан сезиб турарди. Шундай бўлса-да умидвор бўлиб деди:

— Агар ойим ҳали эшитмаган бўлса айтмагин. Бироз оёққа туриб олай, кейин билдиарсан. Ўзим ҳаммасини тушунтириб бераман.

— Ҳа, шундай қилганимиз маъқул, — унинг галини тасдиқлади Бобур.

Шу пайт дүхтир кириб, қызлардан бирма-бир соғлигини сүради. Кейин Бобурга беморларни кўп уринтирумасликни тайинлаб чиқиб кетди.

— Ким экан сизларни ўғирлаб кетган? — деди Бобур, шу фурсат ичидаги ўзини кўлга олганди.

— Кейин айтамиз, — деди Наргиза, — ҳаммасини ўзим айтиб бераман. Ҳали сенинг ёрдаминг кўп керак бўлади, опанг учун ўч олишинг керак.

Наргиза ўзи ва фақат Лолага аён сирнинг бир учини укасига айтганди. У Бобурга ишонар, унинг бирорвага гуллаб қўймаслигини биларди. Лекин унинг шивирлаб айтган галини нафақат Бобур, балки икки хона нарида ўтирган маҳсус хизмат ходимлари ҳам эшлишган эди.

Лола билан Наргиза ётган хонага аллақачон “кулоқ” ўрнатилган, бу палатадаги “тиқ” этган товуш ҳам икки хона наридагиларга эшишилиб турарди. Ҳодимлар сергак тортишиб, Наргиза айтган гапларнинг тагига етиш, Бобурнинг ўзбошимчалик қилиб қўйишига йўл бермаслик чорасини кўра бошладилар.

Бобур уйига тушкун кайфиятда қайтиб келди. Уни Наргизага азоб берган кимсалардан ҳам кўпроқ, онасининг вафотини опасига қандай қилиб айтиш қийнарди.

* * *

Ҳалил бойвачча Бердимурод етказган хабардан қаттиқ ўйга толди: “Бобурнинг опаси кимга керак бўлиб қолдийкан? Онасининг тасодифан ўлиб қолганиям сирли. Тилладан бошқа бирорвинг хабари борми? Аллақачон ўмарниб кетишган бўлса-чи, унда қўлимни бурнимга тиқиб қолаверманми?” Бойвачча сиқилди, кетма-кет пиво ичиб, сигарета тутатди. Уни айни дамда бошқа ҳеч нарса қизиқтирамас, кўз ўнгидан фақат гор ва унинг бир бурчагига яшириб қўйилган тиллалар кетмасди. Бир маҳал ўй ўйлаш жонига тегди, шекилли, Бердимуродга қўнгироқ қилиб, йигитларини йигиб кутиб ўтиришни, ўзи тезда етиб боришини тайинлади. Машинасига ўтираётганида кенжада қизи дарвозадан кириб келди. Унинг ранги ўчган, қўзлари бежо эди. Лазокатга қарашиб бойваччанинг хаёлига ҳам келмади. Хизматкор дарвозани очиши билан кўчага чиқди.

Рестораннинг ертўласида Бердимурод уч-тўрт йигит билан қарта ўйнаб ўтиради.

— Қолганлар қани? — сўради Халил бойвачча кирган заҳоти.

— Ҳозир етиб келишади, — деди Бердимурод шошиб.

— Мен ётоқда бўламан, ҳамма йифилгандан кейин чақирасан, — бойвачча бильярд столини айланиб ўтиб, тўғридаги хонага кирди. Бу унинг хосхонаси эди. У асаби чарчаган ёки ошиғи олчи пайтлари шу ерда дам олар, ўзига келиб олгунича бирор безовта қилмасди.

Салқин хонада калта иштон кийиб олган бойвачча юмшоқ пар тўшакка ёнбошлаб, хаёлга чўмди. У ўзини сўлим боғда, шаршаралар ёнида ҳузурланиб ётгандай тасаввур қилиб, яйраб кетди ва кўнгли ишрат тусаб, яшил тугмачани босди. Бироз ўтиб хонага этаги болдиригача келадиган, оёқлари узун, сочи сариқقا бўялган, мовий кўзли қиз таманно қилиб кириб келди. Уни кўриб бойвачча ёввойиларча наъра тортди ва гавдасини бироз кўтариб, туйқус яна ўзини тўшакка ташлади. Шу зум кўзига ҳовлисидан машинани ҳайдаб чиқаётганида дарвозадан кириб келган кенжা қизи кўриниб кетганди. “У ҳам бирорларнинг кўнглини хушлаб юрган бўлса-чи”, деган ўй ўтди хаёлидан.

— Йўқол! — ўшқирди бойвачча сўйкала бошлаган қизга.

— Қорангни кўрсатма! Кўрсам, терингни шиламан!

Қизнинг капалаги учиб кетди. Ахир, унинг эркаликлари доим бойваччага хуш ёқарди-ку. Эриб-эшилиб чўнтағидаги бор пулинини устидан сочарди-ку. Яна шундай бўлади, деб кутган қизнинг ранги гезарди ва йигланмоқдан бери бўлиб чиқиб кетди. Халил бойвачча шошилиб кийинди, гўё ўйига ўт тушган-у, бор буд-шуди олов олиб, ўзи ялан-фоч қолгандай.

Бердимурод қайнотасининг қилиғидан ажабланди:

— Ҳали дамингизни олаверсангиз бўларди. Яна иккитаси келади...

— Бошливерамиз, — унинг галини бўлди Халил бойвачча. — Вақт зиқ.

У оромкурсига ястанди, қолганлар унинг рўпарасида қалдирғочдай тизилди. Аввалбошда бойвачча бор гапни шотирларига айтмоқчи бўлди, лекин дарҳол ниятидан қайтди: “Ким булар, менинг дардимни эшитадиган! Булар буй-

руққа маҳтал кимсалар. Ортига тепкилаб ишлатиш керак буларни. Шунга ярайди, холос”.

— Баринг гүштта боқилаёттан бўрдоқи қўйдай семириб кетаяпсанлар. Бу кетишида сенларни гүштга топширмаса, бошқасига ярамайсанлар. Мана, охирги икки ойда битта ишни қойил қилмадинглар. Бунинг учун ҳаммангнинг терингни шилиш керак. Ҳозир мен Бердимурод акангта топшириқ бераман — бугуннинг ўзида ҳал бўлсин! Менга баҳона ўтмайди. Уқдингларми?!

— Тушундик! — дейишиди шотирлар саф тортган аскарлардай бир овозда.

— Энди йўқолларинг!

Хонада бойвачча билан Бердимурод қолишиди.

— Ўғлим, — гап бошлади Халил бойвачча. — Ҳақиқатан ҳам, вақт тифиз. Бугун ёнингга иккита йигитингни олиб, Бобурнинг уйига борасан. Эзмаланиб ўтирма. Тоғдаги форга бориш йўлини сўра. Яхшиликча айтса айтди, бўлмаса онасини кўзига кўрсат. Кўнмаса, қўлини орқасига қайириб, менинг дачамга олиб бор. Кетишинг олдидан менга телефон қилиб қўй.

— Хўп бўлади, — деди Бердимурод қайнотасининг кўзидан кўзини узмай. — Сиз хотиржам бўлинг, ҳаммаси жойида бўлади.

— Бор энди... Боравер, мен сал туриб кетаман.

Халил бойваччанинг чап қўли титради. Илгари ҳеч бундай бўлмаганди. Ҳайрон қолди. Барига асаб сабаб деб ўйлаб сигарет олиб тутатди. Титроқ бутун баданига ёйилди. Аксига олиб, юраги безовта бўла бошлади. Бир шиша ароқ олиб келишларини буюрди, ҳалигина ўзи қувиб-солган қизни чақирди.

Икки пиёла ароқни сипқорди, қўлининг титраши бо силгандай бўлди. Ичи ёниб кетаётганига қарамай, баданини оҳиста уқалай бошлаган қизга қайрилиб қаради, боягини жунбушга келган эҳтиослар қаёққадир йўқолди.

— Бўлди, бас, — деди у қизга юмшоқ гапириб, — раҳмат. Энди манавидан битта ич. Қани ол.

Халил бойвачча пиёлани ароққа тўлдириб, қизга узатди. Қиз ҳам ноз қилиб ўтирамади, бойваччага табассум ҳали этиб, пиёлани кўтарди.

— О-о, яша, — мақтади қизнинг ичишини томоша қилиб

турган Халил бойвачча. — Энди манавини “закуска” қил.

Қиз бойвачча узатган помидор бүлагини оппоқ бармоқлари билан нари сурди ва бойваччанинг лабидан бўса олди.

— Буниси вообще оригинал! — ҳайқирди бой чапак чалиб. — Энди бориб ишингни қиласкер. Мен кейинроқ келаман, шунда яхшилаб гаплашамиз.

— Йў-ўқ, — нозланди қиз, — ҳозир!

— Ҳозир вақт йўқ, кейин...

Бойваччанинг кайфи ошиб қолган эди. У машинани тимирскиланиб юрган йигитларидан бирига бериб, ўзи орқа ўриндиққа ўтириб, кўзини юмди. Юраги яна ғашлана бошлиди. “Нима бўляяпти менга? — ажабланди бойвачча. — Наҳотки умрим охирлаб қолган бўлса. Ҳали бироз бордай туюувди... Ҳали ёшман-ку. Мен тенгилар икки-учтадан хотин олаётган бўлса... Эртароқ уйга етиб олиш керак, дўхтир-пўхтири чақиравман”.

У ҳайдовчининг елкасига кўлини қўйди. Йигит ҳам хаёлга чўмган экан шекилли, чўчиб тушди:

— Ухляяпсанми? — кулди бойвачча. — Тезроқ ҳайда.

— Хўп бўлади, хўжайн!

Бойваччанинг танасидаги титроқ кучайди, юраги кўкрагига сифмай кетаётгандай гурсиллаб ура бошлиди. У ўзини овутмоқчи бўлиб, деразадан йўлакларга қаради, бироқ ҳеч нарса уни чалғитмас, тобора нафаси сиқиб келарди.

— Тўхта! — туйкус бақириб юборди Халил бойвачча. — Алтекага чоп, валидол опке!

Йигит машинани кескин буриб, тормоз босди. Машина фийқиллаб тўхтади, Халил бойвачча олдинги ўриндиққа ёпишиб қолаёзди.

— Ҳов, итдан тарқаган! — бўкирди у. — Нима қилаяпсан?

— Анави, анави... — дея ҳайдовчи йигит йўл четидаги кампирни кўрсатди. — Йўлимдан чиқиб қолди.

— Уларни босиб кетсанг савоб оласан! — бойвачча ўкирганча йигитнинг бошига мушт туширди. — Бор тез, аптекага!

Йигит машина эшигини очиб, пастга қуёндай сакраб тушиб кетди. Бойвачча титроқ қўлларини чўнтағига тиқиб сигарета олди ва қалтираганча лабига қистириб, энди тутатмоқчи бўлганида, кимдир машина ойнасини чертди. Бой-

вачча баттар тутақиб, важоҳат билан бошини кўтариб қарди ва кўзлари косасидан чиққудек бўлиб турган, юзини ажин босган кампирни кўрди. Уни тиланчи хаёл қилиб:

— Сенларга тўхташ ҳам гуноҳ. Тўхтагандан югуриб келасан! — дея бақирди.

— Ҳай, болам, — ёлворди кампир қалтираб, — мошинангни астароқ ҳайда, уриб кетай дединг-ку мени.

— Четроқ тур-да! — бўкирди Халил бойвачча, — кампир бўлсанг кўчада бало борми, ўтирумайсанми болаларнинг топганини еб, худога шукур қилиб?..

— Болам бўлганида бундай юрмасдим, ҳеч кимим йўқ менинг, — кампир кўзига ёш олиб, оқсаб кета бошлади.

— Бола, болам... — ўзича мингирилди Халил бойвачча унинг ортидан. — Менинг иккита қизим бор. Қариб кучдан қолсам... Нилуфар бор. Нилуфар мени кўчада қолдирмайди.

У сабрсизлик билан тутаб турган сигаретани қайта-қайта ичига тортиди. Сўнг машинадан шошиб тушганча, узоқлашаётган кампирга:

— Ҳов, момой, тўхтанг! — дея ҳайқирди. Кампирга етиб олгач, чўнтагидан бир даста пул чиқариб, унинг қўлига тутқазди.

— Мени кечиринг. Хоҳласангиз уйингизгача обориб қўяман.

Кампир унга тикилганча, нима дейишни билмай бир муддат қотиб турди. Фақат лаблари билинар-билинмас титрарди. Халил бойвачча унинг нигоҳига дош беролмади, шартта ўтирилиб, машинаси томон юриб кетди.

Ортидан кампирнинг ўзини дуо қилганини эшилди: “Боланг ўлмасин”. “Кампирнинг ҳеч кими қолмаган кўринади, шу боисдан бу фамни бошқа бировга ҳам раво кўрмайди”, хаёлидан кечирди бойвачча.

Кампирнинг дуосидан сўнг бойвачча ўзини енгил ҳис этди. Ҳатто анча вақт йўқолиб кетган ҳайдовчисини ҳам койимади.

Машина уйга яқинлашганда дарвозадан хизматкор йигит учуб чиқди. Уни кўрган бойнинг юраги қинидан чиқиб кетаёзди.

— Тўхта! Тўхтат! — қичқирди у ва машина тўхташини кутмай эшикни очиб, отилиб чиқди. Хизматкор йигит-

нинг кўзи хонасидан чиққудай бўлиб хўжайнининг ёнидан ўтиб кетаркан: “Улгурамиз, сақлаб қоламиз!” дея қичқирди.

— Нима гап?! — бақирди унинг қўлидан ушлаб тўхтатган Халил бойвачча.

Хизматкор йигит эс-хушини йигиб олди, шекилли, бойваччани кўриб ўзини ерга ташлади-да, ўкириб юборди:

— Хўжайн! Нибуфар!.. Нибуфар ўляяпти!!!

Унинг йиғламсираган товушидан Халил бойваччанинг тиззалари қалтираб кетди, бошидан хуши учеб, дарвозадан югуриб кирди.

Катта эшикнинг бўсағасида Нибуфар типирчилаб ётар, атрофида онаси гирдикапалак бўлиб айланарди.

— Нима бўлди?! — қичқирди бойвачча.

— Билмайман! — эрини кўриб ўкириб йиглаб юборди хотини. — Овқатини еди-ю, бирдан думалаб қолди!

Бойвачча бошқа гапирмади. Ерда типирчилаб ётган қизини даст кўтариб, дарвоза томон югурди. Айни маҳал ҳайдовчи уддабуронлик қилиб, машинани ўнглаб турган эди.

Йўл-йўлакай фалокатга йўлиқишлирга сал қолди: қизил чироқдан катта тезлика ўтиб кетишаётганда сўл томондан пуштиранг “Нексия” чиқиб, йўлини тўсиб қолди. Халилнинг ҳайдовчиси тормозни босмай, аксинча рулни айнан “Нексия” чиқиб келган томонга бурди ва уни айланаб ўтиб кетишга улгурди. Машина ёнбошга бир лаҳза оғиб кетди, тўнтарилишига бир баҳя қолди.

Касалхонага бойвачча қизини кўтариб кирди. Ҳар тугул дўхтирлар ҳали кетмаган экан. Мажолсизланиб қолган қиз эндивойвойламас, нуқул инқилларди. Унинг бундай аҳволга тушгани сабабини отасидан эшишиб, аввал укол қилишди, сўнг зудлик билан муолажаларга киришишди.

Пешонасида кўрар куни бор экан, озроқ кечикканда бойвачча суюкли қизидан айрилиши тайин эди. У Нибуфарнинг омон қолганини эшифтгач бўшашиб кетиб, боши айланаб ерга ўтириб қолди. Врачлар энди унга ёрдам кўрсатишиб, укол қилишди. Бойвачча бироз ўзига келиб, йўлакдаги столга бошини кафтлари орасига олганча ўтирди. У унсиз йиғларди. Кўёши сел бўлиб оқар, бироқ овози чиқмасди. “Худога бир қилигим ёқибди, — деди у ўзига-ўзи пичирлаб, — қизимни қайтариб берди”. Бироқ бу лаҳзада

машина билан уриб юбораёзган кампирнинг дуоси унинг хаёлига келмади.

Орадан ярим соатча ўтди, дўхтирлар қизнинг соғайиб кетишига ишонч ҳосил қилишгач, Халил бойваччани чақиришиди.

— Қизингиз заҳарланган, — деди ўзини бош врач деб таниширган барваста, қошлари қалин, овози йўғон дўхтири,

— Нимаданлигини билолмадик. Лекин заҳарлангани аниқ.

— Ким заҳарлайди? — деди кўзи косасидан чиққудай бўлиб бойвачча.

— Бунисини энди сиздан сўраймиз, ака.

— Нега заҳарлайди?

— Айтдим-ку, буёғи бизга қоронғи. Билганимиз шу — қизингиз заҳарланган. Ким заҳарлаган, нега заҳарлаган, унисини билолмаймиз. Нимадан заҳарлангани ҳам ҳали аниқ эмас. Заҳарлайдиган модда қорнидан чиқмади. Балки ачиб қолган овқатдандир...

Бойвачча лол қолди. Нилуфар яхшигина пазанда, ачиған-ачимаган овқатнинг фарқига боради, ўзини ўзи заҳарламагани аниқ. Лекин ким бу ишни қилди? Кимнинг ҳадди сифди бундай қилишга? Отани шу савол қийнарди.

* * *

Гули Лазокатга опасидан қутулишнинг энг содда ва айни пайтда жуда қулай йўлинни яхшилаб тушунтириди. Сўнг анча вақтдан бери ишлатилмай ачиб қолган помидор ачит-қисидан ҳам берди. У Лазокатта Нилуфарни гумдон қилишни шунчалик батафсил ва ишонарли қилиб тушунтиридики, қизнинг кўзи ўт бўлиб ёнди. Гули унинг қўлига пичоқ бериб: “Бор, қорнига тиқиб ол”, деса, у иккиланмай бажаришга тайёр эди. Лазокат шу куни дискотекага бормади, ўзича Гулидан пишанг олиб, кучга тўлиб, уйига шошиди.

“Эҳ, аҳмоқ, — унинг ортидан масхаралаб кулимсиради Гули, — лақقا тушдинг-а. Шунақа бўлади бировнинг йигитига чанг солишнинг оқибати. Ўшанда пулинг кўплигидан йигитимни тортиб олдинг. Энди мен устингдан маза қилиб қуламан. Панжара ортидаги аҳволингни би-ир томоша қиласай”.

Уч ойча бурун Лазокат иффатини ўғирлатиб қўйган, бундан биринчи бўлиб хабар топган Гули тутоқиб кетган-

ди: “Нега менинг йигитимга осилиб олдинг?! Унга мен тегмоқчидим. Ҳаммаёқни расво қилибсан!” чинқирганди у дунёни бузгудай бўлиб. Лазокатга енгилтабиат, сариқ сочли новча Рустам ёқиб қолган эди. Унинг Гули билан қаймоқлашиб юришини ҳам биларди. Лекин ёқиб қолган бўлса нима қилсин? Рустам билан дискотекада рақс тушди, кейин бирга ўтириб бироз ичкиликбозлиқ қилишди. Йигит уни уйига таклиф қилганида Лазокат ноз қилиб ўтирамади... Тунда иккаласи оила куришга келишишди. Эрталаб осмондан тушдими, ердан чиқдими — Гули пайдо бўлди-ю, тўполон бошланди. Лазокат ҳам бўш келгани йўқ. У дугонасининг сочига ёпишди. Улар ҳолдан тойгунча юлишиб-юлқишли. Қий-чувдан уйғониб кетган Рустам кўзини бир очиб қаради-да, тескари ўтирилиб уйқусини давом эттираверди. Мадори қуриган қизлар уйнинг икки тарафига ўтириб қолишишди. Гули оғзидан оқ ит кириб, қора ит чиққанча сўкина-сўкина чиқиб кетди. Ўшандан бўён у Лазокатдан ўчини олишга пайт пойлаб юарди. Лекин Рустам Лазокатга ҳам вафо қилмади, икки кундан кейин бошқа бир қизга илакишиб кетди.

Дугоналар эса, бир ойча аразлашиб юргач, яна топишиб олишишди, бироқ Гулининг юрагида адоват сақланиб қолганди. У арқонни узун ташлаб, қулай фурсатни кутиб юраверди. Лазокатнинг опасидан нолигани унинг учун айни муддао эди.

Ўша куни Нилуфар синглисисининг эрта келганидан ҳайрон бўлди. “Овинг юришмадими?” деб чақиб олишга оғиз жуфтлади-ю, унинг кулиб турганини қўриб, ранжитгиси келмади.

— Опажон, — деди Лазокат қийпанглаб, — сизнинг ҳамма гапларингиз тўғри экан. Мен кўп ўйладим. Мени кечиринг, илтимос, ёшлиқ қилибман. Энди чизган чизингиздан чиқмайман.

Нилуфарнинг ўпкаси тўлиб, томоғига бир нарса тиқилгандай бўлди. У кўзида ёш ҳалқаланиб Лазокатни қучоқлаб юзидан ўпди.

— Кечирдингиз-а, опажон? — мулојим кулимсираб сўради сингил.

— Фақат иккинчи бундай қилма. Адам билан ойимни бизларга боғлаб бермаган. Бир кун келиб иккаламиз қола-

миз. Сен баҳтсиз бўлиб қолсанг мен чидолмайман. Ҳўпми?

— Ҳўп... Энди сиз дам олинг, мен овқат қиласман. Айбимни ювишим керак-ку. Тўғрими?

— Ихтиёринг, — дея Нилуфар синглисининг бурнидан чимдиг эркалаб қўйди-да, хонасига кириб кетди.

Лазокат овқатга дугонаси берган помидор ачитқисини солди. Аччиқ-чучукка ҳам ачитқидан бир қошиқ аралаштириб юборди. Кейин опасини чақирди. Нилуфар эса онасини овқатга тақлиф қилишни унутмади.

— Опажон, — деди Лазокат Нилуфар ошхонага кириши билан, — шунақангি салат тайёрладимки, оғзингизда эриб кетади. Битта еб кўринг.

— Қани, — Нилуфар санчқига қўл чўзган эди, синглиси чакқон ҳаракат қилиб уни опасининг қўлидан олиб қўйди:

— Ўзим, ўзим, опа-а, оғзингизни очинг-чи, — деди эркаланиб.

Нилуфар қулиб оғзини очди. Синглиси тайёрлаган аччиқ-чучукнинг таъми унга ёқмади, азбаройи Лазокатни ранжитмаслик учун чайнамай ютиб юборди. “Бопладим”, дея ўйлаган Лазокат опасини мажбурлади. Шундан кейин бир коса ёвғонхўрда сузиб берди. Овқатнинг таъми ҳам бошқача эди. “Бунга овқат қилишни ўргатиб қўйишим керак экан”, деган хаёл билан Нилуфар косани яримлатди. Орадан ярим соатча ўтиб, унинг ичи бураб оғрий бошлади. Аввалига ўтиб кетар, деб ўйлади. Лекин оғриқ тобора забтига олиб, кўнгли ҳам айниди. Нилуфар ўрнидан туриб, икки қадам ташлаши билан гурсиллаб йиқилди ва типирчилай бошлади...

Халил бойвачча уйига қайтиб келганида, Лазокат хонасига кириб, эшикни тамбалаб олганди. Унинг аъзойи бадани қалтирас, қилмишини бирор билиб қоладигандек юраги гурсиллаб уради. Ёниғлиқ қозон ёниғлигича қолишини истаган бемехр сингил ичидаги опасига ўлим тиларди.

— Нима қилдинг Нилуфарни?! — ўкирди Халил бойвачча дарвозахонада қалтираб турган хотинини кўриб.

— Адаси... Адаси, ишқилиб, қизимиз омонми?! — пицирлади Мўътабархон кўзига ёш олиб.

— Нима қилдинг, деяпман?! — ўшқирди бойвачча муштини дўлайтириб.

— Мен...

Мўътабархон гапини тугатишга улгурмади. Халил бойвачча қулочкашлаб унинг юзига зарб билан тарсаки туширди, хотини чалқанчасига йиқилиб жимиб қолди. Бойвачча уни айёрлик қиласяпти, деган хаёлда тепмоқчи ҳам бўлди. Бироқ хотинининг ётиши ғалати туйилиб, кўнглига хавотир оралади:

— Муки (у аёlinи ёшлигига шундай деб чақирар эди), нима бўлди?

Аёл жавоб қилмади, қимирламади ҳам ҳатто. Халил бойваччанинг калалаги учиб кетиб, тиз чўкиб кўкрагига қулгини тутди. Хотини нафас олмаётгандай туйилди унга.

— Ким бор?! — бақирди бойвачча. — Бирор-бир жонзот борми бу ҳовлида?!

Хизматкор ҳовли этагидаги уйда эди. Бу икки хонали уйни бойвачча дам олишга мўлжаллаб қурдирган, уйнинг ёнида ёпиқ ҳовуз, ҳаммом бор эди. Хизматкор хўжайинининг аёлига бақирганини, сўнгра урганини кўриб, ичкарида пусиб турганди. Бойваччанинг бақира бошлаганидан чўчиб, бормаса ўзи ҳам калтак еб қолишидан хавфсиради ва Халилнинг ёнига югурди.

— Бор! — дея бақирди уни кўриши билан бойвачча. — Сув опке!

Хизматкорининг бир чойнак сувни бекасининг юзига секин сепаётганини кўриб сабри чидамаган бойвачча унинг қўлидан чойнакни юлқиб олди-да, хотинининг юзига тўкиб юборди. Ҳартугул Мўътабархон кўзини очди. Киприкларини пирпиратиб бир эрига, бир хизматкорга қараб, йифлаб юборди. Бир зумда Халил бойвачча ҳовуридан тушди, хотинига ичи ачиди. Унинг қўлтиғидан олиб, туришига кўмаклашди. Кейин кўз ўнгига Нилуфарнинг аянчли аҳволи жонланиб, Мўътабархонни қўйиб юборди.

— Овқатни ким қилганди?! — сўради у жаҳл билан.

— Ўзи, — аёл ютиниб олди.

— Қани ўша овқат?

— Опаси типирчилаб қолганидан кейин Лазокат жаҳл устида қозонни ағдариб юборди... Хизматкор тозалаб, ахлатга тўкибди... Нилуфарим тирикми, ишқилиб?! — деди Мўътабархон чуқур-чуқур нафас оларкан.

— Худо қайтариб берди. Яхшиям уйга келганим, йўқса ажраб қоларканмиз, — хўрсинди бойвачча.

— Ҳозироқ бораман, күрмасам күнглім жойига тушмайди.

— Энди боролмайсан.

— Нега? — ҳайрон бўлди аёл.

— Ойнага бир қара, — бойвачча ошхонага кириб, пиёлаға оғзи очиқ ароқдан қўймоқчи бўлди. Сўнг бирдан ниятидан қайтиб, шишани ахлат чеалкка ташлаб юборди. Музхонадан очилмаган ароқ шишасини олиб, кетма-кет икки пиёла тўлдириб ичганидан кейин бироз ўзига келди. Юмшоқ ўриндиққа чўкиб, кўзини юмди. Шу маҳал хотини кириб келди.

— Бораман, — деди у эрига қараб, — кўзим шишиб, оқиб тушса ҳам бораман, билдингизми! Қизимни күрмасам чидолмайман!

— Ҳов, ит! Қылғиликни қилдинг. Энди босиб ўтири. Ўзингнинг қасдинг борга ўхшайди унда. Мен ҳали ҳаммасининг тагига етаман. Агар зигирча айбингни топсам ўлдирман. Тушундингми, ўлдирман! Ҳозир босиб ўтири. Қизим ўзига келганидан кейин ҳаммасини сўрайман. Агар сени кўргиси келаётган бўлса, борасан, бўлмаса...

Мўтабархон турган жойида ўтириб қолди ва ўкириб йиғлаганча:

— Ҳеч вақт она боласига ёмонлик тилайдими?! — деди изиллаб.

— Она фарзандига ёмонлик тиламайди. Лекин сен она-массан. Сен товуқсан. Жўжасини тагига босиб ўлдирив кўядиган бефаҳм товуқ!

— Э, худо! — ўкирди аёл шифтга қараб. — Қанақа туҳматларга қолди-им?

Халил бойваччанинг қони қайнади. Кўзи косасидан чиқкудек олайиб, ўрнидан турди. Фазаб билан хотинининг бошига бориб, урмоқчи бўлди. Лекин сўкиниш билан чекланиб, ортига қайтиди. Яна бир пиёла ароқ ичиб, газагига сигарет тутатди. Сўнг ҳамон ер бағирлаб йиғлаётган хотинига:

— Йўқол, кўзимга кўринма! — деда ўшқирди.

Бойвачча кўзида ёш ғилтилаб ошхонадан чиқди. “Қайси гўрданам шунга уйланганман? — хаёлидан ўтди унинг. — Умрим шамолга соврилди-я. Нилюфарни тугиб берганини айтмаса, қайси бир ишни қойиллатган, билмайман. Бўянса,

бозорма-бозор санқиб, топганимни ҳавога совурса, бас, бүлак дарду ҳасрати йўқ бунинг. Шундан бошқасига ярамайди!" Халил бойвачча алам билан пиёлани ароққа тўлдириди.

Илгари бир шиша ароқни ёлғиз ўзи ичса ҳам маст бўлмасди. Ҳозир охирги пиёлани сипқорди-ю, боши айланиб, кўзи юмилиб кетаверди. Оромкурсининг суюнчиғига бошини қўйди. Туйкусдан уйдан чиқиб кетаётганида ранги гезариб уйга кириб келган Лазокат ёдига тушди. "Ўшанинг иши, — гўлдиради у ўзича. — Ўша бир бало қилган. Ҳоз... ҳозир ўл... ўлдираман!" У ўрнидан турмоқчи бўлди-ю, курби етмади, ўтирган жойида сўкина кетди. Хизматкор ўрнидан туришига ёрдамлашмаганида ўтирган жойида ухлаб қоларди. У хизматкорга ювиниш хонасига олиб боришини аранг тушунтириди.

Икки соатча илиқ сувда ўтиргач, Халил бойвачча бироз тетиклашди. Ҳаёлидан эса ҳамон: "Ҳаммасини Лазокат қилган", деган ўй кетмаган, кичик қизига ҳукм ўқиб бўлганди. Бойвачча ошхонага кириб ошпичноқни олди-да, деворга осилган сочиққа яхшилаб артди. Нима қилаётганини ўзи ҳам англамасди. У бироз гарангсиб жойида туриб қолди. Сўнг чайқалиб-чайқалиб қўлида ошпичноқ билан Лазокатнинг хонасига йўналди.

Лазокат отасининг ичаётганини кўриб енгил тортган: "Отам энди ухлаб қолди. Эртагача жаҳлидан тушар", деган ўйда эшикни очиб қўйганди...

* * *

"Нималар бўляяпти ўзи? — шифтга тикилиб хаёл сурди Наргиза. — Укам фалокатта учради... Кутилмаганда етти ёт бегона лўли қиз билан танишиб қолдим. Кейин бизни лўлилар ўғирлаб кетди. Тортган азобларим... Булар нимадан ишора? Лола Бобур билан ҳам таниш экан-а! Улар қачон танишишган?.. Ҳаммаси уюштирилганмикан ё? Лоланинг ўзи қўйнимга кириб олиб, чаёнлик қилаётган бўлсанчи? Унда... Унда нега униям азоблашди... Барон нега бизни осонгина ўлдириб қўя қолмади?.. Мушук-сичқон ўйинига ўхшаб кетаяпти-я... Ёки адажоним айтиб кетган сирдан уларнинг хабари бормикан? Ўша олтинларни адажонимдан бошқалар ҳам билишган-ку. Лекин улар ўлиб ке-

тишган дейишуви. Адамга ўхшаб, бирортаси фарзанди ёки қариндошигами айтиб кетгандир... Ҳа, топдим! Демак, кимдир айтишга айтиб, олтин яширилган жой қаердалигини аниқ беришга улгурмаган... Ўзи ўша олтинлар кимники, ҳалолми, ҳаромми? Буям жумбок. Нима қылсам экан? Падарингта лаънат, бойликдан воз кечиб юборсан, бизни тинч қўйишармикан... Тўхта, нега ойим келмаяпти? Эшитганида қушдай учиб келиши керак эди-ку. Ёки ҳали айтишмадимиликан?..”

— Яхши ётибсизларми? — палатага жилмайиб Миркомил кириб келди, Наргизанинг хаёллари тўзғиб кетди. Бобур билан бирга келган йигитни кўриб қиз ҳам жилмайди.

— Кўринишингиздан анча соғайиб қолибсиз, — кўнглини кўтарди Миркомил.

— Раҳмат.

— Менгамас, ўзингизга раҳмат. Ўзингизда соғайишга иштиёқ бўлмаганида...

— Буни қаранг-а, — унинг гапини илиб кетди Наргиза, — соғайишим керак, деб ҳечам ўйламаган эканман. Ўйлаганимда ҳозир оёққа туриб кетармидим?!

— Ишонмаяпсизми? — Миркомил ҳазилни илғаб, мийигида кулди. — Буни мен сизга бўлажак врач сифатида айтаяпман.

— Сиз врачмисиз? Мен сизни укамнинг ўртоғи бўлса керак, деб ўйлагандим.

— Адашмагансиз. Энди унинг ўртоғиман. Врачлик масаласига келсак, ҳали беши кам.

— Шунақа денг.

— Шунисигаям шукур. “Ол, қулим!” деса тап-тайёр врачмиз-да.

— Ҳов, врач, — Лола уйғониб, гапга аралашиб, — бийзний олдиймийзда турманг. Ямон бўладий. Сизний урадий, бийзний ўғирлайдий. Тушундингийзмий?

Наргиза кулиб юборди. Миркомилнинг юзи қизарди.

— Энди ўғирлаб бўлти. Ўзим уларни ўғирлаб кетаман, керак бўлса.

— Сизга ўхшаган биттаси ўшанда Бобуржоннинг ёнида турганди, бечора ҳозир тирикми, ўликми билмаймиз. Уям ўзича гўдайганди бизнинг олдимизда.

Наргиза бу гапни ҳазил тариқасида айтмоқчи бўлганди, бироқ гапи бироз илмоқли чиқди. Миркомилнинг қалбидаги беихтиёр рашк алангаси ёнди ва айни пайтда ўша “ҳамкасб”ига ачинди.

— Қизларнинг ичидаги сизлардай марди кам, — ўзини мажбурлаб кулди Миркомил сувдан қуруқ чиқиш учун.

— Майли, — Наргиза мийигида кулимсиради, — сизни хафа қилиб қўйган бўлсан узр. Одам... Яхшиси, гапирмаганим маъқул. Бобуржон яхши юрибдими?

— Унингиз шу кетишида бўлса, Тарзандай бўп кетади. Менга ишонаверинг, тиббиётда бундай воқеалар камдан кам учрайди. Жуда қисқа вақтда оёққа туриб кетди. Шериги ҳалиям ётибди оёгини кўтариб.

— Укам ёшлигидан дардга чидамли эди, — деди Наргиза Бобурни алқаб. — Иситмаси чиқсан пайтлариям ўйнаб юраверарди. Ойим мажбурлаб ҳам ётқизолмаган... Ҳа, айтганча, биз бу ерда ҳали кўп ётамизми?

— Соғайиб кетсангиз бўлди... Ҳа, бир гапни айтиш эсимдан чиқибди, — Миркомил сұхбатни давом эттиргиси келарди. — Менинг исмим Миркомил. Сизларникини биламан. “Касаллик варақаси”дан кўрдим.

— Ҳай, ман сийзний отиний айтмай чиқадий дебман.

Лола очиқдан-очиқ қалака қилаётганини Миркомил дарров илгади. Лўли қизнинг устидан кулаётгани унга алам қилди. Лекин начора, ортиқча гап айтишга ҳақи йўқ. Нарёқда эшишиб туришибди. Ҳар битта сўзи таҳлил қилинади. Миркомил эса ўғриларнинг кимлигини, қизлар нега уларнинг номини яширишаётганини билиши керак. У йўл топиб қизларнинг ичидаги сирларидан воқиф бўлиши даркор.

— Шундай лобар қизларнинг кўнглини топиш бизга ҳам фарз, ҳам қарз. Сизлар билан яхшироқ танишиб олмасам армонда кетаман, — деди Миркомил Лолага жавобан.

— Ана, танишиб ҳам олдик унда, — деди Наргиза муроса оҳангида. — Сиз Бобуржоннинг ўртоғи бўлсангиз, ойимдан ҳабарингиз йўқми? Негадир келмаяптилар?

— Ҳозирча айтмадик... Йўқолиб қолганингизни эшишиб жуда хафа бўлди. Бу аҳволда ётганингизни кўрса, баттар кайфияти бузилади, деб ўйладик. Шунга ҳозирча айтмай

турибмиз. Оёққа туришингиз билан, албатта, хабар қилас миз.

Наргизанинг кўзига ёш қалқди.

— Майли, — деди у йиғламсираб, — шу ҳолимда бўлсаем уйга жавоб беришсин. Айтинг, илтимос. Ойижонимни жудаям соғиниб кетдим. Озгина хафа бўлсаем, соғайиб кетаётганимни кўриб ҳаммасини унутади! Соғиниб кетдим ойижонимни!

Миркомилнинг томоғига қаттиқ бир нарса тиқилди. У нима деярини билмай қолди. Ўзи шундоғам ёлғон гапириди. Ҳали ёлғонлари ошкор бўлади. Аммо буйруқ шундай бўлган! Наргизага оиласи ҳақида фақат яхши гапларни гапириши, онасининг вафотини зинҳор тилга олмаслиги керак.

— Ҳали ҳаммаси изига тушиб кетади, — деди у мулоийим гапиришга уриниб, кейин ўйланди: “Очигини сўрасамчи, мушук-сичқон ўйнашдан нима фойда? Вақт ўтаяпти, жиноятчилар жуфтакни ростлаб қолиши аниқ”. — Наргизахон, мен сиздан бир нарсани сўрамоқчиман. Сиз, биринчи навбатда, укангизни ўйлашингиз керак. Агар мен сўрамоқчи бўлган гапни ҳозир айтмасангиз Бобуржон қийналаб қолади, — деди у.

Унинг бу гаплари “сценарий”да йўқ эди, шу боисдан икки хона наридагилар саросималаниб қолишли.

— Тушунмадим, — деди Наргиза, — нега у қийналиши керак?

— Сиз унга кимлардандир ўч олиш ҳақида айтибсиз. У ҳозир ўшаларни қидириш билан овора. Қолаверса, ўша сизни олиб қочганлар ниятларига етолмаганидан аламларини Бобурдан олиши мумкин. Шунинг учун биз эртароқ фалокатнинг олдини олишимиз керак. Кутишдан фойда йўқ.

Наргиза ташвишланди, ҳақиқатан ҳам, Барондан ҳар нарсани кутиш мумкин. У ўғирилиб Лолага қаради. Лола ҳам унга тикилиб турарди. Нигоҳлари тўқнашди. Наргиза “Айтмасам бўлмайди”, деган маънода ишора қилиб, кўзларини юмиб очди.

— Сийз дўхтийрсийз...

— Шунинг учун бу гапни сизларга айтаяпман-да, — дея

Лоланинг галини бўлди Миркомил. — Менга беморларим-нинг соғлиғи муҳим. Қолгани кейин ҳам бўлаверади.

— Барон, — деди Наргиза, — асл исмини билмайман, Барон дейишганини эшилдим. Лоланинг айтишича, уларнинг маҳалласида тураркан. Лекин бизни лўли маҳаллага олиб боришмади. Менимча, унинг дачасига олиб боришиди.

— Тушунарли, — деди Миркомил ва секин эшик томон юрди.

— Қаёққа кетаяпсиз? — деди Наргиза ҳаяжонланиб.

— Зудлик билан уни қўлга олиш керак. Мен хабар берай, натижасини сизга айтаман.

Махсус гуруҳ тезда лўли маҳаллага жўнатилди. Бу пайтда лўли аёллар тириклик важида шаҳарнинг гавжум жойларида юришарди. Шундай бўлса-да, туйқусдан бегона кишилар Бароннинг уйини ўраб олгани бирпасда шов-шув бўлиб кетди. Лўлибошининг учта йигити қўлга олинниб, дала ҳовлиси аниқланди ва шу ондаёқ махсус гуруҳ жўнатилди.

Барон Ҳасан бошлиқ бешта йигитини қолдириб, бошқа шотирларини ўзи билан олиб кетганди. Ҳасан эртами-кечми, барибир, қўлга тушишларини билар, аммо у қоюқ қизларнинг тирик қолганига ишонмаётганди. Шу боис, қўққисдан уюштирилган ҳужумдан гангид қолди. У ҳатто машинасига ўтиришгаям улгурмади — юзига ииқоб кийган барваста йигитнинг югуриб келиб ён томондан берган зарбасидан сўнг калласи узилиб кетаёди.

Дала-ҳовли тинтув қилиниб, йигирма беш килодан ошиқ героин ва бир талай тилла буюмлар ҳамда ўттиз мингдан зиёд АҚШ доллари қўлга олинди. Булар Бароннинг бойлигининг ўндан бири ҳам эмас, у асосий бойликларини ўзи билан олиб кетганди.

* * *

Барон ҳар сафар Тожикистонга сўқмоқ йўллар орқали яширинча ўтиб-қайтар эди. Бу гал унинг омади чопмай, тоғда чегарачиларга дуч келди. У ўзини бутазорлар орасига уриб, жон сақлади. Олақарғадай аланглаб, ўзи доим ўтиб-қайтадиган жода пособон бўлиб турган иккита аскарнинг кетишини пойлаб бир кун кутди. Бироқ аскарлар вақтвақти билан алмashiб туришарди. Баронни ваҳм босди, йигитлари билан маслаҳатлашиб йўл қидиришга тушди.

Вақт эса, ўтиб борар, лекин қулайроқ сўқмоқ топилмасди.

— Бўлди, — деди у сабри тугаб учинчи куни. — Ҳужум қиласиз. Шериклари етиб келгунча қочишга улгурамиз.

Аммо фурсат бой берилган, дала-ҳовлисида қолган шотирлари қўлга олингач, Ҳасан Бароннинг қайси йўл билан Тожикистонга ўтишини айтиб берган, натижада, аллақачон Бароннинг йўлига тузоқ қўйилганди. У энди орқасига ҳам қайтиб кетолмасди.

Чегарачиларнинг навбатдаги алмашинувидан сўнг Бароннинг буйруғи билан йигитлари қоровулларга ҳужум қилишга шайланишди. Бироқ шу маҳал ердан чиқдими, осмондан тушдими, бир гуруҳ ниқобланган йигитлар пайдо бўлишиб, яшин тезлигида уларга ташланиб қолишли. Бароннинг шотирлари нима бўлаётганини ҳам англашга ултуришмади. Сафнинг охирида кетаётган Барон ёnidan тўппончасини чиқаришга улгурди, холос. Иккита девқомат йигит ён томондан отилиб чиқди. Улардан бири Бароннинг қўлидаги тўппончани тепиб юборди, иккинчиси эса қўлларини қайириб, лўлибошини ерга босди.

* * *

Миркомилнинг Баронни гумашталари билан қўлга олишда иштирок этишга иштиёқи зўр эди, бироқ унга рухсат тегмади — маҳсус тайёргарликдан ўтмагани панд берди. Лекин лўлибошини қўлга олишганини эшишиб, елкасидан тоғ ағдарилгандай бўлди. Бу хушхабарни тезроқ айтиб, кўнгилларини кўтариш учун қизларнинг олдига шошли.

У палатага кириб борганида Наргиза шифтга термилиб ётар, Лола қўзини юмганча хаёл суриш билан овора эди. Лўли қиз кўнгли чўкиб, бирор-бир жон ачири йўқлигидан хўрлиги келарди. Наргизани укаси, унинг дўсти келиб сўраб турганига Лола ҳавас қиласди. “Мени бирор сўрамайди. Ҳеч кимга керагим йўқ. Мабодо ўлиб қолсан, шундоқ кўмиб ташлашади. Негаям лўли бўлиб туғилдим-а? Ахир, боласи учун жонини беришга тайёр лўлилар ҳам оз эмас. Лекин меникилар... Барондан қўрқишиади улар. Ҳозир номимни ҳам тилга олишмаётган бўлса керак. Тавба, нега мен уларга ўхшамайман? Ҳеч лўлиларга эл бўлиб кетолмайдим-да. Нега уларнинг яшаши менга ёқмайди? Бизнинг ризқимизни Оллоҳ бошқаларнинг устига сочиб юборган,

туғилғанимизданоқ шу ризқимизни йиғиб күн кечирамиз. Манглайимизга ёзилгани шу бўлса.. Нега тиланчилик қилиш менга малол келади? Уяламан...”.

— Сизларга хушхабар олиб келдим! — деди Миркомил эшикдан кириши билан. — Душманларинг қўлга тушди. Ўзиям Барон деганлари анча “семирган” экан... Хуллас, энди хавф-хатардан қутулдинглар.

Бу хабардан иккала қиз ҳам анг-танг қолишли, гапирай деса тиллари айланмас, йиглай деса кўзларига ёш келмасди.

— Яна битта янгилик бор, — деди қизларнинг юз-кўзларидан юраклари тўлиб-тошиб турганини кўрган Миркомил. — Буниси Лолаҳонга тегишли...

* * *

Халил бойвачча қоронгига эшикнинг очиқлигини кўрмади. Ўнг оёгини силтаб тепмоқчи бўлди-ю, қалқиб кетиб, чалқанчасига гурсиллаб йиқилди. Қўлидаги пичоқ учуб кетди, бойвачча болаҳонадор қилиб сўкинди.

Энди кўзи илингган Лазокат шовқиндан чўчиб уйғондида, ичкийимда ўрнидан туриб, тунчироқни ёқди ва бўсағада ўрнидан турмоқчи бўлиб талвасага тушаётган отасини кўриб кўрқиб кетди.

— Адажон! — деди у ҳадик билан. — Тинчликми, нега бу ерда ўтирибсиз?

Халил бойвачча кўзларида нафрат билан қизига тикилди. Бу қараш отанинг қизига ташлаган назарига ҳечам ўхшамас, унда ёвузлик, алам, ўч яқъол акс этиб турарди. Ҳозир ота эмас, кўзидан ўт чақнаётган махлуқ, рақибини янчишга отланган қасоскор эди...

— Сен ифлосни сўйиб ташлайман! — бақирди Халил бойвачча эшикка суяниб ўрнидан тураркан. У пайпасланиб чироқни ёқди. Сўнг эгилиб пичогини топди.

— Адажон! — бақириб юборди Лазокат кўркувдан юраги ёрилгудай.

— Аданг йўқ сенинг! Сени ойинг кўчадан ортириб келган. Тушундингми?! Аданг аллақачон ўлиб кетган! Мен сенга бегонаман! — Халил бойваччанинг оғзидан чиқаётган гаплар ўзига ҳам ҳақиқатдай туйилиб титраб кетди. Ўзини алданган, хўрланган ҳис этди. Алам билан олдинга талпи-

ниб “күчадан келган қыз”ни бир ёқли қишиш учун унга яқинлаша бошлади.

— Ада!.. Адажон! — қичқирди Лазокат ортига тисарилиб.

— Ҳозир Нилуфар учун жавоб берасан. Уни қандай заҳарлаган бўлсанг, ҳаммасини айтасан. Кейин мен сени бўғизлайман. Қонингни ичаман!

— Адажон мен... мен қилмадим. Мен... Мен билмайман... Адажон!.. — Лазокат титроқ қўлларини ортига чўзиб, ёстиқни ушлади ва тобора яқинлашиб келаётган отасининг юзига қаратса иргитиб юборди. Халил бойвачча буни кутмаган, ўзи бир ҳолда зўрга оёқда турарди. Ёстиқ “гуп” этиб башарасига теккач, ўзини ўйқотиб қўйди. Чўк тушиб қолди. Ўрнидан сакраб турган қыз ўзини эшикка урди. Халил бойвачча ўзини ўнглаб, ёнидан ўқдай учиб ўтаётган қизининг оёғига қўлидаги пичноқни сермаб юборишга улгурди. Аммо ваҳимага тушган Лазокат оғриқни сезмади, йўлакка чиқиб бор овозида:

— Ойижо-о-о-н! — деда чинқирди.

Мўътабархон чинқирган овоздан уйғониб кетди ва бироз уйқусираб жойидан туриб ўтирди. Йўлак тарафдан қизининг кетма-кет бақиргани эшитилгач, ўрнидан шоша-пиша туриб, эшикка югурди.

— Ойижон, ойижон! Адам мени ўлдирмоқчи, қўлида пичноқ бор! — ўкириб йиглаб юборди онасини кўрган қыз.

Мўътабархон қизининг билагидан тутиб, ҳеч иккимай пастки қаватта етаклади ва йўлакнинг чирогини ёқди.

Халил бойвачча сўкинганча инқиллаб ўрнидан турди-да, қўпирашиб кетган оғзини кафтининг орқаси билан артди ва оғир қадам ташлаб, зинанинг ёнига келди. Бунгача Лазокат нима бўлганини ойисига айтиб улгурганди.

— Нилуфар сизга қыз-у, Лазокат ўтай экан-да! Мен уни кўчадан орттириб келган эканман-да, бойвачча! Қандай тилингиз борди шундай дейишга?! — деди эрига тик қараб Мўътабархон. Сўнг ўпкаси тўлиб йиглаб юборди ва қизини кўрсатиб: — Ўлдириш ниятингиз бор экан, нима қиласиз унинг хонасига кириб? Мана, ўзим, ўз қўлларим билан сизга топшираман. Ўлдиринг! Сўйинг! Агар шу билан кўнглингиз таскин топса!

Халил бойвачча пастда кўzlари нафратдан ёниб қараб турган хотинига қаради, бироқ бир сўз демади. Қўлидаги

пичокни отиб юборди-да, зинага суюнганча чўқ тушиб ўтириб қолди.

Мўътабархон эрини шаштидан туширганига ишонч ҳосил қилиб, баттар жаврай бошлади. Бироқ бу гаплар энди Халил бойваччанинг қулогига кирмас, у эси оған одамдай ўзи билан ўзи гаплашарди.

— Ойижон, — деди бироз ўзига келган Лазокат, — бошим айланаяпти.

— Тинчликми, қизим? — Мўътабархон Лазокатга бошдан-оёқ разм солиб, унинг оёғидан оқаётган қонни кўриб, юраги ўйнаб кетди. — Оёғингдан қон оқаяпти-ку! Вой, мен ўла қолай, вой шўрим! Ҳе, ота бўлмай ҳар бало бўлгур!

Мўътабархон талвасага тушиб ичкийимини ечди-да, шарт иккига бўлиб, қизининг оёғини боғлашга тушди. Оғзидан эса оқ ит кириб қора ит чиқар, жафи тинмай эрини қарфарди. Қарғишларини бойвачча эшитмас, буткул ҳолдан тойған, бунинг устига, ичган ароғига уйқу дори кўшилгани учун ёнига аганаганча хуррак отарди.

Қизининг ярасини боғлаб, Мўътабархон бошини кўтариб эрига қаради. Бойваччанинг хуррак отаётганини кўриб, тағин қарганди ва қизини меҳмонхона томон етаклади:

— Шу ерда эшикни қулфлаб ухлаймиз. Агар гўрингда тўнғиз қўпгур уйғониб қолса, сени тинч кўймайди. Оғзингдан қонинг келгурга нима ёмонлик қилибсанки, сен бечорани ўз ҳолига кўймайди?.. Ҳали тонг отсин, бошқача гаплашиб қўяман у билан!

— Ойижон, — деди Лазокат синиқ овозда, — я не могу. Кетаман!

— Қаерга борасан шу маҳалда, қизим?

— Бердимурод акамнинг ёнларига.

— Йў... Йў... У ёқقا сираям бора кўрма. Шу аҳволда борсант у нима деб ўйлайди? Ундан кўра эрталабгача уйда ўтири. Кейин бирор чорасини топармиз.

— Бўлмаса, Гулиникига бораман. Ўша ёқ тинчроқ.

— Шарманда бўламиз, қизим. Сени биламан-ку, ичингда гап турмайди...

— Ойи, бунақа яшагандан кўра шарманда бўлган минг марта афзал, ҳамма билиб қўйисин, адамнинг қанақа одамлигини!

— Аданг жудаям керакли одам, айниқса, сен билан мен-

га. Баҳтинг очилишига керак. Шунинг учун ҳозирча жим турайлик. Кейин бир гап бўлар. Эсон-омон сени узатиб олай... Овқатни Нилуфарнинг ўзи қилганмиди? — нимадир эсига тушиб қолгандай қизига синовчан қаради Мўътабархон.

— Биласиз-ку... Мен қилган овқатни оғзига олмайди, ойимча... Ўлиб кетганида кутулардим битта машмашадан, — лабини бурди Лазокат.

— Унақа дема, қизим. Яхшими-ёмонми опанг бўлади. Эрта бир кун бир-бирларингта суюнасанлар, — беозор койиди уни Мўътабархон.

— Кўчадаги лўлиларга ишим тушса тушсин-у, лекин ўша чаёнга тушмасин! Ўзи ёмон-да, ана, жазосини олиб ётибди! — Лазокат ҳали-бери ҳовуридан тушадиганга ўхшамасди.

— Бўлди қил! — ўшқирди қизига қаттиқроқ гапирмаса бўлмаслигини тушунган Мўътабархон. — Ўзинг ҳам айбдорсан!

— Энди сиз ҳам унинг ёнини олайпсизми, ойи?! Мен бечора бу уйга бегона эканман-да! — пиқиллаб йиғлашга тушди Лазокат.

Мўътабархон гапирганига пушаймон бўлиб, қизини елкасидан қучганча меҳмонхонага олиб кирди ва ичкиридан эшикни қулфлади. Сўнг Лазокатни диванга ётқизиб, ўзи гиламга чўйканча қизи ётган диванга бошини сужди. Кўп ўтмай талотўпдан чарчаган она-болани уйқу элитди...

Ўтирган жойида мулгиган Мўътабархон белининг оғриғига чидолмай эрта уйғонди. Тунги жанжал ёдига тушиб, шошиб ортига қаради-ю, тошдек қотди: Лазокат жойида йўқ эди. “Эрим яна келдимикан?” деган ўйдан қўрқиб титраб кетди.

* * *

Бердимурод ёнига иккита йигитини олиб, Бобур яшайдиган кўп қаватли уйга борди ва тепага кўтариilmай бироз атрофни кузатди. Аллақандай бегона йигитларга кўзи тушиб, кўнглига шубҳа оралади. Шерикларига секингина: “Кетдик, кейинроқ келамиз”, деб катта кўча тарафга юрди. Кўчанинг икки тарафи савдо растаси экан, Бердимурод йигитларини пивохонага бошлади. У ерда уч-тўртта пиёнистадан бўлак ҳеч ким йўқ эди.

— Бизбоп жой экан, — деди йигитлардан бири Бердимуродга илжайиб. — Яхшилаб пивохўрлик қилмаганинг минг йил бўлди-ёв.

— Ҳозир мен сенга пивохўрлик қанақа бўлишини кўрсатиб қўяман! — ўшқирди кўнглига қил сифмаётган Бердимурод.

— Ҳеч бўлмаса биттадан ичармиз. Одам роса чанқаб кетди.

Учовлон бир шишадан пиво ичишиди. Иштаҳалари очи-либ кетган эса-да, эзилиб пивохўрлик қилишнинг мавриди эмасди. Бердимурод бесаранжом, игнанинг устида ўтиргандай типирчилар, Бобурга мерос қилиб қолдирилган тилла унинг оромини буткул ўғирлаган эди. У “Турайлик”, деб энди оғиз жуфтлаганида сотувчи билан қирқ бешларни қоралаган одамнинг сухбати қулоғига чалинди.

— Падарингта лаънат, Бобурни шу ййдан кўчириб юбор-масак бўлмайди-ёв, — ҳасрат қиласарди пештахтага суюнган эркак. — Ўзи яқинда авария бўлувди. Кейин опаси қаер-гадир йўқолиб қолди. Онасини маҳалла бир амаллаб кўмди. Қўшниларнинг гапига қараганда, қиз топилибди. Қиз бўлиб топилганми, жувон бўлибми, у ёғини худо билади. Лекин домимизнинг атрофидан аллақандай шубҳали одамлар ари-май қолди. Қачон қарама, ўзини шунчаки айланиб юрганга солиб, Бобурнинг ўйига қараб-қараб қўяди. Демак, бир гап бор... Маҳаллага бормоқчиман. Шу болани бошқа ёқقا кўчириб юборсин, биз ҳам тинчгина яшайлик.

Бердимурод ўзининг сезгирилгидан хурсанд бўлиб кетди. У ҳалигина Бобур яшайдиган уйнинг йўллагидан қайтган, ичкарига киришга оёғи тортмаганди. Мана, энди ҳам-маси равшан. Ҳозир пиво ичиб дадилланиб, тўғри ўлжаси томон бормоқчи бўлиб турганди. “Таъзиядан кейин бу ерга биринчи келишимиз. Демак, бу одам биз ҳақимизда гапирмаяпти. Агар Бобурга келганимизни кўрганида, ҳозир шу ердалигимизни била туриб, бу гапларни сотувчига гапирмаган бўларди. Демак, бошқа одамларнинг ҳам унда қандайдир қизиқиши бор. Бунинг тагига етмасдан туриб ишни бошлаб бўлмайди”, деган холосага келди Бердимурод ва йигитларига:

— Бошқа пайт келамиз, — дея ўрнидан турди.

Шу куни у Халил бойваччанинг ёнига бормади, чунки

топшириқ бажарылмаган, бойвачча уни қўрқоққа чиқариши тайин. Бахтига бойваччанинг ўзи ҳам қўнғироқ қилмади.

* * *

Халил бойвачча бадани жунжикиб, суюклари қақшаб уйғонди. Қаерда ухлаб қолганини англаб етгач, асаби ййнади: “Нонхўрликдан бошқасига ярамайдиган ифлослар, ҳеч курса боққанимнинг ҳурмати устимга бирорта кўрпача ёпиб қўйишса ўлармиди?” У алам билан минғирлаганча зина суюнчиғига таяниб ўрнидан турди. Шу маҳал хотинининг чинқирган овози эшитилди:

— Лазокат, қизим!

— Ҳе, онангни... — сўқинди бойвачча ва гавдасига ярашмаган чаққонлик билан илдам юриб биринчи қаватга тушди. — Нима деб ўкираяпсан, ҳайвон?! — хотинининг тиззасига шапатилаб саннаётганинг устидан чиқиб тағин кайфияти бузилди.

— Кизим йўқ! Қаерга гумдон қилдингиз?! — Мўътабархон эрига чақчайди.

— Онангнига, тушунлингми?! — муштини дўлайтириб хотинига яқинлашаётган бойвачча эшик қўнғирофининг устма-уст жиринглаганидан кўнгли алланечук бўлиб кетди. — Ўчир овозингни! Ўзи бирон жойга кетворгандир. Мен уни кўрганим йўқ. Ҳозир турдим ўзи, — Халил бойвачча эшикка йўналди. У хизматкорга: “Аввал сўра, ким экан?” деб тайинламоқчи эди. Бироқ улгурмади, хизматкор дарвозанинг кичик табақасини очган ва... беш-олтита барзанги йигит дарвозаҳонага кириб бўлганди. Улар гап-сўзсиз аввал хизматкорнинг, кейин ҳали оғиз очишга ҳам улгурмаган Халил бойваччанинг қўлларини кишанлашди. Кейин чўнтакларидан ҳужжатларини чиқариб кўрсатиши ва уларнинг қамоққа олинганини айтиб, уйни тинтув қилишди.

Халил бойвачча панжара ортига ўтаётиб, терговдан иккита милиционер қуршовида чиқиб келаётган Баронга кўзи тушди.

— Буларнинг бари сенинг ишинг экан-да, ҳайвон, — деди у ғазаб билан Баронга.

Барон илжайди, лекин лом-мим демади.

Тушга яқин Халил бойвачча сўроқ қилинаётганида унинг бўлғуси күёвини ҳам олиб келишди...

Ўзига тегишли хабарни эштиб, Лола ётган жойидан туриб кетди. Унинг юраги ҳаприқарди.

— Айтинг, — деди у сабри чидамай.

— Ўзингизни қўлга олинг, — деди Миркомил босиқлик билан. — Барон қўлга олинаётганида лўли маҳаллага бориб суриштирдик. Сизнинг ота-онангиз билан гаплашдик. Уларнинг гапларига қараганда, сизни чақалоқлигингида топиб олишган экан.

— Нийма?! — лўли қизнинг овози титраб чиқди.

Ўша лаҳзада унинг юзидан бир-бирига зид жуда кўп маънони уқиш мумкин эди. У ўзини узоқ вақт азоблаб келган саволларга жавоб топгандай эди. Жавоблар ортидан тагин саволлар келиб чиқар, улар бари қизни қийнар, баттар азобларди.

— Хафа бўлманг-у, лекин айтишга мажбурман. Тўғриси, улар сизни топиб олишмаган, беланчакдан ўғирлаб кетишиган. Эски шаҳардан. Ҳозир у ерлар бузилиб кетди, ўрнига кўп қаватли уйлар тушган.

Лоланинг ўпкаси тўлиб кетди, юзини бекитиб, сочини фижимлаб тинимсиз йиғлади. У хурсандлигидан йиғляяптими ёки хафалигиданми — билиб бўлмасди.

— Ҳали... ҳали ҳаммаси жойига тушиб кетади, — таскин берди Лолага қўшилиб йиғлаётган Наргиза. — Топамиз. Ота-онангни, албатта, топамиз.

— Хавотирланманг, — Миркомил гапга қўшилди. — Сизлар касалхонадан чиққунларингча биз Бобур иккализмиз ота-онангизни топиб қўямиз.

У гарчи ишонч билан гапирган эса-да, гаплари таскин бериш учун айтилганда чиқди. Буни Миркомилнинг ўзи ҳам сезди. Қизлар эса унинг гапига эътибор беришмади.

Қайғу билан хурсандчилик қоришган хонада улар жим қолишли. Орадан бирор беш дақиқача ўтиб юраги сиқилган Миркомил столини эшикнинг ёнига суреб, бошини ҳам қилиб олди. У ўрнидан туриб, чиқиб кетганида ҳам бирор ундан “Нега кетаяпсан?” деб сўрамасди. Аммо унинг кетгиси келмас, қандайдир кўзга кўринмас ришта уни хоналагилар билан боғлаб турарди.

Қўлида ичи тўла селофан халта билан Бобур кириб келиши билан хонадаги жимлик бузилди.

— Нима бўлди? — уларнинг ўтиришини кўриб хавотирланди Бобур қўлидаги халталарни ерга қўяркан.

— Хурсандчилик, — деди Наргиза кўзида ёш билан. — Кел, укажоним.

Бобур опасининг каравотига ўтирди, Наргиза уни қучоқлаб ўпди:

— Биз ҳам энди одамга ўхшаб яшайдиган бўлдик. Биласанми, Лола лўли эмас экан! — деди қўзлари қувончдан порлаб.

— Йўғ-э! — ҳайратини яширолмади Бобур. — Қанақасига?

Наргиза: “Сиз айтинг”, дегандек Миркомилга юзланди. Йигит кулимсираб қизларга айтган гапларини тақорлади.

— Зўр-ку! — Бобур Лоланинг ёнига бориб, унинг қўлини ушлади. — Ўзим ҳам ҳеч ишонмасдим сизнинг лўлилигингида.

— Энди қандоқ онамний топаман? — кўзида ёш билан жилмайди Лола.

— Топилади. Мана кўрасиз. Бу янгиликни ювиш керак.

— Ҳозирча, — деди Наргиза кулиб, — Миркомил акам билан бирга байрам қилиб туринглар, биз кейинроқ қўшиламиш.

Наргизанинг “Миркомил акам” дегани йигитни энтиклириб юборди. У қўзлари чақнаб қизга қаради. Нигоҳлар учрашганда Наргиза қизариб, кўзини олиб қочди...

* * *

Орадан бир ой ўтди. Қизлар бирин-кетин соғайиб оёққа туришди. Энди касалхона ҳовлисини айланиб сайр қилишарди. Бобур билан Миркомил уларни деярли ҳар куни йўқлаб туришарди. Миркомилнинг серқатнов бўлиб қолгани аввалига Бобурнинг ғашини қўзғади: “Мен-ку опамдан хабар олгани келаман, сенга нима бор? Бориб ўқишингни ўқимайсанми?! Нима қиласан бўзчининг мокисидай қатнаб?” Лекин бу йигитнинг очиқўнгиллигига ишондими, Миркомилнинг келиб-кетишларига кейинчалик эътибор бермай кўйди. Наргиза эса, Миркомилга анча овуниб қолганди. У кириб келганида кўзлари порлаб кетар, кетаётганида ортидан кўнглида аллақандай илинж билан термилиб қоларди. Бора-бора ҳатто уни Лоладан ҳам рашк қила бошлади.

Миркомилнинг қораси кўриниши билан дугонасидан аввал салом беришга, кўпроқ гапириб, кулиб эътиборини ўзига тортиб туришга уринарди. “Севиб қолганга ўхшайман”, деган ўй кечганда ақли кўнгил истагига монелик қилас: “Шунчаки зерикканимдан у билан гаплашаман-да”, деб ўзини овутган бўларди.

Ниҳоят касалхонани тарк этадиган кун ҳам келди. Наргиза: “Укам ойимга айтган бўлса, ойижоним мени олиб кетгани келади”, деб юраги тошарди. Бироқ уни олиб кетгани Бобур билан Миркомил келиши.

— Ойим қани? — деди қиз қовоғи осилиб.

— Уйга борганда айтаман ҳамма гапни... — овозидан Бобурнинг ҳаяжонланётгани сезилиб турарди.

— Йўқ, ҳовир айт. Нима бўлган ўзи, тинчликми?

Бобур “култ” этиб ютинди.

— Гапир, Бобуржон, нима гап? — Наргизанинг кўнгли мудҳиш бир ноҳушликни пайқаганди.

Бобурдан садо чиқмади, фақат қўлларининг титраб кетаётгани кўриниб турарди.

— Касалми, бирон жойда ётибдими? — бақириб юборди тоқати тоқ бўлган қиз.

Бобур секин бошини силкиди ва столга ўтириб, кўзидағи ёшини кафти билан артди. Наргиза унинг сёқ учига тиз чўкиб, узун бармоқлари билан укасининг қўлларини ушлади.

— Бобуржон, мен ҳамма нарсага тайёрман, айтавер, — йиғламсиради у қўёшлари шашқатор бўлиб.

— Опа, — Бобур чукур хўрсинди. — Энди фақат иккаламиз қолдик...

Наргизанинг юраги сезиб юрган, бироқ укасидан сўрашга қўрқсан машъум хабарни эшилди-ю:

— Энди нима... — деганича гапини тугатолмай ёнига “шилқ” этиб қулади.

— Наргиза! — бақириб юборди шу пайтгача жим турган Миркомил ва қизнинг бошини қўтарди. Лола эса дўхтирга югурди.

— Опажон, энди сиз ҳам мени ташлаб кетасизми?! — Наргизанинг юзини силаганча йиғлашга тушди Бобур.

Бир зумда этиб келган дўхтиrlар қизни каравотга ётқи-

зишиб, муолажа қилишди. Ҳушига келган Наргиза атрофига маъносиз боқар, “чурқ” этмай ётарди.

Улар касалхонада яна икки соатча қолиб кетишиди. Наргизанинг соғлигини такрор кўрикдан ўтказган дўхтирлар ниҳоят унинг кетишига изн беришди.

Үйга келиб ҳам Наргизанинг йифиси тўхтамади. Кўзи қаерга, қай бир буюмга тушмасин, онасини кўргандай бўлаверарди. Наргизанинг келганидан хабар топган қўни-қўшнилар чиқишиб, қизга тасалли беришди. Уларга овунган Наргиза бироз ўзига келди. Лола унинг ёнидан жилмас, елиб югуриб хизмат қиласди.

Хуфтонда уйига қайтган Миркомил эртасига туш қайтган маҳал етиб келди. Бу пайт Бобур уйда йўқ эди. Эшикни Наргизанинг ўзи очди. Миркомилни кўриб, юзида табассум пайдо бўлди. Уни ичкарига бошлаб кириб, дастурхон ёзди.

— Лола кўринмайди? — сўради Миркомил дастурхоннинг попугини ўйнаб ўтирган қиздан.

— Ухлайётганди. Боши оғрибди, — Наргиза йигитга қарди, — уйғотиб келайми?

— Йўқ, шарт эмас, ухлайверсин. Ўзимиз гаплашиб ўтирганимиз маъкул.

— Кўпчилик бўлсак яхшимасми? — кулимсиради қиз.

— Сиз билан ўтирганимда орада бегона бўлса яйраб гаплашомайман.

— Нега? — қошларини чимирди Наргиза.

— Биласизми... Нима десам экан? — бироз каловланди Миркомил, чунки у гап бу тарзда ҳис-туйғуларга бориб боғланади, деб ўйламаган, аслида эса айни дамни анчадан бери кутаётганди. — Қандай тушунтирсам экан?.. Сиз ҳозир бу ишнинг мавриди эмас, дерсиз... Лекин... Мен уйингизга ойимларни жўнатмоқчиман. Шунга нима дейсиз?

— Вой! — юзи қизариб кетди Наргизанинг. — Ойингизни?..

— Ҳа.

— Майли, жўнатинг, — шайтонлиги тутди қизнинг. — Танишамиз. Биронтасига уйланишни ният қилиб айттолмай юрган бўлсангиз, ўзим хизмат қилиб бераман. Фақат ўша қизнинг кимлигини билишим керак-да.

— Ўша қиз... ўзингиз-да!

— Кечирасиз, чойим қайнаб кетди. Ҳозир дамлаб келай. Үрнидан кўзгалган Наргизанинг билагидан Миркомил тутиб қолди.

— Агар ҳозир ростини айтмасангиз, ушлаб туравераман. Чойнагингиз қайнайвериб, қуриб кетади...

— Унда сиз чой ичолмай қоласиз.

— Майли... Хўш, нима дейсиз, келсинларми?

— Билмадим, — Наргиза ерга қаради.

— Унда бугун кечга келади...

— Йўқ-йўқ, бугунмас, — бирдан унинг гапини бўлди Наргиза.

— Унда эртага. Хўпми?

Наргиза кўзларини ердан узмай бошини силкиб розилигини билдириди.

— Ура! Ура! — қичқириб юбораёзди Миркомил.

Унинг қилиғидан Наргиза кўзларини катта очиб:

— Жинни. Жим! Лола эшитиб қолади, — деди ҳаяжон билан.

— Эшитса эшитсан, бутун дунё эшитсан. Ҳаваси келсин менга!

Йигитнинг соддалигидан завқланган Наргиза кулиб юборди. Унинг кулгисидан руҳланган Миркомил қизнинг юзидан бўса олганини сезмай қолди.

— Сиз ёмон бола бўл кетибсиз, — қиз аразлагандай тез-тез юриб ошхонага кириб кетди...

* * *

Миркомилнинг онаси истараси иссиқ аёл экан. Наргизага бу аёлнинг қай жиҳатлариидир онасини эслатди. Шу боис, Наргиза уни кўрганида онаси ёдига тушиб йиглаб юборди. Аёл бўлгуси келинини бағрига босиб, юзидан ўпди.

— Кўзингиз ҳечам ёш кўрмасин, ўзимнинг она қизим...

Бобур ота ўрнида ота бўлиб, Наргизанинг тўйига ҳозирлик кўрди, маҳалла билан бамаслаҳат тўй кунини белгилади.

Ширин ташвишларга қорилиб юрган Наргиза Бобур билан Лоланинг айвонда бошлари бир-бирига теккудай шивирлашишаётганини кўриб ичида севиниб кетди ва ҳаяжонини яширмай:

— Тушунарли, — деди уларга қараб жилмайиб, — киши билмас қилиб-а...

Йигит билан қызы “ялт” этиб унга қарашибди-ю, юзлари қизарып кетди.

— Бизнинг тўйимиздан олдин сизларнини ўтказмасак бўлмайдиганга ўхшайди, Бобуржон? — кулди Наргиза.

— Жа сизницидан олдин бўмасаям... Сал кейинроқ, — ҳазилга ҳазил билан жавоб қилди Бобур.

— Йўқ, укажон. Аввал сенинг бахтингни кўраман. Сени Лолаҳонга ишониб топширай, ундан кейин...

— Сиздан бошламасак уят бўлади, — деди Лола бироз ийманиб.

— Вой, шумтакалар, — меҳри ийиб кетган Наргиза Лола билан укасини кучоқлаб олди.

* * *

Ҳар икки тўй ҳам ихчам, ширингина ўтди. Лола Анбар опанинг уйига келин бўлиб тушди. Наргиза эса Миркомилнинг уйига ойдай келинчак бўлиб кириб келди.

Орадан икки ой ўтиб, куз оёқлаб, қорли-қировли кунлар бошланди. Наргиза отаси қолдирган мерос ҳақида Миркомилга билганларини айтди.

— Йўғ-э! — деди Миркомил ишонқирамай.

Наргиза унга харитани кўрсатди.

— Мана шу ерга, катта харсангтош остига кўмиб қўйилган экан.

Миркомил хотинидан харитани олди-да, чироққа тутиб синчиклаб қаради.

— Нима қиласиз? — деди сўнг маслаҳат сўраган маънода.

— Билмадим.

— Борамиз. Ҳеч кимга айтмаймиз. Агар ҳақиқатан ҳам шунча бойлик бўлса, унда кейин ўйлаб кўрамиз нима қилишни.

Улар эртаси куни шаҳарни сайр қилиш баҳонасида йўлга тушишди. Манзил хийла олис, шаҳардан уч соатлик йўл юриларди. Миркомил машинани хушёр бошқарар, Наргиза эса атрофни кузатиш билан овора эди.

Машина илон изидай буралган йўллардан ўрмалаб юқорилай бошлади.

— Тұғриға қаранг, хоним, — деди Миркомил, — жарлик ёнидан үтадиган жой бор. Бошингиз айланиши мүмкін.

Бу гапдан келинчакнинг юраги ўйнаб кетди. Отаси худди шу жойда фалокатта учраган эди.

— Эҳтиёт бўлиб ҳайданг! — деди у хавотирланиб. — Мендан кўрқманг, ўрганиб кетганман.

Улар довондан ошиб ўтганларидан кейин йўл энишга бошлади. Сўнг Миркомил машинани харитада қўрсатилган — тоғ ёнбағирлаб кетган сўқмоқ йўлга бурди. Юз метрлар юрилгач, йўл тугаб қолди.

— Нарёғига пиёда кетамиз, шекилли, — деб Миркомил машинани тўхтатди.

Тоғ ҳавоси мусаффо эди. Енгилгина эпкиндан қалин буталарнинг учлари тебраниб турарди. Атроф сув қўйгандай жимжит.

— Мен кўрқиб кетаяпман, — Наргиза эрининг қўлидан ушлаб олди. — Орқага қайтсан-чи? Шу бойлик керакми бизга?

— Керак бўлмасаям, қизиқ-да, — жилмайди Миркомил ва олдинга юрди. Унга истаб-истамай Наргиза ҳам эргашди.

Фор оғзи жуда тор экан. Миркомил адашмадимми, деб, қайта-қайта харитага қараб олди.

— Дадам раҳматли: “Эҳтиёт бўл, кираверишда учта омонат тош осилиб турди, тегиниб кетсанг тамом — форнинг оғзи бекилиб, ўзингни тош босиб қолади”, деганди, — деди Наргиза манглайига тер тепчиган эрига.

— Шунақа де. Қайси тош омонат экан?

— Бунисини билмайман. Яхшиси, кирмайлик. Негадир кўнглим чопмаяпти шу ишга.

— Унда бундай қиласиз. Сен шу ерда турасан. Мен эҳтиёт бўлиб кириб чиқаман.

— Йўқ, сиз кирсангиз мен ҳам кираман.

— Ўжарлик қилма, сен шу ерда қол.

— Кўрқаман.

— Кўрқма, бу ерларда ҳеч нарса йўқ. Мен дарров чиқаман.

Миркомил уч қулоч баланддаги тоғ каваги томон тирмашиб чиқа бошлади. Яккам-дуккам буталар ҳам кўзга таш-

ланмас, тоғ ёш бўлса керак, бағрини ҳали ўт-ўланлар ҳам қопламаганди.

Миркомил ўрмалаб чиқиб бораркан, Наргиза унга эҳтиёт бўлишни эслатиб турди. Эри гор оғзига етай деганида унинг кўзи кавак тепасида омонат осилиб турган тошга тушди. Тош сандиқдай эди.

— Миркомил ака, тўхтанг! — қичқириб юборди Наргиза. — Ана ўша тош!

Миркомил ортига ўгирилди. Сўнг Наргиза кўрсатган томонга бурилиб тошни кўрди. Тош гор оғзининг лабида эди.

— Нарироқقا бориб тур, уни юмалатиб юбораман, — қичқирди Миркомил Наргизага ва яна тепага тирмаша бошлади.

Ниҳоят форга етиб бориб, чап тарафидан тошни ушлаб қимирлатишга уриниб кўрди. Тош “қилт” этмади. Миркомил тошни ўзига куч билан тортиб қўйиб юборди. Қаерда-дир гумбурлаган овоз эшитилди.

— Қочинг! — қичқирди Наргиза.

Миркомил оёғи сирпаниб ўтириб қолди. Буни кўрган келинчакнинг юраги қинидан чиқиб кетаёзди. Шу маҳал қарсиллаган овоз чиқариб, тош пастга думалади.

— Миркомил ака! — қўркувдан Наргиза турган жойида қотиб қолди. Миркомил қочишига улгурганди. Тошнинг бир чети шундоққина оёғи тагидан ўтиб пастга юмалаб кетди. Чанг-тўзон кўтарилиб, атрофни қасирлаган овоз тутди.

Форнинг оғзи буткул бекилиб қолган эди. Уни очишининг энди иложи йўқлигини англаған Миркомил хотинининг ёнига туша бошлади...

МУАЛЛИФДАН:

Мен Нилуфар билан Лазокатнинг тақдирини билиш учун уйига бордим, улар билан бир зум сухбатлашдим. Нилуфарнинг гапларига қараганда, отаси қамалиб кетганидан кейин уйига хор-зор бўлиб қайтиб келган синглисини кечирибди (Гули Лазокатнинг оиласидаги парокандаликдан ҳабар топгач, уни роса азоблаган, бор тули, тилла тақинчоқларини тортиб олиб, тўғри келган одамга рўпара қилиб, анча-мунча пул ишлаган. Лазокат унинг чангалидан зўрга қочиб қутулган). Лекин Нилуфар ҳали-ҳануз на онаси ва на синглиси тайёрлаган овқатдан емас экан.



АДАШГАНЛАР ҚИСМАТИ

(Сўнгсўз ўрнида)

Бугунги адабий жараённи изчил кузатиб бораётган киши унинг ҳар қачонгидан кўра қизғин кечәётганига гувоҳ бўлиши тайин. Адабиётнинг барча тур ва жанрларида ёзилётган асарлар, ижодий тажрибалар, таъсир ва ҳатто тақлидлар ушбу жараённинг фаол кечәётганидан далолат бериб турибди. Буни, албатта, истиқтолимиз берган ижод эркинлигининг самараси, деб билмоқ лозим. Зотан, яқин ўтмишда, шўролар замонида қайси мавзуда бадиий асар ёзиш, қайси синф вакилларини қаҳрамон қилиб олиш вақти-вақти билан уқтириб турилар, “долзарб мавзулар”да ёзувчиларга юқоридан “социал заказлар” бериларди... Бир сўз билан айтганда, тоталитар шўро тузуми имкон қадар ижод эркинлигини бўғиш, бу жараённи ўз измига бўйсундирив, ўзи истаган ўзанга солиш пайдан бўларди. Бироқ ана шундай шароитда ҳам жасоратли адилларимиз, шоирларимиз халқимизнинг дардини, ташвиш ва қувончларини дадил ёритган асарлар яратилиб, нафақат собиқ иттифоқ миқёсидаги, балки хорижлик китобхонларнинг ҳам эътиборини қозонишга муваффақ бўлишиди.

Эндиликда ижодкор ўз эрки-иҳтиёри билан ўзини ҳаяжонга соглан мавзуда, ўзи танлаган, маъқул кўрган услубда бемалол истеъдодини намоён этиш имконига эга. Ва ана шундай шароит — ижод эркинлиги бадиий адабиётга, хусусан, ижодкорликка бўлган қизиқишни, иштиёқни жуда кўплаб кишилар қалбига солаётганини табиий ҳол, деб қарашиб ўринилидир.

Кейинги йилларда ижод бўсағасига қадам қўйган кўплаб ёшлар орасида ўзининг дастлабки изланишлари билан китобхонлар назарига тушган, адабий жамоатчиликда фикр-мулоҳазалар уйғотган иқтиidor эгалари ҳам талайгина. Шулардан бири талантли ёш ёзувчи Нуриддин Исмоилов. Унинг дастлабки ҳикоялар тўпламига сўзбоши ёзган таниқли адаби Хуршид Дўстмуҳаммад Нуриддиннинг бадиий ижод сир-синоатларини эгаллаш йўлидаги саъй-ҳаракатларига ишонч билдирган. Адабиётшунос Абдулла Улуғов “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида эълон

қилингани мақоласида ёзувчининг бир асари таҳлили орқали унинг кўлга киритаётган ютуқлари ҳамда камчиликлар ҳақида фикр юритади. Айтмоқчимизки, Нуридин Исмоилов бугунги адабий жараёнда ўзининг ижодий услубини топиш учун дадил киришиб, ижод машақатларидан ҳайиқмай ҳаракат қилаётган ёзувчи сифатида ҳамкаслари, мунаққидлар эътиборига тушаётган ёшлардан.

Унинг янги “Омонат юр сири” деб номланган романни фавқулодда рўй берган ҳодиса тасвири билан бошланади. Кутимаган воқеаларнинг бир-бираига боғланиб келиши асарнинг охиригача давом этади ва айни шу жиҳат романнинг катта қизиқиши билан ўқилишини таъминлаган.

Ёш йигитлар — Бобур ва Дониёр тўғри иўлдан адашиб, жиноятчилар гуруҳига кириб қолишган. Улар “Шеф”нинг топшириғи билан боришаётшиб, енгил машинада ҳалокатга учрайди. Бунгача Бобурнинг бозорда лўли қизни ранжитгани ана шу баҳтсиз ҳалокатга бир ишорадай. Ҳалокатдан қаттиқ жароҳатланган йигитлар касалхонага тушишади. Бобурнинг кекса онаси Анбар опа ҳамда унинг опаси Наргиза унинг бошида парвона. Беморлар ҳолидан хабардор бўлиб турган дўхтирир Фатхулланинг эса э-ҳаёли Наргизада...

Муаллиф асар композициясини уч йўналишда драматик кечган воқеалар асосига қурган. Булар: Бобур ва унинг опаси Наргиза қисмати, жиноят гуруҳ тегасида турган Халил бойвачча ва унинг разолатга юз тутган қизи Лазокатнинг қулмишлари ва лўлилар тўдасининг сардори — гиёҳвано мoddалар билан ноқонуний шуғулланиб, жиноят кўчасига буткул шўнгигб кетган Бароннинг кирдикорлари. Булардан ташқари асарда Халил бойваччанинг тўннич қизи оқила Нилюфар, бойваччанинг юргурдаги Бердимурод сингари образлар ҳам борки, уларнинг хатти-ҳаракати сюжет линиясидаги воқеалар ривожини тўлдириб қолмай, китобхонга муайян майиши-ахлоқий хуросалар чиқаришга кўмак беради.

Детектив адабиётнинг, психологияк триллерлар ва илмий фантастиканинг асосчиларидан бири Аллан Эдгар По ҳикоя жанри ҳақида айтган бир фикри саргузашларга бой асарларни ўқиётганда бот-бот ёдга тушади. Ҳикоя бир ўтиришда ўқиб чиқилгандагина ҳикоя ҳисобланади, деган Эдгар По. Дарҳақиқат, асарнинг, айниқса, детектив асарнинг бош фазилати унинг ўтикир сюжетга қурилганида, китобхоннинг дикқат-эътиборини охирига тортиб туришида.

Нуридин Исмоилов “Омонат юр сири” романидаги саргузаштадебиётнинг ана шу жиҳатини пухта ўзлаштирганини намоён этган. Ундаги воқеалар бир-бира билан мантиқан мустаҳкам

бояланган ва мантиқан бири иккинчисининг давоми, аниқроғи, оқибати сифатида ўқилади. Муаллиф, биз юқорида айтган, асарадаги уч асосий сюжет линиясини қўлида маҳкам тутади ва уларни асосий мақсад — тўғри ўйлдан адашганинг аламли изтироблари, жиноят кўчасидагиларнинг ҳам оиласавий, ҳам шахсан жазога маҳкум кирдикорлари тасвири берилган саҳналари билан давом эттиради.

Ва, албатта, детектив асарларга хос бўлган персонаж — ички ишлар ходими Миркомилнинг — изкуварнинг бу саҳнада пайдо бўлиши воқеалар ривожига ўзининг ҳам сентиментал, ҳам профессионал таъсирини кўрсатади.

Романда муваффақиятли чиққан образлардан бири Халил бойвачча образи бўлса, таъсирчан чиққан саҳналар ҳам унинг оиласидаги можаролар билан боғлиқ. Муаллиф ёшлиарни жиноят кўчасига бошлаган бу кимсанинг характерини кўпроқ унинг нутқида кўрсатишга уринган. Манманлик, беписандлик, шафқатсизлик унинг феъл-авторига хос. Айни дамда китобхон унинг ичдан нураётган шахсини, таназзулга юз тутаётган турмуштуриши, оиласининг ахлоқан пароканда ҳолга келаётганини ва — булар барчасининг сабаб-оқибатларини аниқ-тиниқ кузатиб боради: қилимиш-қидирмиси, деган кўҳна ҳикмат бу жинояткор умрининг, оласи, айниқса, эрка қизи Лазокатнинг қисматида яққол намоён бўлади. Ноҳалол бойлик кетидан қувиш, ахлоқсизлик охир-оқибат кишини тубсиз жарлик сари етаклаши асарда воқеа-ҳодисалар, қисматлар ҳикояси орқали мантиқан асосланган.

Халил бойваччанинг шериги Барон ва унинг шотирлари фаолияти романнинг асосий персонажларига бевосита боғлаб юборилгани туфайли айрича бир характерлар ёки ҳаракатлар сифатида таассурот ўйнотмайди. Бароннинг лўли қиз Лолага майли кучлилиги асар воқеаларидаги интригани кучайтирган. Бир томондан Халил бойвачча ва юргурдаги Бердимурод, иккинчи томондан Барон ва шотирлари таъқиб-тазийклари остида Бобурнинг, Наргиза ва Лоланинг чеккан азоб-уқубатлари, Анбар опанинг мусибатлари китобхонда разиллик ва зўравонликка қарши нафрат ўйнотади. Ва шу нуқтада “Омонат гор сири” романнинг тарбияви ўзимияти бўртиб кўринади. Бу — биринчи навбатда, ҳар қандай жиноят жазога лойиқ, деган ҳаётий холосанинг асосли эканида. Қолаверса, адашганинг айби ўйқ, деганларидек, Бобур каби ёшлиарнинг тўғри ўйлдан тоийиб, жиноят кўчасига кириши ва бу кўчада ўз бошидан кечирган мусибатлари китобхон учун бир сабоқ бўларли.

Ноҳалол бойлик мисоли омонат горга бекитилган олтиндайдай. Уни осонгина қўлга киритишга интилганилар эса нафақат ўз

ҳаётларини таҳликаға құйышишади, балки иймон-эътиқодларини ҳам бойликка қурбон қилишлари тайин. Романдан келиб чиқадиган асосий маңнавий-ахлоқий хуласа ана шундай. Айни шу маңнода асарнинг номи — “Омонат ғор сири” ўзини оқлади.

Асардаги асосий образлар унинг якунида ўз қисматининг хотимасини күради: адашғанлар азоб-үқубатларни енгіб, хавфхатардан халос бўлишади, жиноятни касб этганлар эса панжара ортидан жой олишади. Аслида, ҳаёт мантиғи шуни тақозо этади.

Албатта, романда маромига етмаган ўринлар бор. Жумладан, шиддат билан давом топган сюжет чизиги асар охирига бориб бироз салқилашади: тугуннинг ечими китобхонда бироз осон ҳал этилагандай таассурот қолдиради. Шунингдек, Бароннинг Наргиза ва Лолага уларни ўрага ташлаб азоб беришлари, охир-оқибат тоққа олиб чиқиб камондан ўқ узид уларни овлаб ўлдириш билан роҳатланишига уринганлари воқеаларга ортиқ даражада шафқатсизлик тусини беришга уринишдек туюлади.

Нуриддин Исмоилов оммавий китобхоннинг қизиқиши доирасини жуда яхши билади ва айни шу жиҳатдан воқеалар ривожини драматик ҳолатларга қуриб, ўқувчи эътиборини тутуби туришга ҳаракат қиласи. Тан олиш керак, бу романнда у ана шунга эршиганд. Бироқ воқеалар баёнига берилеб кетиши қаҳрамонларнинг психологияк ҳолатларини чуқур таҳлия этиши ва ишонарли, таъсирчан күрсатишга халал берган. Муаллиф персонажлари тутган ҳолатларни, асосан, уларнинг ҳаёлларида кечганд фикр-ўйлари орқали асосламоқчи бўлади. Бу етарли эмас. Қаҳрамонларнинг фавқулодда қалтис қарорларга келиши, таҳликали ҳатти-ҳаракатларга қўл уриши ва бу уринишлар ўз ҳолича амалга ошиб кетавериши, эҳтимол, бадиият сирларидан хабардор бўлмаган, эстетик савиғаси шаклланмаган ўқувчиларда эътиroz тутдирмас. Бироқ ёзувчи буни назардан қочиришга ҳақи ўқ. Масалан, Бароннинг ёвузликлари баён этилган саҳналар, унинг шотирлари қўл урган босқинчилик ва қотилликлар реалик билан қайсиидир жиҳатлардан унчалик мувофиқ келмайди. Бу саҳналар, эҳтимол, оддий китобхонда катта таассурот уйғотиб, унинг қизиқишини ошират. Бироқ уларни бадиий асар, айниқса, роман талаблари даражасида кўрсатиш лозим.

Шунингдек, асарда изқувар Миркомил образи жуда яхши топилган, ўрнига тушган. Бу муҳим, керакли қаҳрамон аксар ҳолларда ўз вазифаси — романдаги вазифаси — нимадан иборатлигини тўла англаёлмай юради. Унга юкланган вазифа хийла енгил. Аслида, мана шу қаҳрамон романнинг локомотиви — етакчи образи бўлиши керакдай туюлади. Айрим қаҳрамонлар нутқи, лаҳжаса элементлари муваффақиятли чиқкан, бироқ асар-

нинг тили бироз бадиий бўёқлардан холи, қуруқроқ. Буларнинг барчаси ёш ёзувчининг бадиий маҳорати билан боғлиқ етишмовчиликлари, албатта. Маҳорат эса, ийлар давомида изчил изланишлар, ижодий мاشаққатлар эквазига орттириладиган юксак малака эканини назарда тутсак, Нуриддин Исмоиловнинг бугунги саъй-ҳаракатлари, хусусан, унинг истеъоди ва меҳнаткашлигидан далолат бериб турган “Омонат ғор сири” романни ёзувчининг бу йўлда чекинмаслигига, бадиий жиҳатдан ҳам пишиқ-пухта асарлар яратишига ишонч уйютади.

Аҳмад ОТАБОЕВ

Адабий-бадиий нашр

Ўзбек тилида

Нурилдин ИСМОИЛОВ

ОМОНАТ ФОР СИРИ

Саргузашт-детектив роман

Мұхаррір Ахмад Отабой

Дизайнер Сергей Бауэр

Техник мұхаррір Зокиржон Алибеков

Мусаффих Отабек Сафаров

СаҳифаловчиFaфуржон Мадалов

Босишга 23.01.2008 йилда рухсат этилди.

Бичими 84x108 1/32. Шартли босма табоги 9,24.

Нашр босма табоги 8,51. Адади 3 000.

08-521-сонли буюргта.

Нархи шартнома асосида.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилди.
100129, Тошкент, Навоий кӯчаси, 30.

РАСПРОДАЖА